

Ю.Е.МАХМУДОВ, Х.Ж.ХУДОЙКУЛОВ,
Э.Ж.ХОЛМИРЗАЕВ, З.Ж.ХОЛМИРЗАЕВ

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**Ю.Ф. МАҲМУДОВ, Ҳ.Ж.ХУДОЙҚУЛОВ,
Э.Ж.ХОЛМИРЗАЕВ, З.Ж.ХОЛМИРЗАЕВ**

**ПЕДАГОГИКА
ВА
ПСИХОЛОГИЯ**

ТОШКЕНТ – 2011

УДК: 37.015. 3 (075)

ББК: 74.00я73+88я73

П240

Педагогика ва психология: ўкув кўлланма / Ю.Ф. Махмудов (ва бошк.); масъул муҳаррир Ю.Ф. Махмудов. – Т.: DIZAYN-PRESS, 2011. 236 б.

1. Махмудов, Ю.Ф ва бошк.

УДК: 37.015.3 (075)

ББК: 74.00я73+88я73

Уибу ўкув қўлланма бакалавриат Давлат таълим стандартларига асосланган бўлиб, "Педагогика ва психология" фанлари ихтисослиги касбий таълим бўлмаган олий таълим муассасаларида бакалавриат йўналишилари учун ўқитишга мўлжалланган. Ўқув қўлланмада "Педагогика ва психология" фанларига оид билим асослари кетма-кет ва изчил баён этилган. Унда талабаларнинг ўзига хос тарбиявий жиҳатлари баён қилинган.

Ўқув қўлланма талабаларни тарбиялаш, ўз-ўзини, англаши ўзгаларни билиши, турли вазиятларда ва гуруҳларда муомала қилиши сирлари, эркин, мустақил фикрлаш усуллари, психик ҳодисалар ва қонунларни билган ҳолда, уларни бошиқарishi тўғрисидаги маълумотлар билан танишиширади.

Масъул муҳаррир: Ю.Ф. МАҲМУДОВ – педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: **Х.Т. ОМОНОВ** – педагогика фанлари доктори, профессор;

Б. ҚОДИРОВ – психология фанлари доктори, профессор

*Тошкент вилоят давлат педагогика институти
Илмий кенгашин нашрга тавсия этган.*

ISBN 978-9943-20-013-5

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти, 2011

МУНДАРИЖА	
КИРИШ	5
ПЕДАГОГИКА	
1-мавзу. Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари	9
2-мавзу. Миллий фоя, миллий мағфуранинг педагогик асоси ва инсоннинг бетакрорлиги	19
3-мавзу. Мутахассис шахсини шакллантиришнинг биологик ва психологик асослари	27
4-мавзу Педагогика фанининг илмий педагогик, тадқиқот услублари	33
5-мавзу. Тарбия жараёни ва тарбия услублари	41
6-мавзу. Тарбиянинг таркибий қисмлари	48
7-мавзу. Таълим жараёни ва мутахассислик	64
8-мавзу. Таълим тамойиллари, услублари ва воситалари	83
9-мавзу. Таълим-тарбия тизимини бошқариш ва оиласда тарбия асослари	92
ПСИХОЛОГИЯ	
1-мавзу. Психология фанининг вазифалари, предмети, психология билимларнинг тутган ўрни	108
2-мавзу. Психологиянинг замонавий услублари ва уларни амалиёттга татбиқ этиш. Амалий психологиянинг бозор муносабатлари шароитидаги имкониятлари	117
3-мавзу. Психологияда шахс ва жамият муаммоси, шахсга таъсир этувчи психологик омиллар	129
4-мавзу. Шахс фаолиги. Фаолият турлари ва уларни бошқариш	150
5-мавзу. Шахснинг ижтимоий борликни билиши. Билиш мезонларидан идрок, хотира, диккат ва тафаккур жараёнларини бошқариш ҳамда мантикий фикрлаш	162
6-мавзу. Шахснинг индивидуал ҳусусиятлари ва уларни диагностика килиш	178

7-мавзу.	Шахс тараккиётининг ёшга боғлиқлик хусусиятлари. Ўспирийлик ва етуклик даврлари психологияси	197
8-мавзу.	Шахс инсоний муносабатлар тизимида. Муомала психологияси	214
9-мавзу.	Гурӯҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиши. Гурӯҳларнинг турлари	225
	Фойдаланилган адабиётлар	237

КИРИШ

Бугун юртимизда мустақил ҳуқуқий демократик давлат, эркін фұқаролик жамият қуриш йүйлідеги улкан ишлар үзлигини аңглаш имкониятларини рұybغا чиқаришга ва маңнавий интеллектуал, ақлий-амалий ривожланиш учун янги шарт-шароитлар яратыб бермөкдә. Бу эса үз навбатида инсоният яратган маңнавий бойликларга, инсоннинг үзиге янгича муносабат ва ёндашувни юзага келтирди. Бундай янгича ёндашишлар педагогика ва психология фанининг объекти ва предмети күләмини кенгайтируди. Энди педагогика ва психология фанлари фақат таълим-тарбия жараёнини илмий-назарий, услугбий-амалий таъминловчи фан эмас, балки комил инсон шаклланишини, ривожланишини таъминловчи көң соҳаларни үз ичига олади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридаги миллий таълим моделида шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида қаралади.

Маълумки, педагогика ва психология фанлари тарбия-таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли, мутахассис шаклланишида таълим тизими, унинг рухий холатини үз ичига олмайдыган этник-антропологик, генетик-тарихийлик, мустақиллик, табиий-экологик, интуитив, рухий-хиссий билиш, ривожланиш, комиллик омилларига сұянади. Бундан ташқари, педагогика ва психология фанлари олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мағкурунинг көң қамровли сифатларини шакллантириш вазифалари күйилди.

Педагогика таълим-тарбияда ҳаёт жараёнининг ҳамма жабхаларини қамраб олмаса-да, лекин у үзининг комил инсон тарбиясидаги катта имкониятларга эга бўлган асосий ижтимоий фан мавқеини эгаллай олган бўла олади. Шунинг учун янги таълим концепциясида ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг устувор йўналиши килиб белгиланди.

Педагогика фанининг методологиясида, мазмунида, таълим-тарбиянинг ташкилий шаклларида, комиллик даражаси сифатларини аниклашда катта үзгаришлар бўлди. Бу үзгаришлар замонавий таълим технологияларида үз асосини топиши лозим.

Педагогика ва психология ҳакли равищда табиатнинг олий маҳсули, инсоннинг маънавий-амалий шахс сифатида ривожланиши, комил инсон шаклланиши қонуниятларини, мутахасислик асосларини ўргатувчи устувор фанларга айланди.

Инсон ўзлигини англашга янгича ёндашиши факат унинг ўзига, жамиятга, табиатга муносабатларида эмас, балки унинг фаолиятида назарий-амалий ўзгаришлар содир бўлиб, у янгича фикрлаш асосларини эгаллашга қадам қўйди.

Шу тарика инсоният тараккиётида янги сифат ўзгаришлар юз берадиганлигининг шохиди бўлмоқдамиз. Талабалар педагогиканинг методологик асосланишидаги ўзгаришларни ва янгича фикрлаш асосларини эгаллашлари, бой тарихий-тарбиявий меросни, ватанимиз ва хориж педагогларининг илғор тажрибаларини ўрганиб, инсоний-маънавий, ижодий, маҳсулий сифатларни ўзларида шакллантиришлари зарур.

Бизнингча, олий таълим муассасалари учун педагогика ва психология курсларини ўқитишни куйидаги талаблар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1) фан асосларини онгли эгаллашни ва талабаларнинг интеллектуал маънавий ривожланишлари билан қўшиб олиб боришининг педагогик ва психологик асосларини очиб бериш;

2) талабаларни инсоният эришган бой қадриятларга, миллий гоя ва миллий мафкурага сунянган ҳолда, педагогика ва психология фанларининг ўзига хос назарий-амалий асослари билан куроллантириш;

3) бола, ўкувчи, талаба тушунчаларини абстракт ҳолда эмас, балки маънавий сифатларни таърифлаган ҳолда, бу сифатларни ёшга, фалсафий, физиологик, психологик ва генетик асосларга боғлик ҳолда шакллантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чикиш. Бу ишни ҳар бир фаннинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи жиҳатларини очиш орқали амалга ошириш лозим. Бунда ҳалқ педагогикаси ва этнопедагогикадан кенг фойдаланиш;

4) Кадрлар тайёрлаш Миллий моделини ҳаётга жорий қилиш учун талабаларни ўкув фанлари курилишининг умумпедагогик, умумдидактик асослари билан куроллантириш. Талабаларда

таълим, фан, ишлаб чиқаришни самарали интеграциялаш механизмлари, мазмуни ва услубларини шакллантириш мақсадида ўқитишни илмий тадқиқот билан қўшиб олиб бориш. Фанлар бўйича ҳар бир тушунчани ўзлаштиришда назарий-амалий машғулотлар узлуксизлиги ва узвийлигининг педагогик, психологик асосларини шакллантириш;

5) ҳар бир ўкув фанининг алоҳида соҳа сифатида ривожлантирилишини педагогик таъминлашда талабаларни мустакил ва ижодий фикрлаш борасида мутахассислик педагогикаси ва психологияси асослари билан қуроллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов миллый мафкурани шакллантириш ишининг ҳаётий зарурати ва долзарблиги ҳақида гапирав эканлар, "Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллый мафкурани шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз, тарихий қадриятларимизга хурмат-эҳтиром, мустакил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни кўймоқда" деб алоҳида таъкидлайдилар. Бу вазифалар, биринчи навбатда, келажакнинг бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юкори малакали кадрлар бўлиб, ўз юрти ва халқига сидқидилдан меҳнат қилиш, озод юрт равнақи ҳамда баҳт-саодати учун халол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутади.

Зеро, мустакиллик айнан фидойи, ўз Ватани манфаатларига садоқатли, юкори малакали кадрларнинг жамиятни бошқарини тақозо этади.

Талабалар хукмига ҳавола этилаётган ушбу ўкув кўлланма мустакилликнинг бизга яратган чексиз имкониятлари, мустакил ва ижодий тафаккур қилишнинг дастлабки меваларидан. Чунки замонавий кадрлар олдига кўйилаётган муҳим вазифалардан бири-малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилиятларини, индивидуаллигини, шахсий фазилатлари ҳамда хислатларини билган тарзда атрофдагилар меҳнатини оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали, унумли меҳнатнинг барча соҳаларида иктидорли касб эгаси сифатида фаолият кўрсатишдан иборат.

Бу ўринда инсон рухияти қонуниятларини ўрганувчи психология фанининг ўрни катта. Ёш авлодни Давлат таълим стандартлари асосида, жаҳон талабларига жавоб берувчи мутахассислар килиб тарбиялаш иши олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар учун янги дарсликлар, ўкув- услубий кўлланмалар, маъruzалар ишламалари, слайдлар, виртуал стендлар, тарқатма ва дидактик материаллар, рисолалар тайёрлашнинг янгича услубларини талаб этмоқда.

Мазкур кўлланма ўкувчи-талабаларга педагогик ва психология билимлар асосларинигина берса-да, умид қиласизки, уларни ўз теварак-атрофида рўй бераётган ислоҳотларга баҳо бериш, ўзи ва ўзгалар рухиятига бефарқ бўлмаслик, ўз лаёкатларини ривожлантириш воситаларидан боҳабар бўлишларига ёрдам беради.

Ўкув кўлланма педагогика ва психология асослари бўйича билимлар бергани ҳолда, унинг ҳар бир мавзуси якунида тавсия этилган топшириклар, машқлар ва мустакил бажариш учун берилган мавзулар талабаларни ўз устида мустакил фикрлашга, ижодий ишлашга ўргатади. Педагогика ва психологиянинг бошқа масалаларини мустакил ўрганишга, руҳий ҳодисаларни таҳлил этишга кўмаклашади.

ПЕДАГОГИКА

1-мавзу. Педагогиканинг предмети, мақсад ва вазифалари

1. Жамият ва олам ривожида педагогиканинг моҳияти.
2. Жамият ва оламнинг уйғун мувозанатида инсон омили.
3. Педагогика обьекти ва предметининг тақомиллашганлиги.
4. Педагогиканинг мақсади, вазифалари ва асосий тушунчалари.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида (1997 й.) таълим давлатимиз ижтимоий таракқиёти соҳасида устувор деб эълон килиниши педагогика фани зиммасига катта масъулиятли, улуғвор вазифаларни юклади. Бой илмий, маънавий, маданий, диний меросимизнинг қайта тикланиши уларни замон руҳи талаби билан уйғулаштириб, факат шахсий, миллый манфаат касб этибгина қолмасдан, балки умумжаҳон маънавий, ижтимоий, иқтисодий таракқиётiga улкан хисса бўлиб кўшилмоқда. Чунки жаҳонда ҳали Ўзбекистон давлатиЧалик бозор иқтисодиётiga ўтиш тажрибаларида маънавият ижтимоий, иқтисодий таракқиёт билан уйғун ҳолда ривожлантирилмаяпти.

Президент И. А. Каримов маънавиятнинг ақл, ахлоқ, онгли амалий фаолиятда шаклланиб ривожланиши ҳақида галириб: "Маънавият-тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва вижданан ақл, кўл билан меҳнат килиши керак" деган эдилар. Маънавият инсонда шаклланиши лозим бўлган ақлий, ахлоқий, интеллектуал, амалий, жисмоний сифатлар мажмуаси бўлиши билан бир каторда, оламнинг руҳий энергетик, ботиний куввати билан ҳам уйғун. Буни Президент И. А. Каримов ўзларининг "Ўзбекистон XXI асрга

интилмоқда" номли маъruzаларида куйидагича асослаб бердилар: "Маънавият ҳакида гап кетар экан, энг аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг имон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман". Худди ана шу янги, кенг қамровли, чукур илмий фоя, янгича фикр, таълим-тарбиянинг янгича методологик асосини бошлаб берувчи йўналиш.

Хар бир мустакил фан ўзининг предмети ва методологик асосларига эга. Жумладан, педагогика фан сифатида шаклланиб, ўзининг предметига эга. Бошқа фанлар сингари педагогика фан сифатида, энг аввало, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида пайдо бўлган. Шу сабабли тарбия жараёнини ижтимоий ҳётнинг ажралмас кисми, деб қараш лозим. Чунки тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб, жамиятни, унинг ривожланишини тасаввур қилиш кийин.

Мутафаккир олим Абдулла Авлоний "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи" деб таъкидлаган. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият мавжуд бўлган.

Инсоннинг дунёга келиши, факат туғилишидан иборат бўлган табиий-биологик ҳодиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасининг тараққиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараённинг фаол иштироқчисига айланishi, яъни тарбия олиши керак. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва меҳнат тажрибасини, билим, кўнкима ва малакаларини кичик авлодларга бера бошлайди. Янги туғилган боланинг ривожланиши, шаклланиши ва вояга етиши жараёнига раҳбарлик қиласи, бошқаради. Бу тарбия деб аталмиш ижтимоий ҳодиса орқали амалга оширилган.

Жамият ривожлангани сари етук, баркамол шахсларни етиштириш эҳтиёжи хам ортиб боради ва ўзгариб, янгиланиб, жамиятга хизмат қиласи. Инсоният жамиятнинг турли босқичларида таълим-тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни назарий жихатдан анг-

лаш ҳамда умумлаштириб ҳаётга татбиқ килиш жараёнида педагогика фани пайдо бўла бошлади. Педагогика таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари, Давлат таълим стандартлари, таълим ва тарбиянинг услублари, ташкил этиш шакллари, умуман унинг конуниятлари ҳакида билим, маълумот берадиган фанга айланди.

Педагогика атамаси қадимий бўлиб, "бола етакловчи" деган маънони берувчи юононча "пайдогогос" сўзидан келиб чиккан. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, қадимги Юнонистонда ўз хўжайинининг болаларини сайр килдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини, яъни қулларни "педагог" (бола етакловчи) деб аташган. Кейинчалик эса маҳсус ўқитилган ва педагогликни ўзига қасб қилиб олган кишиларни педагог деб атай бошлашган.

Инсон яратилиши, пайдо бўлиши заҳотиёқ илм ва тарбиявий сифатлар ўзининг яшаши, ҳаёт кечириши учун энг зарурӣ восита эканлигини англаб боради. Шунинг учун инсоният жамиятнинг илк кўринишлариданоқ тарбия билан шугууланувчи мутахассисларга эҳтиёж туғилди, десак биз тарбиянинг факат бир томонини, яъни бошқаларни, агар ёшларни тарбиялаш десак, тарбия тушунчасига жуда ҳам тор қаралган бўлади. Чунки тарбия, энг аввало, ҳар бир инсонни ўзига қаратилган. Ҳар бир киши доимо аклий, тарбиявий, жисмонан такомиллашиб, шаклланиб боради. Айрим кишилар бу фикрга қўшилмасликлари мумкин. Чунки бунда жамиятдаги ўрта, катта авлод тарбиясида камчиликлар, етишмовчиликлар бор эканда, деган хулоса чиқарилмаслиги керак.

Инчунин, оламнинг моддий-маънавий тузилиши, курилиши, унинг ривожи, инсоннинг моддий-маънавий яшаши шароити, имкониятлари, унинг аклий, ахлоқий, жисмоний ҳолати билан узвий боғлик. Шунинг учун табиатнинг инсон яшаши, мавжудлиги, баҳтиёргигини таъминлаш имкониятлари, унинг аклий-ахлоқий, жисмоний ривожига, ўсишига тўғридан-тўғри боғлик.

Табиат ва жамиятдаги муаммолар инсониятни маънавий-аклий ривожланишга йўналтириб, унга ўзининг янги-янги ҳазиналарини очиб беради.

Тарбия, энг аввало, инсоннинг ўзига қаратилганлиги Прези-

дент И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бутун дунё ҳамжамияти тан олган, боскичма-боскич амалга оширилаётган "Ўзбек модели"да тўғри белгиланди. Дунёда илк бор иисон диккат-эътибори унинг ўзлигини англашга қаратилди. Ўзлигини англаш, биринчидан, унинг озод ва эркин улуғ сиймолигини англаш ва ўзида унга амал килиш сифатларини шакллантириб бориш бўлса, иккинчидан, унинг ўзига хос миллий-инсоний сифатларини очиб берувчи этник, маънавий-инсоний асосларини англаш ва уларга амал қилишдан иборат. Юкорида санаб ўтилган икки сифат комил инсон сифатининг асосини ташкил этади. Чунки комил инсон сифатлари тарбия соҳасидаги илмларни хуласалаб, мужассамлаштирилганда, уч асосни ўз ичига олади:

- эзгу ният, фикр;
- эзгу сўз, хушмуомала;
- эзгу иш, эзгу фаолиятдан иборат.

Юкоридаги уч асос ўқитищ, таълим-тарбиянинг бош мақсадидан иборат. Бош мақсад инсонларда, ёшларда, мутахассисларда комиллик сифатларини такомиллаштириш, ёшларни замонавий, ахлоқий-амалий кўнкима ва малакалар билан қуроллантира бориш, мутахассисларда ҳар бир соҳага мос билим, кўнкима ва малакалар ҳосил қилишдан иборат бўлган педагогика фанининг замонавий фан асослари билан кенгайганилиги ни кўрсатади.

Педагогика фанининг предмети. Ўқитища таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, услублари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун унинг методологик асослари, мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожида шахс камолотининг уйғунлиги қонуниятлари ва давлат сиёсатидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараккиётида устувор соҳа деб эълон килинди.

Таълимнинг ўқитищ вазифаси фуқароларнинг асосий Конституциявий ҳукуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ақлий-амалий имкониятларини рӯёбга чиқариш, ижодий қобилиятла-

рини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожини таъминлаш, ўзи хоҳлаган касбини танлаши, уни мукаммал эгаллаб, шу соҳада ижодий фаолият кўрсатиш учун моддий-маънавий, тарбиявий-дидактик шарт-шароит яратишдан иборат. Бу умумий вазифадан таълимнинг хар бир бўғини, тури ва боскичларига хос вазифалар келиб чиқади.

Инсоншунослик фанлари тизимида педагогиканинг тутган ўрни шу билан белгиланадики, у шахсни ривожлантириш, шакллантириш, тарбиялаш, маълумотли қилиш ҳамда ўқитиш (таълим бериш) қонуниятлари борасида тадқиқот ишларини олиб боради. Шу сабабли ривожлантириш, шакллантириш, таълим ва тарбия, маълумот педагогиканинг асосий тушунчалари бўлиб хисобланади.

Шахс турли омиллар таъсирида шаклланади. Тарбия эса шахсни шакллантирувчи, ривожлантирувчи омиллардан бири. Катта ёшлилар турли воситалар ва услублар оркали маълум мақсадни кўзлаган ҳолда, ўз тарбияланувчиларида маълум хислатларни ҳосил қилиш ва ривожлантириши ҳоҳлайдилар. Шундай қилиб, тарбия шахсни муайян йўналишда шакллантириш ва камол топтиришга қаратилган ижтимоий муносабат.

Бу жараёнда шахс ривожланишини харакатлантирувчи кучлар, омиллар ва тарбияланувчиларнинг ёши, шахсий хусусиятлари эътиборга олинади. Тарбия жараёнида микромухитнинг ижобий таъсиридан тўла фойдаланилади ва салбий таъсирини заифлаштиришга ҳаракат қилинади. Тарбия бор жойда тарбияланувчиларга таъсир кўрсатадиган барча бўғинлар бирлашиб, ахиллик билан ишлашга эришилади. Ҳар бир шахс ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятига эга. Тарбия аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилиб, таълим, маълумот ривожланиш жараёнларига кирадиган ишларнинг мазмунини англатади. Уларнинг натижаларини ўзида акс эттиради.

Асосий педагогик тушунчалардан яна бири таълим, яъни ўқитиш, билим бериш тушунчаси. Таълим деганда, биз ва инсониётни илмий билимлар, хаёт учун зарур бўлган кўникумга ва малакалар билан куроллантириш, қобилиятларини ўстириш, тафаккурларини шакллантириш жараёнини тушунамиз. Таълим ўз даражаси ва вазифасига караб, мактабгача таълим, умумий

ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ва олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташкари таълимдан иборат бўлиб, улар узлуксиз таълим тизимини ташкил қиласди. Келажакдаги ихтисослигидан қатъи назар, ҳар бир киши учун билим, кўникма ва малакалар умумий ўрта таълим мактабларида берилади. Қасб эгаллаш учун зарур билим, кўникма ва малакаларни олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида оладилар. Таълим маҳсус тайёргарлик кўрган, педагогик фаолият билан шуғулланиш хуқуқига эга бўлган шахслар раҳбарлигига амалга ошириладиган билим бериш жараёни.

Таълим педагогларнинг билим бериш ва ўкувчи-талабаларнинг билим олиш, ўкиш фаолиятларидан иборат қўшалок жараён.

Биргаликдаги фаолият орқали ўкувчи-талаба назарий билим, амалий кўникма ва малакалар билан куролланади. Пировард натижада, уларнинг ижодий қобилиятлари ҳар томонлама шаклланади. Маълумот таълим-тарбия жараёнининг натижаси орқали тўпланган билим, кўникма ва малакалар йигиндиси ва шаклланган маънавий фазилатлар мажмуи.

Маълумот олишнинг тўғри ва ишончли йўли Давлат таълим стандартлари бўйича билим берадиган, аниқ мақсадли режалар, дастурлар асосида таълим муассасаларида ташкил қилинадиган таълим-тарбия жараёни.

Таълим-тарбия, маълумот, ривожланиш, шаклланиш уйғунлашган ягона жараён. Унда ўқитувчи-тарбиячи раҳбарлик қиласди. Педагогика фан сифатида узок тарихий жараёнда шаклланар экан, ҳозирга келиб илмий билимларнинг мустакил бир тармоғи тарзида, фан сифатида шаклланди. Ўзининг илмий-назарий, услубий, амалий асосларини яратди. Пировард натижада, педагогика фанлари тизими, яъни унинг тармоклари вужудга келди. Якин вақтгача фалсафанинг бир тармоғи ҳисобланган педагогиканинг мустакил янги йўналишлари яратилди. Жумладан, педагогика тарихи мустакил фан тармоғи сифатида, педагогика фанининг тарихан ривожланишини ўзида акс эттиради. Бунда ўтмишдаги илғор педагогик ғояларнинг пайдо бўлиши,

ривожланиши, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, меросдан фойдаланиш зарурияти ҳақида фикр юритилади.

Педагогика фанлари тизимида тарбияланувчиларнинг ёшига қаратилган тармок мавжуд. Жумладан, мактабгача таълим педагогикаси, умумий таълим педагогикаси, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими педагогикаси, олий таълим педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси, педагогик менежмент, даволаш педагогикаси, геронтопедагогика, ҳарбий педагогика, янги педагогик технологиялар кабилар. Бу тармоқлар мактабгача таълим муассасаларида, умумий, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими, олий таълим муассасаларида олиб борилади ва таълим-тарбия жараёнининг қонуниятларини ўрганади. Бундан ташкари, дефектология деб аталувчи маҳсус педагогика ҳам шаклланди, маҳсус таълим муассасаларида ўқитувчи, тарбиячилар тайёрлашда сурдопедагогика (соқов болаларни ўқитиш ва тарбиялашда), тифлопедагогика (кўзи ожиз болаларни ўқитиш), олигофрена педагогика (аклий ривожланишдан оркада қолган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш) логопедия (нутки яхши ривожланмаган болаларни ўқитиш) масалалари билан шуғулланади.

Педагогика фанлари тизимининг муҳим тармоғи сифатида хусусий фанларни ўқитиш қонуниятларини ўрганувчи услубиёт фанининг хизмати бекиёс. Ҳар бир фанни ўқитишнинг ўзига хос услублари мавжуд. Баъзан бу фанни хусусий услубиёт деб аташлари ҳам бежиз эмас. Ҳозирги кунда таълим муассасалари ўқув дастурига тарих ўқитиш, математика ўқитиш, тил ўқитиш услубиёти фанлари киритилган.

Кейинги йилларда оила педагогикаси, қасб-хунар таълими педагогикаси, ҳарбий педагогика, спорт педагогикаси каби фанлар шаклланмокда. Педагогика мустақил фан сифатида шахс камолоти билан боғлик муаммоларни ҳал этишда бошка фанлар билан яқиндан ҳамкорлик килади. Педагогика умумий психология, ёшлар психологияси билан узвий боғланган. Психология шахснинг турли ёшдаги психик ривожланиш қонуниятларини, таълим-тарбия таъсирида инсон психикасининг ўзгариш механизмини тушунтиради. Шундай экан, таълим-тарбия жа-

раёнида педагог тарбияланувчиларнинг психик ривожланиши ва шахсий сифатларини ўрганиши жуда муҳим. Шундагина педагог самарали таъсир кўрсата олади.

Педагогика инсон дунёқарашининг шаклланиши, жамият ва шахснинг ўзаро муносабати хамда билищ фаолияти муаммоларини ўрганувчи фалсафа билан ҳамкорлик қиласди. Айниқса, ахлоқий тарбия билан этиканинг, эстетик тарбия билан эстетиканинг ўзаро алокалари ҳаммага маълум.

Кейинги йилларда педагогиканинг социология, сиёsatшунослик фанлари билан алокалари ривожланмокда. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий муҳитнинг шахс ривожланиши ва тарбиясига таъсирини ўргатишда педагогика бу фанлар билан ҳамкорлик қиласди.

Педагогика тарих, этнография, фольклор (халқ оғзаки ижоди) каби фанларнинг ютуқларидан самарали фойдаланмокда. Бугунги кунда педагогик жараён мөҳиятини чукурроқ англаш учун унинг ўтмишдаги шаклланиш тарихини яққол тасаввур қилмок даркор. Бундай шароитда тарихий меросга, фольклор манбаларга мурожаат килинади. Шахснинг жисмонан етуклиги ва баркамоллигининг ажralмас қисми. Педагогикада жисмоний тарбия тўғрисида фикр юритилар экан, ёшлар физиологияси ва гигиенаси тўғрисидаги билимлардан фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сўнг ўз тарихини, жумладан, педагогика тарихини ўрганиш учун кенг йўл очилди. Ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шухратини тиклаш, уларнинг ғояларини ҳаётта жорий этишдек, улуру ишлар амалга оширилмоқда.

Тарбия тарихини ўрганарап эканмиз, унинг жуда кадимиј жараён эканлиги, инсоният бутун ҳаёти давомида тарбия билан шуғулланганлигига амин бўламиз. Бу жараёнда аждодларимиз тарбиянинг таъсирли йўллари, услублари ва манбаларини ҳаётга татбиқ килганлар. Бунинг натижасида тарбия ҳақидаги ғоялар, назария ва тавсиялар пайдо бўла бошлаган. Бу педагогика фа-

нининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Жаҳон мутафаккирлари ўзларининг педагогик ғоялари билан педагогика фанининг ривожланишига салмоқли хисса қўшдилар. Бу жараёнда ўзбек мутафаккирларининг жаҳон педагогикаси тарихига қўшган ҳиссалари чексиз.

Тарихга назар ташлар эканмиз, тарбия ҳакидаги ғоялар эрамиздан олдинги VI асрда шаклланганлиги ҳакида маълумотлар мавжуд. Кейинги даврларда педагогик ғояларнинг шаклланишида зардуштийлик таълимотининг муқаддас китоби "Авесто"да қимматли фикрлар талқин этилган. Кишилик тарихида ислом таълимотининг тарбия ҳакидаги ғоялари шаклланишида ахамияти чексиз. Ҳадиси шарифда мусулмон ахлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, эътиқоди, ҳар томонла ма баркамоллиги каби инсоний сифатларни шакллантириш йўллари баён қилинган.

Тарихдан маълумки, тарбия ҳакидаги ғояларнинг шаклланишида Имом Бухорий, Исо ат-Термизий, Форобий, ибн Сино, Беруний, Юсуф Ҳожиб, Яссавий, Накшбандий, Навоий, Беҳбудий, Авлоний ва бошқа қардош ҳалқлар мутафаккирларининг хизматлари катта.

Мамлакатимизнинг яқин ўтмишидаги тарихига назар ташлар эканмиз, ўзбек ҳалқи ўз тарихини, миллий урф-одатларини, умуминсоний қадриятларини билиш ва ўрганиш учун курашган Фитрат, Мунаввар Қори, Элбек, Қодирий каби алломаларимиз катл қилинди. Аммо катагонлик даврида ҳам педагогик меросни ўрганиш тўхтамади. Навоий, Беруний, Авлоний каби ларининг ижоди ўрганилди, ўзбек ҳалқ педагогикаси яратилди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши билан она тилини чукур ўрганишга алоҳида эътибор берилаяпти. Бундан ташқари, мустакиллик йилларида лотин алифбосидаги ёзувга босқичма-босқич ўтилмоқда. Айникса, таълимни ислоҳ қилиш жараёнида тест, рейтинг услубларининг кўлланилиши иқтидорли талабаларни аниқлаш ва ўқитишда мухим роль ўйнамоқда.

Таълим тизими босқичма-босқич ислоҳ қилинаяпти. Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "Хаётимизни ҳал қилувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талабига кўтариш, баркамол автолимиз келажагига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор", – деган эдилар.

Педагогика таълим ва тарбияда ҳаёт жараёнининг ҳамма соҳаларини қамраб олмаса-да, у ўзининг комил инсон тарбиясида катта имкониятларга эга бўлган асосий ижтимоий фан маъқеини эгаллай олмаган бўлади. Шунинг учун ҳам "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да таълим ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг устувор йўналиши килиб белгиланди. Педагогика фанининг методологияси мазмунидаги тарбия назариясида, таълимнинг ташкилий шаклларида, комиллик сифатларини аниклашда катта ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришлар янги педагогик технологияларда ўз аксини топиши лозим.

Педагогика фанида бу улуғвор вазифа ҳар бир ўкув фанини ўқитища "Миллий таълим модели"дан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу, тушунчаларнинг таълими, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифалар методологик тарбия назарияси ва амалиёти, таълим назарияси ва амалиёти, таълим тизимини бошқариш, педагогика тарихига доир бўлимларда асослаб берилади.

Таянч сўз иборалари

Маънавият, ақлий, ахлокий, амалий, жисмоний сифатлар, тарбия, таълим, эзгу ният, эзгу сўз, эзгу иш, предмет, объект, этнография.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. "Педагогика" атамаси қандай маънони билдиради?
2. "Педагогика" фанининг предмети нимадан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қачон қабул

килинди? Максади нимадан иборат?

**4. Синф-дарс тизими ким томонидан ва қачон қабул қилинган?
Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. –Т., 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". –Т., 1997.
3. Каримов И.А. "Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори". –Т., 1997.
4. Каримов И.А. "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман". –Т., 2000.
5. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма. Проф. А.Зуннунов таҳрири остида). –Т.: Ўқитувчи, 1997.
6. Педагогика (қўлланма. А.К.Мунавваров таҳрири остида). – Т., Ўқитувчи, 1996.
7. Педагогика (ўкув қўлланма. Проф. А.Ильина таҳрири остида). –М., 1984.
8. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. Таълим ва тарбия журнали. 1997. 5–6 сон.
9. Педагогика (маъruzалар матни. Проф. Н.Р.Файбуллаев таҳрири остида). –Т.: Университет, 1999.

2-мавзу. Миллий ғоя, миллӣ мағқуранинг педагогик асоси ва инсоннинг бетакрорлиги

1. Миллий роянинг маъноси ва педагогик моҳияти.
2. Миллий мағқура маъноси ва педагогик мазмуни.
3. Инсоннинг нодир ва бетакрорлиги миллий маънавиятимиз асоси.
4. Инсоннинг нодир ва бетакрорлиги ҳамда мутахассислик.

Бой маънавий кадриятларимизга муносабатни белгилашда

Президент И.А.Каримов мақсад фақат илмий-маданий меросини ўрганиш эмас, балки бетакрор хазинамиз назарий-амалий тамойилларининг янги даврга хизмат килувчи қирраларини очиш, уларни ҳаётга таббик килишдан иборат эканлигини мустақилигимизнинг илк кунлариданоқ белгилаб берган эдилар.

Президент И.А.Каримов миллий фоя, миллий мафкура ҳар кунги ҳаёт шароитларидан келиб чиқиши билан бирга, ҳар бир фукаронинг, давлатнинг, миллатнинг истиқболидан келиб чиқиши ҳақида тўхталиб, "Фидокор" газетасининг муҳбири билан (2000 йил, июнь) "Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" номли мулоқотларида шундай деганлар: "... мафкура- жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмуни, интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бўлади. Демак, шундай экан улар ўз тараккиёт йўлини, эрганги кун уфкларини ўзининг бояси, мафкураси орқали белгилаб олишга интилади".

Маънавият – арабча бўлиб, "маъно" ёки "маънавиятун", "маънои фоя" сўзларидан олинган бўлиб, "рухий ҳолат" деган маънони англатади.

Фоя – инсонларнинг эзгу ният ва фикрлари асосида амалга оширилаётган жараёнлар, ишлар, истиқбол режалари, тамойилларидан иборат.

Мафкура – муайян тузум даврида инсонларнинг давлатга, жамият ўз-ўзига, ҳалқига, оламга муносабатлари ва улар ривожининг маънавий-илмий тизимидан иборат.

Миллий мафкура – ҳалқимизнинг маданий, маънавий, маърифий менталитети, фоялари асосидан амалга оширилаётган ишлар, жараёнларда тутаётган йўли, давлатга, жамиятга, оламга, ўз-ўзига, тараккиётга муносабатлар тизимидан иборат.

Мақсадимиз аниқ мустақил, ҳукукий демократик давлат куриш, эркин фукаролик жамияти асосида ҳалқимизни фаровон ҳаётга эриштириш. Шу мақсаддага эришиш йўлида фикр эркинлиги, фаолият озодлиги асосида инсоннинг асл қадри мохиятини рўёбга чиқара бориб, "Инсон хазинасини очиш". Бу ҳакда Президент И.А.Каримов "Фидокор" газетаси (2000 йил, июнь)

мұхбириңнинг саволига берган жавобларида шундай деган эдилар: "Үз мустақил фикрига зәғін болған, үз күчига, үзи танлаган йүлнинг түғрилигига ишонған инсон доимо келажакка ишонч билан қарайды. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чүчи-майды, балқи замонавий билим ва фалсафий қарашларга, хаёт ҳақиқатига суяңған ҳолда, ҳар кандай ғараздлы ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади".

Фикр ва фаолият эркинлиги аслида инсоннинг нодир ва бетакрорлигига асосланган. Чунки инсоннинг ўзлигини англаши, унинг нодир ва бетакрорлигини англашидан бошланади. Инсоннинг нодир, бетакрорлигини англаш, *биринчидан*, унинг ўзида яширган имкониятларни рўёбга чиқариш учун асос бўлиб, истакни шакллантирса, *иккинчидан*, ундан бошқаларнинг ҳам бетакрор, улуғ сиймолигини англаш орқали инсонларни хурмат қилиш, улуғлашни келтириб чиқаради. *Учинчидан*, бошқаларнинг ҳам нодир, бетакрорлигига ишониш, уларни хурматлаш қалбий ғараздан поклайди. *Тўртинчидан*, ҳар бир кишининг бетакрорлигини англаш асосида кишиларда бошқалар билан муомала ва муносабатнинг моддий, илмий, маънавий-маданий манфаат касб этишини инсоният ижтимоийлигига табиий зарурат туғилади. Юқоридаги сифатларнинг шаклана бориши комиллик асосларини ташкил этади.

Комиллик сифатларини тўлаконли шакллантириш учун факат насиҳатлар етарли эмас. Инсоннинг маънавий фаоллиги амалий-касбий фаоллиги билан уйғунлашганда баркамоллик сифатлари табиий шаклланади, ривожланади. Айнан ана шу юқоридаги тушунчаларни тўғри англаш таълим-тарбиянинг методологик асосларини тўғри танлашга ёрдам беради. Чунки таълимнинг субъективлик, демократик, хукукий, инсонпарварлик асослари инсонларнинг нодир, бетакрорликларини рўёбга чиқаради.

Юқоридаги сифатлар инсон маънавиятининг таркибий кисмларини ташкил қилади. Инсонлар маънавиятини кўғариш жамиятимизни юксалтиришнинг иккинчи устувор йўналиши эканлигини Президент И.А.Каримов ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясидаги "Ўзбекистон XXI асрга интилоқда" номли маърузаларида: "Маънавият ҳакида гап

кетар экан, мен, энг аввало, инсонни рухий покланиш ва юкса-лишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг имон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган ва ижодини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман", деб аник кўрсатиб бердилар.

Ҳар бир киши ўзига хос укув, кобилият ва имкониятларга эга. Демак, ҳар бир киши ўзининг шахсий ҳаёт йўлинни топа олса, шу вактда унинг ҳаёти жўшқин, фаолияти ижодкор, меҳнати унумли, фойдаси мўл бўлади. Киши аслида ҳакиқий баҳтиёрликка меҳнат жараёнида эришади. Чунки у ўзининг ҳаёт йўлини топса, шахсий ижодий иштирокида ўта бошлайди. Бу вактда унга фойибона рухий мадад берилади. Моддий-маънавий яратувчанлик уни истиқболли янги гоявий фикрлар, амалий-ижодий йўлларга чорлай бошлайди. Шунинг учун ота-она, оила аъзолари, боғча, мактаб, умумий таълим-тарбия муассасалари ҳар бир болани укуви, қизиқиши, кобилиятига, асосан, касб эгаллашига масъул. Инсонларнинг нодир ва бетакрорлигини тала-баларга дунёвий, диний илмларнинг уйғулигига тушунтириб бериш маънавий жиҳатдан зарур.

Шу вактда ёшлар айрим гайридиний оқимларнинг аслида гай-рийлмий эканлигини онгли тушунадилар. Ҳа, ҳакиқатан ҳам, ҳар бир киши азалий яхши тақдир билан яратилган. Ҳар бир киши бу дунёга эзгу ниятлар, ўзига хос улуғ максад ва вазифалар билан келган. Аммо инсон асли яратилишидан озод ва эр-кин. Инсоннинг озод ва эркинлиги шунчаликки, ҳатто унинг имон-эътиқоди Яратган томонидан мажбур қилинмайди. Чунки кишилар бу улуғ хислатлар факат инсонлар фойдаси учунлиги-ни, уларга амал килиш инсонлар учун ҳам маънавий, ҳам моддий манфаатлар асоси эканлигини онгли тушуниб, уларга амал килсалар, бу ишлар улар учун хузур-ҳаловат ва баҳтиёрлик ба-фишлайди.

Инсон маънавий-рухий сиймо. Унинг танаси моддий, латиф ва рухий қисмлардан иборат. Моддий, яъни биологик танани латиф биоэнергетик майдон – тана ўраб олган. Биоэнергетик тана инсоннинг моддий танасидаги ҳамма ҳаётий жараёнларни уйғуналаштириб турувчи ҳаётий энергия манбаи. Аммо ҳаётий жараёнлар инсоннинг рухий қуввати-биоэнергетик танаси ёрда-мида бошқарилади. У олий асаб тизимининг вазифаси бўлиб,

олам билан ҳамма вакт узвий алокада бўлади. Онг ости ҳар бир кишининг тақдир йўли, олий мақсади ва эзгу ииятлари асосидаги хаёт модели. Ҳозирги илмий-ахлокий асосларга кўра, у хомиладорликнинг уч ойлигидаёк берилади. Энди унинг ривожи ота-онага, оиласдаги мухитга боғлиқ.

Агар киши ўз ҳаёт йўлини топа олса, унинг онги мустақил ривожланиб бориб, онг ости йўналишига туша олса, худди тўлқинларнинг мос келиши каби инсонда маънавий-рухий мутаносиблик содир бўлиб, у мукаммал камолот йўлига киради.

Онг ости ва онг уйғунлиги виждан ёрдамида амалга оширилади. Виждан кишиларнинг онги, онг ости ва қалби мутаносиблигини амалга оширувчи маънавий-инсоний туйғу, сифат, агар вижданни содда килиб тушунтириш лозим бўлса, виждан-инсоннинг қалб амри билан бажарган ишлари (фаолияти)нинг рухий мезони.

Онг ости – дунёвий ва ҳаётний ҳақиқат асосидаги инсон шахсий фаолиятининг маънавий-рухий йўли.

Инсон онги – унинг идроки, акли орқали ҳаётний ва дунёвий ҳақиқатни фахмлаш асосида маънавий истиқболли фаолияти даражаси.

Фахмлаш-англаш – бирор ҳақиқатни қалбан, руҳан фикрий сезиш.

Инсон фикри – ўз онги ва идроки асосида ҳаёти ва дунёвий нарсалар, жараёнлар ҳақидаги мушоҳадавий фаолият.

Акл – кишининг ўз идроки, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётний ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуктаи назардан амал килиш.

Инсон қалби – шахсий онг, маънавият узвийлиги асосида инсонни ҳиссий ва амалий фаолиятга ундовчи куч. У виждан, онг, фикр билан уйғунлашиб, қалб нигохи, кўзи ва кувватига айланади.

Инсон руҳи – инсонни ҳар кандай тўсиклардан олиб ўта оладиган, уни улугъ эзгу ишларга бошловчи маънавий қувват.

Бу маънавий-рухий сифатлар аслида бир-бири билан узвий боғлиқ. Инсон, энг аввало, руҳий-маънавий сиймо. Шунинг учун киши

ўзининг ҳар бир ишидан маънавий-инсоний қаноат ҳосил қилиши керак. Маънавий-инсоний қаноат эса онг, қалб, рух ва фаолият уйғунлигига содир бўлади. Бу ҳар бир кишига хос бўлган ички уйғунлик.

Ички уйғунлик кишини ўз ишидан қаноатланишига олиб келади. У ўзидан мамнун бўлади. Ички маънавий-рухий уйғунлик инсондаги биологик-физиологик ҳаётий уйғунлик асоси. Бу ўз навбатида тан соғлиги ва рух тетикилиги. Инсондаги ички уйғунлик мувозанатга катта ёрдам беради. Чунки инсон ташки маънавий-рухий олам билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг ажралмас бир бўлаги.

Инсон маънавий-рухий олам, коинот билан узвий уйғунликда боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик ҳамма вақт маънавий-рухий мувозанатда.

Нурнинг маънавий-рухий тузилиш таркиби-илм, ақл, ҳикмат, фикр, маърифат ва мағфират. Демак, бутун олам каби инсонлар учун нур фақат ёруғлик бўлиб колмасдан, балки доимий маънавий мағфиратни ўзида мужассам қилган ва фаолиятида унга амал киладиган кишиларни нуроний кишилар дейишади. Ҳа, бундай кишилар, ҳақиқатан ҳам, ўзларидан нур таратадилар. Бу нур кўзга кўринмас маънавий-рухий сифатларга эга.

Нурнинг ёруғлик оқ ранг сифатларнинг тузилиши бинафша, ҳаво ранг, яшил, сарик, олов ранг, кизил ранглардан иборат бўлиб, коинотдан келиши етти дунё билан инсониятни, моддий оламни узвий боғлаб туради.

Табиатда камалакнинг еттига рангини кўплаб марта кузатгансиз. Камалакнинг ҳар бир ранги етти осмоннинг ранглари бўлиб, оқ нур ранги эса уларнинг мажмуаси орқали бутун олам узвийлигини таъминлайди. Худди шундай етти осмоннинг ҳар бирига мос мусика овози мавжуд. Моддий олам, инсоният яна бир маънавий-рухий сифат орқали узвий уйғунлик билан боғлиқ.

Инсоннинг моддий-жисмоний танасидаги модда алмашинуви, ҳаётий жараёни унинг маънавий-энергетик танаси билан узвий боғлиқ. Моддий-жисмоний тананинг ривожланиш даражаси эса маънавий-энергетик тананинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Моддий-жисмоний тананинг ўзи ҳам модда ва руҳий-хиссий кисмлардан иборат. Руҳий-хиссий қисм эса маъна-

вий-энергетик тананинг таркибий кисми, у олам осмонлари билан узвий уйгун. Тана руний-хиссий кисмининг таркибий асосларидан бири – бу инсон қалби. Қалб шахснинг онг ва маънавият уйғунлиги асосида инсонни хиссий ва амалий фаолиятга ундовчи куч бўлганлиги учун унинг поклиги инсон виждани билан боғлик. Виждан онг ости илоҳий қурдатга ўз фаолияти учун жавоб берувчи щахсий хиссиёт.

Ҳар бир киши ўзига хос укув, кобилиятга эга бўлиб, унинг нодирлиги ва бетакрорлигини замонавий инсоншунослик фанлари ҳам исботлаб беришмоқда. Демак, ютуқ ва муваффақиятларнинг биринчи гарови ҳар бир кишининг ўз укуви, кобилияти ҳамда кизикишларига доир фаолият, хаёт йўли хунар, касб танлашида. Ютуқнинг иккинчи гарови ўзига мос танланган хаёт йўлида донолик, акл билан фаолият кўрсатиш, энг кўп моддий ва маънавий маҳсулот олишда. Акл билан фаолият кўрсатиш эса ўзи эгаллаётган соҳа бўйича истиқболли маънавий фикр юритишида. Ҳа, соҳа бўйича истиқболли маънавий фикр инсон ютуғининг учинчи гарови.

Агар орзу-хавасдан қалб поклик билан эзгу ниятларга йўлланмаган бўлса, онг ва фикр ривожи улар учун биоэнергетик танадан нарига ўта олмайди. Агарда орзу-хаваслар қалби поклик билан эзгу ниятларга йўлланган бўлса, маънавий-рухий тананинг (онг ости) ишга тушиб, онг ва онг ости мутаносиблиги хосил бўлади. Бунда инсоннинг биоэнергетик куввати оптималлашиб, катта куч ва қурдатга эга бўлади. Бундай кишиларга ғойибона сифатлар дарвозаси очилади, интуитив фикрлар Яратган томонидан хидоят ва қашфиётлар берила бошлади.

Демак, қалби поклик ва эзгу маънавий – инсоний ниятлар онг ва фикр ривожи ҳамда фаолият ютуғининг асоси. Онг, фикр, фаолият уйғунлиги эса маънавий-рухий сиймо бўлган инсоннинг асл моҳияти очилса, ишга тушади. Инсоннинг' маънавий-рухий моҳияти эса унинг маънавий-моддий маҳсулдорлиги.

Моддий-маънавий маҳсулдорлик инсоннинг аклий-амалий камолоти билан боғлик ҳолда, босқичма-босқич ўсиб, фикр маънавий-рухий сифатлар билан уйғунлашса, биринчи, иккинчи,

учинчи таналарда, тўртинчи, бешинчи танадан ҳам ўтиб, олтинчи ва еттинчи тана бешинчи, олтинчи ва еттинчи дунёларга ўйнлашганда, соҳа бўйича қашфиётлар, янги технологиялар, техник маҳсулий ғояларга йўл очилади. Фаолият кайси соҳада бўлса ҳам дехқон, ишчи, косиб, хизматчи умуман, ҳамма қасб-хунарларда ҳам фаолият амалий-ижодий, маънавий маҳсулийликдан юкори даражаларга кўтарила бормаса, биоэнергетик тана тўла ишга тушмайди. Биоэнергетик тананинг тўла ишга тушмаслиги тананинг маънавий-рухий ривожига, у ўз навбатида жисмоний ривожланишига тўсик бўла бошлади.

Маънавий-маҳсулий ривожланмаслик маънавий-рухий ўсишга тўсик бўлади. Киши ўз масъулиятини сезмагач, онг ва онг ости номутаносиблиги бошланиб, инсонда ўз-ўзидан норозилик кайфияти келиб чиқади. Кейин у кайфиятини кўтариш максадида сунъий йўллар кидира бошлайди. Бу ичкиликбозлиқ, чекиш, наркомания, нашавандлик, майший бузукликларга олиб келади. Бу ижтимоий иллатлар олдини олишнинг табиий омили инсоннинг асл моҳиятини очиб, ундаги жуда катта моддий, маънавий имкониятлар кудратини ишга солиш. Чунки ўзининг укуви ва қобилиятини рўёбга чиқариш асосида бунёдкорона меҳнат килиб, моддий-маънавий маҳсулотлар яратиб, ўзининг оиласини пок, ҳалол лукма билан бокиб, давлатини, ҳалқини моддий-маънавий бойитишга хизмат килган киши сўзда эмас, балки амалда ҳам ҳакикий имонли киши бўлади.

Таянч сўз иборалари

Фоя, миллий фоя, миллий мафкура, инсоннинг нодир ва бетакрорлиги, онг, фикр, акл, қалб, рух, маърифат.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. "Маънавият" сўзининг лугавий маъноси нима?
2. "Мафкура" сўзининг лугавий маъноси нима?
3. Нима учун инсон нодир ва бетакрор?
4. Моддий-маънавий маҳсулдорлик инсон камолоти билан қандай боғлик?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Миллий мафкурамиз халқни халқ, миллатни миллат килишга хизмат қилсин. – Т., Тафаккур журнали. 1998. 2-сон.
2. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. "Фидокор" газетаси, 2000 йил, июнь.
3. Жалолиддин Румий. Маънавий-маснавий. – Т.: Шарқ, 1999.

3-мавзу. Мутахассис шахсини шакллантиришнинг биологик ва психологияк асослари

1. Шахс ривожлаши ҳакида тушунча.
2. Шахсни ривожлантирувчи асосий омиллар:
 - а) биологик омил;
 - б) ижтимоий омил.
3. Ривожланишда шахс фаолиятининг роли.
4. Шахсни камол топтиришда тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги.
5. Ривожланишда шахснинг ёши ва ўзига хос хусусиятларининг роли.

Педагогикада ривожланиш ва тарбия ўзаро боғлиқ ҳолда муаммолардан бўлиб, у кўп мунозараларга сабаб бўлади. Шахснинг ривожланиши қийин, мураккаб жараён, у кўплаб ички ва ташки таъсирлар ва омиллар орқали рўёбга чикади.

Инсон хаёт экан, бутун умри давомида ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боради. Болалиқ, ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шахснинг камол топиши яққол кўзга ташланади.

Ривожланиш деганда, биз шахснинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий, ҳам маънавий камол топиш жараёнини тушунамиз. Педагогика ва психология фанлари ривожланишни биологик ҳамда ижтимоий хусусиятлар билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб хисоблайди. Одам боласининг шахс сифа-

тида ривожланиши, ҳар томонлама камол топишининг самарали бўлишига эришиш мақсадида педагогика фани ривожланиш конуниятларини, унга таъсир этувчи омилларни, шунингдек, шахс камолотида таълим ва тарбия ҳамда фаолият таъсири, аҳамиятини аниклади, таҳлил қиласи. Маълумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки унинг шаклланиши, энг аввало, ҳаёт шароитларига боғлик. Шахс ҳаёти давомида мураккаб ривожланиш жараёнини бошдан кечиради. Натижада, шахсга айланади, шу сабабли шахсни маълум ижтимоий тузумнинг махсули деб тушунишимиз лозим.

Президент И.А. Каримовнинг 2000 йил "Соғлом авлод йили" муносабати билан сўзлаган нутқларида: "Бизнинг эзгу ниятилиз – келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш. Бизнинг тараққиёт стратегиямиз соғлом авлод тарбиясига таянади ва уни ривожлантиришга қаратилган", деб таъкидлаганлар.

Ҳар бир жамиятда шахснинг шаклланиши, камол топиши муҳим муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабли шахс шаклланиши масалаларига тўғри ёндашиб учун шахс табиатини, тузилишини, унинг хулқ-авторини ва унга таъсир этувчи сабаб ва воситаларни билиш зарур.

Шахснинг ривожланиш жараёни бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Булар ирсият, яъни биологик омил, таълим-тарбия ва шахс фаоллиги (ижтимоий омил) шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари деб тушунилади.

Маълумки, шахс, инсон тирик организм, шу сабабли унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг махсус қонунларига бўйсунади.

Шахс, айникса, бола жисмоний ривожланиши, соғлири биологик омилга боғлик. Биологиянинг асосий тушунчаси бўлган ирсиятнинг, яъни бола насл-насабининг ролига олимларимиз алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир бола инсонларга хос турма хусусиятлар билан дунёга келади. Шундай экан, одам боласи туғилгандан сўнг унда шахс бўлиб шаклланиш, етук инсон бўлиб вояга етиш имконияти мавжуд бўлади. Бола ўзининг аждод-авлодларидан кўпгина биологик белгиларни мерос сифа-

тида қабул қилиб олади, ҳатто айрим касалликлар ҳам наслдан-наслга ўтади. Биологик омиллар шахснинг жисмоний ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Шундай экан, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келишини унутмаслигимиз лозим.

Президент И.А.Каримов 2005 йил "Соғлом авлод йили" деб эълон қиласар эканлар: "Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафакат жисмонан бақувват, шу билан бирга рухи, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билими, манавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушуман", деб таъкидлайдилар.

Соғлом авлод тарбияси осон иш эмас, у ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қиласди. Юртбошимиз фикрларини давом эттирад эканлар: "... ҳеч шубҳа йўқ, соғлом авлод орзуси аждодлармиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилиш. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар ташласак, улар насл-насад, етти пуштининг тозалигига, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз. Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлиғига боғлик", – дейди. Табиатнинг буюк мўъжизаси бўлмиш аёл дилбандини тўқиз ой ўз бағрида, юрак остида авайлаб дунёга келтиради. Уни вояга етказиш учун ўзини аямасдан, бутун ҳаётини бахшида этади.

Ана шу жараёнда аёл неки яхшилик ёки ёмонлик кўрса, она вужуди орқали ҳомилага ўтади. Соғлиғи ночор, хўрланган, изтироб чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Соғлом боланинг дунёга келишида отанинг кони тоза, тани ва рухи соғлом бўлишига боғлик. Бир сўз билан айтганда, соғлом фарзанд факат соғлом оиласида туғилади. Оиланинг соғломлиги, ундаги мухит, ота-онанинг тотувлиги, бир-бирини тушуниши, кўллаб-кувватлаши, ўзаро иззат-хурмати билан белгиланади.

Демак, шахс ижтимоий ҳаётнинг маҳсули экан, у, албатта, болани ўраб олган мухит таъсирида ривожланади. Шахснинг ҳаёти-фаолияти давомида мухит унга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатиши, ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин. Мухит – бу шахсга таъсир этувчи-

ташқи воқеа ва ҳодисалар мажмуи. Булар: табии мухит (географик, экологик), ижтимоий мухит (шахс яшаётган жамият), оила мухити ва бошқалар. Булар орасида ижтимоий мухитнинг, яъни шахс яшаётган жамиятнинг инсон камолоти учун яратган имкониятлари мухим роль ўйнайди.

Мустакил Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул килиниши баркамол авлодни вояга етказищдаги дастлабки қадамлар. Шахс ривожланишига эришиш ҳар бир жамиятда тарбия тизими орқали амалга оширилади. Фақат тарбия орқали инсондаги ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариш мумкин. Тарбия жараённида шахсга аниқ мақсад ва режа асосида таъсир этилади. Бунинг натижасида мухитдаги воқеалар тўғри ижобий таъсирини амалга ошириш имкони турғилади. Мухит бера олмаган нарсалар тарбия орқали ҳосил килинади, ҳатто тарбия туфайли шахсда турма камчиликларни ҳам ўзгартириб, шахсни камолга етказиш мумкин. Бундан ташқари, мухитнинг салбий таъсири туфайли тарбияси издан чиққанлар ҳам қайта тарбияланади.

Ривожланиш шахс фаолиятидан ташқарида бўлмайди. Шу сабабли одам фаолияти унинг ривожланиши учун асос бўлади. Педагогик жиҳатдан тўғри ўюнтирилган ҳар қандай фаолият хоҳ ўйин, хоҳ меҳнат, хоҳ ўкиш, хоҳ спорт бўлсин, шахс ривожланишига таъсир кўрсатади. Шахс улғайиб боргани сари унинг фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради. Турли ёш даврларида эса фаолият турлари ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли бола ҳаётида ўйин, ўқувчи ҳаётида ўкиш, катталар ҳаётида меҳнат фаолиятлари катта аҳамиятга эга.

Ўқувчи-талабалар ривожланишида ўқув жараёнларининг аҳамияти ва таъсири бекиёс. Билимларни ўзлаштириш уларнинг тафаккурини ўстиради, ижодий кобилиятларини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлади. Бу жараёнда уларда ижтимоий хулк меъёрлари шаклланади. Шахс қайси ёшда бўлишидан катъи назар, унинг ривожланишида меҳнат фаолиятининг аҳамияти катта. Айниқса, меҳнат инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топишида мухим манба ҳисобланади. Меҳнат жараённида унинг иштирокчилари бир-бирлари билан аллокада

бўладилар, ўзларининг нимага кодир эканликларини кўрсатишга харакат киладилар. Мехнат орқали шахснинг ахлокий сифати таркиб топади. Уларда ватанпарварлик, масъулият, интизомлилик, фаоллик ортади. Улар ўз-ўзини тарбиялашга астойдил киришади. Ўз-ўзини тарбиялашда ота-она, ўқитувчининг тарбиявий таъсири янада самарали бўлади. Тарбия билан ривожланишинг ўзаро бир-бирига таъсири ва муносабатлари мавжуд, чунки қаерда тарбия жараёни муаммолари тўғри ҳал этилса, у шахс камолотига самарали таъсир кўрсатади. Камол топган шахс тарбиянинг роли ва имкониятларига ишонч билан қарайди.

Тарбия шахс ривожланишини таъминлаши учун боладаги ривожланиш моҳиятини тушуниш, билиш фаолиятининг ўзгариш сабабларини аниқлаш зарур. Тарбия, ҳақиқатан ҳам, ривожлантирувчи омил бўлмоғи учун тарбияланувчи жамиятнинг тарбия олдига қўйган талабларини, шахснинг ўзига хос хусусиятларини билиши зарур. Педагогика фани шахс ривожланишида тарбиянинг етакчилик ролини эътироф этиш билан бирга, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини тан олади.

Шахснинг ривожланиб камол топиши, ҳаётнинг ҳамма боскичларида бир хил бўлмай, балки ёш хусусиятлари ва ҳаёт тажрибаларига қараб ҳар хил бўлади. Тарбия жараёнида ўсаётган авлоднинг ёши, ўзига хос хусусиятларини билиш ва хисобга олиш жуда зарур, Маълумки, бир хил ёшдаги болаларнинг, ўкувчи-талабаларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, психик жараёнлари мавжуд.

Бу ўзига хослик ривожланиш жараёнида якқол намоён бўлади. Ёш хусусиятларини хисобга олиш, бола хусусиятига мослашиш эмас, балки шу ёш даврда бола имкониятларини хисобга олган ҳолда, таълим ва тарбиянинг тўғри ташкил этилиши демак. Шундагина шахс ривожланишига тарбиянинг таъсири самарали бўлади. Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш муваффакияти ўқитувчининг ҳар хил ёшдаги болалар ўртасидаги тафовутларни қай даражада хисобга олишига боғлик. Шундай экан, тарбиячи мактабгача ёшдаги мактаб ҳамда ўрта маҳсус ва олий

таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчи-талабаларнинг ёш даврлари билан хусусиятларини хисобга олмоғи лозим. Шахс, унинг хулк-атвори, умуман, жисмоний ва маънавий тараққиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу жараён мураккаб ва зиддиятли. Шу сабабли ривожланиш жараёни бир текис бормайди, балки бунда сакрашлар, нотекисликлар ҳам содир бўлади.

Шундай экан, ўқитувчи ва тарбиячилар боланинг ёши ошган сари унинг эҳтиёжларида, интилиш ёки кизиқишиларида қандай сифат ўзгаришлари содир бўлаётганини мунтазам кузатиб боришлари лозим.

Рус педагоги К.Д.Ушинский айтганидек, педагогика фанининг энг муҳим вазифаси – шахс ривожланишини ҳар жиҳатдан ўрганиши ва ўқитувчининг ишда муваффақият қозониш шарти ўз ўқувчиларининг хислат ва хусусиятларини билиши.

Киши туғилган кунидан бошлаб, ижтимоий мавжудот бўлиб қолади. Унинг характеристи, хулк-атвори, шахси барча ижтимоий омиллар йигиндиси, яъни теварак-атрофдаги одамларнинг унга муносабати, намуна кўрсатишлари, мафкуралари, ўз фаолиятида ҳосил килган тажрибаси таъсирида шаклланади. Албатта, ижтимоий омиллар инсон шахсининг ҳар томонлама шаклланисига самарали таъсир кўрсатади. Педагог боланинг муайян ривожланиш давридаги хусусиятлари ва феъл-атворини белгиловчи омилларнинг ҳаммаси биргаликда таъсир кўрсатишини билиши лозим.

Таянч сўз иборалари

Шахс ривожи, биологик омил, ижтимоий омил, таълим-тарбия, жисмоний, ақлий, маънавий камол топиш, соғлом авлод, биологик, психологик асослар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Қандай киши шахс бўлади?
2. Биологик омил нима?
3. Ижтимоий омил нима?
4. Шахс камол топишида тарбиянинг роли нимада?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиёти-нинг пойдевори. – Т., 1998.
2. Каримов И.А. Соғлом авлод – халқимиз келажаги. (Конституция куни муносабати билан сўзлаган нутки). "Халқ сўзи" газетаси. 1999 йил, 8 декабрь.
3. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика. – Т., 1996.
4. Фозиев Э. Психология (ўкув кўлланма). – Т., 1994.
5. Воспитание и развитие детей в процессе обучения. – М., 1981.

4-мавзу. Педагогика фанининг илмий педагогик тадқиқот услублари

1. Тарбия жараёнида миллий онгнинг шаклланиши.
2. Тарбия жараёнининг ўзига хос жиҳатлари.
3. Илмий-педагогик тадқиқот услубларининг илмий манбаларни ўрганишдаги роли.
4. Илмий тадқиқот услублари.

2010 йил 6 апрель куни Оксаройда миллий мафкурага бағишланган йигилиш бўлиб, унда файласуф, тарихчи, сиёsatшунос, социолог, психолог, педагог олимлар қатнашдилар. Энг муҳими, биринчى навбатда таълим муассасаларида, айниksa, олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабаларимиз учун ўкув кўлланмалар, дарслерлар тайёрлаш, уларни амалиётга жорий қилиш бугунги кундаги долзарб масала. Педагоги-

ка фанининг бугунги кундаги асосий вазифаси талаба-ёшлар онгидай миллий гоя ва миллий мафкурани шакллантириш.

Юргбошимиз И.А.Каримов мустақиллигимизнинг илк паллаларидан бошлаб, халқимизнинг ойдин манзилларга жадаллик билан етишишида миллий гоя, миллий мафкуранинг заруриятини қайта-қайта таъкидлаб келади. Миллий гоя миллатни, халқни улуг мақсад йўлида бирлаштирувчи, жисплаштирувчи кудрат эканлигини уқтиради.

Президент И.А.Каримовнинг "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" номли сұхбатида турли заарали, ёт мафкуралар таҳдид солиб турган бугунги кунда мукаммал миллий мафкуранинг аҳамияти, фарзандларимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш зарурияти ҳақида батағсил тўхталиб, миллий мафкура концепциясида қандай мақсадлар ва устувор гояларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини аник ва лўнда кўрсатиб берди.

Таъбир жоиз бўлса, сұхбатда мафкурамиз концепциясининг тугал шарҳи истиқлолимизнинг шиҷоатли меъмори томонидан чизиб берилган.

Тил билан тафаккур борликлиги, биринчининг иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслиги Шарқ фалсафасида асосий нукталардан бири. Демак, ҳар бир халқнинг ўзига хос тафаккур тарзи мавжуд. Шунинг учун ҳам "миллий онг", "миллий тафаккур", "миллий туйғу" каби олий тушунчалар минг йиллардан бўён истеъмолда бўлиб келмоқда.

Табиийки, миллий тафаккур ривожининг тамал тоши – она тили. Она тилига муҳаббат, она тилига событилик миллий тафаккур парвозини мунтазам таъмин этадиган мүқаддас туйгулар. Миллий мафкурамиздаги асосий жиҳатлардан бўлмиш миллий ўзликни англаш, яъни аждодларининг ким эканлигини тेरан идрок этиш, ўз халқининг жаҳон тараққиётидаги ўрнини чукур англаш ва шу халқка мансубликдан курурлана билиши чинакам миллий тафаккурсиз мумкин эмас.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, "Миллий мафкура – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмай-

диган ўлмас эътикоди". Она тилига муҳаббат миллий мафкурамизнинг устунларидан бири сифатида ана шундай эътиқоднинг фарзанди.

Миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилиши лозим бўлган давлат сиёсати тушунчаси жамият ҳамда шахснинг муҳим ҳаётий ва миллий манфаатларига зарар келтирадиган турли хавф-хатарларни аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича фаолиятларни ҳам ўз ичига олади. Талаба-ёшлиар онгига миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда илмий-педагогик тадқиқот услублари кўл келади.

Метод (лотинча *metodos* – йўл сўзидан) тадқиқот йўли, назария, таълимот деб таржима қилинади. Илмий тушунча сифатида "метод" сўзи кенг маънода муайян мақсадга эришиш йўлини, тор маънода табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари ва конуниятларини билиш мақсадида қандай вазифани ҳал этиш услубини англатади.

Педагогика фанининг методологик асоси ва амал қиладиган негизи Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"-ги Конуни, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури", Президент И. А. Каримовнинг асарлари, Олий Мажлис материаллари ва бой илмий-маънавий мерослар.

Объектив дунёни билиш, назарияда нимани ўрганиш ва ўргатиш керак, кимни ва қандай тарбиялаш лозим деган масалалар мавжуд бўлиб, улар ўзаро узвий борлиқ.

Педагогика фани ўз мазмун-моҳиятини бойитища, янгилашда мавжуд педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсад-вазифаларига мувофиқ қеладиган услублари билан ўрганади. Ушбу фанининг илмий тадқиқот услублари деганда, ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишининг ҳақиқий жараёнларига хос бўлган ички алоқа муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуюи тушунилади. Педагогика фанининг илмий тадқиқот услублари қанчалик тўғри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Аммо шуни айтиш жоизки, илмий тадқиқот услублари тизими хозирга қадар фанда тўла тадқиқ этилган эмас. Мавжуд ишлаб чиқилган илмий тадқиқот услублари куйидагиларга таяниб фикр юритиши мумкин:

- педагогик кузатиш услуби;
- сұхбат услуби;
- болалар ижодини ўрганиш услуби;
- сўрвнома, тест услуби;
- мактаб меъёрий хужжатларини таҳлил килиш услуби;
- эксперимент, тажриба – синов услуби;
- статистик маълумотларни таҳлил килиш услуби;
- математика-кибернетика услуби.

Педагогик кузатиш – одатда, табиий кузатиш орқали ўкувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулк-автори ва муомалаларидаги ўзгаришларни хисобга олиш, тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўлларини белгилаш учун кўлланилади. Бу услуг педагогик тажрибанинг муайян бир томони бўлиб, ҳодисалардан бирор мақсадни кўзда тутиб, идрок этишни ташкил киласди. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш объекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган характеристикалар хисобга олинади.

Қайд килиш услугига қараб кузатиш бир қанча турларга бўлинади. *Бевосита ва билвосита* қайд килиш услуби тадқиқотчига педагогик жараёнда кузатувчиларнинг хатти-харакатларини ёзib кўйиш имконини беради. *Бевосита* қайд килиш услуби бирор-бир ҳодисанинг оқибатлари хақидаги фактик материални бошқа шахслар орқали ёки қандай асбобни кўллаш воситасида олишга имкон беради. Фан-техника тараққиёти асрида кузатишнинг визуал услублари хилма-хил техник воситалари (кинофото-тасвир, видеоёзув, телевидение ва х.к.) билан тобора кўп кўлланилмоқда.

Сұхбат услуби – сўрашнинг бир тури бўлгани холда, тадқиқотчидан жiddий тайёргарлик кўришни талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосига сұхбат чоғида сұхбатдоши нинг жавобларини ёзмасдан эркин муомала киласди.

Сұхбат услуби – мактаб ўқитувчилари ва ўкувчилар жамоаси, ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан якка ва гурухли тартибда иш олиб борилганда кўлланилади. Интервью олиш сұхбат услубидан фарқ килиб, саволларни олдиндан белгиланган изчилликда баён килишни назарда тутади. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзib олинади. Ҳозирги кунда

оммавий сўраш назарияси ва амалиётида интервью ташкил этишнинг кўп услублари мавжуд, жумладан:

- гурухлар билан;
- интенсив;
- синаш ва х.к.

Болалар ижодини ўрганиш – ўқувчиларнинг ўзига хос индивидуал тартибдаги фаолиятларига доир омиллар таҳлил килинади, хulosалар чиқарилади.

Педагогик сўраш услуби – тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки жараёни ҳақида ахборот олиш бу услубнинг асосини ташкил килади. Сўраш саволларнинг мантикий ўйланган тизимини, уларнинг аник ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3–5 та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий шаклдаги жавобни ("ҳа" ёки "йўқ") ҳам тақозо этиши мумкин.

Тест, сўровномалар – бу анкета услуби қўлланилганда, яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, ўқувчиларнинг якка ёки гурухли фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишларини, келажак орзу-истакларини билиш ва тегишли хulosалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади. Тест саволларидан кўзланган мақсад оз вакт ичida ўқувчиларнинг билимини баҳолаш.

Мутахассисларнинг билимини ва савиясини аниқлаш услубларидан бири – бу тест ёрдамидаги синов. Тест ёрдамида синов ўкувчи ёки мутахассиснинг билими, маънавияти ва ёшларнинг қайси йўналиш ҳамда мутахассисликка лаёкати, иқтидорини зудлик билан аниқлаш ёки баҳолаш имконини беради. Тест ёрдамида билимни баҳолашнинг педагогика нуқтаи назаридан бальзи ютуқлари, камчиликлари келтирилган ва баҳолаш жараёнини ЭҲМ ёрдамида автоматлаштириш мумкинлиги таъкидланган. Тест саволлари ва масалаларнинг жозибадорлигига сабаб, унинг киска, лўндалиги, тўғри жавобнинг умумий жавоблар ичida борлиги, уларни талабаларга кўрсатма бўлиб хизмат килиши, унинг топишмоқли ўйинга ўхшашлиги, жавобни топишда хотира, интиуция ва топкирликлар кўл келиши. Тест саволларини чоп этиш ўқувчиларнинг мустақил ишлашини янада фаоллаштиради.

Тест синовини олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида қўллаш қуйидаги натижаларни берди:

- имтиҳон олувчи билан имтиҳон топширувчи орасидаги субъектив сабаблар ва психологик тўсиқлар йўқолди;
- барча абитуриентларга бериладиган имтиҳон вакти, вариантларнинг мураккаблик даражаси, баҳолаш мезонларининг бир хил бўлишига эришилди;
- тест натижаларини ЭҲМ ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш амалга оширилди. Ўқувчиларнинг қайси фандан ва унинг қайси бўлимидан билимларининг паст ёки юқориилигини баҳолаш ҳамда унинг Республикализ минтақалири, ҳатто айрим мактаб-лицейлар бўйича таҳлил қилиш имконияти яратилди;
- иктидорли ёшларни танлаш, олимпиадалар ўтказиши жараёнларини мазмун ва сифат жихатдан сезиларли даражада яхшилашга олиб келди.

Олий таълим муассасаларига кирувчилар учун тест синови атиги З та фандан бўлиб, албатта, бу етарли эмас. Улар бир нечта фандан ва бир нечта босқичдан иборат бўлиши керак. Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига кирувчи ёшларнинг нутки, тил бўйича саводхонлигини назорат қилувчи ёшларнинг фақат тестларни механик равища ёдлаш ва тилга, бошка фанларга эътиборсизлигига барҳам берилиши мумкин.

Тест синовлар услуби – бу ёзма жавобларни оммавий равишида йигиб олиш. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб жараён. Натижада, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда, тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика услублари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш услуби – бунда ўқувчиларнинг умумий сони, унинг ўсиш ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфдан қолишининг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади.

Эксперимент (тажриба-синов) услуги – ушбу тажриба, асан, таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг татбиқи жараёнларини текшириш, аниклаш максадида ўтказилади.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш услуги – халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўкув кўлланмалар, кўргазмали куроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб курилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистик услугуб орқали аникланади.

Масалан, илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш самарадорлиги ҳакида тўхталадиган бўлсак, Низомий номидаги ТДПУда аспирантурага университетни муваффақиятли тамомлаган, илмий тадқиқот ишларига кизиқувчан тадқиқотчилар, изланувчан, мавзулари аник бўлган, номзодлик имтиҳонларини топширганлар қабул қилинади. Бундан ташқари, бошқа муассасаларда ва олий таълим муассасаларида ишлайдиган, кафедра ва деканатлар билан бевосита алоқада бўлган "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган эълон бўйича танловда қатнашиш ниятида бўлганлардан ҳам аризалар тушади.

Математика ва кибернетика услублари – ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналар ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустахкамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, дифференциал ва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлар.

Хўжалик шартномалари бўйича олиб борилаётган илмий изланишларнинг шартнома бўйича маблағ билан таъминланishi.

Социологик тадқиқот услуги – анкетага саволлар киритилади. Бундан мақсад талаба-ёшларнинг касб-хунарга бўлган муносабатларини аниклаш, талабалар орасидаги дўстлик муносабатларини ТДПУдаги шарт-шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, хусусан, талабаларнинг маънавий сифатлар даражасини, билим олишга иштиёки, адабиётлар билан таъминланганлик даражаси, юкла-

ма тақсимоти, профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш даражаси, ўкув кўлланмаларининг сифати, компьютер билан машғулот ўтказиш турларини ўрганиш университетда кўлланилаётган теслар талабалар назарида, илмий ва касбий маҳоратини оширишдаги машғулотлар тури давр талаби даражасидами? Отоналарнинг моддий ёрдами, уларнинг маълумоти, иш жойи, талабаларнинг, яшаш жойи, илмий дунёкарашининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, мутахассис бўлиб етишида ҳал қилувчи омиллар, талабаларнинг онглилик даражаси жараёни, комил инсон бўлиш учун керакли бўлган маънавий сифатлар, комилликка эришиш учун тезрок кутулиш керак бўлган салбий сифатлар, "Гаълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг мазмун-моҳияти хакидаги талабаларнинг фикрлари, Президент И.А.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" китобига муносабати, ўзлаштирганлик даражаси хакидаги саволлар анкетага киритилади. Савол-жавобларнинг барчаси компьютерда қайта ишланади ва хуносалар чикарилади.

Таяич сўз иборалари

Тарбия жараёни, илмий-педагогик тадқиқот, услуб, мутахассислик, педагогик кузатиш, сухбат, тест, сўровномалар, ҳужжатларни таҳлил қилиш, эксперимент, статистик маълумотлар, ижтимоий тадқиқотлар ва бошқалар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Миллий онг шаклланишида тарбиянинг роли нимада?
2. Қандай илмий тадқиқот услублари мавжуд?
3. Илмий тадқиқот услубларининг роли нимада?
4. Илмий тадқиқот ўтказишдан мақсад нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиёти-нинг пойдевори. – Т., 1997.

2. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. -Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Конуни. -Т., 1997.
4. Файбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л. П., Тошмуродова К., Маматкулова Р. ва бошқ. Педагогика. -Т.: Университет, 1999.
5. Файбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л.П., Тошмуродова К., Маматкулова Р. ва бошқ. Педагогика (барча бакалавр йўналишлари учун). -Т., 2000.
6. Иноғомов Р., Тошмуродова К. Педагогика фани XXI асрда. -Т.: Янги аср авлоди, 2000.

ТАРБИЯ НАЗАРИЯ

5-мавзу. Тарбия жараёни ва тарбия услублари

1. Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари.
2. Тарбия жараёнининг жамият тараккӣидаги роли..
3. Тарбия услублари ва тамоилилари.
4. Тарбия жараёнида ўқитувчи фаолиятининг хусусилари.

Тарбиянинг маънавий манбалари ва хозирги замон талаблари, эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг талабабилан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро назарий ва амалий мулокоти.

Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбияччи томонидан куйидагича режалаштирилади ва тартибга солинади:

1. Талабанинг кайси хислатини шакллантириш ёки бартараф этиш мақсадида режалаштирилади.
2. Шу хислатларни тарбиялаш ёки бартараф этиш учун хизмат қилувчи манбалар излаб топилади.
3. Белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбалардан қайсисидан ва қаерда қайд килиш режалаштирилади.

Бундай режага кўра, олиб борилган тарбия моҳиятини таъ-

лим-тарбия тизими, жамият ва инсонларнинг интеллектуал ва жисмоний фаолияти ташкил қилади.

Тарбия жараёнининг жамият тараққиётидаги роли нихоятда бекиёс. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат килишга ундаш ва бу хатти-харакатни аста-секин кўнкимага айлантириб бориш лозим. Тарабанинг мушоҳада килиш қобилиятини тарбиялади ва мушоҳада килиш аклини пешлайди. Акл онгни саклайди. Онг эса моддий, маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради. Аммо бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчидан узок давом этадиган масъулият, унумли меҳнат ҳамда иродани талаб этади. Бунинг учун болаларнинг ёш хусусиятларини хисобга олиш зарур. Маънавий, инсоний сифатларнинг шаклланишида оиласдаги, атрофдаги, жамиятдаги муҳит, болаларга бўлган муносабат муҳим роль ўйнайди. Ота-оналаримиз ва атрофдагиларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини кўрган бола шунга караб шаклана боради. Улар, энг аввало, катталарга таклид киладилар. Сўнг аста-секин килаётган ишларининг мөҳиятини англайдилар. Болаларни тўғри тарбиялашда ота-оналинг онги, маънавияти, билими, тарбияланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Аниқ бир мақсадга қаратилган тарбия самарадорлиги тарбиячининг қандай услубдан фойдаланишига боғлик.

Услуб – юононча атама бўлиб, айнан нимага йўл, услуб орқали мақсадга эришиш йўлини билдиради. Услуб ахборотни узатиш ва қабул килиш характеристига караб қўйидаги турларга бўлиниади:

- сўз орқали ифодалаш услуби;
- кўргазмалилик услуби;
- амалий, намуна услуби;
- рағбатлантириш ва жазо услуби.

Юкоридаги услублар ўз навбатида куйидагиларни ўз ичига олади:

Биринчи гурӯҳ – сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул килиш, хикоя, маъруза, сухбат ва бошқа услубларга;

Иккинчи гурӯҳ – кинофильмлар, тасвирий санъат, бадиий

санъат ва бошқа кўриш орқали тарбиялаш услубларига;

учинчи гуруҳ – тарбия маълумотларини амалий меҳнат харатлари орқали бериш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларнинг амалий меҳнатини мисол қилиб кўрсатиш;

тўртингчи гуруҳ – талабаларнинг яхши бажарган ишларини, ўртоклари олдида ёки ота-оналар мажлисида маъқуллаш, миннатдорчиллик билдириш, иктисадий ёрдам, стипендияларини ошириш, мактоб ёрликларини топшириш, суратларини ҳурмат таҳтасига ёпишириш ва бошқа оғзаки, "раҳмат", "баракалла" каби рағбатлантириш услубларини киритиш мумкин.

Тарбиячининг рағбатлантириш услуби иккига бўлинади:

1. Сиз буюрган ишга бурч ва масъулият билан ёндашганлигини рағбатлантириш.

2. Сиз буюрган ишга қизиқишини ва уни уддалай олганлигини рағбатлантириш.

Масалан, бугун ишдан кеч қайтишингизни айтиб, фарзандингизга иш буюрдингиз. Фарзандингиз сиз буюрган ишни бажариб кўйди. У буюрилган ишга бурч ва масъулият билан ёндашли. Сиз фарзандингиздаги бу ижобий ўзгаришга бефарқ бўлмай, колган фарзандларингизга бўлган меҳрингизни суистеъмол килмаган ҳолда, уни суйиб елкаларига қоқиб ёки пешонасидан ўпид кўйингки, бу ҳаракатингиз қолган фарзандларингизни ҳам тарбияласин. Уларни мустакил юмуш қилишга ундасин. Бу ҳолатдан кейин фарзандларингиз ўзининг сизга нихоятда кераклигини сезади. Оилага ёрдами текканлигидан мамнун, ўзида йўқ хурсанд, ўзининг катта бўлиб бораётганлигини ҳис этиб боради. Сиз эса ана шу беғубор, меҳрли рағбатлантиришингиз орқали унда меҳнатга қизиқиши ва унинг уддалай олишига ишонч уйғота олдингиз.

Жазо – бу боланинг нотўғри қилган ишига ўзини икрор килдириш.

Агар бола сиз огохлантирмасингиздан ёки тушунтирмасингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлса-ю, лекин сизга қилган хатосини айтольмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурат йўқ. Энди бу хатони кайтармайман, деган маънода сизга қарайяпти. Сиз унга яна бир марта имконият беринг. Аммо ке-йин ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундај ҳолларда қуидаги жазо турлари кўлланилади.

Тушунтириш, танбек бериш, огохлантириш, қаттиқ огохлантириш, уялтириш.

Үқитувчи ўкувчини жазолаётганда хеч кимнинг гувоҳисиз жазо қўллади. Аммо гуруҳдош ўртоқлари ёки курсдошлари олдида изза қиласай деб болани уялтиrsa, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Уят – бу инсоннинг энг нозик сезгиси бўлиб, талабани ўртоқлари ёки жамоа орасида изза қилиш (уюлтириш) олий жазо ҳисобланади.

Талабага жамоа орасида изза қилишни чорасиз қолганда қўллаш мумкин. Энг маъкули талаба билан меҳрли оҳангда, унга ишонч билдириб, қалтис йўлдан қайтариш мумкин.

Тарбия – ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшashi жараёнида оргтирган сабоклари ва интеллектуал салоҳиятларининг ижобий кўнникмасини ўзгаларга бериш жараёни.

Тарбияланганлик – миллий урф-одатимиз мезонига кирмаган, ўзгаларнинг нафратини кўзгатадиган ҳатти-харакатлардан ўзини тия билиш.

Талабанинг характеристи, оиладаги тарбияси, унинг ор-номуси, шарм-ҳаёсими, тарбияланганлик даражасини билмай туриб, бирданига жамоа орасида уялтириш ёки жаҳл устида тинимсиз (тан жароҳати етказиш) қалтаклаш мумкин эмас. Сизнинг танлаган жазо услубингиз талаба ёки фарзандингизнинг килган характеристини тушунишга, бошқа қилмаслигига тарбиявий сабоқ бўлиши керак. Жазо адолат мезонига таяниб қўлланилмоғи лозим.

Зеро, бу қўлланилган жазо услубингиз талабанинг шаънига, фурурига ва унинг руҳий азоб-уқубатларга солмаслиги назарда тутилиши керак. Агар бу жазо услублари ўзининг самарасини бермаса, у ҳолда эҳтиёткорлик билан таълим муассасаси маъмурияти ва жамоа ҳамкорлигига бошқа чораларни ишлаб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда педагогика фани амалиёти такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, тарбия жараёни замон талабига ҳамоҳанг ҳолда такомиллашиб боради.

Мустақил жамиятимизнинг киска тарихий даври сабокларини, ғояларини, тамойилларини талabalар онгига сингдириш,

уларни аклан баркамол, маънан бой қилиб тарбиялаш биз тарбиячилар ва ота-оналарнинг бурчимиз. Президент И.А.Каримовнинг "Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан курмоқдамиз" номли "Туркистон" газетаси мухбирларининг саволларига жавоблари (1999 йил, 3 февраль) биз учун дастуриламал бўлади.

"Туркистон" газетаси мухбирининг саволи:

"Яхши биламизки, мустақил тараққиёт йўли оқ поёндоз тўшалган равон йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландлик, тўсик ва кийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг ўн тўккиз йиллик истиклол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабок ва холосалар нималардан иборат?".

Президент И.А.Каримовнинг жавоблари: "Биринчи сабок щундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан.

Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятда тўғри йўлни танлай олиш учун, энг аввало, тарихни яхши билиш, ҳаётнинг аччик-чучугини билиш керак. Адолат биз кураётган жамиятнинг мезони бўлмоги даркор.

Энди эски жамиятни инкор килиш ёки маъкуллаш кайфиятидан воз кечиб, бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди.

Миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга. Биз инсонлар дунёкарашини бошқариш фикридан йирокмиз, балки биз инсонларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлиш тарафдоримиз.

Тарихни ўрганиш кўп хатоларнинг олдини олади. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланниб, қайтарилиб туради. Фақат бу хатолар янги тарихий боскичда, янгича шаклда рўй беради. Бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул томонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп воқеаларни ўтказган. Зафарни ҳам мағлубиятни ҳам парокандаликни ҳам кўрган. Буюк Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар бунга ёркин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тарақкий толиган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда "Куч-адолатда" деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамиятнинг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу роя

одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятта адолат барқарор бўлса, миллат, халк хеч қачон йўлдан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади.

Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат килган тажрибамдан келиб чиқадиган энг муҳим ҳаётий хуносам шуки, адолат биз кураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингки оила мисолида ҳам омадимиз, файзбаракамизнинг гарови – шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлиги-мизни сакламокчи бўлсак, бунинг ягона замини – адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантирмоғимиз керак. Факат шу асосдагина, фуқаролар розилиги, миллатлараро тотувлик юртимизда карор топган осойишталикни асрараш мумкин".

Адолат ўзи нима? У қандай тушунча? Нима учун юртбошимиз ҳар гал адолат биз кураётган жамиятнинг мезони бўлиши керак деб айтадилар. Дарҳақиқат, бу тушунчани педагогика фани қандай талқин этади?

Адолат – бу ҳаётий масалаларни ахлоқий ва хукукий меъёрларга риоя этган ҳолда ҳал этиш.

Адолат тушунчаси билан боғлиқ жиҳатлар жуда кенг қамровли бўлиб, адолатли инсон, адолатли жамият каби тушунчалар шундай жиҳатлар жумласига киради. Адолатпарварлик тушунчаси эса адолат тамойилига амал килган ҳолда иш олиб бориш, йўл тутиш, фаолият юритиш демак. Бу тушунчанинг моҳиятини фарзанд тарбияси жараёнида учрайдиган куйидаги ҳаётий масалаларнинг ёчими асосида кўриб чиқайлик:

Масалан, aka дарс қилаётганида укаси оёқ тагида "финг-финг"лаб машинасини ўйнайверса, акаси бир-икки бор укасига бошқа уйга чиқишини илтимос қиласди. Аммо укаси кулок солмади. Жаҳли чиққан aka укасининг машинасини олиб, эшикдан улоқтирди. Бундан хафа бўлган ука: "Акам урди" деб онасига йиғлаб борди. Она кичик ўғлининг гапига кириб

"Кап-кагта йигит, кичик болани урдингми?" – деб койиди ва бир шапалок урди. Бу ҳолатни кўрган кичик ўғли хурсанд. Она ҳам кичик ўғлининг юзидағи табассумдан боши осмонга етди. Шу ўринда масала она томониданadolatli ҳал килиндими?

Адолат нұқтай назардан вазиятни таҳлил қиладиган бўлсак, аканинг ҳам ахлоқий, ҳам хуқуқий меъёрлари поймол қилинган лигини кўрамиз. Она томонидан aka-ука ўртасида мәхрсизлик муносабатларининг пайдо бўлишига биринчи замин яратилди.

Кичик ўғилни эса бундан буён ёлғон гапиришига йўл очиб берилди. Бундай ҳолатлар бир неча бор такрорланса, катта ўғил "Ота-онам мендан кўра кўпроқ укамни яхши кўрас экан", деган холосага келади. Адолатсизлик замирида бола оиласлаги-ларига нисбатан бемеҳр бўлиб тарбиялана бошлайди. Агар она "Қани юр-чи, ўғлим", – деб aka ва укани юзлаштириб, ҳақиқатни, яъни аканинг урмаганлигини аниклаганида, уканинг ёлғон гапириётганини билиб, ўз вактида чора кўрганида, aka-укалар орасида мәхр, ишонч, бир-бирини хурмат қилиш, алдамаслик, килган айбини тан олиб иш кўриш каби кўнікмаларни янада шакллантирган бўлар эди.

Ота-она ва фарзандлар орасидагиadolatning ахлоқий ва хуқуқий бузилишлари салбий сифатларининг пайдо бўлишига олиб келади. Оиласда болаларимизга ёшлигидан бошлаб яхши сифатларни шакллантириб боришга жиддий эътибор бермогимиз лозим. Ҳаётий масалаларни ҳал қилишда ота-онанинг билими, маънавияти, ўзини тутиши, юриш-туриши катта аҳамиятга эга.

Одамлар орасидаadolatparvarlik хислатларини камол топтиришда ўrnak кўrsatiш, тушунириш ва уктириш, рағбатлантириш, огохлантириш, танбех бериш, уялтириш (изза қилиш), сухбат, мунозара ва баҳс каби услублардан фойдаланиш мумкин.

Таяиҷ сўз иборалари

Жазо, уят, тарбия, тарбияланганлик, адолат.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Тарбиянинг мақсади нимадан иборат?
2. Тарбиянинг жамиятдаги ролини нималарда кўриш мумкин?
3. Тарбиянинг қандай услублари бор?
4. Тарбия жараёнида ўқитувчининг роли қай даражада?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Туркистон газетаси мухбирининг саволла-рига жавоблари. 1999 йил, 3 февраль.
3. Абу Райхон Беруний. Руҳият ва таълим-тарбия ҳакида.
–Т.: Ўзбекистон, 1992.
4. Мунавваров А.К. Педагогика. –Т.: Ўқитувчи, 1996.

6-мавзу. Тарбиянинг таркибий қисмлари

1. Ахлок, яхши хулқлар. Мустақил фикрлашни тарбиялаш, мутахассислик ахлоқи.
2. Виждан ва уни тарбиялаш. Ҳуқуқий тарбия. Ўз касбига, мулкига, табиатга виждоний муносабат.
3. Ақл тарбияси.
4. Мехнат ва касб тарбияси. Мехнат этикаси ва эстетикаси. Жисмоний тарбия.

Жамият тарихи шуни кўрсатадики, фақат маънавият, маърифат кенг қулоч ёйган, илм-фан тараккӣ этган мамлакатдагина адолатли жамият куриш ва унда бир-бирига меҳр-оқибатли бўлган инсонлар шаклланиши мумкин. Бундай жамиятда халқнинг эртаниги кунига ишончи кучли, бунёдкорлик, яратувчанлик ва эзгуликка интилиши юксак бўлади. Бундай жамият фукароларида

соғлом фикр, ақл-идрок ҳар доим устувор бўлади. Бугун қайта куриш, ошкоралик ва миллий мафкура сиёсати маҳсулидан баҳраманд бўлган Республикамиз халки чукур билим ва юксак тафаккурга асосланган ана шундай адолатли, хукукий жамият куриш йўлидан дадил олға бормоқда. Президент И. А. Каримов ўзларининг "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат" асарида бундай дейди: "Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат куришга интиляяпмиз. Адолатга интилиш халқимиз маънавий-рухий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик гояси бутун ва иқтисодий-ижтимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак".

Давлатимиз раҳбарининг доно сиёсати туфайли Республикамиз турғунликдан, маънавий ва иқтисодий қарамликдан озод килиниб, янги мустақил жамият қура олди. Бу жамиятнинг асосини нима ташкил қиласди? Унинг кучи қаерда?

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат қариялар, ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликда, ёшларнинг билим олишлари учун доимий равишда кўрилаётган чора-тадбирларда ўз аксини топмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Халқ очликка, йўқчиликка, кимматчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди".

Қомусимизда, "ҳар бир фуқаро динидан, ирқидан, миллатидан, келиб чикишидан, амалидан катъи назар, конун олдида барабар", дейилади.

Республикамида амалга киритилган ва ишлаб чиқилаётган қонунларда қуйидаги кафолатлар таъминланган:

- аҳоли турли табақаларининг ўзаро ахил бўлиши;
- барчанинг тенглигини, фаровонлигини ҳимоя килиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва хукукига қараб ҳар бир инсон ўз улушкини олишига имкон яратиленган.

Бунинг учун, энг аввало, инсоний фазилатларнинг ўзаро муносабатлардаги ўрнини аниклаб олмоғимиз лозим. Инсоннинг маънавияти унинг одоби, хулқи, маданиятидан ташкил топади. Маънавият эса аклий, ахлоқий, хукукий, иқтисодий ва сиёсий

билимлар замирида шаклланади. Мазкур билимлар ўз навбатида инсон ижобий сифатларининг камол топиб, бойиб боришига олиб келади. Фазилатлар инсоннинг ижобий сифатлари мажмудан иборат.

Сифат алоҳида бир шахснинг муайян бир хислатини ифодаловчи ахлоқий тушунча.

Фазилат – алоҳида шахс, эл, элат, халқ, улусга тааллукли бўлган ижобий ахлоқий сифатлар мажмуи.

Чукур маънавият соҳиби бўлган инсон ўзининг қайси йўлдан бораётганлигини тушуниб етади. Юртига нисбатан меҳр, гурур пайдо бўлади. Натижада, Ватанинг равнақига ўз хиссасини қўшади. Аждодларим яшаб ўтган, мени ўз бағрида улғайтирган Ватан учун мен нима қила олдим, мени гўдаклигимдан едириб-ичирган ота-онам, она-замин, қонли томиримда жўш ураётган аждодларим шаънига муносиб ишлар қиласпманми? – деган саволларни ўз вижданни олдига кўндаланг кўяди.

Биз педагог ва ота-оналарнинг бурчи фарзандларимизни Ватанга муҳаббатли, имонли, эътиқодли, адолатпарвар килиб тарбиялашдан иборат. Бундай фазилатларни ўзида мужассам этган ёшлар, қандай вазиятда бўлмасин ҳамма вақт ўзига тўғри йўл танлай олади.

Ўзларининг чукур билимлари ва адолатли хатти-харакатларини кўникмага айлантирган бундай нуфузли талаба-ёшларимиз мустақил жамиятимизга тамал тошини кўйгувчи фидойи инсонлар бўлиб етишишлари мукаррар.

Инсон – табиатнинг буюк неъмати. Унга акл-идрок, онг, фаросат каби буюк фазилатлар ато этилганки, инсон бу фазилатларга сайқал бериб, ривожлантириб, оламни, инсониятни камолотга етаклаб боради.

Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият, маънавият элементларининг унда қанчалик мужассамлашганлиги билан белгиланади. Шу ўринда бу тушунчаларнинг можияти устида тўхталиб ўтиш жоиз:

– одоб – хар бир инсоннинг мулокот жараёнида ва юриштуришида ўзини тута билиши;

- **хулқ** – одобнинг ички тўлиқ кўниумага айланган кўриниши;
- **ахлок** – жамиятда қабул қилинган, жамоачилик фикри билан маъкулланган хулқ-одоб меъёрлари мажмуи;
- **маданият** – жамиятнинг ва унда ишловчи фуқароларнинг фаолияти жараёнида тўпланган барча ижобий ютуклар мажмуси;
- **маънавият** – инсон онгини акс эттирувчи барча ижобий, руҳий, интеллектуал фазилатлар мажмуаси.

Мушоҳада қилиш ақлнинг пешланишига олиб келади. Ақл онгни сайқаллади. Онг эса моддий ва маънавий манбага айланади. Шу тарзда инсон аста-секин такомиллашиб, комилликка эришиб боради.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, инсон маънавиятли бўлиши учун жуда кўп инсонийлик билимлари сарчашмасидан баҳраманд бўлиши, ўз устида тинмай изланиши ва ҳаётни кузатиб, ундан сабоқ чикариб бориши лозим.

Ҳаётни кузатар эканмиз, ҳар бир инсоннинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан ягона бўлишини, унга ҳар томонлама айнан бўлган иккинчи бир инсоннинг йўклигини ва тарихда ҳам бўлмаганлигини кўрамиз. Табиатнинг ҳассослигига, бетакрорлигига тасаннолар ўқиймиз. Инсонлар бир-бirlарига ўхшамасалар-да, улар бир жамиятда яшаб, ўзаро ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб, бунёдкорлик, яратувчанлик билан шугулланмоқдалар, эзгулик уругини сочмоқдалар, бу ургуларнинг ҳосилидан баҳраманд бўлиб яшамоқдалар. Бундай инсонлар ҳам ақлий ҳам ахлоқий билимларни пухта эгаллаган, ҳар нарсага кодир, юзидан нур балкийдиган, тилидан бол томадиган, хушхулқ, хушфеъл инсонлар. Улар жамиятнинг, халқнинг севимли фарзандлари. Шу боис уларга ҳавас қилса, таклид қилса, улардан намуна олса арзиди.

Талабаларда камтарлик, илмга интилиш, ўзига нисбатан талбачанлик, берилган умрдан унумли фойдаланиш каби хислатларни тарбиялашда Берунийнинг маънавий меросидан фойдаланиш катта самара беради.

Инсон қадри умрида қанча йил яшагани билан эмас, балки бу фурсатдан қандай фойдаланганлиги, эл ва жамият манфаати йўли-

да нима ишлар килганлиги билан ўлчанади. Бир аср умр кўриб, ном-нишонсиз ўтганлар хам бор, оз умр кўриб, абадий ном қолдирганлар хам бор. Инсонлар эл назарида уй-жой, молу муликлари билан яшамайди, балки халқ учун килган шарафли ишлари билан барҳаёт яшайди. Тарихга назар солсак, неча-неча асрлар давомида шоҳлар, бойлар, дарвешлар, хуллас қанча-қанча инсонлар бу хаётдан ўтишган. Аммо халки учун, унинг маънавий камолоти йўлида риёзат чеккан Форобий, ал-Бухорий, Беруний, ибн Сино, Умар Хайём, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Накшбанд, Лутфий, Алишер Навоий, Биноий, Кошифий каби алломаларимиз инсоният камолотининг йўлчи юлдузлари бўлганиликлари учун, мана неча асрлар ўтибдики, биз билан ёнма-ён яшаётгандек, ишимизга, ўйларимизга, орзуларимизга ҳамкор, ҳамнафас.

Қалбида яхши фазилатлар макон курган ва уларни ҳаёти давомида янада сайқаллаб, такомиллаштириб борган инсон камолотга эришиб бораверади.

Инсон комиллигининг мезони унинг ўкиб-уққанлиги, ақлий ва ахлоқий савияси ҳамда уларни ҳаётда кўллай билиш кўник масини ҳосил килганлиги билан белгиланади.

Инсон, энг аввало, ҳар томонлама билимдон бўлмоғи лозим. Билимдон бўлмоқлик, бу ўз касбини пухта эгаллаш, эл-юрг, Ватан манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, унга садоқатли бўлиш, уни эъзозлаш, иктисадий, сиёсий, ҳукукий билимларни доимий равишда етарли даражада эгаллаб бориш, маърифатли бўлиш, маънавий камолот сари интилиш, халқнинг, инсонларнинг ғам-ташвишлари, кувончларига ҳамдард, ҳамкор, елкадош бўлиш, умумий килиб айтгандага, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, унинг истиқболи учун кайгуриш, доимо эзгу ишлар, орзу-умидлар, ниятлар билан йўлдош бўлиб юриш демакдир.

Бунинг учун инсон ҳар доим мустакил фикрлай олиш қобилиятини шаклантириб, сайқаллаб бормоғи керак.

Ёшларда мустакил фикрлай олиш ва шахсий хулоса чиқара оладиган фазилатни қандай тарбиялаш мумкин?

Мустакил фикрлаш комилликнинг асосий белгиси. Комиллик уч босқичдан иборат:

1. Жисмоний саломатлик. 2. Ахлоқий поклик. 3. Ақлий етуклик.

Бу босқичларни шакллантиришда мустақил фикрлаш етакчи устувор үрин әгаллады. Талаба-ёшлар тарбияланишини қалбан хоҳлаб, интилсалар, жисмоний ва ахлоқий комиллик дарајасига осонлик билан әришса бўлади.

Аммо ақлий камолотга әришиш эса, асаб тизимининг таранглашуви, ақлий зўриқиши, ҳиссий жиддийлашув, барқарор иродавий хатти-харакатлар, узлуксиз фаоллик, фидойилик, билимга чанқоқлик намуналари эвазига босқичма-босқич, аста-секинлик билан амалга ошади. Мустақил фикрлаш фаҳмлаш, яъни англашдан, фикр юритишдан бошланади.

Англаш – бирор-бир ғоя (фикр)нинг туб мазмунига тушуниб етиш.

Мушоҳада – ғоя (фикр)ни мантикан талкин килиш.

Тафаккур – инсон онгидаги мавжуд илмий ва ҳаётий билимлар мажмуаларидан керагини саралаб олиш ва амалиётда кўллаш.

Амалиётда кўллаш – ҳаётда бир неча бор қўлланилган, ўзининг ижобий ҳосиласини берган, ишончли муаммолар ечими билан солишишиб, хулоса қилиш, сўнг тафаккур савиясига таяниб, ягона ечимни танлаш ва ундан амалиётда фойдаланиш.

Мустақил фикр юритиш жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз, мақсад кабилар вужудга келади. Мустақил фикр юритиш тил ва нутқ билан чамбарчас борғлик ҳолда намоён бўлади ҳамда улар узлуксиз тарзда бир-бирини тақозо этади. Шу боис инсон ўзининг мустақил фикрлаши, муомаласи (мулоқоти), нутқи ва онгли хулқ-атвори туфайли борликдаги мавжудотлардан тубдан ажралиб туради.

Инсон мустақил фикр юритиш фаолиятида ўзи акс эттирган, сезган, идрок қилган, тасаввур қилган, хотирлаб қолган нарса ва ҳодисалар тўғрилиги, аниклиги, ҳақиқийлиги ёки уларнинг воқеликка мос тушишини аниклади. Борликни билиш жараёнида ҳосил қилинган хукмлар, тушунчалар, хулосалар, фараз (тахмин)лар, чиқарилган қарорларнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслигини белгилаб олади. Инсон мустақил фикрлаш орқали

вокеликни умумлаштириб, билвосита ва бевосита акс эттиради, нарса ва ходисалар ўртасидаги ички мураккаб боғланишлар, муносабатлар, хоссалар, хусусият ҳамда механизмларни англаб етади.

Одатда, фикр юритиш вокеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ҳал этиш воситаси хусусиятига, объектнинг субъект учун янгилигига, шахснинг фаоллик кўрсаткичига кўра, бир нечта турга ажратилиб, тадқиқ килинади. Мустакил фикрлаш ақлий фаолият сифатида олиб қаралганда, инсон томонидан масалалар, топшириклар ечиш назарда тутилади. Уларнинг шартлари, моҳияти, тузилиши, шакллари ва шахснинг англаш имкониятлари кузатилади.

Масала, муаммо, топширикларни ечиш шахснинг эҳтиёжи, кизикиши, майли, қобилияти, истеъоди, салоҳияти билан боғлик равищда олиб қаралади. Уларни қабул килиш, муайян қарорга келиш, воситалар кидириш мустакил фикр юритишнинг мустаҳкам негизини ташкил қиласди.

Мустакил фикр юритиш фаолиятда муаммо ечимини кидиришни бошқаришда, борликни инъикос килишда инсоннинг ҳистийгулари, кечинмалари, фавқулоддаги вазиятлар, объектив ва субъектив шароитларда алоҳида аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёнида ва ишлаб чиқаришда шахслараро (объектив ва субъектив) муносабатлар, алоказлар, ҳамкорликдаги ақлий ҳамда жисмоний меҳнат маҳсули, муомала меъёри, мустакил фикрлаш мажмуаси тарикасида юзага келади. Жамоада танқид, ўз-ўзини танқид килиш, баҳолаш, назорат килиш, текшириш, бошқариш, ривожлантириш, намоён килиш, ўз-ўзига буйруқ бериш, гурухий мулоҳаза, мушоҳада каби мустакил фикр юритиш сифатлари шаклланади.

Инсоннинг инсон томонидан идрок килиниши, яъни нотаниш шахснинг руҳий ҳолатини аниклаш, тахмин килиш, энг зарур аломат ва белгиларни тўплаш ҳам мустакил фикрлаш маҳсули. Мазкур мураккаб босқичли билиш жараёни инсондан иродавий зўр беришни, ақлий жиддийликни, онгли муносабатни, барқарор вазиятни, қулай шарт-шароитни талаб киласди ва муайян хulosага келинади.

Мустакил фикр юритиш жараёни, муаммоли вазият вужудга келишидан бошланади. Лекин мазкур вазият туғилиши, ечиими бу билан тугалланмайди. Инсонда билишга нисбатан мояйиллик, ихтиёрсиз хатти-харакат муаммоли вазиятгача ёркин бўлмаган ноаникликларни излаб топиш каби ҳолатлар юзага келади, сўнг туб маънодаги ечимга муҳтоҷ муаммоли вазият яратилади ва ниҳоят унинг ечими топилса-да, лекин билишнинг муаммодан кейинги босқичи фикрнинг ўз йўналишида ихтиёрсиз давом эттираверади.

Ўкув фаолиятида фикр юритиш ва тафаккур килишнинг ўзаро мустаҳкам боғланган берк занжири вужудга келади.

Мустакил фикр юритиш жараёни кўйидаги босқичлардан таркиб топган:

1) мустакил фикр юритиш фаолиятида, энг аввало, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо инсон томонидан яхшилаб англаб (тушуниб) олиниши керак;

2) муаммо ёки масалани ҳал қилиш учун энг зарур бўлган барча билимларни, муҳим муносабатлар, урф-одатлар, боғланышларни яхши билиши ва уни хаётга татбиқ кила олиши зарур;

3) масала ёки муаммога тааллукли фараз илгари сурилади, босқичлар таххилил қилинади, ечиш тўғрисида мулоҳазалар билдирилади. Турли варианtlар ҳакида фикр юритилади, улар ўзаро киёсланади ва энг самарали варианtlар ажратилади;

4) муаммо олдига кўйилган фараз (гипотеза)ни муайян мезонлар ёрдами билан текшириш зарурияти туғилади. Уни текшириш учун ўзаро ўхшаш ҳолатлар маънавий, шаклий, тузилмавий жиҳатдан таккосланади;

5) муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза тўғрилиги ёки ногўри эканлиги аникланса, у фикр юритиш объектидан сикиб чикарилади ва янги фаразлар, ўйлар, тахминлар қабул қилинади ёки ўйлаб топилади;

6) муаммони ҳал қилиш, ечиш, олинган натижаларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун шахс уни текшириш билан мустакил фикр юритиш ҳакидаги харакатларини якунлайди.

Ҳар бир шахс ўз акл-идроқи, тафаккурининг теранлиги, ин-

теллектуал шаклланганлигига мос ҳолда муаммоларни ечади ва ҳаётга жорий этади. Инсон ҳаётда жорий этган муаммолар ечимининг савиясига қараб, кишилар орасида ўз ўрни ва мав-кеини эгаллаб боради. Шу йўсинда шахснинг мустақил фикрлаш қобилияти сайқалланиб бораверади.

Дунёвий ва руҳий-хиссий билимлар ривожи олам ва инсоннинг ўзи билан англаниши янги-янги кирраларни очмоқда. Инсон факат моддий-биологик вужуддан эмас, балки унинг моддий-биологик танасидек бошқариб, ривожлантириб турувчи яна биоэнергетик танаси бор эканлигини дунёвий фанлар тўла исботлаб бўлди. Худди шу биоэнергетик тана инсоннинг руҳий-хиссий сифатларидан таркиб топган бўлиб, уларнинг таркибий қисмини виждан ташкил этади. Руҳий-хиссий сифатлар мажмуаси инсон маънавиятини ташкил килганлиги учун, демак, виждан – энг асосий, энг олий маънавий-инсоний сифат экан. Шунинг учун инсон тарбиясида вижданни тарбиялаш маънавий-инсоний тарбиянинг асосини ташкил этади.

Виждан тушунчаси – инсоннинг виждоний сифати, унинг онги, қалби, акли ва иродасига боғлик. Чунки инсоннинг ички руҳий кечинмаларида яхшилик ва ёмонлик доимо ички курашда бўлади. Агар инсон бирор маънавий вазиятда ўз қалбига қулоқ солиб, иродасини ишга солиб, фаразгўйлик, мансабпастлик, молпастлик ва ҳоказо қаби ғайри инсоний иллатлардан устун келиб оқилона иш кўрса, унинг виждоний сифати юкорилигини кўрсатади. Бундай вазиятлар инсон ҳаётида жуда кўп бўлади.

Бу ҳақда Президент И. А. Каримов "Фидокор" газетасининг мухбири билан бўлган "Донишманд ҳалкимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман" номли мулоқотларида шундай деганлар: "Аслида менинг назаримда, одамнинг қалбига иккита куч – бунёдкорлик ва вайронакорлик ҳамиша курашади". Инсон қалбига ғайриинсоний иллатларнинг устун бўлиши аслида маънавий касаллик. Юртбошимиз сўзларини давом эттирад эканлар, бу касалликни даволаш йўлларини кўрсатиб шундай деганлар: "Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, энг аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади".

Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни карор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур".

Арасту ҳаким вижданни талқин қилас эканлар, "Рухимизнинг маънавий қуввати билан вижданимиз, фикримизга қувват берувчи бир – восита-ю идрокият" – деган эди.

Инсонни фақат тиббий-биологик эмас, балки уни руҳий-хиссий сиймо сифатида яхши ўрганган ибн Сино "Виждан руҳ ва фикримизни туйғун қилмокка биринчи восита", – дея фикр билдиради.

Абдулла Авлоний эса бундай деб ёзади: "Виждан деб, руҳимизга, фикримизга таъсир қиладурғон хиссиёт, яъни сезув-туймокдан иборат маънавий қувватига айтилур. Биз ҳар вакт афъол ва ҳаракатимизнинг яхши ва ёмонлигини, фойда ва зааралигини онжак вижданимиз ила билурмиз. Виждан инсоннинг акл ва фикрининг ҳакиқий мезонидурки, бу тарозу ила ўз камчилигини ўлчаб билмак ила баробар бошқаларнинг ҳам афъол ва ҳаракатини сезур. Агар ишлаган иши шариат, акл ва хикматга мувофиқ бўлса, муҳаббат қилур, кабоҳат, ёмон ишларни қилса, нафрат қилур. Биз жаноби ҳақнинг амр ва нахйини фикр ва руҳиятимизнинг маънавий қуввати ўлан вижданимиз ила айира билурмиз.

Аммо виждансиз кишиларнинг ишларида, ният ва амалларида, дўст ва ошноликларида яширин бир ғаразлари ўлдигиндан ҳар вакт ҳасрат ва надомат чекуб, виждан азобига гирифттор бўлурлар".

Дарвоке, ҳасратнинг асл моҳиятини, маъносини топишда вижданнинг роли юксак. Бунинг учун, энг аввало, инсон ўз-ўзига тўғри талаб кўя билиши лозим. Турмушнинг ҳар бир жабхасида виждан адолат мезони бўлмоғи даркор. Президент И.А Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" китобларида бу жихатга шундай ургу бериб ўтадилар: "Ҳар бир киши ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини хис қилишини, унинг ўзига бериб кўйилган ҳуқук ва эркинликларга онгли муносабатда бўлиши ва қадрлаши, машққатли меҳнати билан кўлга киритилган демократик қадриятларни асрраб-авайлаши ва ҳимоя қилиши фоят мухим".

Виждон тарбияси – жуда ёшлиқдан бошланмоғи лозим. Унинг оддий инсоний муносабатларда намоён бўлиши, инсонпарварликда, иктисадда виждоний муносабатларнинг устуворлигига эришишига олиб келади.

Инсонни улууглаш, унинг қадрига етиш, айникса, ўсиб келаётган ёш авлодни ақл-идрокли, одобли килиб тарбиялаш, уларни камолотга етказиш соҳасида Республикаизда бир канча ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё, инсон, ақл-заковат, маънавият бир-бири билан чамбарчас боғлик. Дунё бунёд бўлибдики, инсон дунё юзини кўрибдики, ўзини инсон сифатида англабдики, у борликни ўзининг ақл-заковати билан таниб келади. Инсон онги, тафаккури ва маънавияти туфайли шундай устунликка эга. Инсон дунёга маълум бир максад билан келмайди. У ўзлигини идрок этгандан сўнг хаётда яшашдан маъно излайди ва бу нарса унинг хаёти мазмунини ташкил этади.

Инсонлар бор мана шу келиши билан кетиши ўртасидаги "умр" деб аталмиш вақтга чақмокдай чакнаб, ўзларининг ёркин изини қолдирадилар. Бу из ўчмас. Мана шундай ақл-заковати билан ўзидан кейин яхши от қолдирувчилар маънавий юксак инсонлар. Маънавий комил инсонгина шундай юксакликка, авпод-ажоддлар қалбida замонлар оша, асрлар оша яшашдай шарафга сазовор.

Демак, инсон ўз хаёти ва фаолиятини мазмунли ўтказиш учун, энг аввало, ўзини ўраб турган борлиқни билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши лозим. Чунки инсон ақл-идроқи туфайлигина донолик, теран фикр, росттўйлик, тўғрилик, узокни кўра билиш, нафснинг куйига тушмаслик каби хусусиятларни амалга ошириши мумкин. Халқимизда "Ақл инсон кўрки", "Ақл сувдан тиник, ойнадек равшан", "Ақл юрак ичидағи нур, бу нур билан ҳақ ёки ноҳақ билиб олинади", "Ақл ўз сохибини дунё маломатларидан кутқаради", "Ақл жоннинг хаёти, жон эса жасаднинг хаёти, тан эса жасаднинг хаёти!", "Кишининг нафси ақлдан устун бўлса, ундей одамнинг ҳайвондан фарки йўқ" каби накллар бежиз айтилмаган. Шунинг учун ҳам ақл инсон учун тоят олий неъмат. Ақл билан илм-маърифат эгалланади, касб ҳосил килинади, дунё сирлари ўрганилади.

Акл кишининг ўз иродаси, қалби ва фикри асосида дунёвий, хаётий ҳакиқатларни англаши ва уларга ўз фаолиятида маънавий-инсоний нуқтаи назардан амал қилишидир.

Акл инсонларнинг пири комили, муршиди, ягонаси. Рух ишловчи, акл бошловчи. Инсон акли ила дин ва эътиқодни маҳкам килади, шариат ҳукмларига бўйсунади. Инсонларнинг дўсти унинг акли. Душмани эса унинг нодонлиги. Инсон акли туфайли яхшилик билан ёмонликни ажратади. Олимларнинг фикрича, акл икки турда бўлади: табиий ва касбий. Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган тугма акли бу – табиий акл. Инсон табиатидаги аклни ўткирлаш ва ўстириш фаолияти бу касбий. Бу эса аклни ишлатиш, тажриба ва илм олиш билан ҳосил бўлади. У аклни ривожлантириш учун ҳар бир киши ҳаётдан тажриба орттириши ва илм-маърифат ўрганиши зарур, ҳар кимки, ақлга ошно бўлса, у жамики айблардан покланади, ҳакиқатни англаб, камолотга етади.

Абу Наср Форобий ёзади: "Ақлли деб шундай кишини айтамизки, унда ўткир зеҳн, идрок бўлиши билан бирга у фазилатли ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхци ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлади. Шундай одамнигина аклли ва бутун фикр юритувчи деб аташ мумкин. "Болаларнинг ақлли бўлишида оила, мактаб, кент жамоатчиликнинг таъсири катта. Ақлли болалар каерда бўлмасинлар доимо эҳтиёткорлик билан билим ва тарбияли эканлигини намойиш этадилар. Уларни кўрган, сұхбатида бўлган кишилар аклига қойил қолиб, раҳмат айтади. Шу ўринда 1447 иили Тафт шахрида 5 – 6 ёшли Алишернинг машхур олим, тарихчи Шарофиддин Али Яздий билан бўлган учрашувини мисол сифатида келтириш мақсадга мувофик.

Ўшанда кичкина Алишер мўйсафиднинг саволларига бурро жавоб берган эди. Мўйсафидга унинг ўзини тутиши, одоби ёкиб тушди ва « – Мен чакирганимда ўртокларинг қочиб кетди. Сен эса ҳузуримга келдинг, сўрокларимга яхши жавоб бердинг. Шунинг учун сенга раҳмат, умринг узок бўлсин, бошинг омон бўлсин. Олим-фозил бўлиб, яхши обрўга эришгайсан» – деб уни дую килди.

Бундан кўриниб турибдики, ақли болалар ҳамма жойда камолу таъзим билан салом берадилар. Одоб билан муносабатда бўладилар.

Ҳакиқатан ҳам, аклни ишлатган киши ҳаётида факат эзгу ишлар килади ва эзгулик кўради.

Лекин шуни айтиш жоизки, акл, заковат жиҳатдан стук бўлмаган инсон ҳеч қачон ўз Ваганини, ўз ҳалқини, ўз динини, энг асосийси ўзлигини англай олмайди. Ўзлигини англамаган инсон эса манкуртга айланиб қолади. Бу эса эртанги порлок келажагимизнинг ҳалокати. Бизнинг бу борадаги энг асосий вазифамиз ёшларни маънавий баркамол, элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган, юрт истикболи учун қайғуродиган комил инсонлар қилиб тарбиялашимиз, камол топтиришимиз зарур.

Дарҳақиқат, илм-маърифатлилик куч-кувват манбаи, қалбга нур, ўзига зиё бағишлайдиган буюк неъмат. Шу сабабли ҳам инсон ҳаётда кунт билан илмни ўрганиши туфайли акл-заковати юксалади, баҳтли ҳаёт учун курашади.

Инсон учун ақл эшик очувчи, ахлоқий йўл кўрсатувчи. Етук одоб-ахлоқ инсоннинг зийнати, доноларнинг фазилати. Аклни киши ахлоқли бўлсагина ҳалқига, мамлакатига, ёру дўстларига наф келтиради. Мисол учун, Алишер Навоий ўзининг акли, ибратли ахлоқи, одоби билан мамлакатда ҳалқига ҳеч қачон сўнмайдиган буюк мерос қолдирди. У ўзи ҳаёт бўлган даврлардаёқ, акли ва ахлоқи билан ҳалқига, мамлакатига кўп фойда келтирди, дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога давлатни адолат мезонлари асосида бошқаришга ёрдамлашди. Алишер Навоийнинг доно маслаҳатлари туфайли кўп фалокатларнинг олди олинди, ҳалокатлардан кутулиб колинди.

Ақл – инсоннинг эпчиллик, бунёдкорлик, инсонпарварлик сифатлари мажмуасидан иборат.

Абдулла Авлонийнинг ёзишича, «Ақл инсонларнинг пирикомили, муршиди ягонасидур, рух ишловчи, ақл бошқарувчи. Инсон акли или дини ва эътиқодини махкам қилур, шариат хукмларига бўйсунур»...

Алломалардан бири "Агар ақлинг қули нафсингнинг жиловини ушласа, сени ёмон йўлларга кирмокдан саклар, ҳар нарса кўп бўлса, баҳоси арzon бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида канча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур", – деган.

Ҳар томонлама етук, баркамол авлодни етиштиришда меҳнат тарбиясининг роли ва ўрни бекиёс. Инсоннинг кундалиқ турмуш тарзи меҳнат ва фаолият билан боғлик. Шу сабабли меҳнат бутун моддий ва маънавий бойликлар ижтимоий тарақкиётининг негизи. Меҳнат тарбияси шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг ажралмас кисми. Шунингдек, боланинг ҳар томонлама шаклланиш воситаси, унинг шахс сифатида улгайиш омили. Мунтазам қилинган меҳнат жараёнидагина бола ўз аклини, иродасини, хиссиётини, характеристерини ривожлантириши, шахс сифатида шаклланиши мумкин.

Фарзандларимиз мустакил Ўзбекистоннинг бўлгуси қурувчилари. Шу сабабли Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва босча ҳужжатларда уларни меҳнатга қай даражада тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шундай экан, меҳнат фарзандларимиз учун ҳам зарурат ҳам бурч бўлиши, бунинг учун уйда ҳам таълим муассасаларида ҳам меҳнат қилиш учун шароитлар яратилиши лозим. Агар бола кичиклигидан меҳнат қилишга ўргатилса, ўйиндан меҳнат қилишга хеч бир кийинчиликлар сиз ўтади. Бу жараёнда катталарнинг ибрати мухим роль ўйнайди.

Фарзандларимиз кичик ёшдан бошлаб, майший меҳнат, аклий меҳнат, жисмоний меҳнат ва ижтимоий меҳнатда иштирок этадилар. Меҳнат тарбияси ёрдамида ёшларни меҳнатга ҳам руҳан ҳам амалий жиҳатдан тайёрлаш лозим. Шунинг учун уларнинг ёши ва имкониятларига мос меҳнат турларини бажаришга жалб қилмоқ даркор.

Меҳнатга психологоник, ахлоқий ва амалий тайёрлаш жараёнида ўқувчидаги меҳнатсеварлик, интизомлилик, шиҷоаткорлик каби ахлоқий иродавий хусусиятлар тарбияланиб боради. Ўқувчиларда жамоатчилик билан бирга меҳнат қилиш кўнилмаларини хосил қилиш лозим. Чунки инсон бутун ҳаёти давомида кўпчилик билан меҳнат килади. Бу жараёнда ўқувчидаги меҳнат қилиш маданиятини ўстирмоқ даркор.

Ёшлиар меҳнати дастлаб оиласда, кейин эса таълим муассасаларида амалга оширилади. Бу жараёнда, айникса, академик лицей ва касб-хунар колледжларининг ўрни бекиёс.

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида таъкидлан-

ганидек, "Касб-хунар қоллехи ўкувчиларининг касб-хунарга мойиллиги, маҳорати ва малакасини чукур ривожлантиришини, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча иҳтисос олишини таъминлайдиган уч йиллик ўрта маҳсус. касб-хунар таълими муассасасидир".

Ёшлар меҳнатининг мазмуни мамлакат олдида турган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий вазифалар, вилоят ва туманлардаги кадрларга бўлган эҳтиёж, таълим муассасаларининг ички имкониятлари ва талаблари асосида белгиланади.

Энг аввало, улар таълим жараёнида меҳнат ҳақида дастлабки билим ва тасаввурларга эга бўлиб, ўқиш ҳам меҳнат эканлигини тушуниб оладилар. Ўқув режасига киритилган меҳнат дарсларида эса, меҳнат қилиш малакаларини эгаллайдилар. Бу жараёнда ўз меҳнатларининг натижасини кўриб завқланадилар ва янада яхширок меҳнат қилишга ҳаракат қиласидилар. Меҳнат қилиш жараёнида синфдан ва мактабдан ташқари меҳнат, ўз-ўзига хизмат қилиш меҳнати, ижтимоий фойдали меҳнат турида фаол иштирок этадилар ва чиниқадилар. Педагогика фани меҳнат тарбиясини ташкил қилишга бир неча талаблар қўяди.

Жумладан:

- меҳнатнинг ижтимоий-ахлокий аҳамиятига алоҳида зътибор бериш;
- меҳнат ўкувчининг ёши, ҳаёт тажрибаси ва имкониятларига мос бўлиши;
- уларнинг меҳнат фаoliиятлари ижодий ҳаракатда бўлиши, ўз вактида турли касблар ҳақида маълумотлар бериб борилиши, меҳнат аҳллари билан доимо сухбат ва учрашувлар ташкил қилиш кабилар.

Демак, меҳнат инсон хаётининг зарурий шарти. У инсон учун фақат материал, ижтимоий зарурият эмас, балки маънавий-рухий эҳтиёж ҳам. Инсон боласининг ёшлигидан меҳнатга эҳтиёжи, ҳаваси генетик – физиологик асосга эга. Болаларда бир ёшдан бошлаб, кенг ижодий фаoliият шаклланади. Шу кенг фаoliият жараёнида болаларнинг қизиқиши, имконият, қобилият ва лаёкатли кўринишларини топа билиш лозим. Ёшлигдан фаoliиятга ижобий муносабатда бўлишга ўргатиш лозим. Меҳнат тар-

бияси фан асосларини ўрганиш жараёнида ўкувчиларнинг олган билимларини аниқ мақсадга йўналганигини, ишлаб чиқариш жараёнининг илмий асосларини, билим ва касбий кизиқишлигини кўзда тутади.

Мехнат тарбияси оиласда фоят кўламдор ҳолда амалга оширилади. Айниқса, оила бошлиғи ва болаларнинг биргаликдаги меҳнатини ташкил қилиш ниҳоятда катта имкониятларга эга.

Касб танлаш жиддий ва масъулиятли иш. Бунда тўгараклар муҳим ўрин тутади, фан тўгаракларида болалар политехник савия, билимларини кенгайтиради, касб танлашга тайёрланишади. Мактабда юқори синф ўкувчилари учун "ишлаб чиқариш асослари: касб танлаш" курси ўқитилади. Касбга йўналтириш умумий ўкув-тарбия жараёнида амалга оширилиши керак. Мехнат тарбияси иқтисодий тарбия билан чамбарчас боғлик. Бозор муносабатлари шароити ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий тарбия ўкувчиларда тежамкорлик, ишбилар-монлик, иқтисодий ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ҳакида фикрлай олиш кобилиятини камол топтиради.

Жисмоний тарбиянинг мақсади – ўкувчилар танасининг соғлом ўсишини таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, Ватан мудофаасига тайёрлашётади. Абдулла Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ ва илм-маърифатга эга бўлмоқ учун бадани тарбия қилиш зарур.

Жисмоний тарбия кишилар саломатлигини мустахкамлайди, ишлаш кобилиятини оширади, узок умр кўришга ёрдам беради. Спорт хар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбия қилиш, кучкүватни саклаб туришнинг воситаси ҳисобланади.

Фан-техника тараккиёти мутахассисликка нисбатан юксак талаблар кўймоқда. Бу ҳол ўкувчиларни меҳнатга тайёрлаш, унга ўргатиш, йўл ва воситаларини такомиллаштиришни такозо қилмоқда.

Мехнат атроф-муҳитни ўзлаштириш, бунёд қилиш орқали ижтимоий ҳамда шахсий эҳтиёжларни қондиради. Шунинг учун

мехнатга мураккаб ижтимоий ходиса сифатида қаралади. Мехнат фаолияти ўкиш жараёнини ҳам ўз ичига олади. Бу жараёнда авлодлар билим, омил, қўникма ва малакалар эгаллашлари ёрдамида меҳнат фаолиятига тайёрланадилар.

Таянч сўз иборалари

Дунё, акл-идрок, маънавият, қалб, фикр, илм, комил инсон, илм-маърифат, акл, ахлоқ, эпчиллик, бунёдкорлик, инсонпарварлик, одоб, хулқ, маданият, маънавият, сифат, фазилат, инсон комиллигининг мезони, манманлик, камтарлик, англаш (фикр), мушоҳада, тафаккур, амалийётда қўллаш, виждон, рух, қалб, имон, онг, хукукий тарбия, касб, мулқ, табиат, муносабат.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Инсон маънавий сифатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Виждон нимадан иборат?
3. Комил инсон нимаси билан улур?
4. Мехнат нима учун зарурий эҳтиёж хисобланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Тарихий хотарасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёти-нинг пойдевори. – Т., 1997.
4. Абу Райхон Беруний. Рухият ва таълим-тарбия ҳакида. – Т., 1992.
5. Махкамов У. Ахлоқ-одоб сабоклари. –Т.: Фан, 1994.

ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ АСОСЛАРИ

(ДИДАКТИКА)

7-мавзуу. Таълим жараёни ва мутахассислик

1. Таълим жараёнининг моҳияти ва вазифалари.
2. Таълим мазмуни. Ўкув режалар, дастурлар, дарслеклар.
3. Таълим-тарбиянинг замонавий шакллари.

Таълим жараёнининг илмий, назарий, услугубий ва амалий асосларини, яъни таълим, билим бериш, ўқитиш назарияси билан педагогаканинг мустақил бўлими – дидактика шуғулланади. Дидактика – юононча сўз бўлиб, "didasko", яъни ўқитиш, ўргатиш маъноларини беради. Таълим қонуниятларини ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида таълим тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва вазифалари, ўқитиш тамоиллари, шакллари ҳақида ги билимлар баён этилади.

Таълим – инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради. Ўқитувчи таълим жараёнида факат билим бериш билан чегараланмайди, балки бу жараёнда ўқувчи-талабага таъсир кўрсатади. Бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради. Натижада, талаба таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълимдаги ютуқлар, энг аввало, ўқитувчига боғлик. Мутахассис сифатида ўз фанини чукур билиши, педагогик мулокот устаси бўлиши, психологик-педагогик ва услугубий билим, кўнникма ва малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиш, баҳолаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг макбул услугуб ва воситаларини танлаб олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Таълимнинг асосий вазифаси шахсни назарий билим, амалий кўнникма ва малакалар билан қуроллантиришдан иборат.

Таълим орқали ёш авлодга инсоният тажрибаси орқали тўпланган билимлар берилади, зарурий кўнникма ва малакалар ҳамда эътиқодлар шакллантирилади.

Таълим ўқитувчи ва ўкувчиларнинг биргалиқдаги фаолияти бўлиб, у икки томонлама характерга эга, яъни унда ўқитувчи ва ўкувчи фаол иштирок этади. Ўқитувчи аник мақсадни кўзлаб, режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни сингдиради. Ўкувчи эса уни фаол ўзлаштириб олади. Билиш мураккаб, қийин, зиддиятли жараён. Бу жараёнда инсон психикасида тегишли сезги, идрок, тасаввур ва тафаккур каби жараёнлар фаол иштирок этади ва муҳим роль ўйнайди.

Таълим бериш, ёшларга билим бериш, уларда кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, янги ҳақиқатларни оча олишга қодир бўлган ижодий-мантиқий тафаккурни тарбиялаш. Таълим ўкувчи-талабаларнинг билиш қобилияtlарини ва фикрлаш операциялари ҳамда ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёни. Бу нофаол жараён эмас, балки ўкувчига номаълум фаол, ижодий фаолият, меҳнат жараёни. Таълим жараёнида таълим олувчи билмасликдан билишгача, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ ва аникроқ, чукурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнида сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби психик жараёнлар фаол иштирок этади ва амалиётда синаб кўрилади.

Ўқитувчи ўкувчи ва талабалардаги фикрлаш жараёнини тўғри йўлга солиш учун амалиёт ҳар қандай билишнинг негизи, деган қоидани ҳисобга олиши зарур.

Ўкувчи-талабаларнинг эркин фикрлаш қобилиятини ўкув ва амалий машғулотлар ўтказиш йўли билан ўстириш мумкин. Бу жараёнда улар воқеликни таҳлил қилишни ва таққослашни, хулоса чиқаришни ўрганадилар, яъни оддий, сўнгра эса анча мураккаб тушунча ҳамда фикр-мулоҳазалар ҳосил қилишни билб оладилар.

Таълимда ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди, балки у ўкувчиларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик қиласи. Ўкувчиларнинг ижодкорлик қобилияtlарини ўстиради. Шу тарика ўрганилаётган нарсанинг онгли равишда ўзлаштириб олинишига эришилади. Шунингдек, ўқитувчи ўкувчиларнинг материални идрок қилиши ва тушуниб олиши билан бирга, уни пухта эсда саклаб қолиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қиласи.

Ўқитувчи ўкувчи-талабанинг билиш фаолиятини ташкил

қилишда таълим жараёни орқали уч вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсадни ҳал қилишни унутмаслиги керак. Зоро, бу мақсадлар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини бирлаштиради.

1. Таълимий мақсад – ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга татбик қила олиш.

2. Тарбиявий мақсад – фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, қарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифати, имон-эътиқодини шакллантириш.

3. Ривожлантирувчи мақсад – таълим жараёни таъсирида шахснинг аклий камолотини, билиш кобилиягини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида ўқувчи-талабада мустақил ишлаш истеъоди пайдо бўлади. Уни ўйлашга ўргатади, таълим жараёнида тафаккур хукмронлик қиласди. Таълим қуидаги босқичларда амалга оширилади:

Бириинчи босқич – ўқув материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда ўқувчи-талаба таълимнинг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканлигини тушуниб олади. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади.

Иккинчи босқич – улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада, уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар таххил, синтез, такқослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар.

Учинчи босқич – янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар ўқитувчининг кўшимча изохлари орқали мустаҳкамланади.

Тўртинчи босқичда – улар ўзлаштириб олган билимларини имкониятга қараб амалиётга татбик қиласдилар.

Буларни билиш орқали ўқитувчи таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариши мумкин. Шунинг учун ўқув жараёнининг хамма босқичларида ўқитувчи етакчилик ва бошқарувчилик ролини ўйнайди. Юкоридаги фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, ўқитиш жараёни билиш фаолиятининг мухим тармоғи сифатида катор вазифаларни бажаради. Жумладан:

– ўқувчи талабаларда билим, кўникма ва малакаларни хосил қиласди;

- ўқувчи талабаларнинг дунёқараши, ишонч ва эътиқодини ўстиради;
- ўқувчи ёшларни муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли бўлиб етишишига, қобилият ва истеъоддларини ўстришга эришилади.

Бу вазифаларни муваффакиятли ҳал этиш учун ўқитувчидага ўз касбига лаёқат бўлиши лозим. *Лаёқатлилик* – педагогик меҳнатни муваффакиятли бажаришга қодир бўлиш.

Бу, энг аввало, педагог касбининг ижтимоий роли ва заруритини якқол тасаввур қила олишида кўринади. Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчи-талабага ўз фаолиятининг обьекти сифатида кизиқиб караши, унинг эҳтиёж ва хусусиятларини тушуни билиши лозим.

Шунингдек, ўқитувчи таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи-талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай билиши ва ҳисобга олиши, ўкув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши, умумлаштира билиши, педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим услублари, воситалари ва шаклларини мукаммал билиши, ўкувчига нисбатан талабчан бўлиш, педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, таълим натижаларини дастлабки ва кейинги кўрсатгичлар билан такқослаш, таҳлил қилиш керак. Хуллас, ўқитувчи кенг кўламдаги дидактика билимларига, педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари даражасида таълим жараёнини ташкил қиласди ва бошқаради.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни қабул килинди. Бу қонунда таъкидланнишича, таълимнинг мазмуни ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол килиб тайёрлаш билан белгиланган.

Ушбу Қонун фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг хуқуқий асосларини белгилаш ва ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий хукукини таъминлашга қаратилган.

Таълимнинг асосий мазмуни унинг вазифаларида ойдинлаштирилади. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлик бўлган вазифалар киради. Бу вазифалар ичida илмий ва техникавий билимлар ҳамда улар билан боғлик бўлган кўнишка ва

малакалар билан куроллантириш, аждодларимиздан қолган тарихий-маданий қадриятларда ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг туттган ўрни, таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳакидаги хикматли фикрлар борки, булар буғунги ҳалқ таълими тараққиёти учун ва миллий мактаб яратиш борасида ёшларимизда инсонпарварлик, поклик, имон-эътиқод, муруват, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қаҳрамонлик, мардлик сингари туйгуларни тарбиялади.

Янги демократик жамият куришда таълимнинг мазмуни жамият эҳтиёжларидан келиб чишиб, қуидагиларга амал килган ҳолда белгиланади:

- илмий билимларнинг етакчи роли тўғрисидаги коидаларга;
- инсониятнинг маданий-маърифий мероси, бойликларини, умуминсоний қадриятларни эгаллаб олиш ҳакидаги "Миллий дастур" кўрсатмаларига;
- тарбияланувчи шахсни баркамол авлод килиб ривожлантириш, имон-эътиқодини, илмий дунёкарашини таркиб топтириш;
- илмий ҳаёт билан, янги демократик жамият куриш тажрибасига боғликлиги ҳакидаги коидага;
- таълимнинг бир мақсадга қаратилганлиги (умумий ёки касбий таълим);
- таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларига, шунингдек дидактик тамойилларга мувофиқлигига амал килинади.

Таълимнинг мазмуни ўзгарувчан, у доимо янгиланиб туради. Янги демократик жамият қураётган ҳозирги кунда фан ва техниканинг, педагогик технологияларнинг жадал ривожланиши, ҳалқимизнинг маданий-маърифий юксалиши туфайли бу жараён, айниқса, тезлашди. Бирок материал танлаш ва таълимнинг мазмунини янгилаш дидактик муаммолар бўлиб қолмай, балки етарлича мураккаб муаммо. Пайдо бўлаётган янги билимлар оқими учун энг мухим, ҳалқ таълими вазифаларини ҳал этишда асосий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ажратиб кўрсатиш ва айни вақтда қандай ўкув материалларини чиқариб ташлаш хисобига улар дастурларга киритилишини ҳал этиш керак.

Янги демократик жамият кураётган бизнинг мамлакатимизда таълим мазмунини куйидаги йўллар билан такомиллаштириш назарда тутилади:

- фан ва тажрибадаги янги муваффакиятларни акс эттириш;
- иккинчи даражали ва ортиқча мураккаблаштирилган материалдан кутулиш;
- ўрганилаётган фанлар рўйхатини ва материаллар ҳажмини аниқлаш ҳамда ўқувчи-ёшлар ўзлаштириб олиши керак бўлган кўникма ва малакаларнинг оптимал ҳажмини белгилаш;
- ўқув фанларига оид асосий тушунчаларни ва етакчи ғояларни жуда ҳам аниқ баён килиш;
- ўқувчиларнинг педагогик технологиялар: компьютер, ксерекс, электрон почта ва шу каби бошқа билимлар билан куроллантириш ҳамда уларда шу технологиялардан фойдаланиш кўникмаларни хосил қилиш.

Айтиш жоизки, умумий таълим борасидаги политехник таълим ва касбий таълимдан фарқ килади.

Умумий таълим – бу ўқувчиларнинг ҳар томонлама умумий тайёргарлигини ва ривожланишини таъминловчи фан асослашими эгаллаб олиш.

Касбий таълим – инсонни ўзи танлаган, нисбатан тор йўналишдаги меҳнат фаолиятига хизмат қиласди.

Политехник таълим – ўқувчиларни хозирги замон ишлаб чиқариши асослари, унинг энергетикаси ҳакидаги билимлар тизими билан куроллантиришни таъминлайди ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳалардаги иш операцияларини ўзлаштириб олиш учун база (асос) аҳамиятига эга бўлган кўникма ва малакаларни эгаллаб олишни назарда тутади.

Умумий политехник ва касбий таълимнинг бирга қўшиб олиб борилишигина янги демократик жамият қуриш юкори малакали, онгли ва фаол захматкашни тайёрлашга имкон беради.

Таълим мазмуни куйидаги меъёрий ва расмий хужжатларда ўз аксинни топади:

1. Ўқув режа.
2. Ўқув дастури.
3. Дарслик.

Ўқув режса – давлат хужжати. Унга барча умумтаълим мак-

таблари сүзсиз амал қилади. Бу хужжатда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўкув фанлари ва шу фанлар учун ажратилган ўкув соатлари кўрсатилади. Бу хужжат мактабнинг ягона ўкув режаси хисобланаб, у Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади. Алоҳида аниқ бир фаннинг ўкув режаси – шу фани ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўкув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат хужжати.

Ўкув режасини тузишда қуидаги омилларга асосланади:

1. Ўкув-тарбия ишининг мақсади ўкувчиларга аниқ илмий билим бериш, олган билимларини кўникмага айлантириб, уни хаётда қўллай олишга ўргатиш.

2. Мактаб ўкувчиларига билим бериш ёшига қараб тизимга солинади ва қоидаларга асосланади:

- а) бошланғич синфлар – I – IV синфлар;
- б) умумий ўрта таълим – V – IX синфлар;
- в) ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими.

"Таълим тўғрисида"ги Қонунга кўра, академик лицей ва қасб-хунар коллежининг макоми тенглаштирилган. Уларнинг ўкувчилари ва битирувчилари олий таълим муассасаларига киришида ёки танланган йўналиш бўйича фаолият кўрсатишда конституциявий ҳак-хукукларини амалга оширишда тенгдирлар. Шу билан бирга академик лицей ва қасб-хунар коллежи ўз олдига кўйган мақсадлари билан бир-биридан маълум маънода фарқ қиласи.

Академик лицейлар – ўкувчиларнинг қизиқишилари ва кобиляйтларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг интеллектуал ривожланишини, чукурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишини таъминлади. Академик лицейларда ўкувчилар ўзлари танлаган йўналиши бўйича билимларини ошириш ва муайян фанлар асосларини чукур, мукаммал ўзлаштириш имконига эга бўладилар. Академик лицейлар, асосан, олий таълим муассасалари қошида ташкил этилади.

Инсон тафаккури, ақлий салоҳияти ижтимоий бойлик ҳисобланади. Улар ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини белгилайдиган омиллар. Шундай фарзандларимиз борки, улар умумий ўрта мактаб таълим жараёнида маълум йўналиш бўйича ўзларининг иктидорини, истеъдодларини намо-

ён киладилар. Бу бойлиқдан оқилона фойдаланиш, уни түғри йүналтириш катта ахамият касб этади. Академик лицейлар айнан шу мақсадни амалга оширишга, иктидорли, истеъдодли болаларни тарбиялашга хизмат қиласы.

Касб-хунар колледжлари эса ўқувчиларнинг касб-хунарга мөйиллигини, лаёкатларини, билим, күнікма ва малакаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йұналишлари бүйіча бир ёки бир неча замонавий касбни эгаллашга имкон беради. Касб-хунар колледжлари олдинги билим юртларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қиласы. Бу фарқлар нималардан иборат?

Булар, энг аввало, ўқувчиларни ўқишиңға қабул қилишдан бошлаб, ўқув жараёнининг ташкил этилиши, мазмуни билан мезони ва бир неча касб-хунар эгаси, устаси, кичик мутахассис бўлиб ўқишиңи тамомлашидан иборат. Ўқув жараёни жаҳон талабларига мос келувчи Давлат таълим стандартлари, истиқбол ва кела-жакни кўзлаб ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлар асосида ташкил этилади.

Касб-хунар колледжларида ўқув дастурлари олдинги ўқув босқичи – умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари билан ўзаро мутаносиблиқда бўлиб, таълимнинг узлуксизлик ва узвийлик тамойилларига амал қиласы. Шу билан бирга колледж педагогларининг савиғи юқориилиги, таълим технологияларининг янгилиги ва замонавийлиги билан фарқ қиласы. Замонавий билим бериш учун ўқитувчиларнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлишлари керак. Шунинг учун педагог кадрларнинг обрў-эътиборини, ижтимоий мақомини, масъулиятини, малакасини оширишга ва замон талабларига мос ҳолда тайёрлашга эътибор қаратилмоқда.

Академик лицейлар ва касб-хунар колледжларига ўқувчиларни қабул қилиш қандай амалга оширилади?

Бу умумтаълим мактаби 9-синф битириувчиларининг якуний давлат аттестацияси натижасига биноан, ўқувчи томонидан йиғилган рейтинг кўрсаткичлари ва психологик ташхис марказлари тавсиялари асосида ўқувчи академик лицейда ёки касб-хунар колледжининг маълум йұналишида ўқишиңи давлом эттириш хукуқига эга бўлади.

Ўкув режасида айрим аниқ ва табиий фанлар, айникиса, математика, информатика, физика фанлари, айрим гуманитар фанлар бўйича ўкувчиларнинг кизиқиши ва хоҳишлигини қониқтириш, қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ўтказиладиган факультатив машғулотлар кўрсатилган бўлади.

Ўкув дастури – ҳар бир алоҳида фан учун ўкув дастури тузилади. Дастур ўкув режасига асосланади. Фаннинг мақсади, ўкув режаси бўйича ажратилган соат ва билим ҳажми унинг тизими мавжуд жамиятнинг ғоявий-сиёсий йўналишини ўзида акс эттирадиган давлат хужжати.

Ўкув дастурида бир синфда алоҳида фанлар бўйича ўкувчиларга бериладиган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда фаннинг мазмуни, мавзу кетма-кетлиги, иккинчи мавзу биринчини тўлдириши, изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Ўкув дастурининг шу фан бўйича ўкувчиларга берилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар кичик мавзуларда ифодаланиб, мавзу мақсади кисқача изохланади.

Фаннинг мақсад ва вазифасидан келиб чиккан ҳолда йўналишлари ажратилади. Улар бобларга бўлинади. Боблар катта катта мавзуларга, катта мавзулар эса кичик мавзуларга бўлиниб, шу мавзу юзасидан ўкувчи қанака билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши лозим бўлса, кисқача ифодаланиб берилади. Ўкув дастурининг ўзи амал килиниши керак бўлган коидалари мавжуд:

1. Дастурнинг аниқ бир ғояга асосланганлиги. Мустакил жамиятимиз тараққиётининг тамойилларига асосланган ҳолда, ислоҳ қилинган ҳар бир соҳасидаги фан, техника, ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатларда эришилган ютуклар даражасини илмий асосда акс эттириши лозим. Дастур узокни кўра билиш коидаларига асосланиши керак.

2. Дастур илмийлик принципига асосланади. Ҳар бир таълим-тарбия ғоялари, илмий жиҳатдан текширилган, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар ва материаллар асосида киритилади.

3. Ўкув дастури аниқ мазмун, мантиқ, ғояларини ўзида акс эттириши лозим. Дастурда фаннинг мақсад ва вазифалари, ун-

даги билим асослари мисоллар, масалалар оркали ўргатилади. Акс ҳолда ўргатилаётган билим асосларини назарий жиҳатдан тушуниш кийин бўлади.

4. Назария билан амалиётнинг бирлиги тамойили. Талабалар назарий олган билимларини амалда кўллай олиш кўникмасини шакллантириши назарда тутилади.

5. Ўкув дастурини тузишда фаннинг тарихий сабоқлари иnobatga олинади. Вақт ўтиши билан фан оламида янги-янги кашфиётлар, маълум бир илмий қонун-коидалар пайдо бўлиб, фан такомиллашиб боради. Дастур фаннинг келажакдаги истиқболини ўзида қискача ифодалайди.

6. Ўкув дастури давлат томонидан тасдиқланган режа асосида бакалавриат, магистратура, лицей, коллежларга алоҳида-алоҳида тузилади.

Дарслик. Дарслик ўкув жараёнининг асоси. Дарслик ўкувчнинг уйдаги муаллими, ҳар бир фаннинг мазмуни, мақсади, вазифаси дарсликда ёритилади. Дарслик фаннинг объектив борлик ўргасидаги мухим қонуниятли боғланишларини акс эттиради. Дарсликдаги билимлар тизими ўзаро ички, мантикий боғланишларга эга бўлиб, улар дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилинган. Дарслик қуйидаги талабларга амал қилган ҳолда яратилади:

1. Дарсликда акс этган илмий билимлар синф ўкувчиларининг ёш хусусиятига мос келиши керак.

2. Дарсликда баён қилинган билимларнинг назарий асоси, фоялари тизимли ва изчил бўлиши талаб қилинади. Улар ҳаётдан олинган, ишонарли бўлиши лозим. Шундагина ўкувчиларда илмий дунёқараш, энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топади.

3. Назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган бўлиши керак.

4. Дарсликда мавзу содда, равон тилда ёзилиши хамда тегишли қоида, търифлари берилиши керак. Дарслик ичидаги ва муковасидаги чизилган расмлар, безатилиши ўкувчининг ўшига мос, фаннинг характеристига монанд бўлмоғи зарур.

5. Мавзулардаги фикрлар аниқ ва қиска бўлиши, илмийликка асосланиши керак.

Таълимнинг мақсади – мустақил жамиятимиз равнақига назарий ва амалий хисса кўша оладиган "Баркамол авлод"ни тарбиялаш.

Таълимнинг вазифаси – ёш авлодни билим, кўникма ва малакалар тизими билан куроллантириш.

Дарснинг мақсади – ўқитувчи режалаштирилган аниқ бир мавзуни ўқувчиларга бериши ва ўқувчилар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни текшириб кўриши ҳамда янги мавзуға замин яратиши.

Дарснинг мазмуни – ўқитувчи томонидан режалаштирилган тугал маънога эга матн ташкил этади. Уни ўқувчилар онгига сингдириш жараённида манба, хуроса ва ҳикоялардан фойдаланилади.

Дарс – ўз олдига қўйган аниқ мақсади ва тугал мазмундан иборат. Шу мақсад ва мазмун ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос белгиланганлиги, услугуб ва тузилиши бўлган, катъий дарс жадвалига мувофик, ўқитувчи раҳбарлиги остида, синф ўқувчиларининг ҳаммаси билан ёки ҳар бири билан индивидуал равишда ўтказиладиган илмий мулокотнинг ташкилий шаклига айтилади.

Дарс педагогик жараённинг асосий кўриниши. Дарс аниқ мақсад, тугал мазмунга эга бўлиши билан бирга, ўзидан олдинги ва кейинги дарслар билан узвий равишда боғланган бўлиши шарт.

Дарс турлари – дарснинг мақсади, мазмуни ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятига караб, дарснинг тузилиши ҳар хил бўлади. Энди биз дарснинг нималигини янада равшанроқ кўрсатиб бериш мақсадида дарсларни турларга ажратиб саралаймиз ва уларнинг тузилиши билан танищамиз.

Улар қуйидаги турларга ажратилади:

1. Дарсларнинг асосий мақсади ва мазмунига караб турларга ажратиш.
 2. Дарсларни ўқитиш жараённинг таҳлилига караб турларга ажратиш.
 3. Дарсларни тузилишига караб турларга ажратиш.
- Дарсларни турларга ажратишда биринчи коида энг объектив ва маъкул. Дарснинг мазмуни дастурда кўрсатилган бўла-

ди. Дарснинг мақсади эса, ана шу мазмунни билдиришдан ва билдирилган нарсамизга асосланиб, ўкувчиларда билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилишдан иборат. Бир дарснинг мақсади дастур материалларидан ўтиш бўлса, бошқа бир дарснинг мақсади худди шу ўтилган материалларни қайтаришдан, яна бирининг мақсади эса, ўкувчиларнинг уни қандай ўзлаштирганликларини аниқлашдан иборат бўлиши мумкин.

Тажрибадан маълумки, дарснинг мақсади билан мазмунни ўртасида маълум боғланиш бўлиб, асосан улар дарсни қандай ўтиш услуби ва тузилишини белгилайди. Шунинг учун дарсни турларга ажратганда, дарснинг мақсади ва мазмунини асос қилиб олиш энг тўғри йўл. Ҳар бир дарс турига қараб, ўзига хос тузилишга эга бўлади.

Дарсларни саралаш, дарс тузилишини билишимизга, ўрганишимизга ёрдам беради. Шундай экан, дарснинг тузилишини ўрганиш учун дарсларни асосий З турга ажратса бўлади:

1. Янги мавзуни ўтиш дарси.
2. Ўтилган мавзуни қайтариш, машқ ўтказиш дарси.
3. Ўкувчиларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини текшириш ва уларга баҳо бериш дарси.

Янги мавзуни ўтиши дарсида – фақатгина янги мавзу ўтилар экан, бундай дарсда илгари ўтилган мавзуни қайтариш, машқ қилиш ёки ўкувчилар билимини текшириш каби ишларни қилиш мумкин эмас, деб ўйлаш нотўғри.

Янги мавзуни ўтиш дарсида янги мавзуни ўрганишдан бошқа ишларни ҳам қилиш мумкин. Лекин бу ишлар ўша дарснинг асосий ўрнини эгалламаслиги, бу дарснинг бош мақсади бўлган янги мавзуни ўрганишни қулайлаштирадиган ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бунда факат ўтиладиган мавзуни эмас, балки амалий суратда (лаборатория ишлари, тажриба майдончалари ва бошқа амалий жойларда) ўргатиладиган, биладиган билимлар мажмуасини ўтишни кўзда тутади. Мавзу мақсадига кўра олинган назарий билим амалиёт жараёнида кўникма ва малакаларга айланади. Ўкувчиларнинг тушунчаларини аниқлаш ва такомилаштириш тажриба майдончаларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, таълим муассасаларида, лаборатория хоналарида амалга оширилади.

Ўқувчиларга бирор назарий мавзунинг амалиётга татбикини ўргататтганимизда, шу ишнинг қандай бажарилишини кўрсатамиз. Сўнгра бу ишни қандай бажариши ўқувчиларнинг ўзларига таклиф этамиз. Бу эса ўзи бажариш кўникмасини хосил килади. Шундай қилиб, охирги тегишли натижага эришади.

Ўтилган мавзуни қайтириш, машқ қилиши дарси – бу жараёнлар ўқитилган билимларни тақорорлаш, улар устида машқ ўтказишдангина иборат бўлмай, ўргатилган ишни қайтириш, меҳнат малакаларини берадиган машқлар ўтказишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ўқувчиларнинг назарий билими, амалий кўникма ва малакаларини текшириши ва уларга баҳо бериш дарси – бундай дарс турида ўқувчилар назарий билимларни қанчалик ўзлаштирганилиги ва уни қай даражада амалиётда кўллай олиш, кўникма ва малакалари текширилади ва баҳоланади. Ўқувчиларнинг олган билимларини амалда кўллай олиш даражасинигина эмас, балки биз уларни инсон сифатида қандай тарбияланётганлигини, уларда инсоний фазилатлар қай даражада шаклланиб бораётганлигини ҳам эътибордан четда колдирмаслигимиз керак. Ўқувчи аклий ва ахлоқий билимларни пухта эгаллаб, уни ҳаётга татбиқ эта билса, бу эгаллаган билимлари уларни амалий жиҳатдан маънавий бойитса, ўша ҳолатдагина биз "Баркамол авлодни тарбиялаш"дек бош мақсадимизга эришамиз.

Таълимни ташкил этиш шакллари деганда, аник муддатда ва тартибда ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган машғулот турларини тушунамиз. Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида таълимни синф-дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган. Инсоният тарихига назар ташланса, таълимни ташкил этиш шакллари ижтимоий тузум манфаатларига мос ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Дастробки даврларда таълим бериш ишлари одамларнинг меҳнат фаолияти, турмуш тарзи билан узвий боғланган ва билим бериш, ўргатиш ишлари якка тартибда олиб борилган.

Давр ўтиши билан кўпчиликка билим бериш эҳтиёжи пайдо бўлди. Таълим тизими мазмунни, билимларнинг мураккаблашуви, болаларни гурух-гурух қилиб, тўплаб ўқитишни тақозо килди ва таълим билан шуғулланувчи мутахассис, ўқитувчи тайёрлаш заруриятини келтириб чиқарди.

Шу даврға келиб, ўқитишининг маҳсус ташкилий шакллари пайдо бўла бошлади. Халқ орасида ҳаётий тажрибага, билим ва тарбияга эга бўлган кишилар мураббий, ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Халқимиз тарихига назар ташлар эканмиз, мактаб ва мадрасаларда ёшларга билим бериш билан шуғулланганлик "Авесто" ва бошқа тарихий манбалардан маълум. Аммо қадим даврларда таълим қатъий чегараланган, бир хил ёшдаги болалар билан олиб борилиши, унинг мазмунини босқичма-босқич бериш масалаларига аниқлик киритилмаган эди.

Таълимнинг ташкилий масалалари Форобийнинг "Фан ва акл-заковат" асарида ўқув фанларини гурухларга бўлиб ўқитиш, уларнинг тарбиявий можиятини очиш масалаларига эътибор берилган. Педагогика тарихида таълимни ташкил этишининг асосий шакли дарс ҳисобланган. Синф-дарс тизимини дидактика талаблар асосида яратишда буюк чех педагоги Я.А.Коменскийнинг (1592–1670) хизматлари катта. Уни синф-дарс тизимнинг асосчиси сифатида бутун дунё тан олган.

Я.А. Коменский "Буюк дидактика" асарида ўқув машғулотларини гурух шаклида ташкил қилиш, ўқув йили ва ўқув кунини бир вактда бошлаш, машғулотлар орасида танаффуслар берилишини, гурухлардаги болаларнинг ёши ва сони бир хил бўлишига алоҳида эътибор берди. Дарс давомида ўқувчилар диккатини тўплаш, материални батафсил тушунтириш, ўқувчига саволлар бериш, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Бу тарихий жараёнда педагогика фани олдида турган муаммолардан бири таълимнинг ташкилий шакллари самарадорлигини ошириш, айниқса, дарснинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий-назарий, услубий ва амалий мӯаммоларни хал этувчи тадқиқотлар олиб боришда жуда зарур. Бу борада мустакил Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш таълим тизимига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш билан боғлиқ ишлар килинмоқда.

Синф – ёши ва билим даражаси бир хил бўлган ўқувчилар гурухи.

Дарс – аниқ мақсадни кўзлаб белгиланган вақтда бир хил

ёшдаги ўқувчи-ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигига олиб бориладиган машгулот.

Дарснинг мақсади, мазмунни, хажми. Давлат таълим стандартлари (ўқув режа, дастур, дарслер ва кўлланма) асосида белгиланади. Дарс ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда куйидагиларга амал қилиниши лозим:

1) ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлишига эришиш;

2) дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилиши;

3) дарс ўқитувчи раҳбарлигига бутун синф ёки алохига ўқувчилар билан ишлаш шаклида олиб борилади;

4) дарс ўқув фанининг хусусияти, ўтилаётган материал мазмунига қараб турли услублар ва воситаларда олиб борилади. Таълим тизимининг бир кисми сифатида тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратади.

Шуни унутмаслик керакки, таълим муассасаларида таълим ишлари факат синф-дарс шаклида олиб борилмасдан, балки амалий машгулотлар, тажриба ишлари шаклида ҳам олиб борилади. Бу машгулотлар синфдан ва мактабдан ташқарида факультатив машгулотлар, тўгараклар, экскурсиялар шаклида бўлиши мумкин.

Дарс таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда, ташкил этилиши дарс олдига қатор дидактик талабларни кўяди.

Жумладан:

1. Ҳар бир дарс аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштирилмоғи лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълимиy, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини белгилайди. Дарс боскичларини, яъни қандай бошлаш, қандай тамомлаш, кўргазмали материаллардан фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал килиб олади.

2. Ҳар бир дарс аниқ ғоявий, мафкуравий изланишга эга бўлиши лозим. Ўқитувчи эса улардан тарбиявий мақсадда фойдаланади.

3. Ҳар бир дарс мактабнинг, ижтимоий мухитнинг имкониятини хисобга олган ҳолда, амалиёт билан боғланиши, кўрсатмали воситалар билан жихозланиши лозим.

4. Ҳар бир дарс характерига мос услугуб ва воситалардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши лозим.

5. Дарс учун ажратилган соат ва дақиқаларни тежаш, ундан унумли фойдаланиш даркор.

6. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши лозимки, бирор нафар ўқувчи-талаба нофаол тингловчига айланмаслиги керак.

7. Машғулотлар бутун синф ёки ҳар бир ўқувчи билан уларнинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда, олиб борилиши керак.

8. Дарснинг мазмуни ва характерига қараб ҳалқимизнинг бой маънавий меросидан, маънавий кадриятларидан самарали фойдаланиш.

9. Ўтилаётган мавзу мазмунига боғлик ҳолда, мустакил юртимиздаги ўзгаришлардан ўқувчи-талабаларни хабардор килиш.

10. Дарсда Президент И. А. Каримовнинг таълим соҳасидаги фикрлари, юртимиз келажаги бўлган ёшларимизга, фарзандларимизга қаратса айтган мурожаатларидан ўз ўрнида фойдаланиш.

Таълим назарияси ва амалиётида дарс турлари ва уларнинг тузилишига ҳам алоҳида муаммо сифатида қаралади ҳамда ўрганилади.

Дарс билим, кўнишка ва малакалар билан ўқувчиларни куроллантиришда асосий роль ўйнайди. Шу сабабли ўқув машгулотларига ажратилган вақтнинг асосий кисми дарс ўтиш учун сарфланади.

Таълим тизимида тажрибадан ўтган дарс турлари куйидагилардан иборат:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.

2. Ўқув материалларини мустаҳкамлаш.

3. Такрорлаш ва билимларни умумлаштириш дарслари.

4. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилиши ва баҳолаш дарслари.

5. Дарс турлари, омухталашган дарслар.

Таълим жараёнида энг кўп қўлланиладиган дарс янги билим-

ларни баён килиши дарси. Бу дарснинг тузилиши куйидагича:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Янги билимларни баён қилиш.
3. Янги билимларни мустаҳкамлаш.
4. Янги билимлар устида машқ ўтказиш.
5. Янги билимларга боғлиқ уй машғулотлари бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Дарс турларининг ўзгариши билан дарс тузилишида хам ўзгаришлар бўлади. Масалан, дарс турлари омухталашган дарсларда дарснинг куйидаги элементлари мавжуд:

1. Дарсни ташкил қилиш.
2. Уй топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш.
3. Янги мавзуни баён қилиш.
4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш.
5. Уй топшириқлари бериш.
6. Дарсни якунлаш.

Таълим тизимида такрорлаш ва билимларни мустаҳкамлаш дарслари ҳам кўп кўлланилади.

Ўқитувчи ўкув дастурида белгиланган мавзуларнинг бир кисмини ўтиб бўлгандан сўнг бундай дарслар уюштирилади.

Бу дарс билимларни оралиқ назорат орқали баҳолашда хизмат килади.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўрри ташкил қилишга боғлиқ. Бу даврда синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш, болаларни дарсни тинглашга руҳий жиҳатдан тайёр эканликларини ўрганиш даркор. Шундан сўнг, маҳоратли педагог фурсатни кўлдан бермай, шогирдлари дикқатни чалғитмай, дарснинг асосий кисмини бошлаб юборади, чунки синф ўкувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш лозим. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси эълон қилинади. Режада мўлжалланган ўкув материали ўтиб бўлингач, албатта, якунланиши, холосалар чиқарилиши керак.

Дарс ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ижодий ҳамкорлигига асосланиши лозим. Шундагина ўкувчилар мустакил эркин фикрлай

оладилар, иродалари тарбияланади. Нутқ маданияти ривожланади. Муаммоли вазиятда изланишлар оркали ўз йўлини топа оладилар.

Ўкув машғулотларининг синфдаги шаклидан ташқари яна қўшимча қатор таълим шакллари мавжуд бўлиб, булар амалий-тажриба машғулотлар, қўшимча дарслар, факультативлар, экспурсия кабилар.

Булар дарсда берилган билимларни тўлдириш, мустаҳкамлаш, амалиёт билан боғлаш учун уюштирилган қўшимча машғулотлар. Бундан ташқари, таълим муассасалари тажрибасида фан тўгараклари, ишлаб чиқариш амалиёти, ўйин шаклидаги машғулотлардан ҳам фойдаланилмокда.

Узлусиз таълимнинг ҳамма босқичларида таълимнинг ўзига хос ташкилий шакллари мавжуд. Жумладан, икки босқичли олий таълим тизимида ўзига хос таълим шакллари мавжуд. Маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар, кафедра ўқитувчиликнинг очик маърузаларида қатнашиш, маъруза матнини тайёрлаш ва мухокама қилиш, ўкув курслари бўйича дастурлар тайёрлаш ишлари кабилар олий таълимнинг кўп қиррали йўналишлари ва шакллари хисобланади.

Олий таълим тизимида маъруза ўкув жараёнининг ҳам услуби ҳам шакли ҳисобланиб, у талабаларнинг фан асосларини оғзаки, узвий ва мунтазам ўзлаштиришига хизмат килади. Маъруза туфайли талаба шу фаннинг моҳиятини тушуниб боради. Уларни эркин фикрлашга, фан устида ўйлашга мажбур этади. Шу сабабли маъруза илмий тафаккурни ривожлантиришнинг ўзига хос мактабига айланади. Маърузани шундай ўқиш лозими, унинг таъсирида талабаларда шу фанга, унинг вазифа ва келажагига нисбатан турли қарашлар, илмий эътиқод, фоя ва миллий мағкура асослари шакллансин. Бунинг учун ўқитувчи хар бир маърузанинг мазмунини янгиликлар билан бойитиши ва танлай билиши лозим. Маъруза ижобий ҳамкорликка таяниб ташкил қилингандагина самарали натижа беради. Бунинг учун маъруза жараённада ҳам таълимий, ҳам тарбиявий, ҳам ривожлантирувчи вазифаларни самарали амалга ошириш йўллар-

дан бири – ўқитувчи билан талабалар ўртасида дўстона, фаол муносабатларни тиклаб олишдан иборат.

Бундан ташқари, дарс ва маъruzанинг самарали натижаси ўқувчи ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги руҳий холатлари қай даражада ҳисобга олинишига ҳам боғлик. Шундай экан, таълимни самарали ташкил этиш унинг дарс, маъруза ва бошқа шаклларидан ўринли фойдаланиши ўқитувчининг педагогик маҳорати, маданияти, ўз предметини пухта, чуқур билиши ва ўқувчи-талабалар билан умумий тил топа олиши билан боғлик.

Таянч сўз иборалари

Таълим тамойиллари, таълим мазмуни, ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарслик, таълимнинг мақсади, вазифаси, дарснинг мақсади, дарснинг мазмуни, дарс, дарс турлари.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълим кандай тамойилларга эга?
2. Таълимнинг қандай тури мавжуд?
3. Ўқув режаси нима?
4. Дарсликка қандай талаб қўйилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил, 1 октябрь. “Маърифат” газетаси.
2. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. – Т., 1997.
3. Мунавваров А. К. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 1996.

8-маевзу. Таълим тамойиллари, услублари ва воситалари

1. Таълим тамойиллари.
2. Таълим бериш масъулиятли ва фахрли иш.
3. Талим услублари ва воситалари.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси ва кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий кисмларидан биридир. Узлуксиз таълим тизими ўкув-тарбия жараёнининг хамма босқичларини қамраб олади ва ҳар томонлама етук баркамол авлодни етиштириш учун шарт-шароитлар яратади. Шу сабабли мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари белгиланади. Булар таълимнинг устуворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг инсонпарварлашуви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий ўналганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иктидорли ўшларни аниқлаш, юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш кабилар.

Жамият талаб қилаётган узлуксиз таълимга тегишли бу қонун-коидалар ўқитиш, билим бериш жараёнига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Педагогикада таълимнинг илмий-назарий, услугбий асослари алоҳида дидактика бўлимида ўрганилади. Бу жараёнда таълим тамойилларига атрофлича тўхталиб ўтилган.

Таълим жараёни кўп киррали бўлиб, унда ўқитувчи ва ўкувчилар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг муваффакиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун-коидалари, қай даражада амал қилишларига боғлик.

Ўқитиш, билиш фаолиятининг ажралмас кисми сифатида, инсоннинг теварак-атрофдаги дунёни билишнинг умумий қонунлари асосида содир бўлади. Шу сабабли шахсни ўқитиш, тарбиялаш, баркамол авлод килиб етиштириш жараёнини бир бутунликда амалга ошириш зарур. Ўқитувчи қачонки, таълим тамойилларидан хабардор бўлганда гина уни самарали бошқариш, ўқитишнинг самарали услубларини тўғри танлаш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитиш тамойиллари таълим жараёнининг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жихатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи хисобланади.

Таълим тамойиллари таълим муассасалари олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Улар ўзаро бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда, бир тизимни ташкил этади. Ҳар

бир дарсда дидактик тамойилларнинг бир нечтаси иштирок этиши мумкин. Улар таълим олдида турган асосий мақсадларни хал этишга ўз ҳиссасини қўшади. Таълим тизими ислоҳ қилинётган ҳозирги жараёнда ўқувчи-талабаларга мустаҳкам билим бериш ва уларни эркин, мустакил фикрлай оладиган инсонлар килиб тарбиялашда, таълим тамойилларининг моҳиятини чукур англаш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим муаммолардан бири.

Таълим муассасаларида бериладиган билим илмий характерга эга бўлиши, фан-техниканинг сўнгги ютуқ ва қашфиётларини ўзида ифода этиши керак. Шундай экан, ўқитувчи илмандаги янгиликлардан ҳабардор бўлиши лозим. Ўқув фанлари ҳам илм-фан асосида яратилади. Ўқитишининг илмийлик тамойили таълим жараёнида ўқувчи-талабаларни ҳозирги замон фан-техника тараккёти даражасидаги илмий билимлар билан қуроллантириш, айниқса, талаба-ёшлиарни илмий тадқиқот услублари билан таништириб боришга каратилган.

Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам услубларига ҳам алоқадор. Шундай экан, илм-фан билан ўкув фани ўртасида ҳамкорлик ўзаро боғлиқлик бўлишига эришиш зарур. Таълимнинг ҳамма босқичларида илмий изоҳлардан фойдаланмоқ даркор.

Назарий билимларни амалиёт билан боғлаб олиб бориш таълимнинг етакчи қоидаларидан ҳисобланади. Таълим-тарбия соҳасидаги ютуклар, энг аввало, назария билан амалиётнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. Шундагина ўқувчи-талаба ўрганаётган ўкув материалларининг туб моҳиятини тушуниб етади ва амалиётда улардан фойдалана олади. Бунинг учун ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларига эришмоқ керак. Фаол иштирок эса билимларни онгли, тушуниб ўзлаштиришга олиб келади.

Таълимдаги онглилик ва фаоллик, ўқувчидаги кўтаринки кайфият, кўпроқ билишга интилиш, мустакил фикрлаш ва хуносалар чиқаришга ундейди. Билимларни онгли ва фаол ўзлаштириш ўқитиши жараёнининг психологик томонларида ўз ифодасини топади.

Ўқитища назарий билимлар қанчалик қатъий баён этилса, ўқувчи-талабанинг фикр юритиши ҳам шунчалик аниқ ва равшан бўлади ҳамда ўкув материалларини онгли ўзлаштириш да-

ражаси ҳам ошади. Таълим тизими ислоҳ килинаётган ҳозирги жараёнда ёшларнинг мустақил фикр юритиши, мустақил ҳолда билим олишга интилиши талаб килинади. Бунинг натижасида билимларни ўзлаштириш жараёни ижодий тус олади. Бундай шароитда ўқитувчи ўкувчининг машгулотларга муносабати ва бу жараёнда ўзини қандай тутишига эътибор бермоғи лозим. Шундай экан, таълим самарадорлиги ўқитувчининг ўкувчиларни ўқишга изчил ва мунтазам қизиқтириб боришига боғлик. Бунинг учун ўқитувчи ўкувчи-талабаларни ўқишга ижодий муносабатда бўлишига, мустақилликка, ишчанликка одатлантириши лозим.

Таълим жараёни, унинг мазмуни, унда кўтарилиган ҳаётний масалалар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли таълим шахс шаклланишининг асосий манбай хисобланади.

Ўқитиб тарбия бериш деганда биз таълим ва тарбиянинг бирбиридан ажralmasligini тушунамиз. Демак, мактаб обрўси, ўқитувчи обрўси, энг аввало, дарсда шаклланади. Тил ва адабиёт дарсими, математика дарсими хар доим уларнинг тарбиявий имкониятларини кўра билиш, тарбия услубларидан фойдаланиш лозим.

Ўкувчи-талаба илмий билимларни ўзлаштиради экан, унинг дунёкараши, иродаси ва ахлоқий сифатлари, имон-эътиқоди ва қобилияти ўсиб, ривожланиб боради.

Таълимнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишда ўқитувчи, энг аввало, таълимни услубий жиҳатдан тўғри ташкил этишга, ўкув материалларининг мазмуни билан боғлик тарбиявий максадларни аник белгилашга ва билим олишга бўлган қизиқишини оширишга боғлик. Шу билан бирга, ўқитувчининг ўкувчилар олдидағи обрў-эътибори ҳам мухим тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўқитиш жараёнини кўргазмали ташкил этиш зарур. Ҳам эшитиш ҳам кўрсатиш орқали ўкув материалларини идрок килиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларнинг турмушдаги заруриятини англаб етишларига асос солади, диккатни барқарорлаштиради. Шунинг учун кўргазмали материаллар ўрганилаётган мавзунинг мазмунига мос келиши, ўкувчи-тала-

банинг ёши ва билим даражасига мувофиқ бўлиши ҳамда улардан фойдаланишнинг самарали йўл ва воситаларини қўллаш ва ишлаб чиқиши лозим. Кўргазмали материаллар ўкув фанларининг характеристери ва мазмунига қараб турли-туман бўлиши мумкин. Жумладан:

а) буюм ва нарсаларни асли-табиий ҳолда кўрсатиш (ўсимликлар, ҳайвонлар, гербарий ва коллекциялар, лаборатория машғулотларига намойишлар, экскурсиялар чоғида кўрсатиладиган буюм, нарсалар);

б) тасвирий кўргазмали материалларни намойиш қилиш (расмлар, фотосуратлар, диафильмлар ва диапозитивлар, кинофильмлар ва бошк.);

в) нарса ва буюмларни шартли белгилар оркали кўрсатиш (ўкув хариталари, схема, жадвал ва макетлар);

г) овозли кўргазмали материаллар (граммопластинка, магнитофондаги ёзувлар, овозли кинофильмлар).

Билимлар турли воситалар оркали пухта ўзлаштирилганда-гина, у мустаҳкам эсда колади, бу эса ўкув материалларни онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашга, кўрсатмалиликка амал қилишга ва билимларни такрорлаш оркали мустаҳкамлашга боғлиқ. Таълимнинг бош мақсади эса билимларни тизимли ва пухта ўзлаштириш.

Таълим жараёнидаги муваффакиятларга фақат билим беришда ўкувчи-талабанинг ўзига хос шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эришиш мумкин. Щунинг учун ўқитувчи болалар психологиясини пухта билиши лозим. Дарс жараёнида синф ўкувчиларига хос умумий ва ҳар қайси ўкувчига тегишли хусусиятлар эътиборга олинниши даркор. Бунга эришиш учун ўқитувчи ўкувчиларни кузатиши ва уларнинг руҳий оламини ўрганиши лозим. Фақат шундагина ўкувчидаги камчиликларнинг келиб чиқиши сабаблари аниқланади ва уларни бартараф қилиш учун изланишлар олиб борилади.

Таълим услубларидан оқилона фойдаланиб дарс ўтиш, ўкувчиларни ҳаётда ўз ўрнини топишга, онгининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қиласи. Ўқитувчининг фанини ўкувчилар онгига етказа олиш маҳорати, шу ўкувчиларнинг бўлгуси хаёт йўлларини танлашда муҳим аҳамиятга эга. Олдин баён

қилганимиздек, таълимнинг моҳияти инсон камолотини шакллантиришга хизмат килади. Таълим услуби таълимнинг мақсади ва вазифаларига боғлик. Услублар ўкувчиларнинг ёшига, таълимнинг мазмунига ва вазифасига қараб танланади. Ўқитувчидан ўзининг шахсий сифатлари: комиллиги билан талабаларга ўрнак бўлиши, таълимий мақсад билан тарбиявий мақсад мутаносиблиги, фан асослари ва ғояларини чукур билиши талаб қилинади.

Бундай ўқитувчидан билим олаётган талабалар нималарни билиш керак эканлигини идрок кила оладилар. Назарий билимлар амалиётга қўчирилганда, уни аниқ тасаввур қилиб, ўзи амалда бажаради, сўнгра билимлари моҳиятини чукур тушуниб етади. Шу мавзу бўйича аниқ кўникмага эга бўлади.

Талабалар ўзлаштириб олган билимларини имкониятларига қараб аста-секин амалиётда қўллай бошлайдилар. Ўқитувчи талабалар билан бўлган мулоқотда, уларга билим бериш жараёнида таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариши лозим. Таълим-тарбия жараёни узвий жараён. Таълим бериш жараёнида сухандонлик, киноясиз сўзлаш, ўқитувчига хос кийиниш этикаси, фикрни эркин баён қилиш ва уни етказа олиш хусусиятлари ўкувчилар учун амалий кўргазма эканлигини унутмаслик керак. Таълим беришда ўқитиши услублари асосий ўринни эгаллайди.

Услуб – юононча атама бўлиб, айнан нимага йўл деган маънени англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Услубларни ҳар кандай муаммони узатиш ва қабул қилиш характеристига қараб қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

- сўз орқали ифодаланадиган услуб;
- кўргазмали услуб;
- амалий услуб.

Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўкувчиларнинг билим савиаси, ўзлаштириш қобилияти, таълим манбай, дидактик вазифаларига қараб, тегишли равишда қўйидаги услублар кўлланилади:

- ўқитишининг маъруза (сұхбат) услуби;
- ўқитишининг амалий ишлар услуби;

- лаборатория ишлар услуби;
- мустакил ишлар услуби;
- муаммоли эвристик, моделлаштириш услублари;
- илмий тадқиқот услублари;
- ўқитишнинг продуктив ва репродуктив услублари;
- ўқитишнинг индуктив ва дидактив услублари;
- ўқитишнинг назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услублари.

Услублар куйидаги гурухларни ўз ичига олади:

Биринчи гурух услублари – сўз орқали узатиш ва ахборотни эшлиши орқали қабул қилиш услублари (оғзаки услублар: хикоя, маъруза, сұхбат ва бошқ.).

Иккинчи гурух услублари – ўқув информациясини кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш услублари (кўргазмали услуг, тасвирий намойиш қилиш ва бошқ.).

Учинчи гурух услублари – ўқув ахборотини амалий меҳнат харакатлари орқали бериш (амалий услублар, машклар, лаборатория ишлари, дастур тузиш, педагогик мазмундаги масалаларни ечиш, меҳнат харакатлари ва бошқ.).

Таълимнинг рағбатлантириш услублари

1. Таълимга қизиқиши рағбатлантириш услуби.
2. Таълимга бўлган бурч ва масъулиятни рағбатлантириш услуби.

Шунингдек, таълимда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услублари куйидагилар:

1. Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услублари.
2. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услублари.
3. Лаборатория ва амалий назорат қилиш услублари.
4. Тест назорати услуби.

Бу услублардан талабаларда билиш, қабул қилиш, англаш ва амалда қўллаш фаолиятини щакллантиришда фойдаланилади.

Тушунтириш ва ўқтириш услублари. Ушбу тарздаги услубларни қўллашда ўқитувчи сўз воситасида мавзуни баён қиласди ва тушунтиради. Ўқувчилар эса тинглашади, эслаб қолищ, англаб етиш орқали уни фаол қабул қиласди ва ўзлаштиради.

Мавзунинг асосини тушунтириш ва уқтиришда ҳикоя услубидан фойдаланилади. Ўкув материаллари мазмунини оғзаки баён килиш, унинг асосий жойларини тушунтириш кўзда тутилади. Максадга эришиш учун ҳикоя услубини қўллаш самарали натижা беради. Бу услугуб орқали мавзуга хизмат қиладиган маълумот ва воеаларни баён килиш дикқатни фаоллаштиради, хотирада сақлашни жадаллаштиради. Баён қилиш, уқтириш услубларини самарали қўллаш шартлари: режани кунт билан ўйлаш, мавзу мазмунини ёритишнинг кетма-кетлиги ва изчиллигини таъминлаш, мисоллар ва ҳикояларни муваффакиятли танлаш, тушунтириш ва уқтиришда зарурый эмоционалликни танлаш даркор.

Ҳикоя муқаддима, баён, хуносаларга бўлинниб, улар мавзу мазмунини ёритишга хизмат қиласди.

Мавзуни тушунтиришда оғзаки баён килиш ёки бирон-бир лавҳани кўрсатиш (иллюстрация)ни кўзда тутиб, ҳикоядан ўзининг ҳажми, мантикий қўйилиши, образли исботлаш ва умумлаштириш орқали мавзу мақсадига эришилади. Ҳикоя килиш мавзу мақсадининг бир қисмига хизмат қиласди.

Маъруза матнини тушунтириш ва уқтиришда, ахборотни оғзаки баён килиш, узоқ вақт давомида дикқатни жамлаб туриш, тингловчиларнинг фикрлашини фаоллаштириш, яъни исботлаш, таснифлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва бошқа услублардан фойдаланилади.

Тушунтириш ва уқтириш услубида атрофлича ўйланган фикрлар, саволлар ёрдамида билим берилиб, у ўкувчини фактлар тизимини, янги тушунчалар ва конуниятларни ўзлаштиришига олиб келади.

Таълимнинг муаммоли-изланув услубларида тизимни сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт услубларидан фойдаланилади. Таълимни муаммоли ўқитиши жараёнида ўқитувчи талабаларга билиш фаолиятини фаоллаштирадиган, онгни чархлайдиган вазифалар беради. Талабалар мустақил ҳолда ёки ўқитувчи ёрдамида уни ечиш, ҳал килиш учун ижодий изланадилар. Муаммоли ўқитиши ёки муаммоли масалаларнинг ечилишини талаб килиш ўкувчиларнинг эгаллаган назарий билими, амалий кўнишка ва малакаларига асосланган ҳолда тузилиши керак.

Маънавий – ижодий услугблар. Инсон маънавиятигининг шаклланиши мураккаб жараён. Инсоннинг маънавий сифатларини шакллантиришда оила, атроф-мухит, жамият катта роль ўйнайди. Остановнинг, атрофдагиларнинг меҳри, уларнинг олқишилари болани мустакил фикрлашга ва мустакил иш бошлашга ишончини ўйғотади. Устозлар, ота-оналар боладаги бу харакатни, ишончины сезгандан бошлаб, уларга шароит яратиши ва уларни тўғри йўналтириши лозим. Ота-она ва устозлар орасидаги тарбия узвийлиги ёшларнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Сен ўзинг удалай оласан, бунга курбинг етади, деб ишонтириш ва бу ишончини "Маънавий–ижодий услуг" орқали амалга ошириш мумкин. Ушбу услуг қўйидаги уч боскичда амалга оширилади:

- а) ўқувчиларда билимга қизиқишни ўйгота билиш;
- б) ўқувчиларнинг эгаллаган билимига, кўникма ва малакаларига асосланган ҳолда, муаммо қўйиш хамда уларга суюниб, муаммоларни тахлил килиш;
- в) ўрганиш керак бўлган муаммо устида мустакил фикр юритиб, хулоса чиқаришга эришиш.

Юкоридаги боскичларни амалга ошириш жараёнида талабалар, инсоннинг бой хазинаси ўзида яширганлигини тушундилар. Фақат бунинг учун ўқитувчи улардаги қизиқишни, яширган иқтидорни англай билиши керак.

Илм олиш, аклни пешлаш, ўз устида ишлаш, хикматларни билиш, камтар ва маърифатли бўлиш каби фазилатларга фақат меҳнат килиш ва билим олиш, ўқиб-ўрганиш, ҳаётни кузатиш орқали эришиш мумкин.

Ўқув-маъруза услуби. Ўқув материалини оғзаки баён қилишни кўзда тутади, хикоя услубидан ўзининг ҳажми катталиги, мантикий курилиши, умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ажралиб туради. Маъруза бутун дарс ёки машғулотни банд этади. Ҳикоя эса фақатгина унинг бир кисмини эгаллайди.

Маъруза давомида ахборотни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида дикқатни тутиб туриш, тингловчиларнинг фикрларини фаоллаштириш услублари, аргументлаш, исботлаш, таснифлаш, тизимлаштириш, умумлаштириш ва бошқалардан фойдаланилади.

Таълимнинг кўргазмали услублари – шартли равища иккига бўлинади:

иллюстрация услуги – плакат, харита, доскадаги расм, олимпийнинг портретлари, суратлар ва бошқаларни кўрсатишни кўзда тутади;

намойиш қилиш услуги – асбоблар, тажрибалар, техник курилмалар, турли хилдаги препараторларни намойиш қилиш билан боғлик. Намойиш қилиш услугига кинофильмлар ва диафильмлар ҳам киради.

Таълимнинг амалий услублари – ёзма машқлар, она тили ва чет тили, математика ва бошқа фанлар бўйича топширикларни бажариш машқлари киради. Шунингдек, лаборатория ишлари, устахоналар, ўкув ишлаб чиқариш цехлари, ўқувчилар бригадаларида меҳнат топшириклари бажаришларини таълимнинг амалий услугига киритиш мумкин.

Таълим воситалари – таълим мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилаётган услубларнинг муваффақиятли чиқишида ишлатиладиган ўкув асбоблари. Улар иссиқлик сифимини ўлчаш асбоби, компьютерлар, ЭҲМлар, логарифм чизгичи, аппарат турлари, турли хил ўкув асбобларидан ташкил топади.

Таянч сўз иборалари

Илмийлик, назария ва амалиёт уйғунлиги, онглилик, фаоллик, тарбияловчилик, кўргазмалилик, изчиллик, инсонпарварлик, шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш, услуг, восита.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълимнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Таълим тамойилларининг мазмунини қандай тушунасиз?
3. Таълим воситалари нима?
4. Таълим услублари деганда нимани тушунасиз?
5. Таълимнинг кўргазмали услублари шартли равища нечага бўлинади?
6. Таълимнинг амалий услублари деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т., 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Конуни. – Т., 1998.
3. Гозиев Э. Психология. Ўкув қўлланма. – Т., 1994.
4. Педагогика. Ўкув қўлланма. – Т., 1996.
5. Педагогика. Курс лекции. – М., 1984.
6. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т., 1996.
7. Мунавваров А. К. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
8. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". – Т., 1997.
9. Педагогика. Ўкув қўлланма. – Т., 1996.

9-мавзу. Таълим-тарбия тизимини бошқариш ва оиласда тарбия асослари

1. Педагогик бошқариш тизими ва ишлаб чиқариш.
2. Таълим тизимини бошқариш ва ваколатли давлат органлари.
3. Оиласда тарбия асослари.

Бошқарув органлари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари, етилган масалаларни ўз вактида ва ижодий ҳал этишлари, барча таълим муассасаларининг иш савияси ҳозирги замон талабларига мувофиқ оширилишини таъминлашлари керак.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишнинг бош мақсади хар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш, XXI асрнинг эркин фикрли, ўз Ватани ва ҳалкининг манфаатларига садоқатли шахсларни вояга етказишида намоён бўлади. Бу мақсадга эришиш умумий демократик янгиланишлар жараёни, жамиятни эркинлаштириш, мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш билан боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш Мил-

лий дастурини ҳаётга татбик қилиш, ҳеч муболақасиз, стратегик мақсадларимиз фаровон курдатли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи лозим.

Бу барча давлат ва жамоат ташкилотлари, табиийки, энг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасалари фаолияти мазмунини қайтадан кўриб чиқишини тақозо этадиган мураккаб жараён. Ижтимоий амалиёт, жамоатчилик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ максадга қаратилганлиги эркин шахсни шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Эркинлаштириш, жамиятни маънавий янгилаш биринчи навбатда, ёш авлод анъаналари инсонпарварлик ва демократик қадриятларни сингдириш орқали таъминланади.

Жамиятни маънавий янгилаш жараёнида, шунга асосланган ҳолда Ватан маданияти ва миллий санъатини ривожлантириш, уларнинг ютуғини хорижий мамлакатларда тарғиб ва ташвиқ этиш, ёйиш, миллий ва ҳалқаро танловлар, кўриклар ўtkазиш каби чора-тадбирларни фаоллик билан амалга ошириш, айниқса, ёшлар бадиий ижодиётини янада ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эта. Ўзбек ҳалқи ва унинг давлатчилик тарихи, Ўзбекистон ҳалқларининг бадиий, фалсафий ва педагогик тафаккури шаклланиши ва ривожланиши тарихи, этнография, этногенез, адабиётшунослик, ижтимоий-гуманитар фанларнинг барча йўналишларини янги савияга кўтариш талаб қилинади. Мазкур муаммолар доирасида илмий изланишлар олиб боришининг концептуал асослари Президент И. А. Каримовнинг "Тарихий хотирасиз – келажак йўқ" рисолаларида чукур таҳлил этилиб, бошлаб берилган.

Маънавий янгилини жараёни миллий байрамлар, урф-одатлар, ўйинлар шаклида мавжуд бўлган тараққийпарвар миллий қадрият ва анъаналарни қайта тиклаш, уларни ривожлантириш ва замонавий ҳаётга жорий этиш билан ҳам узвий боғлиқ.

Таълим-тарбия тизимига раҳбарлик қилиш тамойиллари. Таълим олдига кўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш таълим тизимини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш фаолиятининг савиясига боғлиқ. Келажаги буюк жамиятнинг ривож-

ланиш талабларидан келиб чикиб, таълимнинг ўрни ва ролига янги авлодни тарбиялаш нуктаи назаридан қараб, Олий Мажлис материалларида, Президент И.А.Каримов маърузаларида, маҳсус қарорларида раҳбарликнинг юқори илмий даражада амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Таълим тизимиға илмий раҳбарлик асосларини ишлаб чиқиши педагогика учун асосий йўналиш. Баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, бу жараённинг қонуниятларини очиб бериш, педагогика назариясининг асосий масалаларини таълим амалиётига жорий этишини ҳал килиш педагогиканинг бурчи.

Президент И.А.Каримов ўз асарларида келажаги буюк Ўзбекистон Республикасининг органларини ташкил этиш, бошқариш ва уларнинг раҳбарлик фаолиятига доир муҳим тамойилларини ҳар тарафлама муфассал ишлаб чиқдилар.

Илмийлик ва педагогиканинг амалиёт билан боғланиш тамойили. Бу тамойил ҳалқ таълими органлари ва мактаб ишларини Ўзбекистон Республикаси давлатининг кўрсатмаси, фан ва техника ютуклари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари асосида амалга оширишни талаб этади. Чунки тўла-тўқис билимга эга бўлмасдан, идора килиш илмини билмасдан бошқариш мумкин эмас. Ҳалқ таълими мактабларга раҳбарлик килишда кўзланган мақсадга эришиш учун миллый мафкура, миллый ғоя, педагогика, педагогика тарихи, психология, хусусий услубиёт, мантиқ, этика ва эстетика каби фанлар эришган ютуқларни мунтазам ўрганиб бориш, таҳлил қилиш ҳамда бу муваффакиятларни кенг кўллаш зарур.

Бошқарув муассасалари баркамол авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини, барча таълим муассасаларининг иш савиясини хозирги замон талабларига мувофиқ ошириш ишини таъминлаш керак.

Демократик марказлашган тамойил. Таълим тизимини бошқаришда марказлашган раҳбарликни мустақиллик ва ташабbusкорликни ривожлантириш билан бирга кўшиб олиб бориш ўзига хос хусусиятларни ва шарт-шароитларни хисобга олиш имконини беради.

Юкоридан туриб, бир хил андоза бичиб бериш демократия ва марказлашган раҳбарликка бутунлай ёт нарса. Барча тадбирларда, маҳаллий хусусиятларда ишга қандай муносабатда бўлиш услубларида, назоратни амалга ошириш услубларида, ҳар хил йўлларини қўллаш асосий, мухим бўлган бирликларни бузмайди, балки бу бирликни таъминлайди.

Илмий режалаштириш таълимнинг инсонпарварлик (тамоиллари), таълимда ёшларни шахсий ўкув қобилиятини рўёбга чиқариш ва уларни ривожлантириш ҳамда бошқа тамоилларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш ва таълим тизими. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ўкув ишлаб чиқариш мажмуасини (марказларини) ташкил этиш ҳамда уларни ривожлантириш замонавий ускуналар, аппаратлар ва асбоблар билан жихозлаш рағбатлантирилади, дейилади. Кадрлар тайёрлаш ва биргаликда илмий-технологик ечимлар яратища корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш қўллаб-куватланади.

Таълим тизимини ҳаёт ва мустакил Ўзбекистон давлатининг сиёсати билан боғланганлик тамоили. Бу мактаб, касб-хунар колледжлари олдида турган барча назарий ҳамда амалий вазифаларни ҳал этишда асосий тамоилий бўлиб келди.

Таълим тизимини бошқаришга сиёсий ёндашиш таълим-тарбия ишларидаги ҳодиса, факт ва жараёнларга мустакил Ўзбекистон Республикаси манфаатлари нуқтаи назаридан туриб муносабатда бўлиш демак.

Хозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон ҳаликининг иродаси ва манфаатларини ифодалаб, келажаги буюк давлат куришга ва дадил қадамлар билан бу вазифани амалга оширишга кодир бўлган баркамол авлодга таълим-тарбия беришни таълимнинг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Ёшларни миллий мафкура руҳида тарбиялаш, миллий онгни шакллантириш, Президент И.А.Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти тимсолида, тажрибаси негизида тарбиялаш зарур.

Мустакил Ўзбекистон Республикасида ҳалқ таълимининг кенг

ёйилиши, микдор ва сифат жихатидан жадал ўсиши, турли хилдаги таълим тизими ва таълим муассасаларидан ташқари, ўкуватарбия масканларининг ишлаб туриши, таълим ва тарбия жараёнини бошқаришнинг жуда зарурлигини такозо этади. Ижтимоий бошқариш масалалари илмий билимнинг маҳсус соҳаси килиб ажратилади. Педагогик жараёнларни, ходисаларни ва объектларни бошқаришда педагогика қонуниятларини хисобга олиш зарур. Шу ўринда педагогик бошқариш тушунчаси қўлланилади.

Барча типдаги таълим муассасалари, мактабдан ташқари муассасалар, ҳалқ таълими бўлимлари ва бошқалар асосий бошқариш объектларига киради. Таълим-тарбияни ташкил килиш ва бошқаришга доир ишларнинг ҳаммаси ягона мақсадга эришишга, маълум даражада умумий маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигига эга бўлган, ҳар томонлама ривожланган ва имон-эътиқодли килиб тарбияланган кишини таркиб топтиришга қаратилган. Ҳалқ таълими тизими таркибига вазирликлар, вилоятлар ҳалқ таълими Бошқармалари, туманлар ва шахарлар ҳалқ таълими бўлимлари, мактаблар, лицейлар, касбхунар коллежлари киради.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил килиш, таълим тизимини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"-ги Қонунида кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига куйидагилар киради:

- таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик килиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг худудида таълим фаолияти билан шуғуллашиш хукукини берувчи рухсатномалар бериш;

- қонун хужжатларига мувофик хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги хужжатларини тан олиш ва бу хужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги хужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари микдорини ва таълим муассасаларига қабул килиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасалари ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация килинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш.

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳукукий доирасига қўйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий масалаларда раҳбарлик қилиш;
- Давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талабларнинг бажарилишини таъминлаш;
- давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Таълимни ривожлантириш фондлари. Таълимни ривожлантириш фондлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, чет эллик юридик шахслар ва жисмоний шахсларининг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикасидаги барча турдаги мактаблар, боғчаларга раҳбарлик қилади. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги барча олий таълим муассасаларига, касб-хунар колледжларига, лицейларига, таълим муассасаларига раҳбарлик қилади. Олий таълим муассасалари учун ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқади ва тасдиклайди. Халқ таълими вазирлиги "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг бажарилиши, мактабларда ўқув-тарбия жараёнининг йўлга қўйилиши, унинг моддий базаси, ўқитувчиларнинг малакаси ва катталар

таълимининг ташкил этилиши учун жавоб берадилар. Халқ таълими вазирлигига турли хил ўкув-услубий бўлимлар ташкил этилади. Улар педагогика жамоатчилигини халқ таълими бўлимлари ва мактабларга ёрдам беришга жалб этадилар.

Туман халқ таълими бўлимлари ўзларига қарашли мактаблари фаолиятини, маҳаллий ва миллий хусусиятларини хисобга олган холда назорат қиласидилар.

Бошқариш ва раҳбарликни ҳаёт билан боғлаш тамоилии. Ўзбекистон Республикаси мактаб ва бошқа ўкув-тарбия муассасалари барча ишлаб чиқаришнинг асосида бошқарилади.

Демократик централизм, режалилик ва илмийлик бу тамоилиларнинг асосийси. *Демократик централизм тамоилии марказлаштирилган раҳбарлик демократия, жойларда аниқ шароитларни (миллий хусусиятлар, ўёки бу ишлаб чиқариш соҳаларининг устунлиги шаҳар ёки қишлоқ, туман ва бошк.) хисобга оловчи ташаббускорликнинг ривожланиши билан бирга кўшиб олиб боришни назарда тутади.*

Режалилик тамоилии. Таълим ва тарбияга оид ишларнинг ҳаммаси юқоридан пастгача режалаширишин билдиради. Халқ таълимининг барча соҳаларини ривожлантириш режалари тузилади, барча ўкув-тарбия муассасаларининг иш мазмуни белгиланади. Ҳар бир мактабда истиқболли режа (режа камида уч ийллик), йиллик иш режаси тузилади. Йиллик режа мактабнинг ўтган йили ичидаги ишнинг таҳлилини, умумий таълимни таъминлаш (махсус мактабларда эса болаларни танлаб олиш) тадбирларини ўкув-тарбия ишларининг вазифалари ва мазмунини, ташкилий педагогик тадбирлар ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Директор ва муовинларининг иш режалари алохида тузилади.

Илмийлик тамоилии. Ишнинг шундай ташкил этилишини назарда тутадики, бунда жамият тараккиёти қонуниятлари ва иктисолиёт, педагогика, психология, гигиена ҳамда бошқа соҳаларда ҳозирги замон фани ютуклари хисобга олинади.

Оила жамиятнинг бир бўлаги. Шундай экан, инсон шахсини шакллантириш оиласдан бошланади. Оила мураккаб ижтимоий гурӯҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга кела-

ди. Оила тор майший түшүнчә эмас, балки у ижтимоий жамоа. Шу сабабли оиласлар бирлашиб жамиятни ташкил этади.

Жамиятдаги ўзгаришлар оиласы таъсирини күрсатганидек, оиласлаги ўзгаришлар ҳам жамиятга ўз таъсирини күрсатади.

Юртимизда 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ҳукуматимиз ишлаб чиқкан тадбирлар оиласи ижтимоий муҳофаза қилиш, оиласда ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, оиласнинг ҳуқукий тамойилларини кенгайтириш ва оиласи мустаҳкамлаш билан боғлиқ бошқа масалаларга эътибор каратилди. Президент И. А. Каримов айтганларидек "Халкимиз қадим-қадимдан оиласи мұқаддас деб билған. Оила ахил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатлика эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм сурди. Оила фаровонлиги – миллый фаровонлик асоси".

Шуни унутмаслик керакки, фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитлар яратилсагина оила тарбияси муваффакиятли бўлиши мумкин. Ёш авлод ҳаётининг кўп кисми оиласда ўтади. Шу боис турмушнинг мураккаб муаммолари билан оиласда танишадилар. Оиласдаги мавжуд анъаналяр, урф-одатлар, расм-руsumлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида йигит-кизлар аста-секин камол топиб боради. Анъана ва маросимлар тарбиянинг қудратли куролига айланади.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда биз тарбиялаётган ёшларга боғлиқ. Оиласий тарбиянинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир оила ўзига хос бир олам.

Оиласий тарбия ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсангина, ўсиб келаётган ёш авлод фаровонлигини таъминлаш мумкин. Оила тарбиясидаги ютуқлар ота-оналарга педагогик билимлар бериш, оиласий тарбия бўйича тажрибалар алмашиш, отаоналарни тарбиявий ишларга қизгин жалб қилишга ҳам боғлиқ.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялаш борасидаги бурч ва масъулиятларини чукур англашлари керак. Бундан ташқари, яхши оиласий мухит, ота-онанинг обрўси, тўғри кундалик режим, болани китобга ва ўқишига, меҳнат қилишга ўз вактида жалб қилишлари ҳам муваффакият гарови.

Оила – вояга етган иккى жинснинг севиши, ардоқлаш, хурмат

килиш асосида, ихтиёрий равища, қалб ҳохиши билан тузилган конуний иттифоки.

Мўъжазгина бир қалъа курилди. Энди бу қалъада бекинмачок ўйналмайди. Ёшликтаги ўйинкароклик, бебошлиқ, эркалик, бепарволик ўрнини сезирлик, масъулият, андиша, жавобгарлик каби фазилатлар эгаллай бошлайди. Бунга ҳар бир ёш тайёрланиб, масъулият кўникмасини хис қилиб, оила мақсад ва вазифаларини тушуниб, укиб бормоғи лозим.

Оила мақсади – икки жинснинг ўзаро келишуви асосида фарзандни дунёга келтириш ва табиат ҳамда жамиятнинг давомийлигини таъминлаш.

Оила вазифаси – эр-хотиннинг биргалиқда хўжалик юритиши асосида оиласи ҳам маънавий ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳамда жамиятга соғлом, ақли, ҳар томонлама баркамол фарзанд тарбиялаб етказиб бериш.

Ота-онанинг фарзанд олдидаги ва фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари.

Комил фарзандли бўламан, баҳтли оила қураман деган мақсад билан оила курдингиз. Аммо бу мақсадга эришиш фарзанд тарбиялашдаги мухим омилларни, фарзанд олдидаги бурчларни билиб иш кўришни тақозо этади.

Ота-онанинг фарзанди олдидаги бурчлари қуидагилардан иборат:

- фарзандга чиройли исм кўйиш (фарзанднингиз ўз исмини ўзгальарга айтганда орланмасин);

- саводини чиқариш, иқтидорига караб билим бериш, имкониятига яраша ўқитиш ва касб-хунар ўргатиш;

- уйлантириш, турмушга чиқариш;

- уйли-жойли килиш;

- фарзандлар орасидаги мерос тақсимотида адолатли бўлиш.

Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчлари қуидагилар:

- ота-онанинг панд-насиҳатларига қулок солиш, уларга ҳар доим ёрдам бериш, меҳрибон, эътиборли бўлиш, оила ишларига ҳам маънавий ҳам иқтисодий ёрдам бериш;

- ҳар бир фарзанд ўз сингил ва укаларига меҳрибон, ўйлбошличи ва йўлдош, одобда, ахлоқда, ишда, илм-хунар ўрганишда ўрнак бўлиш;

- ота-оналарининг нимага мухтож эканликларини қалбан хис килиш, уларга бу борада амалий меҳрибонлик кўрсатиш;
- оиласа берайтган маънавий ва иқтисодий ёрдамини миннат килмаслик;
- таваллуд, байрам ва ҳайит кунларида йўқлаб туришни кандада килмаслик;
- кекса ота-оналарига алоҳида ғамхўрлик қилиши, ширин муомалада бўлиши, орзу-ниятларининг амалга ошишида ёрдам бериш.

Оила аъзоларининг хукуклари. Оиласа ва жамиятда эр ва хотин тенг хукукларга эга. Бундай тенглик сайдаш, сайланиш, қасб танлаш, ишлаш, билим олиш, ўзига ёр танлаш ва ҳоказо хукукларда ўз ифодасини топади. Лекин икки жинснинг биологик, руҳий тузилиши нуктаи назаридан бундай тенглик йўқ. Шунинг учун аёл ва эрнинг оиласа рўзгор тебратиш, фарзандларни тарбиялаш, фарзандларнинг оила юмушлари ва вазифаларидаги меҳнат таксимоти масалаларида, хукуқ ва бурчларида бирмунча тафовутлар мавжуд.

Эркакнинг вазифаси – оиласи маънавий, иқтисодий қўллаб-куватлаш, аёли ва фарзандларининг ташвишларига шерик бўлиш, оиласа соя солаётган хавф-хатарларга қалқон бўла билиш, оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш.

Аёлнинг вазифаси – оиласа фарзанд тарбияси билан шугулланиш, уларни оқ юваб, оқ тараш, эркакнинг олиб келган нарсаларидан овқатлар пишириш, меҳмон кутиш, эр ва болаларини ишга ва ўкишга кузатиш, кутиб олиш.

Эр ва аёлнинг вазифалари юкорида санаб ўтилганларданги на иборат эмас, албатта. Бу вазифаларнинг барчасини санаб ўтишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Оила шароитидан келиб чиккан ҳолда, ҳар бир инсон ўз тафаккурини ишга солиб, вазифаларини белгилаб олмоги ва уларни шундай бажармоклари лозимки, уйга келган ҳар бир меҳмон туз-насибасини тотиб, қайтаётганида оила аъзолари орасидаги ўзаро ҳурмат, ҳар бирининг аклу фаросатига тасаннолар ўқиб кетсинлар.

Оила деб аталмиш аравани тортиб бораётган эр ва хотиннинг бир-бирига елкадош бўлишини, ўзаро одобларини, бир-

бирига бўлган меҳрибонликларини кўрган фарзандлар улардан ўрнак олиб, уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Чунки фарзанд айтган насиҳатингизни эсдан чиқариши мумкин, аммо кўрганини ҳеч эсдан чиқармайди. Оилада фарзанд тарбиясида бу жиҳатни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим.

Айтайлик, бозордан шириналик ҳарид қилдингиз, келган за хотиёқ уни кичик фарзандингизга бердингиз-у, ҳеч кимга кўрсатма дедингиз. У эса болалигига бориб, шириналикни ҳамма акаларига кўз-кўз килиб чиқди. Бошқа фарзандларингиз ўксиниб, кичик бўлган яхши экан дейишади. Ҳамма нарса кичикка, совфа ҳам шириналик ҳам эркалатиш ҳам деб болалар орасида яккалик, ўзини узоқ тутиш кайфиятлари пайдо бўла бошлиди. Бундай ҳолатларга йўл кўймаслик учун, уйга бирор нарса ҳарид килиб, олиб келганингизда ҳар доим униadolатли таксим қилинг.

Таксимлаш жараёнида ота-она ўзларини ҳам унутмасликлари керак. Болаларингиз бу жараёни кўрса, вакти келиб улар ҳам топиб қеладиган бўлганларида сизга улуш ажратишини унумайдилар. Болалар олдида қилган бу адолатли таксимингиз улар учун энг катта сабоқ бўлади. *Биринчидан*, улар бир-бирларига меҳрлари орта боради, *иккинчидан*, доимо ота-онани эслаб турадиган бўлади. Акс ҳолда олиб келган нарсаларингизни факат болаларингизга таксим қеладиган бўлсангиз, кейинчалик улар сизни эсламайдиган, факат ўзларини ўйлайдиган бўлиб қоладилар. Айниқса, кариб куч-куватдан қолганингизда, йўл кўйган бу хатоингиз сиз учун жуда катта азобга, тузатиб бўлмас армонга айланади.

Фарзандларингизга бир кўз билан қарангиз, каттасини катта, кичигини кичик деб, шунга яраша иш тутсангиз, кичикларинг қатталари билан маслаҳатлашиб иш тутишларига, каттальарининг кичикларини иззат қилишга, уларни химоя қилишга одатлантирангиз, уларни яхши ишларини маъқуллаб, рағбатлантириб борсангиз, ёмон ишларини ўз вактида қайтариб, бу ишнинг нима учун ёмонлигини ётифи билан тушунтириб борсангиз, фарзандларингизнинг камоли, ўзингизнинг келажакдаги роҳат-фароғатингиз учун жуда муҳим ва катга тарбиявий ишни амалга оширган бўласиз. Улардаги меҳр-оқибатни

кўриб, ўз ҳаётингиздан мамнун бўласиз, фарзандларингиз тарбияси борасидаги чеккан заҳматларингиз, машаққатларингиз унутилади.

Маънавий меросимиздаги тарбиявий ғоялар ривожига бир назар соладиган бўлсак, қанчалик маънавий жавоҳирларга эга эканлигимизга ишонч хосил қиласиз. Улар тубсиз уммон, бит-мас-туганмас бойлик. Ҳар бир инсон бу уммонга шўнғиганда, ўзининг феъл-автори, дунёкараши, билим савияси ва бошқа хусусиятларига қараб улуш олиб чиқиши мукаррар.

Аждодларимиз маънавий мероси хисобланган "Қобуснома", "Шоҳнома", "Темурнома", "Бобурнома", "Гулистон", "Бўстон", "Темур тузуклари", "Қутадгу билиг", "Махбуб ул-кулуб" каби дурдона асарларни мутолаа килган ҳар бир инсон тарбиянинг инсон шаклланишидаги муҳим омил эканлигига ишонч хосил қиласиди.

Тарбиянинг мураккаблиги ҳакида Амир Темур "Мен фарзанд тарбиялашда давлатни бошқаришдан кўра чукурроқ мушоҳада, ундан ҳам чукурроқ донишмандлик кераклигига ишонч хосил қилдим", – деса, Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида тарбиянинг аҳамиятига "Тарбия бизлар учун ё хайёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат", – деб катта баҳо беради. Тарбияни оиласдан шакллантириб бориш кераклиги, бунинг учун ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши ҳакида уқтиради.

Болани ёшлигидан меҳнатга ўргатиб боринг. Инсон бирданнига меҳнаткаш бўлиб қолмайди. Сиз буюриб кетган ишларингизни болаларингиз баҳоли-кудрат бажариб кўйишибдими, чала ёки камчилиги бўлса ҳам энг аввало, ўз хурсандчилигингизни билдиринг, маъкул услублар билан рағбатлантиринг. Ишимни кўлимдан оладиган бўлиб қолибсизлар, дея мақтанг.

Фарзандларингизни иложи борича мустакил ишлашга, мустакил фикр юритишга ўргатинг. Масалан, бирор фандан сиздан ёрдам сўраса, уни фарзандингиз учун ишлаб берманг, факат тушунтиринг. Масалани мустакил ҳал қилиб бўлгандан кейин: "Мана ўзинг бемалол ечсанг бўлар экан-ку", – деб кўнглини кўтариб кўйинг. Ана шунда фарзандингизда ўзига бўлган ишонч хосил бўлади.

Фарзандларингизни уй ишларига ўргатиб боринг. Ёшига караб қўлидан келадиган ишларни буюриб туринг.

Дейлик, мазангиз бўлмай қолди. Болаларингизнинг ёшига караб уй ишларини тақсимлаб беринг. Сизнинг ҳолингиздан хабар олиб туришсин, ўзингиз ўргатган, қўлидан келадиган овқатни қилишсин. Буюрган ишларингизни ўзлари режалаб, ўзлари мустакил равишда қилишсин. Кичкинангизга бўлса, бошингизни силаб қўйишни илтимос қилинг. У жажжи қўлчалари билан бошингизни силаганидан кейин анча енгил тортганингизни айтинг. Сизнинг соғайишингизга унинг ҳам ҳиссаси қўшилаётганидан болангиз ниҳоятда хурсанд бўлади. Сизга нисбатан меҳри ортиб боради. Сиз унинг меҳрига муҳтоҷ эканлигингизни ҳис этади.

Ота-онага, қайнона-қайнотага бўлган меҳрни ҳам ота-она тарбиялайди. Айтайлик, бугун сиз бирор нарса харид қилиб келдингиз. Сиз бу нарсаларни очиб, болаларингизга бирор идиш олиб келишларини айтинг. Харид қилган таомингизнинг олдини ота-онангизга солиб беринг-да, "бувинг билан бувангга олиб бориб бер", – деб айтинг. Ота-онангаз буни қўриб, болаларингизни дуо килади.

Эр-хотиннинг оиласдаги бир-бирига муносабати, юриш-туришлари комил фарзанд тарбиялаш амалиёти.

Оиласда фарзандларимиз ота-оналарнинг бир-бирларига бўлган муносабатларига қараб иззат-хурматни, муомалани ўрганиб боради. Ота-оналар бир-бирига меҳрли бўлсалар, ширин муомала қилсалар, болалар ҳам шунга кўнимка ҳосил қилиб, шундай муомалага ўрганадилар. Агар турмуш ўртогингизни ишга кузатаётганда "яхши бориб қелинг, дадаси" ёки ишдан кайтганида "ишга яхши бориб келдингизми, дадаси" деб кутиб олсангиз, оиласдаги фарзандларингиз сизнинг харакатингизни қўриб, отасига хурмати ошади. Натижада, ота-онани хурмат қилиш кераклигини тушуниб боради.

Афсуски, ҳамма оиласларда ҳам шундай ўзаро хурмат ва меҳр-оқибат мавжуд эмас. Баъзи оиласларда эрни хурмат қилиш ўрнига уларга хукмрон бўлиш, уларни "ўз измига солиш"га бўлган интилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Ҳатто "бўйсунмайди-

ган" эрларни ўз аёллик мавқеидан "фойдаланиб" ўн беш сутка-га қаматган "оналар"ни ҳам учратамиз. Бу билан "топкир" аёлларимиз, гүёки ўз эрларининг таъзирини бериб қўймоқчи бўладилар. Бундай оиласда эрнинг хотинга бўлган хурмати, меҳри сусайиб боради, бора-бора эса йўқолади. Энди эр ўз хотинидан топмаган меҳни, хурматни бошқалардан қидира бошлайди.

Болалар олдида турли ортиқча гаплар билан эрингизнинг обрўйини тўкманг. Эртасига ўзига келганда ётиғи билан бакирмай, чакирмай бафуржа гаплашиш мумкин. Масалан, "кечаги холатингиздан болаларнинг олдида жуда уялдим. Сизга бундай ҳолатда юриш ярашмас экан. Ахир болалар бизга қараб хаётни ўрганишади, ўзларига йўл танлайдилар. Биз уларга ўрнак бўлишимиз керак. Болалар катта бўлишашити", дейиш мумкин.

Баъзи бир аёлларимиз борки, улар эридан озгина кўпроқ топганлари учун миннат қиласдилар. "Энди коссанг оқариб қолдими, чўнтағингга пул тушиб, семириб, пулли бойвачча бўлиб, ичадиган бўлиб қолдингми?" каби сўзлар билан болалари олдида эрини ҳакорат қиласди, унинг обрўсини тўқади. Натижада, болалар отани хурмат қилмайдиган, айтганини бажармайдиган, гапини икки қиласдиган бўлиб қоладилар. Оналари отасини ёмонлайвериши эвазига болаларда отага нисбатан нафрат пайдо бўлади.

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда мактабни оила билан боғламасдан, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун мактаб ва ота-оналар ўртасида таълим-тарбияга оид ишларни кенгайтириши лозим. Ота-оналарнинг ўқитувчилар билан бўлган учрашувида айтган фикрлари, айниқса, ота-оналар учун кимматли, чунки улар ўз фарзандлари тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб оладилар. Шундай экан, бола тарбиясининг туб моҳиятини унутган ҳар бир ота-она оила билан мактаб ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиладилар.

Бола мактабга кириб, то уни тамомлаб чиккунга қадар ота-она мактаб билан яқин алоқа ўрнатиши, фарзандининг ўзлаштириши, хулқ-атворидан ҳамиша хабардор бўлиши лозим. Ўз

навбатида ўқитувчи ҳам боланинг ўкиши, одоби, хулки, мактабда ўзини тута билиши ҳақидаги маълумотларни ота-онага етказиши, зарурият туғилганда, ҳосил бўлган муаммоларни биргаликда ҳал қилиши зарур. Боласи мактабга борган ота-она шу жамоанинг аъзосига айланади. Шу сабабли ота-оналар мактабнинг ижтимоий хаётида фаол қатнашишлари шарт. Ўқитувчи ҳам ўз ўқувчисининг оиласи билан мустажкам ҳамкорликни йўлга кўймоғи лозим.

Ота-оналарнинг маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари билан тарбия соҳасида ҳамкорлик қилишлари жуда мухим. Бу ишлар оила тарбиясига салмоқли хисса қўшади. Комил фарзанд тарбиялаш учун оила, мактаб ва жамоатчилик (маҳалла)нинг ҳамкорлиги талаб қилинади.

Демак, ҳозирги иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар шароитида оиласавий тарбия масалаларига эътибор янада кучайиб, дол зарб мавзуга айланмоқда.

Таянч сўз иборалари

Оила, оила мақсади, оила вазифалари, фарзанднинг ота-она олдидаги ва аксинча ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИЩ УЧУН САВОЛЛАР

1. Таълим-тарбия тизимиға раҳбарлик қилишнинг қандай тамойиллари бор?
2. Таълим соҳасидаги ваколатли соҳалар нима?
3. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи нималардан иборат?
4. Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., 1992.

2. “Оила йили“ деб эълон килинишига доир хужжатлар.
3. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. Қўлланма. – Т., 1994.
4. Ёдгоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ тўплами. 1996.
5. Узоков X., Фозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси (ўкув ўлланма). – Т., 1992.
6. Мусурмонова О. Оила фаровонлиги – жамият тараккиётининг мезони. Халқ таълими журнали. 1998. 6-сон.

ПСИХОЛОГИЯ

1-маеву. Психология фанининг долзарб вазифалари, предмети, психологик билимларнинг тутган ўрни

1. Янги давр ва психология.
2. Психологиянинг предмети.
3. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.
4. Психологиянинг тармоқлари.

Янги давр ва психология. Психология соҳасида муқаммал дарслклар ёзила бошлаган даврга 160 йил бўлди. Шу давр ичидаги кўплаб илмий тадқиқот натижаларини ўз ичига олган монографиялар, дарслклар, кўлланмалар ёзилди. Лекин бу билан фанининг жамият ҳаётида тутган ўрни жуда ошиб кетди, деб бўлмайди. Сабаби психология соҳасида фаолият кўрсатган барча олимлар кўпроқ, диккатларини мавҳум шахс ва индивидуал психологияга каратдилар. Ваҳоланки, инсон, унинг баркамоллиги, жамият тараққиётига бевосита таъсири масаласи ўтиб бораётган асримизнииг охирига келиб, ўта долзарб ва муҳим мувоффиклар каторидан жой олди.

XX аср ва унинг эришган ютукларидан энг муҳими шу бўлдики, техника, электроника ва бошқа шунга ўхшашиб мураккаб технологияларни яратган инсон ва унинг бевосита кундалик ҳаёти билан боғлиқ муаммолар кўпайиб бориши билан характерланади. Вақти келгандан, шундай фактга тўғри келамизки, мураккаб электрон техникани яратган ўта ақлли инсон ўзи ва ўз атрофидагиларнинг руҳий кечинмаларини тўғри баҳолай олмаслиги сабабли, ўзини начор ва кучсиз сезиши мумкинлигини ҳаёт исботлади.

XXI аср бўсағасида жуда кўплаб давлатларда бўлгани каби дунё ҳаритасида муносиб ўрин олган мустақил Ўзбекистонда хам барча соҳаларда туб ислоҳотлар бошланди. Бу ислоҳот-

ларнинг барчаси инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини бевосига тараққиёт, ривожланиш ва цивилизация билан узвий боғлади. Бундан инсон ва унинг муқаммаллиги, ўз устида ишлаши, ўз мукаммаллиги хусусида қайғуриши муаммоси долзарб масалага айланди.

Инсон психологиясини билиш, ўз тараққиёти ва иқтидорини ташкил этишини тушуниш, ҳар қандай ёш даврда ҳам оптимал равишда ишга яроклиникни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш, тафаккур қилиш, рўй берадиган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммосини илгари сурди.

Шундай қилиб, янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларини адекват билиш, шу билимлар захираси билан яқинлари ва ҳамкаслари психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Буюк Сукрот ўз даврида "Ўз-ўзингни бил!" деган шиорни ўргата ташлаган эди. Янги давр бу билимлар ёнига "ўз ёнингдагиларни ва уларнинг килаётган ишларини ҳам бил", деган шиорни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб кўйди. Айни шу муаммони ечишда ҳозирги замон психология илми ва амалиётининг роли бениҳоя катта.

Анъанага айланиб қолган ҳодисалардан бири шуки, психология ва у ўрганадиган ҳодисаларни факатгина ушбу фан билан бевосита шуғулланадиган кимсалар ўрганиб келишган. Зеро, психологик ҳодисалар билан ҳар қандай инсон ҳам таниш бўлиши ва у инсон ҳаётининг асосини ташкил этиши керак. Янги давр ва унинг ўзгаришларга бой ҳаёти энди ҳар бир кишининг психик ҳодисалар конуниятларини билиш ва шунга мос тарзда оқилона ва омилкорона иш юритиш заруратини талаб қилмоқда.

Психологияниң предмети. "Психология" иккита юнон сўзларидан – "psyche" – жон, рух ва "logos" – таълимот, илм сўзларидан иборат бўлиб, анъанавий маънода инсон руҳий дунёсига алоқадор барча ҳодисалар ва жараёнлар унинг предметини таш-

кил этади. Бошқача қилиб айтганда, психологиянинг предметини ҳар биримизнинг ташки оламни ва ўз-ўзимизни билишимизнинг асосида ётган жараёнлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва шаклланган хислатлар ташкил этади. Психология бўйича адабиётларда унинг предметини қисқача қилиб, психика, деб таъриф беришади.

Психика – бу инсон рухиятининг шундай ҳолатики, у ташки оламни (ички руҳий оламни ҳам) онгли тарзда акс эттириши мизни, яъни билишимизни, англашимизни таъминлайди. Лекин бу қисқа таърифлардан психикага алоқадор жараёнлар онгининг акс эттириш шакллари экан, деган юзаки хulosага келиш ноттўғри бўлади. Чунки инсон психикаси ва унинг руҳий оламига алоқадор ҳодисалар ва жараёнлар шу кадар мураккаб ва хилма-хилки, биз баъзан ўз-ўзимизни ҳам тушунмай қоламиз. Шунинг учун ҳам одамларнинг билимдонлиги нафақат ташки оламда рўй берадиган объектив ҳодисалар можиятига алоқадор билимлар мажмуига эга бўлиш билан, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ички имкониятлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда фаoliyatiini оқилона ташкил этишининг барча сирларидан боҳабар бўлиш, ўзига ва ўзгаларга таъсир кўрсатишнинг услубларини билиш ва улардан ўз ўрнида унумли фойдаланишни назарда тутади.

Психологик билимдонликнинг мураккаблиги айнан шундаки, атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисаларнинг можиятини бевосита ҳис қилиб билишимиз мумкин. Лекин психик ҳаётга алоқадор бўлган жараёнларни, ўзимизда, миямиз ва онгимизда рўй берадиган нарсаларнинг можиятини билвосита биламиз. Масалан, ўртокларимиздан бири бизга ёқади, доимо бизда яхши, ижобий таассурот қола олади. Бироқ унинг у ёки бу хатти-харакатларини бевосита кўриб, баҳолаб, таҳлил қилолсак-да, унга нисбатан ҳис қилаётган меҳримизни, узок кўришмай қолганимизда уни соғинаётганлигимиз билан боғлиқ ҳисни бевосита кўриб, идрок килиш имкониятига эга эмасмиз. Айнан шунга ўхшаш ҳолатлар психология ўрганадиган ҳодисалар ва ҳолатларнинг ўзига хос табиати ва мураккаблигидан дарак беради, улар бошқа турли ҳодисалардан фарқ килади.

Шундай килиб, психология фани ўрганадиган жараёнлар ва ҳодисалар мураккаб ва хилма-хил. Уларни ўрганишнинг икки томони бор: *бир томондан*, уларни ўрганиш кийин, *иккинчи томондан*, осон. Охирги томони хусусида шуни айтиш мумкин-ки, бу ҳодисалар бевосита бизнинг ўзимизда берилган, уларни узоқдан қидириш, мавҳум аналогиялар килиш шарт эмас, бошқа томондан, улар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ ва умумий конуниятлар ва тамойилларга бўйсунади. 1-жадвалда психик жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари, улар ўртасидаги ўзаро боғликлар акс этган.

Демак, киска килиб, психологиянинг предмети аник шахс, унинг жамиятдаги хулқ-атвори ва турли фаолиятларининг ўзига хос томонлари, деб таърифлаш мумкин. Психология аник фан сифатида психик фаолият конунларини, унинг рўй бериш механизмлари ва омилларини ўрганувчи фан.

1-жадвал

Психологиянинг фанлар тизимида туттган ўрни. Психология

Психиканинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг ўзаро боғликлиги		
Психик жараёнлар	Психологик ҳолатлар	Шахс хусусиятлари
Билиш жараёни	Ҳиссий-иродавий	Индивидуаллик
Сезгилар	Эмоциялар	Йўналишлар
Идрок	Эътиқодлиллик	Темперамент
Хотира	Бардамлик	Характер
Тафаккур	Тетиклик	Қобилиятлар
Хаёл	Апатия	Иқтидор
Нутқ	Кизикувчанлик	Ақлий салоҳият
Дикқат	Хайратланиш	Хулқ мотивацияси
	Ишончлилик	Иш услуби
	Ижодий руҳланиш	Масъулият

яхлит ва мустакил фан сифатида одамларда гуманистик менталитетнинг шаклланишига хизмат килиб, инсон омилига алоқадорлиги унинг шу йўналишдаги муаммоларни маълум маънода ўрганадиган барча фанлар билан бевосита алоқасини такозо этади. Бу-

лар биринчи навбатда ижтимоий-гуманитар фан соҳалари бўлиб, психологиянинг улар орасидаги мавқеи ўзига хос ва етакчи.

1. Фалсафа ва унинг охирги пайтларда шаклланиб, ривожланиб бораётган ижтимоий фалсафа кисми билан бўлган алоқаси бу иккала фаннинг инсон ва унинг хаёти моҳиятини тўла англаш ва унинг ривожланиш тенденцияларини белгилашдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади. Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ривожланишига оид бўлган умумий конуниятлар ва тамойилларни психология фалсафа базасидан олади ва шу билан бирга ўзи ҳам инсон онги ва тафаккури қонуниятлари соҳасидаги ютуклари билан фалсафани бой маълумотларга эга бўлишига ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик мағқураси ва миллий онг шаклланишига тааллукли умумий илмий қонуниятларни излашда ҳам юртимиз шароитида фалсафа ва психологиянинг ҳамкорлиги бевосита сезилмоқда. Бу боғлиқлик, энг аввало, янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш муаммоси кўндаланг турган тарихий даврда миллий мағкура ва миллий ғояни шакллантириш каби долзарб вазифани бажаришга хизмат килмоқда.

2. Социология фани ҳам янгича ижтимоий муносабатлар шароитида ўз тараққиётининг мухим босқичига ўтган экан, психология ушбу фан эришган ютуклардан ҳам фойдаланади ва уларнинг кўлами кенгайишига баҳоли кудрат хизмат қиласи. Айникса, психологиядан мустақил равишда ажralиб чиккан, бугунги фан -техника тараққиёти даврида алоҳида аҳамият касб этган ижтимоий психологиянинг социология билан алоқаси узий бўлиб, улар жамиятда ижтимоий тараққиётни таъминлашга хизмат қиласи.

3. Педагогика билан психологиянинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаси анъанавий ва азалий бўлиб, уларнинг ёш авлод тарбиясини замон талаблари руҳида амалга оширишдаги роли ва нуфузи ўзига хос. Республикаизда амалга оширилаётган янги "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалга ошириш мазкур икки фан ҳамкорлиги ва ўзаро алоқасини ҳар қачонгидан ҳам долзарб килиб кўйди.

Миллий дастурда эътироф этилган янгича моделдаги шахс-

ни камол топтириш, унинг чукур билимлар сохиби бўлиб етишиши, баркамоллигини кафолатловчи шарт-шароитлар орасида янги педагогик психологияларини таълим ва тарбия жараёнларига татбиқ этища педагогиканинг ўз услугуб ва қоидалари етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология у билан ҳамкорликда ёш авлод онгининг таълим олиш даврларидағи ривожланиш тенденцияларидан тортиб, янгича ўқитиш технологияларининг бола томонидан ўзлаштирилиши ва ундаги ақлий ҳамда интеллектуал қобилиятларга нечоғлик таъсир кўрсатаётганлигини ўрганиш асосида таълим-тарбия ишини ташкил этиш психологиядаги услубларни дидактик услублар билан уйунлаштиришни такозо этади.

4. Табиий фанлар – биология, физиология, кимё, физика, астрономия, табиий география ва бошқалар. Психик ҳодисалар ва жараёнларнинг табиий физиологик механизмларини тушуниш ҳамда шу орқали уларнинг кечиши қонуниятларини объектив ўрганиш учун материал беради. Айниқса, бош мия ва марказий асаб тизимининг психик фаолиятларини бошқаришда уларнинг мувофиқлаштиришдаги ролини эътироф этган ҳолда, психология фани табиий фанлар эришган ютуклар ва улардаги тадқикот услубларидан омилкорона фойдаланади.

5. Кибернетика фани соҳасидаги эришилган ютуклар психология учун ҳам ахамиятли ва зарур бўлиб, у инсон шахсининг ўз-ўзини бошқариш ва психик жараёнларни такомиллаштириши борасида ахборотлар технологияси ва кибернетика томонидан кўлга киритилган ютуклар ва тадқикот услублари, маҳсус дастурдан ўз ўрнида фойдаланади. Айниқса, маълумотлар кадр-киммати ортиб бораётган XXI асрда ахборот технологиялар ва моделлаштириш борасида психология ҳамда кибернетика ҳамкорлигининг салоҳияти янада ортади.

6. Техника фанлари билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги, айниқса, XX аср охирига келиб яққол сезилиб қолди. *Бир томондан*, мураккаб техникани бошқарувчи инсон онги муаммосини ечишда, *иккинчи томондан*, психик ҳайтнинг мураккаб қирраларини очишида маҳсус техник воситалардан фойдаланиш зарурати, бу икки йўналишнинг эришган ютукларини бирлаштиришни назарда тутади. Масаланинг яна бир алоҳида томони ҳам борки, техника тараккиётiga интилаётган бир

вактда мураккаб техника ва машиналар билан "мулоқот" қилаётган шахс фаолиятини янада мукаммаллаштириш ва унинг имкониятларига мослаш масаласи ҳам ана шу ҳамкорликда ҳал қилиниши лозим бўлган масала.

7. Иқтисодиёт билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги ҳам янгилек бўлиб, айниқса, бозор муносабатларига боскичма-боскич ўтиш шароитида иқтисодий оңг ҳамда иқтисодий хулқнинг ўзига хос намоён бўлиш қонуниятларини ўрганишда иккала фан тенг хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларида ёки фуқароларда, биринчи навбатда, ёшларда янгича иқтисодий тафаккур шаклланишининг жамият иқтисодий тараккиётидаги аҳамиятига эътиборни қаратган эдилар. Демак, янги давр шахсини тарбиялаш ва унинг жамиятга мослашуви масаласида психология иқтисодиёт фанида кўлга киритилган ютуклар, янгилеклар ва иқтисодий самарага эришиш омилларини хисобга олса, иқтисодиёт ўз навбатида, иқтисодий ислоҳотларнинг обьекти ҳамда субъекти бўлмиш инсон омилидаги барча – психологик ўзгаришларни аниқлаш, таҳжил қилиш ва шу аснода башорат килиш вазифасини ечиши керак.

Юқорида таъкидланган фан тармоқлари психологияга бевосита узвий алоқада ривожланадиган фанларнинг асосий кисми, холос. Бугунги кунда ҳар бир фан ривожи учун инсон омилини хисобга олиш зарур экан, психология ўша барча фанлар билан алоқада ва ҳамкорликда ривожланади. Бу тибиёт, қишлоқ хўжалиги, кимё ва озик-овқат ишлаб чиқариш саноати, хукуқ ва маданиятшунослик каби ўнлаб фан соҳаларидир.

Юқоридаги фикрлар ва психология бевосита алоқадор бўлган фанларнинг характеристига боғлиқ тарзда бугунги кунда психологиядан нисбатан алоҳида бўлиб ажralиб чиқкан тармоқлар тўғрисида ҳам фикр юритиш мумкин.

Психологиянинг тармоқлари. Психологиянинг алоқида тармоқларини дифференциация қилиш, энг аввало, ишлаб чиқаришдаги инсон фаолияти кечадиган соҳалар ва уларнинг вазифаларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврга келиб, психологияни инсон шахси ҳақидаги энг муҳим фанлардан бири сифатидаги аҳамиятини ҳамма тан олмоқда. Инсон шахсининг эса бевоси-

та кириб бормаган соҳасини топиш қийин. Психология иқтисод, педагогика, фалсафа, мантиқ, социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқадор фан ҳисобланади. Чунки ҳамма соҳада инсон шахси фаолият кўрсатар экан, ҳар бир соҳада ишни самарали ташкил этиш, олиб бориш учун, кишилар психологиясини, шахслараро муносабатлар психологиясини, одамларнинг турли вазиятлардаги хулқ-автор меъёрларини билиш ва шунга кўра иш олиб бориш мухим. Шунинг учун ҳозирги давр мутахассислари психологик билимлардан боҳбар бўлишлари лозим.

Психологиянинг 300 дан ортиқ тармоғи фан сифатида ривожланаётганлиги ҳозирги кунда психологиянинг фанлар тизимида янада мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради. Масалан:

- *умумий психология* – психик фаолиятнинг умумий қонуниятлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганадиган маҳсус соҳаси;
- *педагогик психология* – кишига таълим ва тарбия беришининг психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади;
- *ёш давр психологяси* – турли ёшдаги одамларнинг туғилгандан то умрининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ва ўзаро муносабатлари қонуниятларини, индивиднинг ёшига мос тарзда ўзгариши тамойилларини ўрганади;
- *ижтимоий исихология* – одамларнинг жамиятдаги биргаликдаги иш фаолиятлари натижасида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, хиссий кечинмалар ва хулқ-авторларини ўрганади;
- *мехнат психологяси* – киши меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишининг психологик жиҳатларини, қонуниятларини ўрганади;
- *муҳандислик психологяси* – автоматлаштирилган бошқарув тизимлари операторининг фаолиятини, одам – техника ўргасида функцияларни тақсимлаш ва мувофиқлаштиришнинг хусусиятларини ўрганади;
- *юридик психология* – ҳукуқ тизимининг амал қилиши билан боғлиқ масалаларнинг психологик асосларини ўрганади;
- *ҳарбий психология* – кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитида намоён бўладиган хулқ-авторини, зобитлар билан оддий аскарлар

ўргасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатларини ўрганади;

– савдо психологияси – жамиятда тижоратнинг психологик шарт-шароитлари, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга, жинсга оид хусусиятларини, ҳаридорга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниклади. Бу соҳадан ажраб чиккан, модалар психологияси инсон диди ва унинг хулиқда акс этиши каби қатор масалаларини ўрганади;

– тиббиёт психологияси – шифокор фаолияти психологияси-ни, бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади.

Шунингдек, психологияяда этнопсихология, оиласий хаёт психологияси, бошқарув психологияси, шахс психологияси, спорт психологияси, психодиагностика, сиёсий ва ташкилий психология каби бошқа кўплаб соҳалари мавжудки, уларнинг ҳар бирини жамиятдаги эхиёjlар ва уларни кондирганда психологиянинг фан сифатидаги ўрни ва мақсадидан келиб чиқади.

Таянч сўз иборалари

Психология, психик жараёнлар, психологик ҳолатлар, шахс хусусиятлари, маҳсус тармоқлар.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Психологик билимларнинг ҳар бир инсон учун ахамияти нималардан иборат?
2. Психология фан сифатида ўрганадиган ҳодисалар ва қонуниятлар моҳияти нимадан иборат?
3. Психологиянинг алоҳида тармоқлари ва уларнинг вазифаси нимадан иборат?
4. Психология ривожланаётган фанлар тизимида қандай ахамиятга эга?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. –Т., 1998.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т., 1997.
3. Гамезо М.В., Домашенко И.А. Атлас по психологии. – М., 1986.
4. Гиппенрейтер Ю.Б. Введение в общую психологию. Курс лекций. – М., 1996.

5. Годфруа Ж. Что такое психология? Т. 1.Гл.5. – М., 1992.
6. Грановская Р.М. Элементы практической психологии. – СПб., 1997.
7. Ендолъцев Ю.А. Знакомимся с университетом. – СПб., 1996.
8. Климов Е.А Основы психологии. Учебник. – М., 1997.
9. Психология. Под ред. А. А. Крилова. – М., 1998.
10. Немов Р.С. Психология. – Кн.1. – М., 1998.
11. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Т., 1994.
12. Прикладная социальная психология. Учебное пособие. – М., 1998.

2-мавзу. Психологиянинг замонавий услублари ва уларни амалиётта татбиқ этиш. Амалий психологиянинг бозор муносабатлари шароитидаги имкониятлари

Психологиянинг асосий услублари	
Асосий услублар	Асосий услубларнинг варианatlари
Кузатиш услуби	Ташки (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув. Стандартлаштирилган Гурӯх ичида кузатиш (кузатув нодир) Гурӯх ташкарисида кузатиш.
Сўрок услублари	Оғзаки сўрок Ёзма сўрок Эркин сўрок (сұхбат) Стандартлаштирилган сўрок
Тестлар услуби	Тест-сўров Тест-топширик Проектив тест, Социометрик тест
Эксперимент	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти
Моделлаштириш	Математик моделлаштириш Мантикий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш

1. Психологиянинг асосий услублари.
2. Психологиянинг татбиқий ва амалий соҳалари.
3. Амалий психологиянинг йўналишлари.

Психологиянинг асосий услублари. аниқ изланши предметига эга бўлган ҳар кандай фаннинг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун маҳсус услуг ва воситалардан фойдаланиди ҳамда улар фаннинг услублари деб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси, биринчи навбатда, ўша услублар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги ва валидлилигига боғлик бўлади. Бу фикрлар бевосита психологияга ҳам алоқадор бўлиб, услублар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятга молик масала сифатида қаралади. Чунки юкорида таъкидлаганимиздек, психик ҳодисаларни бевосита кўл билан ушлаб, кўз билан илграб, кулоқ билан сезиш кийин. Лекин жуда кўплаб фанлар билан фаол ҳамкорлик шунга олиб келганки, психологиянинг ҳар бир тармоғи ўз вазифаларини ечиш ва маълумотларга эга бўлиш учун кўплаб услубларни синовлардан ўtkазиб, энг ишончли ва мукаммалларини сақлаб қолган.

Математик статистика ва эҳтимоллар назариясининг психология соҳасида кўлланилиши, унда эришилган муваффакиятлар, энг аввало, ҳар бир услубнинг ишончлилик даражасини аниқлаш, қолаверса, тўпланган маълумотларнинг қай даражада асосли эканлигини исботлашга ёрдам беради.

2-жадвалда асосий психологик услублар ва уларни кўллаш шакллари келтирилган.

Жадвалда келтирилган услублар ёрдамида тадқиқотчи ёки кизиккан шахс у ёки бу психик жараён, ҳолат ёхуд шахс хусусиятлари тўғрисида бирламчи маълумотлар тўплайди, тўпланган маълумот яна таҳлил қилинади ва маҳсус тарзда ишлатилиши мумкин.

2-жадвал

Кузатиш услуби- табиий услублар жумласига киради. Ташки кузатув моҳиятан кузатилувчи хулк-авторини бевосита ташкаридан туриб, кузатиш орқали маълумотлар тўплаш услуби. Ўз-ўзини кузатиш эса одам ўзида кечётган бирор ўзгариш ёки ҳодисани ўзи ўрганиш максадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиши услуби.

Эркин кузатув кўпинча бирор ижтимоий ҳодиса ёки жараённи ўрганиш максад килиб қўйилганда кўлланилади. Масалан, байрам арафасида аҳоли кайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан маҳсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув объек-

ти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс жараённида болаларнинг у ёки бу мавзу юзасидан умуми муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса, бунинг акси бўлиб, Нимани? Қачон? Ким? ва Кимни? кузатиш қатъий белгилаб олинади ва маҳсус дастур доирасидан чикмасдан, кузатув олиб борилади.

Ижтимоий ҳамда педагогик психологияда гурухий жараёнларнинг шахс хулқ-авторига таъсирини ўрганиши мақсадида бевосита ичкаридан кузатув ташкил қилинади. Бунда кузатувчи шахс ўша гурух ёки оила ҳаётига табиий равишида кўшилади ва зимдан кузатиш ишларини олиб боради. Бу бир карашла кузатувчиларнинг фолиятини ҳам эслатади. Шу йўл билан олинган маълумотлар, бир томондан, яхлитлилиги билан кимматли бўлса, иккинчи томондан, агар кузатувчидаги конформизм хислати кучли бўлса, ўзи ҳам гурух ҳаётига жуда киришиб кетиб, ундаги айрим ҳодисаларни субъектив равишида қайд этадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Гурухий феноменларни ташкаридан кузатиш бунинг акси, яъни кузатувчи гурухга ёки кузатилаётган жараёнга нисбатан четда бўлади ва факат бевосита кўзи билан кўрган ва эшитганлари асосида холосалар чиқаради.

Умуман, кузатиш услубининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсатгичларни қайд қилишда сўёсиз афзалликлари бор, лекин шу билан бирга кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчалиги, сабр-каноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишида таҳлил қилиш хавфи бўлгани учун ҳам бироз нокурайликлар ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа услублар билан биргаликда кўлланилади.

Сўров услуби психологиянинг барча тармокларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий услубларидан ҳисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан кўйилган қатор саволларга мухтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўрокни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, сұхбат услуби деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач сўрок ўтказади. Агар унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу

услуб ёрдамида инсон рухий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

Ёзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вактнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан куттиладиган жавоблар (ёлик анкета) ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очик анкета) сўровномалар аниқ ва равон тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузиленган бўлса, шубҳасиз кимматли бирламчи материаллар тўплаиди.

Сўроқнинг эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, хаттоки, компьютерда дастур ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

Тестлар услуги охирги пайтда хаётимиизга дадил кириб келган текширув услублари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ҳодиса хусусида ҳам сифат ҳам микдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликда қайта-қайта синаяш ва маълумотларни корреляцион таҳлил оркали ишончлилигини текшириш мумкин бўлади. Айни тестга қўйилган талаб хеч қачон ўзгармайди, хаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда ишлатилаверади. Масалан, Равеннинг аклий интеллектни ўлчаш, Кэттел ва Айзенкнинг шахс тестлари шулар жумласидандир.

Тест – сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия-экстроверсияни ўлчайди, саволларга "ҳа" ёки "йўқ" тарзида жавоб бериш сўралади.

Тест – топширик одам хулки ва холатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутади. Масалан, шахс тафаккуридаги креактивлиликни аниклаш учун кўпинча, бир карашда оддийгина топширик берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имко-

нияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креактивлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсатгич аникланади. Бу услубларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гурухда натижа бермаса, бошқа гурухда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги баъзан текширилувчи, агар тестнинг моҳиятини ёки қалитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни фалсификация килиши мумкинлиги.

Тестлар ичida проектив тестлар деб номланувчи тестлар ҳам борки, тестнинг асл мақсади текширилувчига сир бўлади. Яъни шундай топширик бериладики, текширилувчи топширикни бажараётib, нимани аниклаши мумкинлигини билмайди. Масалан, машҳур Роршахнинг "сиёҳ доғлари" тести ёки ТЛТ (мавзуй апперцепцион тест), тугалланмаган хикоялар каби тестларда бир нарсанинг проекциясидан гўёки иккинчи бир нарсанинг моҳияти аникланади. Ўша 1921 йилда кашф этилган "сиёҳ доғлари" ва уларга қараб текширилувчининг нималарни эслаётганлиги, доғлар нималарга ўхшаётганлигига қараб, унинг шахс сифатидаги йўналишлари, ҳаётий тамойиллари, қадриятларига муносабати, ишни бажариш пайтидаги эмоционал ҳолатлари аникланади. Бу тестлар жуда нодир, кимматли, лекин уни факт профессионал психологгина қўллаши ва натижаларни мөхирона таҳлил қилиши талаб килинади.

Психологик эксперимент услубининг моҳияти шундаки, унда атайлаб шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда кизиктираётган психик жараён ёки ҳодиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша кизиктираётган феномен текширилувчи учун табиий хисобланган шароитларда (масалан: меҳнат жараёнида, ёзги таътилда, лицей аудиториясида ва шунга ўхаша) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти маҳсус жойларда, маҳсус асбоб-ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади.

Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида маҳсус таҳистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки "Ландольт халқачалари" деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Ҳаттоқи, ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформлилик ҳодисаларини текшириш учун гурухий интеграторлар ва гомеостат деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гурухдаги турли хил ҳодисалар ўлчанганди.

Моделлаштириш услуби кузатиш, сўрок, эксперимент ва бошқа услублар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб мөхияти очилмаган шароитларда кўлланилади. Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва ҳудосалар чиқарилади.

Моделлар техник, мантикий, математик ёки кибернетик бўлиши мумкин. Математик модел асосида ўрганилган ҳодисага машҳур тадқиқотчилар Вебер-Фехнерларнинг сезирликнинг куйи ва юкори чегарасини аниқлашга қаратилган математик формуласи ва шу формула асосида тўпланган маълумотлар таҳлилини мисол килиш мумкин. Мантикий моделлар ёрдамида кўпинча инсон акли ва тафаккури жараёнлари ва қонунларини хисоблаш машиналари иш тамойиллари билан киёслаш орқали тузилган ғоялар ва символлар ишлатилади. Кибернетик моделлаштиришда эса ғоялар психологиясини ЭҲМдаги математик дастурлаштириш тамойилларига мослаштириш назарда тутилади.

Хозир кўпгина мураккаб шахс хусусиятлари дастурлаштирилган бўлиб, улар алгоритмлар асосда киска фурсатда кўпгина сифатларни кўплаб параметрлар нуқтаи назаридан хисоблаш, натижаларни умумлаштиришга имкон бермоқда. Кўпинча математик ўйинлар ғояси одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини ўрганишда ҳам кўлланилмоқда. Маълум бўлишича, одамнинг фикрлаш вазифалари билан ЭҲМларнинг ишлаш тамойиллари ўртасида маълум уйғунлик бор экан. Бу мураккаб психик жараёнларни моделлаштириш орқали инсон аклизаковати чегарасини янада кенгайтириш истиқболини беради.

Умуман, психология ва унинг ҳар бир алоҳида тармоклари-нинг ўзига хос услублари бор. Улар ижтимоий хулқ ва алоҳида индивид ички дунёсини мажмуя тарзида ўрганиш имконини беради. Гап шундаки, уларни ўз вактида профессионал тарзда кўллай билиш ва олинган натижалардан тўғри хуносалар чиқара олиш.

Психологиянинг татбиқий ва амалий соҳалари. Ҳозирги замон илм-фанининг қадри ва аҳамияти унинг нечоғли амалиётга кириб бориб, татбиқий салоҳиятининг ортиб бориши билан бахоланади. Психологиянинг сўнгги йиллардаги тараққиёти ҳамайнан ана шу мезон талабларига жавоб бериши билан характерланади.

Амалий ҳамда татбиқий психология соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари, энг аввало, улар жамиятнинг бевосита бугунги кундаги талаблари ва буюртмаларига кўра иш юритади. Жамиятимизда психологияк билимларни бевосита амалиётга татбик этишга эҳтиёж катта. Биргина Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини оладиган бўлсак, унинг бажарилиши ва муваффакиятли амалга оширилиши учун психологиянинг аралашуви зарур. Жойларда ташкил этилган Ташхис марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўқувчилардаги ривожланиш тенденциялари, аклий ўсиш омиллари ва иқтидорига қараб таълим-тарбияни ташкил этишлари учун катор диагностик тадбирларни ўтказишлари зарурки, бу тадбирлар охирокибатда реал самара бериши лозим.

Таъкидлаш зарурки, татбиқий психологиядаги "самара"ни ўлчаш мезонлари билан назарий психологиядаги самара тушунчалари бир оз фарқ киласди. Яъни бу ерда бевосита буюртманинг бажарилиши сифатига буюртмачининг ўзи баҳо беради. Шунинг учун ҳам амалий психологиянинг алоҳида тармори бўлмиш ижтимоий психология билимларга амалдаги эҳтиёжни уч асосий сабаб билан тушунтириши мумкин: а) кичик корхона ёки йирик фирмалардан тортиб, ҳукумат даражасидаги идоралар ҳам ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун тобора инсонлар фаолияти ва улардаги захиралардан омилкорона фойдаланишининг психологик манбаларини қидириш лозимлигини

тушуниб етмоқдалар; б) профессионал психологиярнинг ўзи ҳам ўз ишларидан келадиган обрў-эътиборнинг амалий соҳаларда ишлай олиш қобилиятларига боғлик эканлигини тушуниб етмоқдалар; в) амалиётда ишлаётган бошқа соҳа вакиллари ҳам агар психологик тайёргарликдан ўтган бўлсалар, ишни ташкил килишга укувлари яхшироқ ва ишлари унумлироқ бўлишини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўплаб янги турдаги марказ ва фирмалар, кўшма корхоналарда амалиётчи психологиярнинг ишламоқдалар.

Амалий психологиянинг асосий йўналишлари. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси. Саноат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида татбиқий ишлар, биринчى навбатда, аник ташкилотда кадрлар захирасини тўғри ва оқилона ташкиллаштиришдан тортиб, ходимлар иш шароитлари ва меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар мажмуасини илмий равишда ўрганиб, ҳётда натижа олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ушбу йўналишдаги татбиқий ишларнинг икки соҳасини ажратиш мумкин:

- маркетинг хизматлари;
- ходимлар (персонал) билан ишлаш.

Биринчидан, замонавий ва мухим иш бўлиб, бу ерда психологнинг вазифаси "Нимани?" ва "Ким?" харид килиб олишга эҳтиёжи борлигини ўрганишга кўмаклашиш. Чунки талаб билан эҳтиёж бевосита шахсга ва унинг психологик муносабатлари тизимига алокадор тушунчалар бўлиб, бозор ва ракобат шароитида корхона ёки ташкилотларнинг самарали ишлаб кетиши, энг аввало, харидорлар товар маҳсулотларни ажратиб, уларнинг одамлар талаб-эҳтиёжига қанчалик мослигини аник таҳдил килишдан бошланади.

Маркетинг муносабатлари аслида одамлар ўртасидаги соғ психологик муносабатлар бўлиб, унинг негизида одамлар ўртасидаги жонли мулокот, таъб ва дидлар тарбияси ётади. Шунинг учун биз бугун одамларда тўғри маркетинг тафаккурини шакллантириш воситаларини кидиришимиз ва талаб-таклиф муносабатларини амалда ишлаб чиқариш имкониятлари билан мувофиқлаштиришда инсон психологияси хусусиятларини инобат-

га олиб ишлашга ўрганишимиз керак. Масалан, шундай "Case Study"ни олайлик: Психологияни қандай қилиб сотиш мүмкін (яни психологик маълумотлар ва билимларни)? Биз аник ва тўғри жавоблар олишимиз керак бўлган саволлар қуидагилар бўлади:

Нима сотилади? – тест натижалари.

Нима учун? – нима қилиб бўлса ҳам инсонларга ёрдам бериш, пул ишлаш, ўз имкониятларни текшириш, шахсий иш очиш.

Ким? – фирма ёки аник кишилар.

Нима? – хилма-хил тестлар батареяси.

Кимга? – турли касб эгалари, ўқувчиларга, ходимларга.

Қаерда? Қачон? – зарурат бўлган хар қандай жойда.

Қандай қилиб? – кам вакт сарфлаб, тез ва соз.

Қанча? – тест ўтказувчиларнинг сони ва имкониятига қараб.

Ким билан? – шу фирма ходимлари билан.

Демак, маркетинг хизматида жавоб берилиши зарур бўлган саволлардан кўриниб турибдики, хар бир саволга бериладиган жавобнинг орқасида инсонлар, уларнинг қобилиятлари, манфатлари ва иш унуми ётади. Шунинг учун бу соҳада психологик хизмат зарур.

Иккинчидан, кадрлар ва улар билан бевосита ишлаш соҳаси. Бу кадрларни ишга жалб этишда билиш зарур бўлган қобилиятлар ва шахсий фазилатлардан тортиб, уларни тўғри йўналтириш, ўз жойига кўйиш, ташкилот доирасида гурухларни шакллантириш, ходимларга маълумотларни ўз вақтида етказиш билан боғлик кадрлар сиёсатини олиб боришга алоқадор хизмат. Психолог бу ўринда, асосан, маслаҳатчи ва эксперт сифатида роль ўйнайди.

Сиёсат соҳасидаги психология – ҳар бир давр ўз кишилари онгига бенхтиёр сиёсий онгни шакллантиради ва одамлар унинг тамойиллариiga бўйсунадилар. Сиёсат борасидаги психологик масалаларга психолог аралашувининг зарурати ҳар доим бўлмаса-да, айrim пайтларда – йирик ислоҳотлар бошланиши арафасида, сайлов олди компанияларда, янги сиёсий етакчиларнинг халқ томонидан қабул килиниши жараёнлари, кўпчилик аудиторияларга зарур маълумотларни етказиш, ижтимоий

курилмаларни ўзгартириш, сиёсий арбоблар имиджини омма онгига сингдириш пайтларида психологик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланиш, маслаҳатлар бериш ва айрим гурухлар эътиқодига таъсир этиш керак бўлганда керак бўлади.

Сиёсий соҳада ишлаётган психолог ишининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, унга куйидагилар киради:

а) сиёсатда психолог аралашуви кўпчилик оммага бевосита алоқадор бўлмайди;

б) зарурат туғилганда, психолог шундай тез ва ишончли ўлчайдиган услубларни ишлатадики, уларнинг натижалари сир сакланиб, ўша буюртмачи – сиёсатчининг талабига кўра изланышлар олиб борилади;

в) психолог ҳар бир сиёсатчи учун шундай ишончли шахс бўлиши лозимки, ундан одамларнинг кайфиятлари, реакциялари, ҳис-кечинмалари хусусида аниқ маълумотлар сўралади;

г) ўзига хос кийинчилиги шундан иборатки, жамоатчилик психолог киёфасида кўпинча, лидернинг бевосита "одамини" кўришга мойил бўлиб, етакчининг ўзи хам баъзан ўта професионал психологдан ҳадиксираб қолиши мумкин.

Шунинг учун юкорида таъкидлаганимиздек, зарур пайтларда сиёсий арбоблар психолог хизматига мурожаат қилишлари, бирор жиддий ижтимоий лойиҳаларни қабул қилиш жараёнида ёрдам беришини сўраш мумкин. Бунинг учун психологдан жамоатчилик фикрини психологик таҳлил қилиб бериш ҳамда шу асосда фукароларнинг кайфиятларига ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни биргаликда ажратиш вазифасини ҳал қилишлари мумкин. Сайлов олди компанияларда эса, психологнинг асосий вазифаси одамларнинг кайфиятини ўрганган ҳолда даъвогар киёфаси (имиджи)ни шакллантиришга, одамларнинг ёқтиришига сабаб бўладиган шахсий фазилатлар алгоритмини тузиш, омма олдига чиқишига психологик тайёрлаш, ракибларнинг баҳсласишиш маданияти ва этикаси борасида психологик йўл-йўрик ва услублар борасида маълумотлар алмашиниш керак бўлади.

Ўзбекистон шароитида сиёсий психологиянинг ўзи жуда заиф ривожланган тармок бўлгани сабабли хам уни ривожланган

3. Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши.
4. "Мен" ва ўз-ўзини баҳолаш.
5. Ўспирийлик даврида шахс ижтимоийлашуви.
6. Шахс дунёқараси ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар.
7. Миллий ва маънавий қадриятларнинг роли.

Шахс – ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида. "Шахс" тушунчаси психологияда энг кўп кўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида кайд этилади. Инсон руҳий олами қонуниятлари билан қизиккан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи шахс ижтимоийлигини ва айнан жамият билан бўлган алоқасини четлаб ўтولмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Home sapiens" – "аклли зот" тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзотнинг пайдо бўлганига тахминан 40 минг йилдан ошиди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, 16 минг авлод алмашган эмиш. Дарвин таъбири билан айтганда, табиий танланиш жараёнида ер юзида сақланиб қолган минглаб миллат ва элатларнинг кейинги даврдаги тараққиёти кўпроқ биологик омиллардан кўра, ижтимоий омиллар таъсирида рўй бермоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир индивидни ёки шахсни ўрганиш масаласи унинг бевосита ижтимоий мухити ва унинг ижтимоий меъёрлари доирасида ўрганишни тақозо этади.

Ижтимоий мухит – бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёси. Мазмунан ҳар бир инсоннинг шу ижтимоий олам билан алоқаси унинг тажрибаси, маданияти ва қабул килинган, тан олинган ижтимоий хулқ меъёрлари доирасидаги ҳаракатларида намоён бўлади. Психология илмининг намоёндалари бўлмиш олимларнинг бутун бир авлоди ана шу шахс ва жамият алоқалари тизимида инсоннинг туб моҳиятини англаш, унинг ривожланиши, камол топиши қонуниятларини излаганлар.

Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, ибн Сино, Беруний каби юзлаб Шарқ алломалари ҳам бу боғлиқликнинг фалсафий ва ижтимоий сирларини очишга ҳаракат килганлар. Барча қараш-

ларга умумий бўлган нарса шу бўлганки, одамни, унинг можжитини англаш учун, энг аввало, унинг шу жамиятда тутган ўрни ва мавкеини билиш зарур. Шахсни ўрганишнинг бирламчи мезони ҳам шундан келиб чиқкан ҳолда, унинг ижтимоий мавкеи ижтимоий муносабатлар тизимидағи ўрни билан белгиланиши керак.

Лекин шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро алокалар масаласи бирданига ечим топмаган. Бу ўзаро муносабатлар, асосан, икки нуқтаи назардан келиб чиқади.

Нативизм йўналишининг тарафдорлари инсонлардаги барча хусусиятларни туғма характерга эга, деб эътироф этадилар (Ленц, Грубер ва бошқ.).

Эмпиризм тарафдорларининг фикрича, янги туғилган бола гўёки "топ-тоза пахта" (*tabula rasa*), унга ҳаёт ва ундаги талаблар ўзининг қонуниятларини ёзди ва бола уларга сўзсиз бўйсунишга мажбур. Бу йўналишининг асосчиларидан бири Дж. Локк бўлиб (1632 – 1704), унинг фикрича, туғма фикрлар ёки ғоялар бўлиши мумкин эмас, улар хоҳиши, тилак ва оғриқ каби элементар сезгиларнинг қайта ишланиши натижаси. Ҳаётда ана шукга ўхшашиб турли хил сезгилар ва ғояларнинг ассоциацияси рўй беради.

Г. Лейбниц (1646 – 1716) Локка эътиroz билдириб, ҳаётда умуман тоза, соғиф досканинг ўзи бўлмайди, хаттоқи энг яхши силлиқланган мармар юзасида ҳам сезиларли тешиклар дўнгликлар ёки туғма асоратлар бўлади. Бу икки йирик йўналиш ўртасидаги тортишувларга чек кўйиш мақсадида Ф. Гальтон катор экспериментал тадқиқотлар ўтказиб, ҳар бир индивидга хос дифференциал хусусиятлар мавжудлигини "эгизаклар услуги" ёрдамида асослашга ҳаракат килди. З-жадвалда Гальтон томонидан ирсий ва орттирилган сифатлар муносабати юзасидан аникланган натижалар келтирилган.

3-жадва

Ота-оналар болалар	мусиқага мойил, %да	мусиқага мойил эмас, %да
Мусиқага мойил	85	7
Мусиқага мойил эмас	25	58

Мусиқий қобилиятлардаги ирсий хусусиятлар

Эгизакларда мусиқага мойилликниң корреляцион күрсат-
гичи ҳам юқори бўлиб ($p < 0,7$), эгизак бўлмаганлардан анча
фарқ қиласди ($p < 0,3 - 0,4$).

Гальтондан кейинги тадқикотларда мусиқага бўлган қоби-
лиятга она тилининг хусусияти таъсир қилиши аниқланди:
юмшоқ-тонал ёки кескир (кўпол) – тонал бўлмаган тиллар.
Масалан, кескинроқ ҳисобланган рус тилида гапиравчи бола-
лардаги мусиқани идрок қилиш юмшоқ тонал тилларда сўзла-
шувчи вьетнамликларнинг идрокидан анча паст чиқкан.

Лекин юқоридаги фикрлар ва тортишувларнинг келиб чиқиш
сабаби тушунарли бўлиши керак: улар инсоннинг асл моҳияти-
ни тушуниш ва унинг хулқини бошқариш эҳтиёжларидан келиб
чиқади. Демак, инсон жамият аъзоси сифатида унинг меъёрла-
рига бўйсунади, унинг кутишларига жавоб беришга харакат
қиласди ва ўз хулқини унинг талабларига монанд қилишга инти-
лади. Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, шахс феноменига таъ-
риф бериш мумкин.

Шахс – ижтимоий ва шахслараро муносабатлар маҳсули,
онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивид. Шахсга таал-
лукли бўлган энг мухим тасниф ҳам унинг жамиятдаги мурак-
каб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимо-
ий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишлик.

Шахсга тааллукли бўлган фазилатлардан энг мухими шуки,
у шу ташки ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан
қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти си-
фатида фаолият кўрсатади. Оддий қилиб айтганда, инсон бола-
си илк ёшлиданоқ "менинг хаётим", "бизнинг дунё" деган иж-
тимоий мухитга тушади. Бу мухит ўша биз билган ва ҳар куни
хис қиласидиган сиёсат, хукуқ, ахлоқ олами. Бу мухит келишув-
лар, тортишувлар, ҳамкорликлар, анъаналар, удумлар, турли
хил тиллар олами бўлиб, ундаги кўплаб қоидаларга кўпчилик
мутлақ, баъзилар қисман кўшилади. Бу шундай қоидалар ва
меъёрлар оламики, уларга бўйсунмаслик жамият томонидан
қораланади, таъкибланади. Шулардан келиб чиқадиган хулоса
шуки, шахс жамияттага нисбатан барча тартиб-қоидаларни қабул
қилувчи субъект бўлса, жамият-ижтимоий интизом ва тартиб-

нинг, маданиятнинг муфассал қўриниши.

Шахс ижтимоий хулкига турли ташки кучлар таъсир кила-ди: сиёсий, мафкуравий, иктиносий, маънавий, ахлокий ва бошқалар. Бу таассуротлар моҳиятн аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг айrim алоҳида йўналишларини белгилаб беради.

Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, махалла, таълим масканлари, меҳнат жамоалари, норасмий ташкilotлар, дин, санъат, маданият ва бошк.) билан боғлиқ бўла-ди. Масалан, шахсдаги турли ғоялар, фикрлар ва мафкуравий муносабатлар тизими таъсирида шаклланиб, улар бевосита оила, боғча, мактаб ва бошқа ўкув-тарбия муассасалари орқали онгга сингдирилади. Агар бу таъсир унинг эътиоди дара-жасида кўтарилса ва унда яна янгидан-янги фикрлар, ғоялар-нинг пайдо бўлишига ўсишига олиб келса, шахс тараккиёти жараёнида шундай фаолият соҳасини танлайдики, у ўз қобилияtlари, малака ва кўникмаларини ривожлантира бориб, зиёли сифатида ўқитувчи, шифокор, олим, кашфиётчи, муҳандис бўлиб, элу юргига хизмат қиласди.

Иктиносий муносабатлар ҳам шахс онги ва унинг инсоний хусусиятлари шаклланишида катта роль ўйнайди. Масалан, боскичма-боскич бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон шароитини оладиган бўлсак, янгича иктиносий ўзгаришлар, бозор, рақобат, легализация, либерализация, яъни эркинлашти-риш ва шунга ўхшаш янгиликлар ҳар бир шахснинг моддий бойликлар ва уларга бўлган шахсий муносабатларида акс этиб, унинг иктиносий онги, гафаккури ва иктиносий хулки меъёрла-рини белгилайди.

Ижтимоий меъёрлар, санкциялар ва шахс. Ижтимоий меъ-ёр— шахс хаётида шундай тушунчаки, у жамиятнинг ўз аъзола-ри хулк-атворига нисбатан ишлаб чиқкан ва кўпчилик томони-дан эътироф этилган ҳаракатлар талаблари. Масалан, ўзбек-лар учун бирор хонага кириб келган инсоннинг ким бўлишидан катти назар, "Ассалому алайкум" деб келиши – меъёр; ўкувчи-нинг ўқитувчи берган топширикларни бажариши лозимлиги – меъёр; хотиннинг эр хурматини ўрнига қўйиши, қайнонага гап

қайтармаслик – меъёр; автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарга, ногиронларга ўрин бўшатиши – меъёр ва ҳоказо. Бу меъёрларни алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётий вазиятларда кўпчилик томонидан эътироф этилганлиги билан характерланади ва бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологияда муҳрланади.

Ижтимоий меъёрларнинг у ёки бу даврда, у ёхуд бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёхуд унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади. Ижтимоий санкциялар – меъёрларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат килувчи жазо ва рағбатлантириш механизmlари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ меъёрларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри обьектига айланиб қолмасликка ҳаракат киласиз. Масалан, жамоат транспортида катта мўйсафид кишига ўрин бўшатишни меъёр деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўпчиликнинг айлов кўзи билан қараши ёки оғзаки танбех бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг кўлидан тутиб, нима килиш кераклигини ўргатиб, "кўзини мoshдай килиб очиб кўйиш" ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўриниши.

Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул килинган ижтимоий меъёрлар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий ролларни бажариши мобайнида хулқида намоён этади. Роль – шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг аниқ ҳаётий вазиятлардаги ҳукук ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмuinи билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган бўлсак, уни бажариш у ёки бу олий таълим муассасасида таҳсил олиш, унинг моддий базасидан фойдаланиш, кутубхонасига аъзо бўлиш, стипендия олиб, маъмуриятнинг ижтимоий химоясида бўлиш каби қатор ҳукуклар билан биргаликда ўша олий таълим муомаласи ички тартиб-интизоми меъёрларига сўзсиз бўйсуниш, дарсларга ўз вактида келиш, рейтинг баҳолов талаблари доирасида кундалик ўзлаштириш меъёрларини бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган жамоатчилик топширик-

ларини бажариш каби қатор бурчларни ўз ичига олади.

Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоий роллар кўплиги сабабли турли вазиятларда унинг мақоми (статуси) турлича бўлиб колади. Агар бирор роль шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаба роли), у бошқа ролларни унчалик қадрламаслиги оқибатида бошқачарок, нокулай ва нобопрок мавқеини эгаллаб қолиши мумкин. Қолаверса, ролларнинг кўплиги бъязан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Оқибатда, шахс ички руҳий кийинчиликларни бошдан кечиришига тўғри келади. Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида ишлаб турган корхонасига комиссия келиши ва унинг фаолиятини текшираётганинги билиб, руҳий азобга тушади. *Бир томондан*, талабачилик ва унинг талаблари, *иккинчи томондан*, касбдошлари олдидда уялиб қолмаслик учун ҳар куни ишхонага бориб келади.

Хозирги ижтимоий-иқтисодий вазият ва бозор муносабатлари шароитидаги ракобат муҳити шахсдан бир вактнинг ўзида қатор қобилиятлар ва малакаларни талаб қилмоқда. Айнислар, ёшлар ўзгарувчан шароитларга тезроқ мослашиш учун бъязан бир-бирига зид хислатларни ҳам хулқида намоён қилишга мажбур бўлишмоқда. Масалан, ёш оила бошлиги талаба. У ота-онасиға моддий жиҳатдан қарам бўлмаслик учун бир вактнинг ўзида ҳам итоаткор, интизомли талаба ўқишдан кейин эса тижоратчилик билан шуғуланишга мажбур бўлади. Бу холат шахсдан кучли ирода, доимий интилувчанлик ва ўз устидан муттасил ишлашни талаб қилиши табиий.

Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши. Ижтимоий меъёрлар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ – ижтимоий меъёрлар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига боғлиқ. Одамнинг ўз-ўзини англиши, билиши ва ўз устида ишлаши, энг аввало, унинг дикқати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни ижтимоий хулқ шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-ат-

ворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий харататлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил килиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо з этади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ-автори хусусиятлари, жамиятдаги мавкеини тасаввур қилишидан хосил бўлган образ "мен" деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва воқеликка якинлиги шахс баркамоллиги мезонларидан хисобланади.

"Мен" нинг ижтимоий психологик ахамияти шундаки, у шахс тарбиясининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуктаи назардан олиб қаралганда, тарбия шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурлари шаклланиши жараёни, деб търиф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур кила олса, унинг жамият меъёрларига зид ҳаракат килиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади.

Ўз-ўзини англаш, ўзидағи мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча, аниқ шахс томонидан оғир кечади, яъни инсон табиати шундайки, у ўзидағи ўша жамият меъёрларига тўғри келмайдиган, номаъқул сифатларни англамасликка, уларни "яширишга" ҳаракат қиласи, ҳаттоқи, бундай тасаввур ва билимлар онгиззлик соҳасига сикиб чиқарилади (австриялик олим З. Фрейд назариясига кўра). Бу атайлаб килинадиган иш бўлмасдан, балки у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос химоя килиш механизми. Бундай химоя механизми шахсни кўпинча, турли хил ёмон асоратлардан, хиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "мен"ининг ижобий ёки салбийлигига яна ўша шахсни ўраб турган ташки мухит, ўзгаларнинг муносабати катта роль ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гўёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қиласи. Бу жараён психологияда рефлексия деб аталади. Унинг моҳияти айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзини, шакллантириш, жонлантириш.

Рефлексия "Мен" эгасининг онгига тааллукли жараён. Масалан, кўчада бир танишингизни учратиб колдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютуқларингиз ва машғулотларингиз ҳакида гапир-

мокдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг қаерга шошаётганлигига эътибор бермадингиз. Сиз унинг бетоқатлик билан шошаётганлигини, хаёли бошқа ерда турғанлигини билиб қоласиз ва шу орқали айни шу пайтда "маҳмадона" бўлиб қолганингизни сезасиз. Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганингизда, олдинги хатога йўл кўймаслик учун "Ўрток, шошмаяпсанми?" деб сўраб ҳам кўясиз. Бу эса ўтган сафарги рефлексиянинг натижаси.

Шахснинг ўзи ҳакидага образи ва ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта кизикувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш, айниқса, ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган "катталик" ҳисси кизларда ҳам, ўсмир йигитларда ҳам нафакат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини ҳам белгилайди.

Шунинг учун ҳам ўсмирликда ўғил болалардаги бўйнинг пастлиги, мускуларнинг заифлиги ва шу асосда қурилган "мен" катор салбий таассуротларни келтириб чиқаради. Қизларда эса ташки тарафдан гўзалликка, келишганлик, одоб ва аёлларга хос катор бошқа сифатларнинг ўзига хос турмаги бу нуксонларни босиб кетадиган омиллар сифатида қаралади.

Қизларда ҳам ортиқча вазн, терисида пайдо бўлган айрим тошмалар ёки шунга ўхшаш физиологик нуксонлар кучли салбий эмоцияларга сабаб бўлса-да, барибир, чиройли кийимлар, тақинчоклар ёки соchlарнинг ўзига хос турмаги бу нуксонларни босиб кетадиган омиллар сифатида қаралади.

"Мен" ва ўзини-ўзи баҳолаш. "Мен" асосида шахснинг ўз-ўзига нисбатан баҳолар тизими шаклланади. Ўз-ўзига нисбатан баҳо турли сифатлар орттирилган тажрибаси ва шу тажriba асосида ётган ютукларига боғлик ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни айни бирор иш ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошкаси таъсирида аксинча, пастлаб кетиши мумкин. Бу баҳо аслида шахсга бошқаларнинг амалга ошадиган муносабатларига боғлик бўлса-да, аслида у шахс онги тизимидаги мезонларга, яъни унинг ўзи субъектив тарзда шу муносабатларни қанчалик қадрлашига борлик тарзда шаклланади. Масалан, мактаб-

да бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мактovлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошка бир ўқитувчининг салбий муносабати бу баҳони пасайтирмаслиги мумкин. Яъни бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлик бўлиб, у субъектив характерга эга.

Ўз-ўзига баҳо нафақат ҳақиқатга якин бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин. Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча, атрофдагиларнинг шахсга нисбатан кўйётган талабларининг ўта ортиқлиги, уларни уddyалай олмаслик, турли хил эътироzlарнинг доимий тарзда бўлиши, ишда, ўкишда ва муомала жараёнидаги муваффакиятсизликлар оқибатида хосил бўлиши мумкин. Бундан ўсмир ёки катта одам ҳам тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четрокда юришга харакат қилиши, ўзининг кучи ва қобилиятига ишончсизлик кайфиятида бўлиши билан ажralиб туради. Бора-бора шахсда катор салбий сифатлар ва ҳатти-харакатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоқи, бундай ҳолат суицидал ҳаркатлар, яъни ўз жонига қасд қилиш, реал борликдан "кочишга" интилиш психологиясини келтириб чиқариши мумкин.

Ўз-ўзига баҳо ўта юқори бўлса ҳам шахс хулқ-авторига яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки у ҳам шахс ютуклари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бўрттирилиши, ноўрин мактovлар, турли кийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади. Ана шундай шароитда пайдо бўладиган психологик ҳолат "ноадекватлилик эффекти" деб аталиб, унинг оқибатида шахс, ҳаттоқи, мағлубиятга учраганда ёки ўзида ноҷорлик, укувсизликларни сезганда ҳам бунинг сабабини ўзгаларда деб билади ва шунга ўзини ишонтиради (масалан, "халакит берди-да", "фалончи бўлмаганида" каби баҳоналар кўпаяди). Яъни нимаики бўлмасин, айборд ўзи эмас, атрофдагилар, шароит, тақдир айборд. Бундайлар ҳакида бора-бора одамлар "оёғи ердан узилган", "манмансираган", "димоғдор" каби сифатлар билан гапира бошлайдилар. Демак, ўз-ўзига баҳо реалистик, адекват, тўғри бўлиши керак.

Реалистик баҳо шахсни ўраб турган – ота-она, яқин қариндошлар, педагог ва мураббийлар, кўни-қўшни ва яқинларнинг ўринли, асосли баҳолари, самимий муносабатлари маҳсули

бўлиб, шахс ушбу муносабатларни илк ёшлигиданоқ холис қабул килишга, ўз вактида, керак бўлса, тўғрилашга ўргатилган бўлади. Бунда шахс учун этalon, ибратли хисобланган инсонлар гурухи – референт гурухнинг роли катта бўлади. Чунки биз кундалик хаётда ҳамманинг фикри ва баҳосига кулок соловермаймиз. Биз учун шундай инсонлар мавжудки, уларнинг ҳатточи, одийгина танбехлари, маслаҳатлари, мақтаб туриб, берган танбехлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай референт гуруҳ мавжуд бўлиши (масалан: ота-она, ўқитувчи, устоз, якин дўстлар) ёки нореал, хаёлий (китоб қаҳрамонлари, севимли актёрлар, идеал) бўлиши мумкин. Шунинг учун ёшлиар тарбиясида ёки реал жамоадаги одамларга мақсадга мувофиқ таъсир ёки тазийик кўрсатиш, керак бўлса, уларнинг этalon, референт гурухини аниқлаш катта тарбиявий аҳамиятта эга.

Шундай килиб, ўз-ўзига баҳо соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмун-моҳияти шахсни ўраб турган жамият меъёрлари-га, шу жамиятда қабул килинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлик бўлади. Кенг маънодаги йирик ижтимоий жамоалар этalon ролини ўйнаши оқибатида шаклланадиган, ўз-ўзига баҳо ўз-ўзини баҳолашнинг юксак даражаси хисобланади. Масалан, мустақиллик шароитида мамлакатимиз ёшлиари онгигда миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик, адолат ва мустақиллик мафкурасига садоқат хисларининг тарбияланиши. Бу эса, юксак ўз-ўзини англашнинг пойдевори ва шакллантирувчи механизми.

Демак, ўз-ўзини баҳолаш ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим мезони. Ўз-ўзини тарбиялаш омиллари ва механизмларига қўйидагилар киради:

- ўз-ўзи билан мулоқот (ўзини аниқ тарбия обьекти сифатида идрок этиш ва ўзи билан мулоқотни ташкил этиш сифатида);
- ўз-ўзини ишонтириш (ўз имкониятлари, кучи ва иродасига ишониш орқали, ижобий хулқ меъёрларига бўйсундириш);
- ўз-ўзига буйруқ бериш (тиғиз ва экстремал ҳолатларда ўзини кўлга олиш);
- ўз-ўзига таъсир ёки аутосуггестия (ижтимоий меъёрлардан келиб чиқсан холда, ўзида маъқул курилмаларни шакллантириш);
- ички интизом ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим мезони бўлиб,

ҳар доим ҳар ерда ўзининг барча ҳаракатларини мунтазам ра-вишда коррекция килиш ва бошқариш учун зарур сифат.

Юқоридаги ўз-ўзини бошқариш механизмлари орасида психологияк нұктай назардан ўз-ўзи билан амалга ошириладиган ички диалог алохіда ўрин тутади. Ўз-ўзи билан диалог, оддий тил билан айтганда, ўзи билан ўзи гаплашиш. Аслида бу қоби-лият бизнинг бошқалар билан амалга оширадиган ташқи диа-логларсиз ривожланади, лекин айнан ички диалог мухим регу-лятив роль ўйнайды. Е.Климов бундай диалогнинг уч боскичи-ни кўрсатиб ўтади. 4-жадвалда шахс ички диалогининг боскич-лари ва ҳар бир боскичга хос бўлган белгилар келтирилган.

Демак, шахснинг қандай сифатларга эга эканлиги, ундағи баҳоларнинг объективлигига боғлиқ тарзда ўз-ўзи билан мулод-котга киришиб, жадвалдагига мувофиқ шахс ўзини назорат кила олади. Шунинг учун ҳам ҳаётда шундай кишилар учрайдикি, ҳатто, катта мажлисда иши танкидга учраса ҳам ўзига холис баҳо бериб, керакли, тўғри хulosалар чиқара олади. Шундай одамлар ҳам борки, арзимаган ҳатолик учун ўз "ич-этини еб ташлайди". Бу ўша ички диалогнинг ҳар кимда ҳар хил эканли-гидан дарак беради.

Ўспириилик даврида шахс ижтимоийлашуви. Шахс, унинг дунёни билиши, ўзини ва атрофидаги инсоний муносабатларни билиши, тушуниш ва ўзаро муносабатлар жараёнида ўзидаги такрорланмас индивидуаллийкни намоён килиши ҳамда ушбу жараёнларнинг ёшга ва жинсга боғлиқ айrim жиҳатларини таҳ-лил килиш бизга умумий равищда шахс жамиятда яшайдиган ижтимоий мавжудот, деган хulosани кайтаришга имкон бера-ди. Яъни у туғилган онидан бошлаб, ўзига ўхшаш инсонлар ат-рофида бўлади. Унинг бутун руҳий потенциали ана шу ижтимо-ий мухитда намоён бўлади. Чунки инсоннинг онтогенетик та-ракқиёти тарихига эътибор берадиган бўлсақ, ҳали гапирмай туриб, одам боласи ўзига ўхшаш мавжудотлар даврасига ту-шади. Кейин ижтимоий мулокот кўринишларининг барча фаол обьекти ва субъектига айланади. Шу нұктай назардан караган-да ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қан-дай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятта қўшилиб яшшимиз-нинг психологик механизмлари фаннинг мухим вазифаларидан бири. Бу жараён психологияда ижтимоийлашув ёки социализа-ция деб юритилади.

4-жадвал

Ички диалогнинг шаклланганлик даражаси	Боскичлари	Ички диалогнинг даражавий белгилари (аутокоммуникация)
Олий даража	6-боскич	Шахсий мазмундаги диалог (ўзидаги шахсий сифатларни мухокама килиш, шахсий мулоҳаза)
	5-боскич	Ходиса ва нарсаларга боғлик бўлган сифатлар хусусидаги ички диалог
Ўрта даража	4-боскич	Шахсий сифатлар мухокамасига каратилган саволлар – ўзига талаблар
	3-боскич	Бошқаларнинг баҳолари таъсиридаги ички мулоҳазалар, шахсий аҳамият касб этган ўзгалар фикрлари асосида ички диалог
Кўйи даража	2-боскич	Шахсий сифатларга алоқадор бўлмаган ўзгалар фикрлари асосидаги диалог (ходиса ва нарсаларга алоқадор фикрлар)
	1-боскич	Ким нима ҳақида гапириши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан тасавурлар, лекин аниқ фикр ёки муносабат йўқ. Аутокоммуникацияга ҳожат йўқ.

Демак, социализация ёки ижтимоийлашув – инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув – ҳар бир шахснинг жамиятга кўшилиши, унинг меъёрлари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши, керак бўлса, шу ижтимоий тажрибаси билан ўзгаларга таъсирини ўтказа олиш жараёни.

Ижтимоийлашув, энг аввало, одамлар ўртасидаги мулокот ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутади. Та什қаридан шахсга кўрсатилаёттан таъсир оддий, механик тарзда ўзлаштирилмай, балки у хар бир шахснинг ички руҳияти, дунёни акс эттириш хусусиятлари нуктаи назаридан субъектив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ҳам бир хил ижтимоий муҳит ва бир хил таъсирлар одамлар томонидан турлича харакатларни келтириб чиқаради. Масалан, 10 – 15 нафар академик лицей ўқувчисини олайлик. Уларнинг билими, илмни идрок килишлари, ўқитувчиларнинг бераётган дарслари ва етказилаёттан маълумотлар, манбалар ва бошка қатор омиллар бир хилдай. Лекин барибир ана шу 15 нафар ўқувчининг ҳар бири шу таъсирларни ўзича, ўзига хос тарзда қабул киласи ва бу уларнинг ишдаги ютуклари, ўкув кўрсаткичлари иқтидорида акс этади. Бу ўша биз юкорида таъкидлаган ижтимоийлашув ва индивидуализация жараёнларининг ўзаро боғлиқ ҳамда ўзаро қарама-қарши жараёнлар эканлигидан дарак беради.

Ижтимоийлашув жараёнлари рўй берадиган шарт-шароитларни ижтимоий институтлар деб атаемиз. Бундай институтларга оиладан бошлаб, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боғча, мактаб, маҳсус таълим ўчоқлари, олий таълим муассасалари, меҳнат жамоалари) ва норасмий уюшималар, нодавлат ташкилотлар киради.

Бу институтлар орасида оила ва маҳалланинг роли ўзига хос. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулк элементлари айнан оиласа, оиласи муносабатлар тизимида шаклланади. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда "Куш уясида кўрганини қиласи" деган мақол бор. Яъни шахс сифатларининг дастлабки қолиплари оиласа олинади ва бу қолип жамиятдаги бошқа гурӯхлар таъсирида сайкал топиб, такомиллашиб боради. Бизнинг ўзбекчиликда оила билан бир қаторда маҳалла ҳам муҳим тарбияловчи – ижтимоийлаштирувчи роль ўйнайди.

Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин хулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳал-

ладан яхши келин чикса, айнан шу маҳалладан қиз кидириб қолишади. Демак, шу маҳалладаги ижтимоий мухит қизларнинг ибобли, аклли, сариштали бўлиб етишишига кўмаклашган. Масалан, айрим маҳаллаларда саҳар турраб, кўча-эшикларни супуриш одатга айланган ва барча оиласлар шу удумни бузмайдилар. Шунга ўхшаш меъёрлар тизими ҳар бир маҳалланинг бирбирадан фарки, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди.

Яна бир мухим ижтимоийлашув ўчокларига мактаб ва бошка таълим масканлари киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйғулаштирилади. Бизнинг ижтимоий тасаввурларимиз шундайки, мактабни таълим оладиган, билимлар тизимини ўзлаштириладиган маскан сифатида қабул киламиз. Лекин аслида бу ер ижтимоийлашув юз берадиган маскан. Масалан, дарс пайтида ўқитувчи бутун диккати билан янги дарсни тущунтириш билан овора дейлик. Унинг назарида фақат дарс, мавзунинг мазмуни ва ундан кўзланган максад асосийдек туюлади. Лекин аслида ана шу жараёндаги ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим-боши, мавзуга субъектив муносабати, қолаверса, бутун синфдаги ўқувчиларга муносабати ҳамма нарсани белгиловчи, ижтимоий тажриба учун мухим аҳамиятга эга бўлган омил. Шу нуктаи назардан ўқувчилар диди ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади.

Акс ҳолда ўқитувчининг таъсири фақат салбий резонанс беради. Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган мухит ҳам катта роль ўйнайди. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, ўртокчилик муносабатлари яхши йўлга кўйилган. Гурухда ижобий мунозаралар ва баҳслар учун кулагай шароит бор. Бу мухит ўз аъзолари ижтимоий хулқини факат ижобий томонга йўналтириб туради.

Яна бир мухим ижтимоийлашув мухити – бу меҳнат жамоалари. Бу мухитнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу ерга шахс одатда, анча ақли пишиб қолган, маълум тажрибага эга бўлган, хаёт ҳакидаги тасаввурлари шаклланган пайтда келади. Қолаверса, эгалланган мутахассислик, орттирилган меҳнат малакалари ва билимлар ҳам жуда мухим бўлиб, шу мухитда-

ги ижтимоий месъёрлар характеристига таъсир килади. Бирок бальри бир шахснинг кимлар билан, қандай ўзаро муносабатлар мухити таъсирида эканлиги унинг етуклиқ давридаги ижтимоийлашувининг мухим мезонларидан. Шунинг учун ишга киришдаги асосий мотивлардан бири – ўша жамоанинг қандай эканлиги, бу ердаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг кимлиги ва унинг жамоага муносабати бўлиб, кўшимча ойлик-маош масаласи ана шулардан кейин ўрганилади. Шунинг учун меҳнат жамоаларида яхши, соғлом маънавий мухит, адолат ва самимиятга асосланган муносабатлар ҳар бир инсон тақдирида катта роль ўйнайди.

Катта ёшдаги ижтимоийлашувнинг ўзига хослиги шундаки, унда индивидуализация жараёни аниқроқ, сезиларлироқ кечади. Чунки катта одам нафакат ташқи таъсирларни ўзлаштиради, балки ўзидағи иктидор, малакалари билан бошқаларга ҳам тарбиявий таъсир, шахсий ўрнак кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Шу нұктай назардан, ота-боболаримиз, онахонларимиз, асосан, ўзларидаги мавжуд ижтимоий тажрибани бошқаларга (фарзандлар, набиралар, маҳалладаги ёшлар ва ҳоказо) узатиш билан шуғулланадилар. Бу, айникса, Шарқ ҳалқларида жуда эъзозланади. Шу сабабли мустақил юртимизда қариялар эъзозланиб, маҳалланинг бошқарув роли кун сайин оширилмоқда. Оила тарбиянинг бош ўчоги сифатида давлат химоясидадир. Бу мустақил давлат ёшларида янгича тафаккур ва онгнинг шакланишига, юрт ривожига ўз хиссасини кўшади.

Ижтимоийлашув институтларидан ташқари, унинг оқибати масаласи ҳам психологияда мухим амалий аҳамиятга эга. Шахс ижимоийлашувининг энг асосий маҳсули – бу унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятга манфаат келтирувчи фаолиятларда иштирок этиши. Шу нұктай назардан олиб қаралганда, шахснинг йўналғанлиги масаласига ҳам фанда катта эътибор берилади. Ижтимоийлашув жараёнида шахс фаолиятини йўналтириб турадиган вазиятларга нисбатан турғун, барқарор мотивлар мажмууга эга бўлишлик шахснинг йўналғанлиги деб аталади.

Йўналғанликнинг энг мухим таркибий қисмларини қуидагилар ташкил этади:

Масъулият. Бу ижтимоийлашув жараёнида шахснинг етук-

лигини белгиловчи мухим кўрсатгичлардан саналади. Охирги йилларда психологияда назорат локуси назарияси кенг тарқалиди, унга кўра хар бир инсонда икки турдаги масъулият кузатилади. Биринчи турдаги масъулият шундайки, шахс ўзининг хаётида рўй берёттган барча ходисаларнинг сабабчиси, масъули сифатида фақат ўзини тан олади. ("мен ўзим барча нарсаларга масъулман. Менинг хаётим ва ютукларим фақат ўзимга боғлиқ, шу боис ўзим учун ҳам оиласм учун ҳам ўзим жавоб бераман"). Масъулиятлиликнинг иккинчи тури барча рўй берган воқеа, ходисаларнинг сабабчиси ташки омиллар, бошқа одамлар (ота-она, ўқитувчилар, ҳамкаслар, бошликлар, танишлар ва бошк.) да деб билиш.

Хорижий мамлакатларда ўказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, иккинчи турдаги масъулият кўпроқ ўсмирларга хос бўлиб, улардан 84 фоизи масъулиятни фақат бошқаларга юқлашга мойил эканлар. Бу маълум маънода ёшлар ўргасида масъулиятсизликнинг авж олганлигини англатади. Шунинг учун ҳам "назорат локуси" тушунчасини фанга киритган америкалик олим Дж. Роттер (J.Rotter)нинг фикрича, масъулиятни ўз бўйнига олишга ўргатилган болаларда хавотирлик, нейротизм, конформизм ҳолатлари кам учраркан. Улар ҳаётга тайёр, фаол, мустакил фикр юритади. Уларда ўз-ўзини хурмат хисси ҳам юкори бўлиб, бу бошқалар билан ҳам хисоблашиб ящашга сира халақит бермайди. Шунинг учун ижтимоийлашувнинг мухим боскичи кечадиган таълим муассасаларида ёшларга кўпроқ ташаббус кўрсатиш, мустакил фикрлаш ва эркинликни ҳис килишга шароит яратиш керак. Бу ҳозирги кунда Президент И. А. Каримов сиёсатининг асосини ташкил этади.

Мақсадлар ва идеаллар. Ижтимоийлашувнинг масъулият хиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шакланадиган мақсадлар ва идеаллар. Улар шахсни келажакни башорат килиш, эрганини тасаввур килиш, узоқ ва яқинга мўлжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Мақсад ва режасиз инсон маънавиятсиз пессимист. Бу мақсадлар доимо ўзининг англанганлиги ва шахс ҳакикий имкониятларига боғликлиги билан характерланади. Уларнинг шакланиши ва онгда ўрнатилишида мухим роль ўйнайди.

Идеаллар – шахснинг ҳозирги ҳакикий имкониятлари чега-расидан ташқаридаги орзу-умидлари, улар онгда бор, лекин ҳар доим ҳам амалга ошмайди. Чунки уларнинг пайдо бўлишига сабаб бевосита ташки мухит бўлиб, ўша идеаллар объекти билан шахс имкониятлари ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, ўсмирнинг идеали отаси, у отасидай машхур ва эл суйган ёзувчи бўлмоқчи. Бу орзуга якин келажакда эришиб бўлмайди, аммо айнан ана шундай идеаллар одамга мақсадлар кўйиб, унга эришиш йўлидаги кийинчилликларни енгишга иродани сафарбар қилишга ёрдам беради.

Қизиқишлилар ва дунёқараши. Қизиқишлилар англанган мотивлардан бўлиб, улар шахсни атрофида рўй берадиган барча ходисалар, оламлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиликлар борасида фактлар тўплаш, уларни ўрганишга имкон берувчи омил. Қизиқишлилар мазмунан кенг ёки тор, мақсад жихатидан профессионал, бевосита ёки билвосита бўлиши, вақт жихатдан баркарор, доимий ёки вактинчалик бўлиши мумкин. Қизиқишлиларнинг энг мухим томони шундаки, улар шахс дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришга асос бўлади. Чунки эътиқод шахснинг шундай онгли йўналишики, унга ўз қарашлари, тамойиллари ва дунёқарашига мос тарзда яшашга имкон беради.

Халқ доимо эътиқодли инсонларни ҳурмат киласади. Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин. Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, ахлоқий меъёрларга, оиласага, гўзалликка ва шунга ўхшашлар.

Эътиқод ва қизиқишлилар ҳар биримиздаги дунёқараши шакллантиради. Дунёқараш – тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва гоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир ҳолатда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жамиятда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди. Мустақиллик даврида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқат, миллий қадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўз якинларига меҳрибон ва танлаган касбига, маслаги ва эътиқодига содиклигини назарда тутади. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мағкураси руҳида тарбия топиб, сайкал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқод.

Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар. Дунёқараш шахснинг шахслигини (индивид эмас), унинг маънавиятини, ижтимоийлашув даражасини кўрсатувчи кучли мотивлардан. Шунинг учун ҳам унинг шаклланиши ва ўзгариши масаласи мухим масалалардан бўлиб, ҳамма даврларда ҳам ўта долзарб бўлиб келган. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, жамиятда туб ислоҳотлар бошланди. Ана шу ислоҳотлар нинг асосий йўналишларидан бири – маънавий-маърифий ислоҳотлар бўлиб, унинг асосий мақсади жамият аъзолари дунёқарашини истиклол руҳида шакллантиришни мақсад қилиб кўйди. Давлатимизнинг ёшлар борасидаги сиёсати асосини ҳам уларда янгича хурфиксурлилик билан янгича дунёқарашни шакллантириш. Бу ўринда психология фани ўзгаришлар шароитида эътиқод, дунёқараш ва идеаллар ўзгаришига сабаб бўлувчи куйидаги омилларни ажратади:

1. *Маънавият ва маърифат.* Маърифат одамнинг табиат, жамият ва инсонлар тўғрисидаги турли билимлари, тушунчалари, маълумотлари мажмуи бўлиб, унинг мазмуни бевосита шахс дунёқарашининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Демак, ёшларга қаратилган ва улар ўкиб, ўрганиши учун йўналтирилган барча турдаги маълумотлар (китоблар, оммавий ахборот во-ситалари орқали, мулоқот жараёнида), улар асосида шаклланандиган янгича тасаввур, янгича дунёқараш учун замин бўлади.

Мустақиллик йилларида эски, ўзини тарих олдида оқламаган мағкурадан воз кечилди, янги мустақиллик foяси, унинг асосий тамойиллари, ёшларни маърифатли қилиш борасидаги вазифалар давлатимиз раҳбари И.А.Каримов асарларида мухтасар, аниқ баён этилган. Улар асосида мамлакатимизда янги "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди. Улар ёшларни энг илғор илм-фан ютукларидан боҳабар қилиш, буюк алломалар меросини чуқур ва теран ўрганиш, замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, ёшларни маърифатли қилишнинг барча шарт-шароитларини яратишни назарда тутади. Бу саъиҳаракатлар маънавият борасидаги ислоҳотлар, ўзбек маданияти, санъати, адабиётини ривожлантириш, тарихимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган оламшумул ишларимизда янгича дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади.

2. Оила. Юртимизда оила ҳамиша давлат химоясида ва олий кадрият сифатида эъзозланади. Оила ижтимоийлашувнинг асосий ва муҳим ўчоги бўлгани учун тарбияланадиган ёшлар эътиқоди ва дунёқарашидаги роли сезиларли. Мамлакатимизда "Оила" илмий-амалий Маркази ўз фаолиятини бошлиши жамиятда, ёшлар тарбияси борасида оиланинг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган муҳим тадбир бўлди.

3. Мафкура. Ҳар бир даврнинг ўз мафкураси бўлади. У шахс ижтимоийлашуви жараённида унинг онгига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан хисобланади. Коммунистик мафкурадан батамом воз кечтан жамиятимизда янги мустакиллик мафкураси шаклланмоқда.

Зоро, мафкура жамият аъзоларининг табиат, жамият ва ижтимоий жараёнлар хусусидаги ғоялари, билимлари мажмуи бўлиб, ҳар бир ижтимоий гурӯҳ ўз эътиқодига мос мафкуруни танлайди. Бугун янги мафкурамиз мустакиллик ва миллий қадриятлар ғояси таъсирида шаклланмоқда ва бу ёшлар дунёқарашини ўзгартирувчи муҳим шарт.

4. Ижтимоий. Соғ психологик маънода янгича тафаккур ва дунёқараши шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм – бу ижтимоий кўрсатмалар. Бу шахснинг атроф-муҳитда содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гурӯхларни маълум тарзда идрок этиш, қабул килиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашини ҳам ўзгартиришга алоқадор тушунча.

Рус олимни В.А. Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда курилмаларни тўрт боскич ва тўрт тизимли тасаввур килган. Улар куйидагилар:

а) элементар қурилма (*set*) – оддий, элементар эҳтиёжлар асосида кўпинча, онгиз тарзда ҳосил бўладиган қурилмалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт-шароитлар ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя;

б) ижтимоий қурилмалар (*attitud*) – ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган қури-

малар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт-шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак;

в) таянч ижтимоий кўрсатма (курилма)лар – улар шахснинг умумий йўналишини белгилаб эътиқод ва дунёкарашларни ўзгартиради;

г) кадриятлар тизими – улар авлодлараро мулокот жараёнинг маҳсули сифатида жамиятда қадр топган нарсаларга нисбатан қурилма. Масалан, сахих ҳадислар шундай қадриятлар сирасига киради. Биз уларни танкидсиз, мухокамаларсиз қабул киласиз, чунки улар ҳам илохий, ҳам буюк инсонлар томонидан яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётти.

Ижтимоий қурилмаларни ўзгартиришнинг энг содда ва кулай йўли – бу айни вазиятлар ва улардаги таъсиrlарни қайташи. Бу қайташи қайд қилинган образ сифатида инсон онгидаги узок муддат хотирада сакланади ва имкон бўлганда, объективлашади, яъни ўз кучини ва мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, агар чет эл тажрибасига мурожаат қиласиган бўлсак, у ерда бирор ғояни онга сингдириш учун бир одам ёки бирор гурух ўз сиёсий, мафкуравий ёки бошка карашларини бир хил сўзлар ва иборалар, ҳаракатлар билан қайтараверади ва шу йўл билан кўпчиликнинг маъқуллашига эришади. Айниқса, сайлов олди тадбирларда ана шу услугуб кенг кўлланилади. Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий қурилмаларни ўзгартиришнинг услуби ва психологик воситалари орқали ҳам дунёкарашни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Таянч сўз иборалари

Ижтимоилашув, шахс йўналғанлиги, мақсад, идеал, қизиқиши, эътиқод, дунёкараш, установка.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шахс ва ижтимоий мухит масаласи нима? Хулқ меъёrlа-

ри деганда нимани тушунасиз?

2. Ижтимоий санкциялар ва шахс хулқининг мувофиқлиги нима?
3. Шахснинг ўз-ўзини англаши. "Мен" образи нима?
4. Шахс ва унинг ижтимоийлашуви қандай омилларга бοғлиқ?
5. Ижтимоийлашув ўчоклари ва шарт-шароитлари нимадан иборат?
6. Ижтимоийлашув босқичлари. Шахс ва жамият мазмун-мохији нимадан иборат?
7. Шахс йўналишининг психологик тизими нима?
8. Шахс дунёқараши. Мустакиллик дунёқарашининг объектив шарт-шароитлари нималардан иборат?
9. Янгича тафаккур ва соғлом эътиқод тарбияси деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиёти-нинг пойдевори. – Т., 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсиз-ликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатла-ри. – Т., 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., 1999.
4. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник. – М., 1998.
5. Бернс Р.В. Я – концепция и воспитания. – М., 1986.
6. Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т., 1996.
7. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Т., 1994.
8. Каримова В.М. ва бошқалар. Мустакил фикрлаш. – Т.: Шарқ, 2000.
9. Кон И.С. Психология ранней юности. – М., 1989.
10. Майерс Д. Социальная психология. – СПб., 1997.
11. Моргунов Е.Б. Личность и организация. – М., 1996.
12. Муздибаев К. Психология ответственности. – М., 1983.
13. Оллпорт Г.В. Личность в психологии. – М., 1998.

14. Психология. Учебник. Под ред. А. Крилова. – М., 1998.
15. Ядов В.А. Социальная идентичность личности. – М., 1994.

**4-мавзу. Шахс фаоллиги.
Фаолият турлари ва уларни бошқариш**

1. Шахс ва унинг фаоллиги.
2. Фаолиятнинг турлари. Жисмоний ва аклий харакатлар.
3. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси.
4. Мотив турлари.
5. Мотивларнинг англанганлик даражаси: ижтимоий кўрсатма ва уни ўзгартириш муаммоси.

Шахс ва унинг фаоллиги. Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир харакатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг мухим ва умумий хусусият – бу унинг фаоллиги. Фаоллик (лотинча "astus" – харакат, "activus" – фаол сўзларидан келиб чиккан тушунча) шахснинг хаётдаги барча хатти-харакатларини намоён этишини тушунирувчи тушунча. Бу ўша оддий кўклимизга қалам олиб, бирор чизиқча тортиш билан боғлиқ элементар харакатимиздан тортиб, ижодий уйғониш пайтларимизда амалга оширадиган мавхум фикрлашимизгача бўлган мураккаб харакатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалашига алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

Фанда инсон фаоллигининг асосий икки тури фарқланади:
ташқи фаоллик – бу ташқаридан ва ўз ички истак-ҳоҳишлиримиз таъсирида бевосита кўриш, кайд қилиш мумкин бўлган харакатларимиз, мушакларимизнинг харакатлари орқали намоён бўладиган фаоллик;

ички фаоллик – бу, бир томондан, у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, кон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда, иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Мисол тариқасида хаётдан шундай манзарани тасаввур килайлик: узок айриликтан сўнг она ўз фарзанди висолига етди. Ташки фаолликни биз онанинг боласига интилиши, уни қучоклаши, юзларини силаши, кўзларидан оқсан севинч ёшларида кўрсак, ички фаоллик – ўша кўз ёшларини келтириб чикарган физиологик жараёнлар, ички соғинчнинг асл сабаблари (айрилик муддати, ночорлик туфайли айрилиқ каби яширин мотивлар таъсири), кўриб идрок килгандаги ўзаро бир-бирларига интилишни таъминловчи ички, бир қарашда кўз билан илғаб бўлмайдиган эмоционал ҳолатларда намоён бўлади. Лекин шу манзарани бевосита гувоҳи бўлсак ҳам, уни ифодалаган расми кўрсак ҳам тахминан қандай жараёнлар кечётганлигини тасаввур килишимиз мумкин.

Демак, иккала турли фаоллик шахсий тажриба ва ривожланишнинг асосини ташкил этади. Бир қарашда ҳар бир аниқ шахсга ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб туюлган бундай фаоллик турлари аслида ижтимоий характерга эга бўлиб, шахснинг жамият билан бўладиган мураккаб ва ўзаро муносабатлари натижаси хисобланади.

Инсон фаоллиги "харакат", "фаолият", "хулк" тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб тақалади. Шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шакланади, ўзлигини намоён қиласи. Демак, фаоллик ёки инсон фаолиятига нофаол жараён бўлмай, у онгли равища бошкариладиган фаол жараён. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи харакатлар жараёни фаолият деб юритилади. Яъни фаолият – инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундағи турли-туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган ҳамда ташки оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш, такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шакли.

Бу ёш боланинг реал предметлар мөхиятини ўз тасаввурлари доирасида билишга қаратилган ўйин фолияти. Бу моддий неъматлар яратишга қаратилган меҳнат фаолияти, бу янги қашфиётлар очишга қаратилган илмий тадқикотчилик фаолияти. Бу рекордларни кўпайтиришга қаратилган спортчининг маҳорати ва шунга ўхшаш. Шуниси характерлики, инсон ҳар дақиқада ҳар хил фаолият тури билан машғул бўлиб туради.

Фаолият турлари. Жисмоний ва аклий харакатлар. Ҳар қандай фаолият аник шарт-шароитларда, турли услубларда, турлича кўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир харакат маълум предметга қаратилиши учун фаолият предметли харакатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли харакатлар ташки оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маърузани конспект қилаётган талабанинг предметли харакати ёзувга қаратилган бўлиб, у, энг аввало, ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ўзгаришлар қилиш орқали билимлар захирасини бойитаётган бўлади.

Фаолият ва уни ташкил этувчи предметли харакатларнинг айнан нималарга йўналтирилганига қараб, аввало, ташки ва ички фаолият фаркланади. Ташки фаолият шахсни ўраб турган ташки мухит ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, ички фаолият, биринчи навбатда, аклий фаолият бўлиб, у соф психологик жараёнларнинг кечишидан келиб чиқади. Келиб чиқиши нутқи назаридан ички аклий, психик фаолият ташки предметли фаолиятдан келиб чиқади. Даастлаб предметли ташки фаолият рўй беради. Тажриба орттириб борилган сари, аста-секин бу харакатлар ички аклий жараёнларга айланаб боради. Буни нутқи фаолияти мисолида оладиган бўлсан, бола даастлабки сўзларни қаттиқ товуш билан ташки нутқида ифода этади. Кейинчалик ичиди ўзича гапиришини ўрганиб, ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган, ўз олдига максад ва режалар кўядиган бўлиб боради.

Ҳар қандай шароитда барча харакатлар ҳам ички психологик ҳам ташки-мувофиқлик нутқи назаридан онг томонидан бойитиб боради. Ҳар қандай фаолият таркибида ҳам аклий, ҳам жисмоний мотор харакатлар мужассам бўлади. Масалан, фикрлаётган донишмандни кузатганимисиз? Агар ўйланаётган одамини зийраклик билан кузатсангиз, ундаги етакчи фаолият акл бўлгани билан унинг пешоналари, кўзлари, хаттоки, тана ва кўл харакатлари жуда муҳим ва жиддий фикр хусусида бир тўхтамга келолмаётганидан ёки янги фикрни топиб, ундан мамнуният хис қилаётганилигидан тарак беради.

Аклий харакатлар – шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман

харакатлари. Экспериментал тарзда шу нарса исбот қилинганды, бундай характеристлар доимо мотор характеристларни ўз ичига олади. Бундай характеристлар куйидаги күринишларда бўлиши мумкини:

- перцептив, яъни бу шундай характеристки, бунда атрофдаги предметлар ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит образ шаклланади;
- мнемик фаолият, нарса ва ҳодисалар можияти ва мазмунинг алокадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши хамда эсда саклаб турилиши билан боғлик мураккаб фаолият тури;
- фикрлаш фаолияти – ақл, фаҳм-фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбокларни ечишга қаратилган фаолият;
- имажитив ("image" – образ сўзидан олинган) фаолият шундайки, у ижодий жараёнларда ҳаёл ва фантазия воситасида хозир бевосита онгда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва ҳаёлда тиклашни такозо этади.

Юкорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай фаолият ташки характеристлар асосида шаклланади ва мотор компонентлардан иборат бўлиши мумкин. Агар ташки фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш рўй берган бўлса, бундай жараённи психологияда интериоризация деб аталади. Аксинча, ақлда шаклланган фояларнинг бевосита ташки характеристларда ёки ташки фаолиятга кўчирилиши экстериоризация деб юритилади.

Фаолият турлари онгнинг бевосига иштироки даражасига кўра фаркланди. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, айрим характеристлар бошида ҳар бир элементни алоҳида-алоҳида бажаришни, бутун дикқат ва онгнинг йўналишини талаб қиласди. Лекин вакт ўтгач, бора-бора унда онгнинг иштироки камайиб, кўпгина кисмлар автоматлашиб боради. Бу оддий тилга ўғирилганда, малака ҳосил бўлди дейилади. Масалан, ҳар бири миз шу тарзда хат ёзишга ўрганганимиз. Агар малакаларимиз катъий тарзда биздаги билимларга таянса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра, характеристларни муваффақиятли бажаришни таъминласа, биз буни кўникмалар деб атаймиз.

Кўникмалар доимо биздаги аниқ билимларга таянади. Ма-

салан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлик бўлади. Шунинг учун ҳам ўкув фаолияти жараёнида шаклланадиган барча кўникма ва малакалар шахснинг муваффакиятли ўкишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустахкамланади. Агар, факат малакани оладиган бўлсак, унинг шаклланиш йўллари куйидагича бўлиши мумкин:

- оддий намойиш этиш йўли билан;
- тушунтириш йўли билан;
- кўрсатиш ва тушунтиришни уйғуллаштириш йўли билан.

Ҳаётда кўникма ва малакаларнинг аҳамияти катта. Улар бизниг жисмоний ва аклий уринишларимизни енгиллаштиради ва ўқищда, меҳнатда, спорт соҳасида ҳамда ижодиётда муваффакиятларга эришишимизни таъминлайди.

Фаолиятни тасниф қилиш ва турларга бўлишнинг яна бир кенг тарқалган услуби – бу барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалаш. Бу мулокот, ўйин, ўкиш ва меҳнат фаолиятлари.

Мулокот – шахс индивидуал ривожланиши жараёнида на-моён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири – инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириши, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараккиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (вербал) нутқсиз воситалар (новербал) ёрдамида бошка фаолият турларини мукаммал эгаллашга замин яратади.

Ўйин – шундай фаолият турики, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъматлар яратишни назарда тутмайди. Лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият меъёрлари, харакатларнинг символлик андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола ўйнамагунча, катталар хатти-харакатларининг маъно ва моҳиятини англаб етолмайди.

Ўкиш фаолияти шахс камолотида катта роль ўйнайди ва маъно касб этади. Фаоллик жараёнида билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилади.

Меҳнат қилиш табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади, албаттга, бирор моддий ёки маънавий

нельматларни яратиш, жамият тараккиётiga хисса күшиш, хисобланади.

Хар кандай касбни нафақат эгаллаш, балки уни маҳорат билан амалга оширишда фаолиятнинг барча конунийлари ва механизмлари амал килади. Оддийгина бирор касбни эгаллаш малакаси унга алоқадор бўлган маълумотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда яна эсга тушириб бажариш, балки ички (психик) ва ташки (предметга йўналтирилган) ҳаракатларни онгли тарзда бажариш билан боғлик мураккаб жараёнлар ётишини унутмаслик керак. Лекин хар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишга мажбур килган психологик омиллар, сабаблар мухим бўлиб, бу фаолият мотивлари.

Ижтимоий хулк мотивлари ва шахс мотивацияси. Юкорида биз танишиб чиккан фаолият турлари ўз-ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулки ва ўзини кандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам ўз-ўзидан рўй бермайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулк-авторини тушунтириш учун психологияда "мотив" ва "мотивация" тушунчалари ишлатилади.

"Мотивация" тушунчаси "мотив" тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга зга. Мотивация – инсон хулк-автори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаолигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуи. Бу тушунча у ёки бу шахс хулкини тушунтириб бериши керак бўлганда ишлатилади, яъни: "Нега?", "Нима учун?", "Нима максадда?", "Қандай манфаат йўлида?" деган саволларга жавоб кидириш мотивацияни кидириш демак. Демак, у хулкнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулки ва ўзини тутиш сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жихати фарқланади: а) ички сабаблар, яъни хатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эхтиёжлар, максадлар, мўлжаллар, истаклар, кизикишлар ва х.к.); б) ташки сабаблар фаолиятнинг ташки шарт-шароитлари ва ҳолатлари.

Шахс хулк-авторини ичкаридан, ички психологик сабаблар

туфайли бошқариш, одатда, шахсий диспозициялар деб ҳам аталади.¹ Улар шахс томонидан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Яъни шундай бўладики, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг ҳакикий сабабини ўзи тушуниб етмайди, "Нега?" деган саволга "Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман", деб жавоб беради. Бу англанмаган диспозициялар ёки курилмалар деб аталади. Агар шахс бирор қасбга онгли тарзда қизикиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қиласа, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни диспозиция англанган, онгли хисобланади.

Шу нуқтаи назардан мотив аниқрок тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулк-авторга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутади. Машҳур немис олими К.Левин мотивлар муаммоси, айника, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта кенг камровли тадқикотлар олиб бориб, шу нарсани аниклаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок килиш ва баҳолашга мойил бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўша бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади.

Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ ҳолда бир хил вазиятни алоҳида ҳолларда турлича идрок килишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айни пайтдаги ҳаракатларини ўша маълум шароитдаги ички ва ташки стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир ҳозирлик – диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрирок бўлади. Шу маънода шахс хулқининг мотивацияси турли шароитлардан орттирилган, тажрибага таянган, онгли таҳдиллар, ҳаттоқи, ижтимоий тажриба месьёрларининг таъсирида шаклланадиган сабаблар мажмуасини ўз ичига олади. Масалан, техника олий таълим муассасаларида "Материаллар қаршилиги" номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осон рўй бермайли.

Ҳали курс бошланмасданоқ, ёш талабаларда шу курс ва унинг

талабларига нисбатан шундай курилма шаклланадики, албаттa, бу курс кийин, уни олиб борувчи ўқитувчи ўта талабчан, каттикүл ва ҳоказо. Бундай мотивация мана неча авлод талабалари бошдан кечираётган ҳолат. Энди аник шахснинг дарс жараёни бошланган кейинги харакатлари аниқ изохланади ва тиришқоқ талаба учун бу фан ҳам бошқа фанлар қатори тинимсиз изланиши, ўз вактида дарсларни тайёрлашни талаб қилса, бошқаси учун (дангасарок талаба учун) бу дарсдан кийин дарс йўқ ва у шу семестр качон тугашини кутиб харакат қилади.

Ҳар қандай мотивлар оркасида шахснинг эҳтиёжлари ётади. Яъни мақсадли ҳаётда шахсда, аввало, у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ҳамда заруратига боғлик тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун талабанинг ўкув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади билимга бўлган қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараккиётининг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб кониктирила бошлайди.

Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўкув куроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шартшароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга ўргатилган фаолиятнинг ўзи бола учун мотив ўрнини босади. Масалан, кўлингизда китоб бор. Уни ўқишини бошламадингиз. Лекин ўкиш истаги бор, шу истакнинг ортида эса ўша мазмунни билиш ва унинг тагига етиш эҳтиёжи туради. Рус олими Р.Немов шахсдаги мотивацион соҳани куйидагича тасаввур қилади.

Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гурухга бўлиш мумкин:

1. Биологик эҳтиёжлар – бу физиологик (ташналик, очлик, уйку), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

2. Ижтимоий эҳтиёжлар – бу меҳнат килиш, билиш, эстетик ва ахлокий-маънавий эҳтиёж.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлганимиз билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ижтимоийлашган бўлади, яъни улар ўша жамият ва мухитдаги қадриятлар, маданий меъёrlар ҳамда инсонлараро муносабатлар характерига боғлик бўлади. Масалан, табиий ва тушунарли ҳисобланган овқатга бўлган эҳтиёжимиз-

ни олсак, у ҳам аник мухитга қараб турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради.

Яна мисол учун, тўй маросимлари ёки жуда тўкин дастурхон атрофида ўтирган одам нима учун шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб юборганини билмай қолади. Агар сиз табиат қўйни ёки пахта даласида бўлсангиз, бир бурда иссик ион ҳам бутун танага роҳат баҳш этувчи малҳам бўлиб, очликни билинтирмайди. Камтарона дастурхондан овқат еб ўргангандан киши оз-оз ейишга ўрганса, ёшлигидан меъёрдан ортиқ еб ўргангандан одам врач олдига бориб, ўзи учун озувичи дори-дармон сўраса сўрайдики, лекин уйда ўзи емишини назорат қилиши кераклигини билмайди. Демак, бу маданиятга, этикага, оила мухитига бевосита боғлик.

Умуман, шахс ижтимоий хулқи мотиви ҳакида гап кетганда, унинг икки томони ёки элементи ажратилади: ҳаракат дастури ва мақсад. Ҳаракат дастури мақсадга эришишнинг воситаларига аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадга эришишни оқлаши керак, акс ҳолда дастур ҳеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва идеалларидаги шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдига жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар. Натижада, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат мухитида ушланади. Оқибатда, бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, кайсар, унча-мунча ташқи таъсирга берилмайдиган ёки бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим англанган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган, мақсадлар ва унга етиш воситалари аник бўлиши керак. Шундагина ижтимоий хулқ жамиятга мос бўлади.

Мотивларнинг турлари. Турли қасб эгалари фаолияти мотивларини ўрганишда мотивлар характеристини билиш ва уларни ўзгартириш муаммоси ахмиятга эга. Шундай мотивлардан бири турли хил фаолият соҳаларида муваффакиятга эришиш мотиви бўлиб, бу назариянинг асосчилари америкалиқ олимлар Д.Маклелланд, Д.Аткинсон ва немис олимни Х.Хекхаузенлар хисобланади. Уларнинг фикрича, одамда турли ишларни бажариши-

ни таъминловчи икки турдаги мотив бор: муваффакиятга эришиш мотиви ҳамда муваффакиятсизликлардан қочиш мотиви.

Одамлар у ёки бу тур фаолиятларга киришиша кайси мотивга мўлжал қилишларига қараб фарқ қиладилар. Масалан, факат муваффакият мотиви билан ишлайдиганлар олдиндан ишонч билан иш бошлайдиларки, нима қилиб бўлса ҳам ютукка эришиш улар учун олий максад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб, ютукни кутадилар ва шундай ишни амалга оширишса, одамлар уларнинг барча харакатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз куч ва имкониятларини, балки барча ташки имкониятлар, таниш-билишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Бошқача хулқ-авторни муваффакиятсизликдан қочиш мотивига таянган шахсларда кузатиш мумкин. Масалан, улар бошқалардан фаркли ўлароқ, ишни бошлашдан аввал нима бўлса ҳам муваффакиятсизликка дучор бўлмасликни ўйлайдилар. Шу туфайли уларда кўпроқ ишончсизлик, ютукка эришишга ишонмаслик, пессимизмга (тушкунликка) ўхшашиб ҳолат кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, охир-окибат улар барибир муваффакиятсизликка учраб, "Ўзи сира омадим юришмайди" деган хulosага келадилар. Агар биринчи тоифали шахслар бир ишни муваффакиятли тугатгач, кўтаринки рух билан иккинчи ишга киришишса, иккинчи тоифа вакиллари, ҳар қандай ишни якунлагандан сўнг, унинг натижасидан катти назар, руҳан тушкунликка тушадилар ва оғриниш хисси билан бошқа ишга киришадилар. Бу ўринда талабчаник деган сифатнинг роли катта.

Агар муваффакиятга йўналган шахсларнинг ўзларига нисбатан кўйган талаблари даражаси юқори бўлса, иккинчи тоифа вакилларининг талаблари аксинча, паст бўлади. Бундан ташқари, ҳар биримиздаги реал кобилиятлар тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ушбу мотивларнинг фаолиятдаги ўрнига таъсир кўрсатади. Масалан, ўзидаги кобилиятларга ишонган шахс, хаттоки, мағлубиятта учраса ҳам унчалик қайфурмайди, кейинги сафар ҳаммаси яхши бўлишига ишонади. Ишончсиз шахс эса кичкина берилган танбех ёки танқидни ҳам жуда катта руҳий азоб билан қайфурниб бошдан кечиради. Шахснинг у ёки бу ва-

зиятларда қайғуриш сифати ҳам маълум маънода мотивлар характерини белгилайди.

Шундай килиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз-ўзига муносабатларидан келиб чикади ҳамда ундаги характер хусусиятларини белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шарт-шароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдидан ўзимизни тутишимиз ва муваффакиятга эришишимиз билан баҳоласак бўлади. Масалан, имтиҳон топшириш жараёнини олайлик. Баъзи талабалар имтиҳон олдидан жуда қайғурадилар, ҳаттоқи, қўрқадилар ҳам. Улар учун имтиҳон топшириш жуда катта ташвищдай. Бошқалар эса бу жараёни босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан ҳаяжонланётган бўлсалар ҳам буни бошқаларга билдиrmайдилар. Яна учинчи тоифа кишилари умуман бегам бўлиб, ҳеч нарсани ййла-майдилар.

Шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари фаолиятнинг муваффакияти ва самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қиласи. Даъвогарлик даражаси юкорироқ бўлганлар билган-бильмаганини исбот қилишга уринса, даъвогарлик даражаси пастлар билганини ҳам яхши айтиб беролмайди.

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий хислатларимизни ҳам билишимиз ва онгли тарзда хулқимизни бошқара олишимиз керак.

Мотивларнинг англанганлик даражаси: ижтимоий кўрсатма ва уни ўзгартириш муаммоси. Юкоридаги таъкидлаганимиздек, мотивлар, яъни ҳатти-ҳаракатларимизнинг сабаблари биз томонимиздан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Юкорида келтирилган барча мисолларда ва ҳолатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу фаолиятни амалга ошираётганлигини, нима сабабдан муваффакиятга эришаётганлигини ёхуд мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий хулқимизнинг сабаблари бизга аён бўлавермайди. Англамаган ижтимоий хулқ мотивлари аввалги маърузада таъкидланганидек, ижтимоий кўрсатма (инглизча "attitud") ходисаси орқали тушунтирилади.

Демак, ижтимоий кўрсатма шахснинг ижтимоий объекtlар ходисалар, гурухлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш в қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолатики, у б муносабатнинг аслида қачон шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байробимиз муқаддас, немис инвесторлариға ишонамиз, негрларга раҳмими келади.

Тижорат ишлари билан шугулланадиганларни, албатта, пулдор, бадавлат, деб хисоблаймиз. Бу тасаввурлар, баҳо ва хисиётлар қачон ва қандай килиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юкорида санаб ўтган хиссиётларни бошдан кечираверамиз. Мана шуларнинг барчаси ижтимоий кўрсатмалар бўлиб, уларнинг мазмун-моҳияти аслида ҳар би инсоннинг ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узо муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда рӯёбга чиқади. Демак, мотив ҳар қандай ҳаракатларимиз ва фаолияти мизнинг сабаби, шарти бўлса, кўрсатма ана шу ҳаракат ёки фаолиятни амалга оширишга қаратилган инсондаги ички психологияк ҳолат.

Америкалик олим Г.Оллпорт ижтимоий кўрсатманинг уйларни компонентли тизимини ишлаб чиккан:

а) когнитив компонент – кўрсатма объектига алоқадор би лимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

б) аффектив компонент – кўрсатма объектига нисбатан субъект ҳис киладиган реал хиссиётлар (симпатия, антипатия, локайдлик каби эмоционал муносабат);

в) ҳаракат компоненти – субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлар мажмуи (хулқда намёён бўлиш).

Бу учала компонент ўзаро бир-бир билан боғлиқ бўлиб, ва зиятга караб у ёки бу компонентнинг роли устунроқ бўлиши мумкин. Шуни айтиш лозимки, компонентлараро монандли бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб-интизом билан жуда яхши таниш бўлсаларда, ҳар доим ҳам унга риоя килавермайдилар. "Тасодифадарс қолдириш", "жамоатчилик жойларида тарғибни бузиш" каби ҳолатлар когнитив ва ҳаракат компонентларида уйғунлик

нинг йўклигини кўрсатади. Бу бир карашда сўз ва иш бирлиги тамойилининг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам била туриб, бир неча марта ижтимоий хукукка зид харакат килса, у бу холатга ўрганиб қолади ва кўрсатмага айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий меъёрлар ва санкциялар воситасида бундай қарама-каршилик ва тафовут бўлмаслигига ёшларни ўргатиб боришимиз керак. Бу шахс истиқболи ва фаолияти самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Таянч сўз иборалари

Шахс фаоллиги, ташки фаоллик, ички фаоллик, фаолият, перцептив харакат, мненик фаолият, фикрлаш фаолияти, имажитив фаолият, кўникма, малака, мотив, ижтимоий установка.

САВОЛ ВА ТОПШИРИКЛАР

1. Инсон фаолияти ва унинг психологик тузилиши нимадан иборат?
2. Фаолият ва ижтимоий хулқ мотивацияси нима?
3. Кўникма, малака ва одатлар қандай шаклланади?
4. Ўз-ўзини баҳолаш ва хулқ мотивлари нима?
5. Шахс ва унинг мотивлари: муваффакиятга эришиш ва мағлубиятлардан қочиш мотивлари нимадан иборат?
6. Ижтимоий установка ва уни профессионал фаолият мобайнида ўзгартириш муаммоси нимадан иборат? Талабчанлик ва курилм нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Брунер Д.С. Психология познания. – М., 1977.
2. Вертгеймер М. Продуктивное мышление. – М., 1987.
3. Виготский Л.С. Развитые высшие психических функций. – М., 1960.
4. Грановская Р.М. Элементы практической психологии. – СПб, 1997.

5. Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. – М., 1998.
6. Емельянов Ю.Н. Активное социально-психологическое обучение. – Л., 1985.
7. Немов Р.С. Психология. – Кн. Общие основы психологии. – М., 1994.
8. Психология. Учебник. Под ред. А.Крилова, – М., 1998.

5-мавзу. Шахснинг ижтимоий борликини билиши. Билиш мезонларидан идрок, хотира, дикқат ва тафаккур жараёниларини бошқариш ҳамда мантикий фикрлаш

1. Билиш жараёнлари.
2. Идрок ва идрок қилиш қонунлари.
3. Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги.
4. Тафаккур шартлари ва шакллари.
5. Мустакил фикрлаш-соғлом маънавият мезони.

Профессионал фаолият шахсдан жуда кўп билимларни ҳамда малакаларни талаб қиласди. Нима учун у ёки бу қасбни танлаганини англаб етган шахс (мотивлар муаммоси) энди ўз фаолияти ва қобилияtlарини бошқара билиш ҳамда ўз устида муттасил ишлаб, малакаларини орттириб бориши шарт. Профессионал билимдонлик шу нуктаи назардан шахс умумий маданиятини шундай йўналишики, унга факат қасбига тааллукли бўлган билимлардан ташкири, шу билимларнинг ҳосил бўлиш йўллари, кўникма ва малакаларнинг такомиллашувини таъминловчи психологик жараёнлар ҳамда ҳолатларни билишни тақозо этади. Бу психологияда билиш жараёнлари, уларнинг мохиятини ва кечишини билиш демак.

Маълумки, одамлар бир-бирларидан кўп жихатлари билан фарқ қиласди. Масалан, айримлар кўрган-кечиргандарини жуда яхши эсда олиб қолиб, керакли вақтда аниқ эсга тушира оладилар. Баъзилар кўзи билан кўрган ҳар қандай обьектни майда деталларигача баён этиш қобилиятига эга. Яна бирлари эшитган нарсалари хусусида аникрок фикрлайди, ким содда, равон тилда ўз ҳис-кечинмаларини айта олса, бошқалар ҳар бир хикояга, албаттга, фантазия элементларини қўшишга мойил бўладилар. Демак, одамларнинг ташқи оламдан оладиган таассурутлари ва уларни онгда гартиблаштириш қобилияtlарини ҳар

хил бўларкан. Иккинчи томондан, шундай касб-корлар борки, у шахсдаги у ёки бу сифатларнинг мукаммаллашиб боришига имкон беради. Масалан, йирик автоматик бошқарув тизимларида ишлайдиган оператор ўз дикқатини ҳар қандай майдада ўзгаришларга ҳам қаратишга ўрганса, конструктор мавҳум математик хисоб-китобларга уста бўлиб боради.

Иктисадчи пулнинг ҳар бир тийинидан фойда олишга уринса, шоир табиатан барча ҳодиса ва воқеаларни бадиий бўёкларда, ўзига хос идрок қилишга мойиллиги ошади. Демак, одамнинг ташки олам хосса ва хусусиятларини онгода акс эттириши унинг иктидори ўсиши ҳамда профессионал малакалари ривожланганлигига боғлик тарзда кечади. Шунинг учун ҳар қандай онгнинг муҳим акс эттириш шакллари бўлмиш билиш жараёнлари – идрок, сезгилар, хотира, дикқат, тафаккур, ирода ва хиссиятларнинг инсон ҳаёти ва профессионал ўсишидаги ролига тўхтаб ўтамиз.

Бу жараёнлар инсонга жуда яқин ва таниш. Чунки ҳар бири миз онгимиз борлигини, атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим ҳамда яхлит хусусиятларини биламиз. Бу нарса ва ҳодисалар бизда ҳар бири алоҳида шароитда ўзига хос хиссий кечинмаларни келтириб чиқаришини ҳам биламиз. Масалан, қорнингиз оч колганда, емишга бўлган талабингиз, ҳакиқатан ҳам, бор ёки йўклигини бирорлардан сўрамайсиз-ку? Ёки китоб муроала килаётган шахс шу китобни рости билан ҳам ўзи ўқиётганлигини бошқалардан сўрамайди. Бундай ишлар ўз-ўзидан табиий жараёнлардай кечаверади. Факат имтиҳон пайтида кечаси билан мутолаа қилиб, ўрганиб чиқкан материални нега ҳозир ўқитувчи олдида эслай олмаётганлигингиз сизни кўпроқ қизиктиради ва сиз "Хотирам устида ишлашим керак" деган холосага кела сиз.

Дарҳақиқат, билиш жараёнлари ҳам маълум маънода бошқариладиган жараёнлар бўлиб, агар сиз ўз имкониятларингизни кенгайтириш ёки иктидор даражангизни орттироқчи бўлсан гиз, бу жараёнларга оид маълум қоидалар ва хусусиятларни билиб олишингиз керак.

Билиш жараёнлари. Инсон онги бир қарашда яхлит нарса, аслида у айрим жараёнлардан иборат. Шунинг учун ҳам ат-

роф-мухитни, ўзини билишига имкон берувчи онгни ўрганиш учун уни алоҳида психик жараёнларга бўлиб ўргана бошлаганлар. Бу жараёнлар – сезгилар, идрок, хотира, дикқат, тафаккур, нутқ ва бошқалар. Бу жараёнлар шу қадар бир-бири билан боғлиқки, бирини иккинчисиз тасаввур килишнинг ўзи кийин. Масалан, кўриб идрок қилиб турган нарсангизни фикрламай кўрингчи, унинг моҳиятини биласизми? Дикқат билан кўрган ёки ўқиган матнингизни эслаб қоласиз. Ёки бирор нарса тўғрисида фикрлаш учун бизга бир вактда ҳам илгариги идрок образлари ҳам, эслаб қолиш маҳорати ҳам ички нутқ, ирова ва дикқат керак бўлади. Ҳаттоқи, тасодифан кўлимизга кириб кетган зирапчага берган реакциямиз ҳам эмоциялардан ташкари, ўша нарсанинг бу ерда қандай пайдо бўлганлиги каби қатор тафаккур жараёнларини келтириб чиқаради.

Мураккаб компьютер техникиси чиқкандан кейин одамнинг ўз психик жараёнларига кизикиши янада ортди. Энди маълумотларни қабул қилиш (анъанавий идрок деб аталувчи жараёнга ўхшаш), уларни қайта ишлаш (тафаккурга ўхшаш) ва уни саклаш (хотира) ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолдик. Лекин бу инсондаги табиий жонли жараёнлар аҳамияти ва тарбияси масаласини янада юкори кўтарди.

Идрок ва идрок қилиш қонунлари. Психологларнинг фикрича, инсон ниманики идрок қилса, уни фигура ва фонда идрок килади. Фигура – шундай нарсаки, уни аниқ англаш, ажратиш, кўриш, эшлиши ва туйиш мумкин. Фон эса аксинча, ноанирок, умумийроқ нарса бўлиб, аниқ объектни ажратишга ёрдам беради. Масалан, гавжум бозорда кетаётган такдирда ҳам ўз исмимизни бирор айтиб чақирса, дарров ўша тарафга қараймиз. Исм фигура бўлса, бозордаги шовкин фон ролини ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, биз бирор нарсани идрок килаётган пайтимиизда уни, албатта, бирор фондан ажратиб оламиз. Масалан, гул бозорида айнан қип-қизил атиргул сизга ёкиб қолиб, ўшани харид киласиз, колган гуллар фондай онгингиз фаолиятига ўтмайди.

Шундай қилиб, идрок – бу билишнинг шундай шаклини, у борчидаги кўплаб, хилма-хил предмет ва ходисалар орасида бизга айни пайтда керак бўлган объектнинг хосса ва хусусиятлари би-

лан яхлит тарзда акс этишимизни таъминлайди. Яъни идрок асосида нарса ва ходисанинг яхлитлашган образи ётадики, бу образ бошқаларидан фарқ қиласди. Идрок ўзига нисбатан соддароқ бўлган сезги жараёнларидан ташкил топади. Масалан, олманинг шаклини, ҳидини, мазасини, рангини сезамиз, яъни алоҳида-алоҳида хоссалар онгимизда акс этади. Бу сезгиларимиз. Сезгилар яхлит тарзда идрок жараёнини таъминлайди.

Лекин олимлар идрокни сезгиларнинг оддийгина, механик тарздаги бирлашуви, деган фикрга мутлақ қаршилар. Чунки идрок онгли, мақсадга қаратилган мураккаб жараён бўлиб, унда шахснинг у ёки бу объектга шахсий муносабати ва идрокдаги фаоллиги акс этади. Масалан, бунинг исботи учун кўпинча, Рубив фигураси тавсия этилади. Унда иккита қора профиль оқ фонда берилган. Бир қаращда айримлар бу расмларга қараб, ваза деса, бошқалар уни бир-бирига қараб турган икки киши юзининг ён томондан кўриниши, деб таърифлаши мумкин. Шуниси характерлики, биринчи марта шу расмни кўрган одам уни яхлит идрок килиб, нима эканлигини тушунишга ҳаракат килади. Лекин бирор фигурани кўргач, маълум вактгача бошқасини кўрмай туради. Агар шу идрок даражаси қолса, яъни яна нимани кўришни хоҳламаса, у иккинчи фигурани кўрмаслиги ҳам мумкин. Бу биздаги идрок жараёнларининг фаоллигимизга, объектга муносабатимизга бевосита боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Иккинчидан, идрок бизнинг қайфиятимизга ҳам боғлик.

Ташвиш билан йўлакчадан ўтиб кетаётуб, сёғингиз тагидаги нарса тугул, рўпарадаги одамни ҳам кўрмай қолишингиз мумкин. Ёки санъат музейида томоша килиб юрган икки киши бир расмда тамоман ҳар хил нарсаларни, элементларни кўриши мумкин. Яхши қайфиятда, яхши дўстлар даврасида истеъмол килинган таом сизга жуда мазалидай туюлади. Агар талаба бирор ўқув фанидан қарздор бўлиб қолса, оч коринга еган ширин таоми ҳам "таътимайди", хатто нима еганини ҳам унтиб кўяди. Ёмон қайфият кўпроқ қора, нурсиз рангларни идрок килишга мойил бўлса, кўтаринки қайфият, аксинча, ҳамма нарсанни энг ёқимли рангларда "кўради". Бу яна бир бор идрокни

оддийгина акс эттириш ёки билиш жараёни эмас, балки шахс-даги фаол кўрсатмаларга боғлиқ бўлган, мантиқан асосланган онгли жараён эканлигини исботлайди.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, шахс идрок килиши жараёнларига хос бўлган бир нечта қонуниятларни белгилаймиз:

Фигура ва фоннинг илгариги ҳаракатга боғлиқлиги қонуни.

Бунда одам илгариги тажрибасида бўлган, бевосита тўқнаш келган нарсаларни идрок килишга мойил бўлади. Агар бирор предметни у илгари фигура сифатида идрок қилган бўлса, демак, кейинги сафар ҳам уни айнан фигурадай идрок килади. Агар фон бўлган бўлса, табиий фондай қабул килади. Бу қонунинг ҳётдаги ўрни хорижий давлатларга борган саёхатчилар тажрибасига таяниб тушунтирилиши мумкин. Ўзбекистонликлар ер куррасининг қайси бурчагида бўлмасин, ўзбек дўпписи ёки атлас қўйлагини жуда тез илгаб олиб, ёнидаги шериклари ўзбек бўлса ҳам айнан дўппили ўзбекни кўриб, кўзлари яшнаб кетади. Бошқа миллат вакиллари, масалан, нигериялик ҳам миллий қўйлагида юрган бўлиши мумкин, лекин ўзбек саёхатчи учун бу кийим фон эди, фонлигича қолади.

Идрокнинг константи (ўзгармас)лилиги қонуни. Бу қонун маълум маънода олдингисига боғлиқ. Яъни бунда ҳам илгариги тажриба катта роль ўйнайди. Одам ўзига таниш бўлган нарсаларни ўша хосса ва хусусиятлар билан ўзгаришсиз идрок килишга мойил. Масалан, самолёт ичида ўтириб ерга қараганимисиз? Автомобиль йўллари, уларда ҳаракат қиласётган машиналар кичкина кўринади, лекин биз уларни хозир кичрайиб колган, деб идрок қилмаймиз-ку? Аслида кўз қорачигимиздаги акс кичкина бўлса-да, уларни ўзимиз "тўғрилаб" алоҳида предметлар сифатида идрок қилаверамиз.

Бу ўринда Африкадаги бир этнографнинг кузатиши ҳарактерли. У кунларнинг бирида пигмейлар кабиласининг бир вакили билан ўрмондан чикишганида (бу қабиланинг умри қалин ўрмонда ўтади), яйловда сонсиз моллар подаси ўтлаб юрганлигини кўришди. Этнограф уларни оддий моллар подаси сифатида идрок қилган бўлса, пигмей қабиласининг вакили эса чумо-

лиларга ўхшатиб, уларнинг кўплиги ва кичиклигидан хайратланган. Олимда идрокнинг констант (ўзгармас)лиги намоён бўлган бўлса, унинг шеригида унинг бузилганлиги кузатилган.

Демак, идрокимизнинг константлиги, яъни илгариги тажриба асосида нарсаларнинг хосса ва хусусиятларини ўзгартирмай, турғун ҳолда, яхлит тарзда идрок килиш хусусияти бизга ташки мухитда тўғри мослашувимиз, нарсалар дунёсида адашмаслигимизни таъминлайди. Константлик – "constanta" сўзидан олинган бўлиб, ўзгармас, доимий деган маънони билдиради.

Кутишлар ва таҳминларнинг идрокка таъсири. Кўпинча идрокимиз айни пайтда биз нималарни кутаётганимизга боғлиқ бўлиб қолади. Биз ўзимиз кўргимиз келган нарсаларни кўрамиз, эшигимиз келган нарсани эшигамиз. Масалан, сонлар каторида пайдо бўлган В ҳарфи узоқдан, албатга, 13 сонида идрок килинади ёки аксинча, ҳарфлар орасидаги 13 "В" га жуда ўхшайди. Кечаси ёлғиз қолиб, кимни кутаётган бўлсангиз, ҳар қандай жуда секин шарпа ҳам оёқ товушларига ўхшайверади. Соғинган дўстингизга бирор жиҳати билан ўхшаш бўлган одамини кўрсангиз-чи?

Шундай килиб, инсон идроки шахсий маъно ва аҳамият касб этган маълумот воситасида онгдаги бўшликни тўлдиришга ҳаракат килади. Бироннинг орқадан чақиришини кутаётган бўлсангиз, негадир бош ҳарфи тўғри келган исмни айтса ҳам тезгина ўша томонга ўгирилиб қарайсиз. Айнан шундай ҳодисалар баъзан идрокдаги хатоликларнинг келиб чикишига олиб келади. Америкалик Дж. Бэгби деган олим стереоскоп орқали америкалик ва мексикалик болаларга шакли уччалик аниқ бўлмаган слайдларни бирин-кетин кўрсатган. Америкалик болалар уларни бейсбол ўйини, оқ сочли қиз ифодаланган десалар, мексикалик болалар уларни буқалар жангиги, кора сочли қиз, деб таърифлаганлар. Кўпчилик болалар эса кўрсатилган иккита рангдан факат биттасини кўрганини эътироф этганлар. Демак, бознинг идрокимиз, унинг мазмунни маданий ва маънавий мухитга ҳам боғлиқ бўлиб, бу кутишлар тизимидан келиб чиқади.

Ўзгармас маълумотнинг идрок қилинмаслиги қонуни. Бу қонуннинг моҳияти шундаки, мунтазам таъсир этувчи маълу-

мот онгда узок ушлаб турилмайди. Масалан, ўтирганингизда соатнинг чиқиллашини эшитганмисиз? Ҳа, товуш эшитилади, лекин маълум вакт ўтгандан сўнг гўёки у йўқ бўлиб қолгандай эшитилмайди. Ёки эксперимент шароитида ёлғиз битта нуқтадан ёруғлик манбаи кўзга таъсир этиб, кўз ҳам шу нуқта билан бир вактда харакатга келтирилиб турилганда, 1–3 секунддан сўнг одам ёруғлик манбанин кўрмай қолгандек туюлади. Шунга ўхшашиб экспериментлар барча идрок турларида ҳам синаланган. Паст оҳангли куй ҳам маълум вактдан кейин эшитилмагандай туюлишини синаб кўришингиз мумкин.

Нутқ воситасида ҳадеб бир хил сўзларни кайтаравериш психотерапевтик амалиётда гипнотик ҳолатни келтириб чиқарувчи омил сифатида ишлатилади. Чунки бир хил сўзлар ҳадеб кайтарилаверса, улар ўзининг маъно-моҳиятини йўкотади. Масалан, кўчада юрадиган "фолбинлар"ни кўрганмисиз? Улар автоматик тарзда айтадиган сўзлари уларнинг ўзлари учун умуман маъносини йўкотган ("бахтингдан очайми, таҳтингдан очайми?" ва ҳоказо шунга ўхшашиб сўзлар). Ҳар қандай харакат қайтарилаверса, "психологик тўйиниш" ходисаси рўй беради ва харакатлар автоматлашиб, унинг айрим деталлари умуман онг назоратидан чиқади. Масалан, маҳоратли раккоса ҳар қандай раксга чиройли, жозибали харакатлар билан ўйин тушиб кетаверади.

Англанганлик қонуни. Идрок қилаётган шахс учун фигуранинг англанганлиги, унинг зарурати ва маъноси катта аҳамиятга эга. Агар биз кузатаётган предмет, эшитаётган нутқ ёки хис қилаётган нарсамиз маъносиз, тушунарсиз, ноаник бўлса, биз тез чарчаймиз ва толиқамиз. Масалан, хитой тилини билмайдиган одам шу тилда сўзлашувчилар орасига тушиб колса, психологик жиҳатдан жуда кийналади. Яъни бизга барча нарсаларда бирор маъно ва мазмун керак. Одам одатда тушунадиган нарсасинигина идрок қиласди. Ҳаттоқи, маърузачининг бугун тушунтираётган маъруzasидаги фактлар сизнинг тушунчалирингиз ва билим доирангиздан узок бўлса, профессорга караб ўтирган бўлсангиз ҳам унинг гаплари кулоғингизга кирмайди. Шундай пайтларда "нима деялти ўзи?" деб кўймиз.

Зоро, маърузачи ўзбек тилида гапираётган бўлса ҳам. Синаб

кўриш учун ўртоғингизга бир нечта сўзлардан иборат қаторни беринг. Улар орасида мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар, хаттоки, маъносиз (тескарисига ёзилган сўзлар) бўлсин. Орага 2 – 4 та таниш ўзбек тилидаги сўзлардан аралаштиринг. Бир дақиқа мобайнида қараб, эслаб қолганини қайтаришни сўрасангиз, ўша 2 – 4 та сўздан бошқаларини деярли кўрмаганинг гувоҳи бўласиз.

Тахминларни текшириши жараёнида идрок қилиш. Биз идрок жараёнида илгариги тажрибага таянишимиз билан кўпинча адашамиз, баъзан ўзимиз учун янгиликлар очиб, тажрибани янада бойитамиз. Илгариги тажриба ва келажакни башорат қилиш инсонга хос хусусият бўлиб, бизнинг сезги органларимиз орқали келадиган маълумотларнинг кўлами ва имкониятларини янада оширади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, идрок ташки муҳит тўғрисидаги тахминларимизни исбот қилишга қартилган фаол жараён.

Биз бевосита идрокимиз "тагига етолмаётган", "тушунмаётган" нарсаларни бевосита ҳис қилгимиз, кўлимиз билан ушлаб кўргимиз, улар билан ишлагимиз келади. Яъни идрок қилинаётган нарсада ноаниклик, сир пайдо бўлса, биз "нима бўлди?" деган савол асосида тахмин кила бошлаймиз ва уни текшириш учун ҳаракат қиласиз. Айнан ҳаракатлар, амалий ишлар идрокимиз имкониятлари ва чегараларини кенгайтиради ҳамда англашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишни бошлашдан аввал нимага эгамиз, нима керак ва нима килсак, тезроқ яхши натижага эга бўламиз? деган саволлар билан ўзимиздаги тажрибада бўлган билимларимиз билан унчалик аниқ бўлмаган маълумотларни тарозу тортиш ва имкон борича нутқимиз, ҳаракатларимиз билан реал тажрибани кенгайтишишга интилишимиз керак.

Шундай қилиб, бир карашда оддийроқ туюлган идрок ҳам инсон билимлари, тушунувчанлиги ва фаоллиги билан боғлиқ психологик жараён бўлиб, у аслида шахсий тажрибанинг бирламчи асоси ва таянчи. Англанган ва шахс тажрибасига айланган маълумотлар яна бир муҳим психик жараён–хотирада ўз аксини топади.

Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги. Одам кўрган, ҳис

килган ва эшитган нарсаларининг жуда оз микдоринигина эслаб кола олади. Маълум бўлишича, бир вақтнинг ўзида одам онгида 7 тадан ортиқ белгига эга бўлган маълумотнинг қолиши кийин. Бу еттига сўз, сон, белги, нарсанинг шакли бўлиши мумкин. Агар телефон рақамлари 8 та белгили бўлганда, уни ёдда саклаш анча кийин бўларкан. Демак, онгнинг танловчанлиги ва маълумотларни саралаб, териб ишлатиши яна бир психик жараён – хотирани билишимиз лозимлигини билдиради. Хотира – бу тажрибага алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эсда саклаш, эсга тушириш ва унтиш билан боғлик мураккаб жараён. Хотира ҳар қандай тажрибага алоқадор маълумотларнинг онгимиздаги акси.

Одатда, биз бирор-бир материални ўқийдиган бўлсак, уни ҳеч бир ўзгаришсиз эслаб қолишига ҳаракат қиласмиш. Лекин ажабла-нарлиси шундаки, борган сари материал маълум ўзгаришларга дуч келиб, хотирада дастлабки пайтдагисидан бошқачароқ бўлиб сакланади. Баъзи материал ёки маълумот хоҳласак ҳам хотирадан ўчмайди, бошқасини эса хоҳласак ҳам керак пайтда ёдимизга туширолмаймиз. Бу каби саволлар инсон билиш жараёнларидаги энг мухим саволлар бўлиб, баъзан ўз тараккиётимиз ва камолотимизни ҳам ана шундай омилларга боғлагимиз келади.

Маълум бўлишича, инсон мияси ҳар қандай маълумотни саклаб қолади. Агар шу маълумот бирор сабаб билан одамга керак бўлмаса ёки ўзгармаса, у онгда табиий тарзда йўқолади. Лекин ҳар доим ҳам бизнинг профессионал фаолиятимиз манфаатларга мос маълумотларни эсда саклаш жуда зарур ва шунинг учун ҳам кўпчилик атайлаб хотира тарбияси билан шугулланадилар.

Инсон хотирасининг яхши бўлиши, яъни ҳис-кечинмалар, кўрган-кечирганлар мазмунининг тўлароқ мияда сакланиши куйидаги омилларга боғлик:

- эсда саклаб қолиш билан боғлик ҳаракатларнинг якунланганлик даражасига;
- шахснинг ўзи шуғулланаётган ишга нечоғлик кизикиш билдираётганилиги ва шу ишга мойиллигига;
- шахснинг бевосита фаолият мазмуни ва аҳамиятига муно-

сабатининг қандайлигига;

- шахснинг айни пайтдаги кайфиятига;
- иродавий кучи ва интилишларига.

Хотира жараёнлари шахс фаолиятидаги ютукларига боғлик бўлгани учун ҳам унинг табиати, қандай кечишига кўплаб олимлар аҳамият берганлар. Масалан, нима учун одам у ёки бу маълумотни хотирада саклайди, деган саволга турли олимлар турлича жавоб берадилар. Масалан, физиологлар унинг сабабини мияда ҳосил бўладиган асаб боғланишлари – ассоциациялар билан боғлашса, биокимёгарлар рибонуклеин кислота (РНК) ва бошقا биокимёвий ўзгаришлар оқибатида, деб тушунтирадилар.

Психологлар эса хотирани доимо инсон фаолияти, унинг шахс учун аҳамияти ва мотивлар характеристи билан боғлайдилар. Чунки шахснинг йўналганлигини, унинг хаётдаги мавқеи ва қобилияtlарининг ривожланганлик даражаси айнан хотираси мазмунига боғлик.

Умуман, хотира самарадорлиги эслаб колишнинг кўлами ва гезлиги, эсда саклашнинг давомийлиги, эсга туширишнинг аниклиги билан аникланади. Демак, одамлар ҳам айнан шу сифатларга кўра кўйидагича фарқланадилар:

- материални тезда эслаб қоладиганлар;
- материални узоқ вақт эсда сақлайдиганлар;
- истаган пайтда осонлик билан эсга туширадиганлар.

Баъзи одамларнинг хотирасига хос жиҳатларни тутма деб аташади. Тўғри, олий асаб тизими, унинг ўзига хос ишлаш хусусиятлари хотиранинг ўзига хос индивидуал услубини белгилashi мумкин. Лекин хаётда кўпинча шахснинг билиш жараёнлари ва сезги органларининг ишлаш қобилияtlарига боғлик тарзда ажralиб турадиган турлари ҳакида гапиришади. Масалан, айрим одамлар кўрган нарсаларини жуда яхши эслаб қоладилар. Демак, уларнинг хотираси кўргазмали – образли бўлиб, кўзи билан кўрмагунча, нарсанинг моҳиятини тушунмайди.

Бошқалар эса ўзича фикрлаб, номини айтиб, мавхум тарзда тасаввур килмагунча, эслаб қолиши кийин бўлади. Бундайлар сўз – мантиқий хотира вакиллари хисобланади. Яна бир турли одамлар бевосита ҳис килган, "юрагидан" ўтказган, унда би-

пор ёркин эмоционал образ қололган нарсаларни яхши эслаб коладилар, бу – эмоционал хотира. Лекин яна бир хотира эгалари борки, уларни феноменал хотира сохиблари деб аташади.

Психологияга оид китобларда ана шундай хотирага эга бўлган кишилар тўғрисида кўп ёзилган. Бу шундай кишиларки, улар бир вақтнинг ўзида нисбатан жуда катта хажмдаги маълумотларни эсда сақлай олади ва эсга туширади. Масалан, тарихий шахслар орасида Юлий Цезарь, Наполеон, Моцарт, Гаусс, шахмат устаси Алёхин каби инсонлар хотираси ана шундай ноёб бўлганилиги ҳакида маълумотлар бор.

Таникли рус нейропсихологи А. Р. Лурия ҳам ана шундай хотира сохибларидан биридир. У асли касби журналист бўлган Шерешевский деган шахс хотирасини атайлаб узоқ вақт мобайнида ўрганганди. Унинг хотираси шундай эдик, Дантенинг "Илоҳийлик комедияси"дан олинган узундан - узоқ парчани бир марта караб олгандан сўнг, 15 дақиқадан сўнг сўзма-сўз айтиб бера олган. Шуниси ҳарактерлики, комедия унга нотаниш бўлган итальян тилида ёзилган.

Кўпчиликни қандай қилиб, яхши, мустаҳкам эсда сақлаб қолиш муаммоси қизиктиrsa, Шерешевский учун қандай қилиб, унутиш масаласи мураккаб эди. Уни хотира образлари доимо қийнар, кўрган нарсалари кўз олдида гавдаланаверар эди. Қандай қилиб эслаб коласиз? деган саволга у шундай жавоб берган. Мен "материални" ўзимга таниш ва севимли бўлган Москва кўчаларига жойлаштираман. Бир марта бир материалнинг бир бўлаги ўша "кўчанинг" салқин тушган ерига тушиб қолиб, эсга тушириши анча қийин бўлган экан. Шунга ўхшаш ҳар бир феноменал хотира эгаларининг ўзига хос эслаб қолиш услублари бўлар экан.

Шотландиялик математик А.Эткин 1933 йили 25 та бир-бири билан боғланмаган сўзлардан иборат икки қаторни эслаб қолиб, хеч бир хатосиз уни 27 йилдан кейин эсга тушира олган. "Қилич ва қалқон" кинофильмидаги рус разведчиги И. Вайснинг нацистлар томонидан режалаштирилган йўқ килиниши лозим бўлган объектлар шифрлари билан кўрсатилган рўйхатини бир карра кўриб чикиб, бир неча дақиқадан сўнг эсга туширганини эсланг. У ҳам гўёки, кўриб тургандай ўша рўйхатларни қайта-

дан ўқигандай такрорлайди. Тарихда бундай кишилар бор ва улар бизнинг орамизда ҳам йўқ эмас. Мухими шундаки, ана шу феноменал хотирани шахс ва жамият манфаатига мос тарзда унумли ишлата билиш.

Эсда сақланган маълумотни хотирадан чиқариб олиб, қайта тиклаш ҳам муҳим муаммо. Чунки биз хотирамизда кечагина ўқиган ёки яқиндагина ўқитувчимиз айтиб берган маълумотнинг борлигини биламиз-у, лекин керакли вактда уни эсга тушира олмаймиз. Маълумотни хотирадан чакириб олиш омиллариға қўйидагилар киради:

Маъмуротнинг англанганлиги. Биз ўзимиз тўла англаган, тушунган нарсаларни осонроқ эсга туширамиз. Масалан, алиф-бони жуда осон эсга туширамиз ёки 1, 2, 3, 4 ва ҳоказо тартибли сонларни бир кўргандан сўнг у миллионгача бўлса ҳам эсга туширишимиз сирайм қийин эмас. Лекин шу сонлардан бор йўғи 7–8 таси тескари ёки аралаш тартибда ёзилган бўлса, уларни эсга тушириш анча мушкул бўлади. "Психология" ёзувини эсга тушириш жуда осон, лекин "плиохояслг" ҳарфлари тўплами айнан ўша ҳарфлардан иборат бўлса ҳам сира эсга тушира олмаймиз. Демак, материални яхшилаб эсда сақлаш ва эсга тушириш учун уни тушуниш ва англаш керак. Мазмуни ва мөхиятини тушунган ҳолда, иложи бўлса, ўзимиздаги қизикишларга боғлай олишимиз керак.

Кутилмаган маълумот. Кутилмаганда пайдо бўлган янги ва яхши маълумот ҳам эсга яхши тушади. Масалан, сонлар қаторида берилган битта ҳарф ёки аксинча, ҳарфлар орасидаги битга сон, узун жумлалар орасида пайдо бўлган қисқа жумла эсга тезроқ ва аниқроқ тушади. Бунинг оддий сабаби – биз кутилмаганда пайдо бўлган маълумот ёки нарсага ҳайратланамиз, жонли эмоциялар билан жавоб берамиз. Бу эса яхши эслаб қолишга ва керак бўлганда, ёркин тиклашга асос.

Маълумотнинг мазмун ёки шакл эсиҳатдан бир-бирига яқинлиги. Масалан, агар кўплаб бир-бирига боғлик бўлмаган сўзлар орасида "эркак" ва "аёл" сўзлари пайдо бўлган бўлса, бигтасининг эсга туширилиши иккинчисининг ҳам эсда тикланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўкув режасига киритилган барча фанлар шундай бирин-кетинликда бериладики, бирини ўзлаш-

тириш иккинчисининг ҳам ўзлаштирилишига, бир-бирини тўлдиришига хизмат килсин.

Эсда сақлаш вақти билан эсга тушириш вақти ўртасидаги фарқ. Одамда берилган маълумотни идрок қилиш ва шу орқали эсда сақлаш вақти қанчалик кўп бўлса, эсга тушириш ҳам шунчалик осон бўлади. Шунинг учун ҳам узок муддатли хотирада сақланадиган ахборот узок вакт мобайнида бир неча марта кайтариб берилади. Қисқа муддатлида эса бир марта, қисқа фурсатда берилади. Шу нарсанни эсга тушириш керак бўлганда, тикланмайди. Масалан, бирор матнни компьютерга киритиш учун ўртоғингизга бериб, кейин нималарни киритганини сўранг. Жавоб аниқ: "Эсимда йўқ". Яъни маълумотнинг умумий мазмуни ёдда қолса ҳам асосий тушунчалар ва можият эсда қолмайди.

Шундай қилиб, хотира фаол жараён бўлиб, у шахснинг у ёки бу маълумотлар билан ишлаш малакасига, унга муносабатига, материалнинг кимматини тасаввур қилишига бевосита боғлик. Энг характерли нарса шуки, инсон фақат эшитган маълумотнинг 10 фоизини, кўрган нарсанинг 50 фоизини, ўзи фаол бажарган ишларининг деярли 90 фоизини ёдда сақлайди. Бу кўплаб психологик экспериментларда исбот қилинган. Шахснинг ўзи ўйлаб топиб, ўзи бевосита бажарган ишлари жуда осон эсга тушади. Бу ҳодиса психологияда генерация эффекти деб аталади. Агар талаба ёки ўкувчи бирор теоремани мустакил равиша ўзи исбот қилган бўлса ёки бирор хулосага мустакил равиша келолган бўлса, уни хоҳлаган пайтда осонгина эсга туширади.

Шунинг учун ҳам охирги пайтларда ўқув жараёнида ўйин ва мунозара услубларидан кенг фойдаланилмокда. Ҳаттоқи, катталаарни қисқа фурсатда ўқитиш ва малакаларини оширишда ҳам турли хил амалий ўйинлардан, ижтимоий психологик тренинглардан фойдаланишнинг маъноси шунда: яхши ва тез эслаб қолиш ҳамда самарали эсга тушириш. Иктисолий ўкувларда турли хил "кейс стади"ларни таҳлил қилиш ва ўз нуктаи назари бўйича карорлар қабул қилиш ҳам мутахассислар малакасини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Шу ўринда хотиранинг саккиз қонунини эслаб таклиф этамиз:

1. *Англанганлик қонуни*. Оддий, лекин мукаммал қонун, яъни

берилган материални қанчалик чукур англасак, шунчалик уни мустаҳкам хотирада муҳрлаган бўламиз.

2. *Қизиқиши қонуни*. А.Франс "Билимларни яхши ҳазм килиш учун уни иштаҳа билан ютиш керак" деганда, албатта, материалга жонли кизиқиши билан муносабатда бўлишимиз ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда туттган.

3. *Илгариги билимлар қонуни*. Маълум мавзу юзасидан билимлар қанчалик кўп бўлса, янгисини эсда саклаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқиган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янгидан ўқиётгандай хис килсангиз ёки сиз илгариги тажрибангиз етишмаганилигидан уни яхши ўзлаштира олмаганилигингизни хис килишингиз мумкин. Демак, эски билимлар хам тажрибага айлангандагина, янгиларига замин бўла олади.

4. Эслаб қолишига тайёрлик қонуни. Бирор материални эслаб қолищдан аввал, бўлгуси аклий ишга қандай хозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб коласиз. Масалан, физика ўқитувчининг барча дарслари сизга доимо маъкул бўлган бўлса, "Бугун хам янги нарса ўрганиб чиқаман", деб ўзингизни ишонтирасиз ва натижа яхши бўлади. Ёки вактга нисбатан тайёрлик хам шундай. "Бир амаллаб имтиҳон топширсам, кейин кутуламан", деб дарсга тайёрланган бўлсангиз, имтиҳон тугагач, гўёки миянгизни бирор "ювиб кўйгандай" тасаввур ҳосил бўлади. Агар материални мутахассис бўлишим учун жуда керак, деб умрингиз охиригача муҳимлигини англасангиз, у нарса хотирада узоқ йиллар сакланади.

5. *Ассоциациялар қонуни*. Бу қонун ҳакида эрамиздан аввал Арасту хам ёзган. Қонуннинг моҳияти шундайки, бир вактда шаклланган тасаввурлар хотирада хам ёнма-ён бўлади. Масалан, айни конкрет хона ўша ерда рўй берган ҳодисаларни хам эслатади.

6. *Бирин-кетинлик қонуни*. Ҳарфларни алифбодаги тартибда ёддан айтиш осон, уни тескарисига айтиш қийин бўлганидек, хотирада хам маълумотларни маълум тартибда жойлаштиришга ва қерак бўлганда, тартиб билан бирин-кетин тиклаш максадга мувофик.

7. *Кучли таассуротлар қонуни*. Эслаб қолинадиган нарса тўғрисидаги биринчи таассурот қанчалик кучли бўлса, унга

алоқадор образ ҳам шунчалик ёркин бўлади. Бундан ташкари, сиз учун ахамиятли ва жозибали маълумотлар оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга туширилади.

8. *Тормозланиш қонуни*. Ҳар қандай муайян маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Шунинг учун унинг ўчиб кетмаслиги учун янгисини эсда саклашдан аввал мустаҳкамлаш чораларини кўришингиз керак.

Демак, яхши ва кучли билимларга эга бўлиш учун ҳар бир фаннинг мавзуларини ўзига хос тарзда ёктира олиш ҳамда хотирада саклаш услубларини ишлаб чиқишингиз керак. Лекин математика фанидан кейин физикани, тарихдан кейин адабиёт фанини, шеър ёдлашни уйку олдидан амалга оширмасликни маслаҳат берамиз. Идрок ва хотира жараёнларининг самара-дорлиги яна бир мухим психик жараёнга боғликки, у онгни у ёки бу идрок қилинадиган ва эслаб қолинадиган обьект ёхуд предметга йўналтириб туради. Бу психик жараённи психологияда дикқат деб аташади.

Таянч сўз иборалари

Перцепция, идрок, хотира, ассоциация, константлик, дикқат, париционхотирлик.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Идрок ва бошқа билиш жараёнларинимадан иборат? Сезги ва идрок нима?
2. Идрокнинг турлари ва намоён бўлиши нимадан иборат?
3. Идрок қонунлари ва уларни бошқариш нимадан иборат?
4. Хотира ва унинг инсон ҳаётидаги роли нимадан иборат?
5. Хотира жараёнлари: эсда саклаш, эсга тушириш ва эслаб қолиш нима?
6. Хотирани ўстириш ва тарбиялаш қонунларини қандай тушунтирасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Брунер Д.С. Психология познания. – М., 1977.
2. Вергеймер М. Продуктивное мышление. – М., 1987.
3. Виготский Л.С. Развитые высшие психических функций. – М., 1960.
4. Грановская Р.М. Элементы практической психологии. – СПб, 1997.
5. Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. – М., 1998.
6. Емельянов Ю.Н. Активное социально-психологическое обучение. – Л., 1985.
7. Немов Р.С. Психология. – Кн. Общие основы психологии. – М., 1994.
8. Психология. Учебник. Под ред. А.Крилова, – М., 1998.
9. Практическая психодиагностика. Методики и тесты. – М., 1999.
10. Рогов Е.И. Настольная книга практического психолога в образования. – М., 1996.
11. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – М., 1998.

6-мавзу. Щахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика килиш

1. Индивидуал-типологик хусусиятлар таснифи.
2. Шахс иктидори ва қобилиятлари диагностикаси.
3. Қобилиятлардаги тұрға ва ортирилган сифатлар.
4. Қобилиятларнинг психологик түзилиши.
5. Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари.
6. Характер ва шахс.

Индивидуал-типологик хусусиятлар таснифи. Дунёда айнан бир-бирига ўхшащ бўлган икки кишини топиш жуда мушкул Одам ташқи қиёфаси, бўй-басти билан бошқа бирор кимсага ўхшали мумкин, лекин феъли, мижози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуткай назаридан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. Ҳаттодки, олимлар битта тухумда ривожланган эгизакларда

хам жуда кўп жихатдан айнан ўҳшашликни қайд килишган, шахсий сифатларидаги корреляцияда эса баъзи тафовутлар аникланган.

Шахс – қайтарилимас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёб. Ана шу қайтарилимаслик ва ноёблик асосида унинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Шу ўринда биз юкорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма-ён ишлатиладиган яна икки тушунчага изоҳ беришни ўринли деб хисоблаймиз. Бу "индивид" ва "индивидуаллик" тушунчалари. "Индивид" тушунчаси умуман, "одам" деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлади ва уни, бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзига ва ўзига ўҳшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни камраб олади. Демак, индивид инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий категория.

"Индивидуаллик" – юкоридаги иккала тушунчага нисбатан торрок тушунча бўлиб, у конкрет одамни бошқа бир конкрет одамдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан шахс тизимини таҳлил кила-диган бўлсак, шахс индивидуаллигига унинг қобилияtlари, темпераменти, характери, иродавий сифатлари, эмоциялари, хулқига хос мотивация ва ижтимоий кўрсатмалар киради. Айнан шу қайд этиб ўтилган категориялар шахсдаги индивидуалликни таъминловчи категориялар. Унинг маъноси шундаки, бўйи, эни, ёши, сочининг ранги, кўз қарашлари, бармок характерлари ва шунга ўҳшаш сифатлари бир хил бўлган инсонларни топиш мумкин. Лекин характери, қобилияtlари, темпераменти, фаолият мотивацияси ва бошқаларга алокадор сифатлари мажмуи бир хил бўлган одамни топиб бўлмайди. Улар индивидуал.

Қобилияtlар – шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсатгичлари, ютуклари ва кийинчиликлари сабабларини тушунтириб беради.

Темперамент – инсоннинг турли вазиятларда нарса, ходиса, холатлар ва хатти-харакатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлар мажмуи.

Характер – шахснинг алоҳида инсон ва инсонлар гурӯҳининг ўз-ўзига нисбатан муносабатларидан орттирадиган сифатларини ўз ичига олади.

Иродавий сифатлар – ҳар биримизнинг олдимииздаги максад учун эришиш йўлидаги кийинчиликларни енгизишмизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

Эмоциялар ва мотивация – атрофимизда содир бўлаётган ходисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг хатти-харататларини руҳан қандай қабул қилиб, уларга биладиган хиссий муносабатларимизни билувчи сифатларимиз бўлиб, улар айни вазиятлардаги реал ҳолатимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чикади.

Демак, иидивидуал сифатлар онгли ҳаётимизнинг ажралмас кисми, идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимз йўналтирилган муҳим предмет экан. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга бевосита алоқадор. Кимdir жуда чаккон, тез иш килади, лекин сифатсиз. Кимdir жуда яхши, койилмақом иш килади, лекин жуда секин, кимdir ишга юзаки қараб, номига уни бажаради. Бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат келтиради. Шунинг учун ҳам иидивидуалликнинг фаолият ва мулокотдаги самарасини инобаттга олиб, энг муҳим иидивидуал-психологик хусусиятларни алоҳида ўрганамиз.

Шахс иктидори ва қобилиятлари диагностикаси. Одамларнинг ўкув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда, қобилиятлар ва иктидор масаласига мурожаат қиласи. Чунки қобилиятли одамдан, аввало, жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилиятлар муаммоси, энг аввало, инсон ақл-заковатининг сифати, кўникма ва малакаларининг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айникса, бирор касбнинг згаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишининг кафолатланганида. Ҳар бир нормал одам ўзининг ақлии бўлишини хоҳлайди, "Мен ақллиман" демаса-да, килган барча ишлари, гапирган гали, юритган

мuloҳазаси билан одамлар уни мақташларини хоҳлайди. "Аклсиз, нодон" деган сифат эса ҳар қандай одамни, ҳаттоғи, ёш болани ҳам хафа қилади. Яна шу нарса характерлики, айниқса, Шарқ ҳалқларида бирор кимсага нисбатан "ўта аклли" ёки "ўта нодон" иборалари ҳам ишлатилмайди. Биз бу хусусиятларни ўртача таснифлар доирасида ишлатамиз: "фалончининг ўғли анчагина аклли бўлибди, наригининг фарзанди эса бир оз нодон бўлиб, ота-онасини куйдираётган эмиш" деган иборалар аслида "акллилик" категорияси инсоннинг юрагига якин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илм-фандаги анъаналар шундайки, акл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқикотлар обьекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини анилашга, ишончли услубиётлар яратиб, ҳар бир кишининг аклий сифатига алоқадор бўлган кўрсатгични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), миқдорий (сонларда ифодалана-диган), фазовий кўрсатгичларни аниқлаб, уларга яна хотира ва хаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам кўшганлар.

Ч.Спирмен факториал тахлил услуби ёрдамида юкорида санаб ўтилган кўрсатгичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг, ҳақиқатан ҳам, мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж. Гильфорд эса ақлни бир қатор аклий операциялар (тахлил, синтез, таккослаш; мавхумлаштириш, умумлаштириш, тизимга солиш, тасниф қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар акл сўзидан кўра, интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснингини қобилияти, деб аташ мумкин.

Интеллектуал потенциал эса, бир томондан, ҳаётдаги барча жараёнларга, иккинчи томондан, шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган. Унинг аҳамияти шундаки, у бор-

ликни ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Шу ўринда "интеллект" сўзининг лугавий маъносини тушуниб олайлик. Интеллект – лотинча сўз – intellectus – тушуниш, билиш ва intellectum – ақл сўзлари негизидан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл-идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Дарҳакиқат, қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташки мухит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Буни биз бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриб, хис килиб турибмиз. Янги авлод вакиллари – келажагини XXI аср билан боғлаган ўғил-қизларнинг интеллект даражалари уларнинг ота-боболариникидан анча юкори.

Хозирги болалар компьютер техникасидан тортиб, техниканинг барча турларини жуда тез ўзлаштириб олмоқда. Жаҳон тилларидан бир нечтасини билиш кўпчилик учун муаммо бўлмай қолди. Минглаб топшириклардан иборат тестларни ҳам ёшлар ўзлаштиришда кийналмаяптилар. Қолаверса, оила мухитининг ақл ўсишига таъсирини ҳамма билса керак. Агар бола оиласда илк ёшлигидан маърифий мухитда тарбияланса, унинг дунёкараши кенг, хоҳлаган соҳа предметларидан бериладиган материалларни тез ва қийинчиликсиз ўзлаштира олади. Ҳаттоқи, бундай болаларга олий таълим муассасасида бериладиган айрим фанлар мазмуни ҳам тушунарли, улар янада мураккаброқ масалаларни ечишни хоҳлайдилар.

Қобилиятлардаги түфма ва орттирилган сифатлар. Баъзан ўта иктидорли ва қобилиятли бола ҳакида гап кетса, ундаги бу сифат түфма эканлигига ишора қилишади. Истеъодли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳакида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман, қобилиятларнинг түфма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар дикқат марказида бўлган муаммолардан. Психологияда түфмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар лаёкатлар деб юритилади ва унинг икки хили фарқланади: табиий лаёкат ва ижтимоий лаёкат. Биринчиси одамдаги түфма хусусиятлардан – олий асаб тизими фаолиятининг хусусиятлари, мия ярим шарларининг қандай ишлаши, кўл-оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини

таъминловчи сезги органлари – кўз, қулок, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота-онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёкат – бола туғилиши билан уни ўраган мухит, мулоқот услублари, сўзлашиб маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар (улар ота-она томонидан яратилади). Лаёқатлилик белгиси – бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёкат мухитини тайёрича қабул қиласди.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан бири шуки, ана шу икки хил лаёкат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди, дейлик. Унда рассомчиллик учун тугма, генетик белгилар отаси томонидан берилган бўлсин. Лекин боланинг онаси фарзандининг рассом бўлишини хоҳламаслиги, ўзига ўхшаш кўшиқчи бўлишини хоҳлаши мумкин. Аёл болани ёшлиқдан факат мусика мухитида тарбиялайди.

Табиий лаёқатнинг ривожи учун ижтимоий лаёкат мухити йўқ, ижтимоий лаёкат ўсиши учун эса табиий, тугма лаёкат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай истеъодд намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусикачи ёки кўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиядаги тугма, орт-тирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшлиқдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт-шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, кўникма ва малакаларни ўстириш борасида ҳаракат кильмаса, энг кучли тугма лаёкат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг истеъодли, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффакиятлари тагида ҳам кисман лаёкат ва тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиийки, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вактида тўғри аниклай олишмагани сабабли у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зехнни илк ёшлиқдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, "юраги чоп-

ган" иш билан шуғулланса ва ундан қоникиш олиб, қобилияти ни ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни иктидорли деймиз. Иктидор-инсоннинг ўз хатти-харакатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабати. Иктидорли одам гениал ёки истеъодли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзи шуғулланаётган ишни бажонидил, сидқидилдан бажаради. У ана шундай харакатлари билан баъзи ўта истеъодли, лекин кам ҳаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иктидорли инсонда истеъод сохиби бўлиш имконияти бор.

Зеро, истеъод – ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва тақрорланмас қобилият. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгис ва иродаси, бутун имкониятларини сафарбар килиш натижасида кўлга киритилади.

Қобилиятларнинг психологоик тузилиши. Қобилиятлар, энг аввало, бор умумий ва маҳсус турларга бўлинади. Ҳар бирининг ўз психологоик тизими ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмууки, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффакиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий таълим муассасасининг талабаси ҳам ижтимоий-гуманитар, ҳам аник фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоклик, чидам, қизикувчанлик каби катор сифатлар ёрдам беради.

Маҳсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсатгичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бухгалтерлик хисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос маҳсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

Ҳар бир қобилият ўзининг тизимиға эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибиға умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мав-

хум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Адабий қобилияларга улардан фарқли, ижодий хаёл ва тафаккур, хотирадаги ёркин ва кўргазмали образлар, эстетик ҳислар, тилни мукаммал билишга лаёкат; педагогик қобилияларга эса педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгalarга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хусусиятлар киради. Худди шунга ўхшаш қолган барча қобилияларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Қобилиялар ва қизиқишилар диагностикаси. Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёкат куртакларини илк ёшлиқдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиялари йўналишини очиб бериш. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилияларни диагностика килиш услублари ишлаб чикиланган ва улар амалиётда муваффакиятли кўлланилмокда.

Қобилияларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига келиб, изчил ҳал килина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиялар ва иқтидорни ўрганиш учун маҳсус тестлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириклар тизими тобора қийинлашиб борувчи тестлар – топшириклар батареясидан иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машҳур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектуал жараёнларнинг кечиши тезлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муаллифлар секин ишлаш қобилиятызлик белгиси эмас деб, бошқачароқ услубларни ўйлаб топганлар. Кўпчилик олимлар масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони бу шахс ютукларини ва унинг қобилиятидаги ўзаришларни бевосита фаолият жараёнида қайд этиш. Рус олими Е.А. Юшмов ёшлар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва касб-хунар соҳаларини асос қилиб олиб, услубиёт яратди ва уни "Профессионал диагностик сўров

6-жадвал

1	Хайвонларни парвариш килиш	ёки 16	Машина ва ускуналарга қараң
2а	Касал одамларга ёрдам бериш, уларға қараң	ёки 26	Жадвал, схема учун дастурлар түзиш
3а	Китоблар, расм ва плакатлар сифатини назорат килиш	ёки 36	Үсімліктер холати ва ривожини күзатиш, парварыш килиш
4а	Материалдарни қайта ишлеш (ёғоң, мато, металл, пластмасса)	ёки 46	Товарларни харидорға етказиш (реклама, сотиши)
5а	Илмий-оммабоп китобларни муҳокама қилиш	ёки 56	Бадий асар (пьеса, концертлар) ни муҳокама қилиш
6а	Хайвон болаларини парварыш килиш	ёки 66	Малакаларни орттириш борасыда ўртоқлар, кичик ёшлиларни машқ күлдіриш
7а	Расм ва тасвирлардан нұсха күчириш (ёки мусика асбобини түзатиш)	ёки 76	Юк күтәрүчі воситаны (кран, трактор, тепловоз) бошқариш
8а	Одамларға зарур маълумот етказиш (маълумотлар бюроси, экскурсија)	ёки 86	Күргазма, витриналарни жихозлаш, пьеса ёки концертлар тайёрлаш
9а	Нарсалар, маҳсулотлар, (күйим, техника) уйларни таъмирлаш	ёки 96	Матн, жадвал, расмдаги хатоларни түғрилаш
10а	Хайвонларни даволаш	ёки 106	Ҳисоб-китоблар килиш
11а	Экинларнинг янги нағини яратиш	ёки 116	Янги санорат маҳсулотларини лойихалаш, конструкция қилиш
12а	Одамлар ўртасидаги баҳс, торғышувларда қатнашиш, уларни ишонтириш, түшүнтириш	ёки 126	Чизмалар, схема ва жадвалларни таҳлил қилиш (текшириш, аниклаш, түғрилаш)

13a	Бадиий хаваскорлик түгарағи ишида қатнашиш	ёки 136	Микроблар ҳәётини кузатиш ва ўрганиш
14a	Тиббиёт асбоб - ускуналарига хизмат күрсатиш	ёки 146	Одамларга тиббий ёрдам күрсатиш
15a	Кузатган ҳодиса, воқеалар түгрисида тафсилот ёзиш	ёки 156	Воқеаларни бадиий бүёкларда акс эттириш
16a	Касалхонада лаборатория тахлилини ўтказиш	ёки 166	Касалларни қабул килиш, улар билан сұхбатлашиш, ташис қўйиш
17a	Буюмлар ёки деворларни бўяш, расмлар солиши	ёки 176	Биноларни монтаж килиш, машина ҳамда ускуналарни йигиши
18a	Тенгқурлар ёки кичик болалар билан саёҳатлар уюнтириш	ёки 186	Саҳнада ўйнаш, концертларда иштирок этиш
19a	Чизмага қараб машина, кийимларни тайёрлаш, уй қуриш	ёки 196	Чизмачилик, чизмалар, хариталардан нусха кўчириш
20a	Ўсимликлар, бор ва ўрмон ҳашаротларига карши курашиш	ёки 206	Клавишили машиналарда ишлаш (ёзув машинкаси, телетайп, терув машинаси)

Дифференциал-диагностик сўровнома

П	Т	Ч	З	Х	П	Т	Ч	З	Х
1a	16	2a	26	3a	Иа	116	12a	126	13a
36	4a	46	5a	56	136	14a	146	15a	156
6a		66		7a	16a		166		17a
	76	8a		86		176	18a		186
		9a		96		19a		196	
10a				106		20a			206

Ушбу сўровномага жавоб варажаси ҳам илова қилинади.
ДДС нинг жавоб вараж

нома" деб атади. Шундай қилиб, у барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳаларига кўра 5 тоифага бўлди:

П (Т) – табиат (ўсимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар);

Т – техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари);

Ч (О) – одам (одамлар гурухи, жамоалар);

З (Б) – белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар);

Х (И) – бадиий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусика).

Сўровнома турли касбларга мойилликни аниклади. Унга 20 жуфт савол киритилган бўлиб, текширилувчи маҳсус жавоб ва рақасида қай даражада у ёки бу машғулот тури билан шуғулланишга мойиллигини белгилаши керак. Чунончи, ўша иш унга жуда ёқса – 3 та "плюс", ёқса – 2 та ва сал ёқса – 1 та плюс кўяди. Ёқмаса, мос ҳолда 3 та, 2 та ва 1 та "минус" белгиси кўйиши керак. Куйида сўровномани келтирамиз.

Юқорида тавсия этилган сўровнома аслида шахснинг у ёки бу машғулотлар турига кизикишини аниклаш орқали унда ривожлантирилиши лозим бўлган кўнишка ва малакаларни аниклаб олишга ёрдам беради. Чунки профессионал маҳорат факат билим, юксак малака ва тинимсиз меҳнат ҳисобига ривожланшишини унутмаслик керак.

Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари. Шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳакида гап кетганда, уларнинг түфма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Чунки, бир томондан, шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан, биологик яхлитлик, түфма сифатларни ўз ичига олган субстрат – индивид ҳам. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўз ичига олади. Бу сифатларнинг аҳамияти шундаки, улар шахсада онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклланадиган бошқа хусусиятларга асос бўлади.

Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакани бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва дина-

миклигини таъминлайди. Шу нуқтаи назардан караганда темперамент – шахс фаолияти ва хулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал-ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуи.

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлик бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг аниқ вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Масалан, инсон турли вазиятларда ўзини турлича тутади: олий таълим муассасаларида талабалар сафига қабул қилинганлиги тўғрисидаги ахборотни эшитган боланинг ўзини тутиши ёки ҳаётнинг оғир синовлари (яқин кишининг ўлеми, ишдан ҳайдалиш, дўстнинг хоинлиги каби) пайтида одам беихтиёр намоён қиласидаги реакциялари унинг хусусиятларидан келиб чиқади. Шунинг учун иккала вазиятни ҳам ким оғир-босиклик билан, бошқаси эса ўзини йўқотгудек даражада ҳис-ҳаяжон билан бошидан кечиради.

Шу боис темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий мухитда ўзига хос мавқеини эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт кийинчиликларини сабр-бардош билан кўтарадиган инсонни одамлар орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз-ўзига нисбатан хурматини оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётий воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гурӯҳларни "яхши-ёмон", "аҳамиятли-аҳамиятсиз" мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни темперамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан "сезгирлигини" тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб мала-касининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темпераментал хусусиятлар аслида түфма хисобланса-да, шахсга бевосита алоқадор ва англанадиган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам түғилган ҷоғида сангвиникка ўхшаш ҳаракатлар намоён қилган болани умрининг охиригача факат шундайлигича қолади, деб бўлмай-

7-жадвал

Мувозанатлашган	мувозанатсиз	инерт	кучсиз
сангвиник	холерик	флегматик	меланхолик
ТЕМПЕРАМЕНТ			

Демак, ҳар бир темперамент хусусиятларини ва унинг шахс тизимига алоқасини билиш ҳамда шунга яраша хулосалар чиқариш керак.

Академик И. Павлов темперамент хусусиятларини белгилаб берувчи уч олий асаб тизими хоссаларини ажратган эди:

– кун, яъни асаб тизимининг кучли қўзғатувчилар таъсирига бардоши, шунга кўра одамлардаги меҳнатта яроқлилик, чидам каби сифатларнинг намоён бўлиши;

– мувозанатлашганлик, яъни асабдаги тормозланиш ва қўзғалиш жараёнларининг ўзаро мутаносиблиги, шунга кўра ўзини тута олиш, босиклик каби сифатлар ва уларга тескари сифатларнинг намоён бўлиши;

– ҳаракатчанлик, яъни қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларидаги ўзаро алмашиниш жараёнининг тезлиги ҳамда ҳаракатчанлиги маъносида.

Куйидаги расмда асаб жараёнлари билан темперамент турлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида акс эттирилган.

АСАБ ТИЗИМИ ТИПЛАРИ

Шундай килиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўкиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мостарзда ташкил этишга хизмат киласи. Асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятлармизни ҳам умуман, ўзгармас деб айттолмаймиз, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам охирги йилларда ўtkазилаёттан тадқикотларда шахс тизимида шундай маъкул, "хаётий кўрсатгичли" хусусиятлар тизими ўрганилмоқда ва унда темпераментга алоқадор сифат-

лар назарда тутилмокда. Масалан, В. С. Мерлин темперамент-нинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилган. Унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиклик, эмоционал тетиклик, хиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, кайфиятнинг турғунлиги, беҳаловатлилик, ишчанлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия ва интроверсия хоссалари ётади ва уларни ўзгартириш ҳамда шу орқали темпераментни бошқариш мумкин.

Шулардан келиб чиқсан ҳолда, шахснинг меҳнат килиш услубини танлаш ва профессионал маҳоратни ўстиришда айни шуларга эътибор бериш керак. Масалан, баъзилар холерикларга ўхшаш кизиккон, тезкор бўлишади. Унинг меҳнат жараёнидаги ишини кузатадиган бўлсақ, фаоллик, ишни тез бажаришга лаёқат ижобий бўлса, унинг сифати, чала ташлаб кетиш хавфи, баъзи томонларига юзаки қараши кишини ўйлантиради. Шу нұктай назардан олиб қаралганда, ҳаётда соф темперамент бўлмайди. У ёки бу темперамент тури яхши эмас.

Ҳар бир турнинг ўзига хос нозик, кучсиз томонлари ва шу билан бирга кучли, ижобий томонлари бўлади.

Характер ва шахс. Кундалик ҳаётимизда "характер" сўзи кўп ишлатиладиган сўзлардан. Уни биз доимо бирорларга баҳо бермокчи бўлсақ, ишлатамиз. Бу сўзномг маъносини олимлар "босилган тамға" деб ҳам изоҳлашади. Тамғалик аломатлари нимада ифодаланади ўзи?

Характер – шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуики, улар унинг борликка, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз-ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, "муносабат" тушунчаси характерни тушунтиришда асосий хисобланади. Б. Ф. Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, В. С. Мерлин уларнинг мазмунида икки компонентни ажаратади:

а) эмоционал-когнитив – борлық мұхиттің түрли томонла-
рини шахс қандай эмоционал ҳис қилиши ва үзида шу олам-
нинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) мотивацыйон-иродавий – маълум ҳаракатлар ва хулкни
амалга оширишга ундоччи күчлар. Демак, бизнинг маълум маъ-
но ва мазмун касб этган муносабатларимиз бўлиб, уларнинг ҳар
бирида бизнинг ҳиссий кечинмаларимиз акс этади ҳамда ҳарак-
теримиз намоён бўлади.

Машхур рус олимни, психология фани методологиясини ярат-
ган С.Л.Рубинштейн шахснинг үзига хослиги ва методологик
тизимда учта асосий тузилмани ажратган эди:

1. Муносабатлар ва йўналиш шахсдаги асосий кўринишлар
сифатида – бу шахснинг ҳётдан нима кутиши ва нимани хо-
лаши.

2. Қобилиятлар ана шу тилак-истакларни амалга ошириш
имконияти сифатида – бу одамнинг нималарга кодир эканлиги.

3. Ҳарактер имкониятларидан фойдаланиш, уларни кенгай-
тиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу
одамнииг ким эканлиги.

Бу нұқтаи назардан қаралғанда ҳарактер шахснинг танаси,
борлиги, конституцияси. Ҳарактернинг бошқа индивидуал пси-
хологик хусусиятлардан фарқи шуки, бу хусусиятлар анча ўзга-
рувчан, динамик ортирилган. Шунинг учун ҳам мактабдаги
таълимдан олий таълим мұассасаларидаги таълимга ўтиш факт-
тинг үзи ўспиринда маълум ва мухим ўзгаришларни келти-
риб чиқаради.

Умуман, аниқ шахс мисолида олиб қарайдигаи бўлсак, ҳар
бир алоҳида обьектлар, нарсалар, ҳодисаларга мос тарзда ха-
рактернинг тури, кирралари намоён бўлишининг гувохи бўли-
шимиз мумкин. Масалан, уйда (кatta ёшли ота-оналар олдида ўта босик, қўни-
кувчан, ҳар қандай буюрилган ишни эътиrozсиз бажарадиган
киши, ўз касбдошлари орасида доимо ўз нұқтаи назарига эга
бўлган, гапга чечан, керак бўлса, қайсар, дадил, кўчада жамо-
атчилик жойларида бегам, лоқайд, бирор билан иши йўқ киши-
дай туюлиши, үзига нисбатан эса ўта талабчан, лекин эгоист,

ўз-ўзига баҳоси юқори бўлиши мумкин. Демак, характернинг психологик тазимини таҳлил киласиган бўлсак, унинг борликдаги объектлар ва предметли фаолиятга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофик. Шунинг учун ҳам психологияда характернинг куйидаги тизими эътироф этилади:

1. Мехнат фаолиятида намоён бўладиган хулк-автор хусусиятлар – меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёкат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик ва бошқалар.

2. Инсонпарварга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган сифатлар – одобилик, меҳрибонлик, жонсараклик, дилгирилик, мулоқотга киришувчанлик, альтруизм, ғамхўрлик, раҳм-шафқат ва бошқалар.

3. Ўз-ўзига муносабатга алоқадор характерга оид сифатлар – камтарлик, камсуқумлик, магрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз-ўзини танқид, ибо, шарму ҳаё, манмансираш ва бошқалар.

4. Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар тартиблилик, оқиллик, саранжом-саришталик, кўли очиқлик, зикналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган сифатлар аслида шахснинг хаётдаги йўналишларидан келиб чиқади. Чунки йўналиш – одамнинг борликка нисбатан танловчан муносабатининг акс этиши. Бундай йўналиш турли шаклларда намоён бўлади: дикқатлилик, кизикувчанлик, идеаллар, маслаклар ва хиссиятларда.

Характер – тарихий тушунича. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий давр ўз кишиларини, ўз авлодини тарбиялайди ва бу тафовут одамлардаги хулк-автор хусусиятларида ўз аксини топади. Масалан, ўтган аср ўзбекларнинг, мустақиллик йилларида яшаётган ўзбеклар психологиясидан фарқи, энг аввало, уларнинг характерга оид сифатларида акс этади: улар янада зуккорок, иродалироқ, маърифатли ва маънавиятлироқ. Мамлакатимизда ҳозирги кунда амалга оширилаётган сайди-харакатлар янги аср авлодининг рухан ва жисмонан соғлом бўлишига замин яратмокда.

Характер хусусиятларининг нималарда намоён бўлиши,

уларнинг белгилари масаласи ҳам амалий жихатдан мухим.

Энг аввало, характер инсоннинг хатти-харакатлари ва амалларида намоён бўлади. Одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган харакатлари унинг ким эканлигидан дарак беради.

Нуткнинг хусусиятлари (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиклиги, эмоционал бой ёки жонсиз) ҳам характернинг йўналишини белгилайди.

Ташки киёфа – юзининг очик ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жохиллиги, қадам босишлари – тез ёки босик, майда қадам ёки салобатли туриши, викорли ёки камтарона – буларнинг хаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгилари.

Бундан ташқари, илм оламида жуда кўплаб уринишлар бўлган. Уларда одамнинг турли табиий, тугма хусусиятларига характерни боғлашга уринишлар бўлган. Масалан, физиономика одам юз кирралари ва уларнинг бир-бирига нисбати оркали хиромантия – кўл бармоқлари ҳамда кафтдаги чизиқлар оркали, кўз ранги, қараашлар, соч ва унинг хусусиятлари оркали ўрганишга харакат қилинган. Жуда катта шов-шувга эга бўлган Ч.Ломброзо, Э.Крэчмер, У.Шелдонларнинг конституцион назариялари шахс характерини унинг ташки кўриниши, тана тузилиши билан боғлаб тушунтиришга уринган. Бу назариялар қаттиқ танқидга учраган, лекин келтирилган материал, корреляцион таҳлиллар маълум жихатдан индивидуал хусусиятлардаги тугма, мавжуд сифатлар билан характерга оид сифатлар ўртасидаги боғлиқлик борлигини исбот қилолгани учун ҳам бу назариялар шу вактгача ўрганилади.

Лекин характер ва унинг ривожланиши, намоён бўлиши учун умумий конуният шуки, у ташки мухит таъсирида, турли хил муносабатлар тизимида шаклланади ва шароитлар ўзгариши билан ўзгаради. Ҳар бир касб-хунар ўзининг талаблари мажмуи – профессиограммасига эгаки, у шу касб билан шуғулланётганлардан ўзига хос психологик кирралар ва хоссалар бўлишини тақозо этади (психометрия). Шунинг учун ҳам шифокор, ўқитувчи, мұхандис, ҳарбий, артист ва бошқаларнинг професионал сифатлари ҳақида алоҳида гапирилади. Ана шу касб

соҳиблари, уларнинг иш мобайнида кўрсатадиган индивидуаллиги ичida эса характерга оид ўзига хослик катта аҳамиятга эга ва буни нафақат шахснинг ўзи, балки уни ўраб турган бошкалар ҳам яхши билишлари керак.

Характер хусусиятлари ўзгарувчан бўлишига қарамай, ҳар бир шахс ва яхлит миллат ўзига хослигини ифодаловчи шундай баркарор сифатлар бўладики, улар йиллар, ҳаттоқи, асрларга ҳам дош беради. Масалан, бу миллий характерга тааллукли. Ўзбеклар характерида асрлар давомида сақланиб келаётган самимийлик, меҳмоннавозлик, ибо, шарм-ҳаё, такаллуф, камтарлик, меҳнатсеварлик каби қатор сифатлар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бу сифатлар ҳалқ маънавиятининг қадриятларига айланниб колган ва ўзбекнинг ўзлигини намоён этувчи баркарор хусусиятлар.

Таянч сўз иборалари

Индивидуаллик, қобилият, темперамент, характер, иродавий сифатлар, эмоциялар, иқтидор, истеъдод, сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Қобилияtlар ва уларнинг профессионал фаолият билан боғлиқлиги нимадан иборат?
2. Қобилияtlар, лаёқат ва иқтидор масалаларини қандай тушунасиз?
3. Инсон қобилияtlарини ривожлантириш шарт-шароитларини қандай тушунасиз?
4. Темперамент ва унинг турлари нимадан иборат?
5. Темперамент ва фаолият самарадорлиги масаласини қандай тушунасиз?
6. Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал услубини қандай тушунасиз?
7. Темперамент ва шахс: түгма ва орттирилган сифатларни қандай тушунасиз?
8. Характер ва шахсдаги баркарор сифатлар тушунчаси нимадан иборат?

9. Характернинг психологик структураси қандай тузилган?
10. Характер типологияси нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. –Т., 1998.
2. Гамезо М.В., Домашенко И.А. Атлас по психологии. – М., 1986.
3. Мерлин В.С. Структура личности. Характер, способности, самосознание. Пермь, 1990.
4. Мерлин В.С. Очерк интегрального исследования индивидуальности. – М., 1986.
5. Немов Р.С. Психология. В 2-х кн. Кн.1. – М., 1998.
6. Практическая психодиагностика. Методики и тесты. – М., 1999.
7. Психология. Учебник. Под ред. А.Крилова. – М., 1998.

7-мавзуу. Шахс тараккиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари. Ўспириинлик ва етуклик даврлари психологияси

1. Шахс тараккиётидаги ижтимоий ва генотипик омиллар.
2. Шахс тараккиётини даврларга бўлиш.
3. Ўсмирилик ва ўспириинлик даврларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги.
4. Ёшлардаги аттракция ва юксак ҳис-туйгулар.

Шахс тараккиётидаги ижтимоий ва генотипик омиллар. Шахс индивидуал тараккиётининг муҳим омилларидан яна бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятлари. Чунки тараккиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характеристи, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказади.

Ёш тараккиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам микдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларини ана шу иккала кўрсаткич нутқи назаридан ўрганиши ва шахс хулқини бошқариш ҳамда тъсири кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман, психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараккиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд.

Ҳар бир босқичда шахснинг бирор-бир хусусияти ўзининг етуклиқ фазасига эришади. Масалан, оламни сенсор жиҳатдан билишнинг етуклиқ фазаси 18 – 25 ёшларда (Лазарев маълумотларига кўра), интеллектуал, ижодий етуклиқ – 35 ёшларда (Леман маълумотлари), шахснинг етуклиги 50 – 60 ёшларга келиб энг юқори нутқасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди. Шуниси характерлики, ҳар бир ёшда бирор функцияларнинг ривожланиши бошқа бир функцияларнинг сусайиши хисобига рўй беради. Масалан, болаликнинг илк бօғча ёшида фазога мослашуви жуда кучайса, кейинчалик унинг ўрнини вактни адекват идрок қилиш босади.

Қарияларнинг бирор нарсалар хусусида билимдонлиги, маълумотлар дунёсидаги яхши йўналиши (ориентацияси), психомоторик вазифалар ва бевосита билиш жараёнларининг сусайиши хисобига рўй беради. Худди шундай боланинг 3–5 ёш даври тилни, унинг луѓавий ва структуравий хусусиятларни ўзлаштиришга жуда маќбул бўлса, етуклиқ даври бўлмиш 45–55 ёшларга келиб, айни шу сифат деярли ўзини йўқотади ("тил қотиб колади").

Психологиянинг маҳсус тармоғи ҳисобланмиш ёш даврлари психологиясининг энг асосий муаммоларидан бири шуки, у ҳам бўлса, инсон психик тараккиётида қандай омиллар генетик, турма ёки орттирилган, ижтимоий омиллар роли етакчи эканлиги масаласи. Бир томондан, боланинг ўз ота-оналаридан мерос сифатида ўзлаштирган сифатлари, масалан, анатомик-физиологик хусусиятлар, мия фаолиятининг ўзига хослиги, тана тузилиши (кўл, оёқ, юз тузилиши ва бошк.), албатта, психологик жиҳатдан одам боласининг мухитга мослашуви, унга эркин

харакат қилиши, жараёнларни онгида акс эттиришига сабаб бўлади. Чунки оддийгина анатомик аномалия ҳолати (кўлнинг калталиги, бўйнинг жуда кичикилиги каби) психикага ва шахснинг жамиятда ўзини тутишига салбий таъсири кўрсатади. Лекин, иккинчи томондан, ташки мухит таъсирини ҳам камситиб бўлмайди. Масалан, агар бола маҳсус таълим муассасаларида ўқимаса, унга тарбиявий таъсиrlар кўрсатилмаса, унинг ривожланиши қандай бўлишини тасаввур килиш кийин эмас.

Бу муаммолар устида бош қотирган олимлар (Л. Виготский, Ж.Пиаже, С.Рубинштейн, А.Леонтьев ва кўплаб бошқа психолоғлар) иккала омил ролини ҳам инкор килмаган ҳолда, ижтимоий мухитнинг етакчи таъсири тўғрисидаги фикрни баравар ёқлаганлар. Чунки тўғри ташкил этилган таълим-тарбия, оила ва ундаги ўзаро муносабатларнинг характеристи шахс мулокотда бўладиган ижтимоий гурурлар, у танлаган касб ва касбдошлири мухити, никоҳ ва маълумот масалаларининг қандай ҳал килингандиги каби катор ижтимоий омиллар шахснинг ривожланиши, унинг ўз-ўзини англаши ва ўзгаларга муносабати, билиш жараёнлари ҳамда интеллектуал тараққиётида катта аҳамиятга эгалигига шубха йўқ. Президент И. А. Каримов бошчилигига мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ бошланган "Софлом авлод учун" шиорини амалга ошириш сиёсати фарзандларимизнинг ҳам жисмонан ҳам руҳан ҳам аклан етук бўлишларига қаратилган. Жисмонан софлом танада софлом руҳ бўлиши табиий.

Шахс тараққиётини даврларга бўлиш. Шу вактгача психология илмида шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганишга жуда катта эътибор қаратилган. Бир канча даврий схемалар ҳам таклиф этилган. Лекин шу соҳада астойдил ижод килган ҳар қандай олим ўзининг "даврларини" таклиф этаверган. Зоро, инсоннинг хаётий йўли ва унинг асосий лаҳзалари тарихий тараққиёт мобайнида ўзгаради. Бир авлоддан иккинчи авлод тараққиётига ўтишнинг ўзи ҳам катор ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Даврларга бўлишга қаратилган таснифларнинг ўзи ҳам икки турли бўлади: жузъий (алоҳида даврларни яна қўшимча даврларга бўлиш – "даврлар ичидаги даврлар") ва умумий (инсон умрининг барча боскичларини ўз ичига олган). Масалан, жузъий таснифга Ж.Пиаженинг интеллект ривожланишидаги бос-

қичларга бўлишни киритиш мумкин. У бу тараккиётни 3 боскичда тасаввур килган:

- сенсомотор интеллект боскичи (0 – 2 ёш). Бунда, асосан, олти боскич фарқланади;
- аник операцияларни бажаришга тайёрлаш ва уни ташкил этиш боскичи (3–11 ёшлар);
- формал операциялар боскичи (12–15 ёшлар).

Ёш даврлари	Эркакларда	Аёлларда
Чақалоқлик	1 – 10 кун	1 – 10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгacha	10 кундан 1 ёшгacha
Илк болалик	1 – 2 ёш	1 – 2 ёш
Болаликнинг 1-даври	3 – 7 ёш	3 – 7 ёш
Болаликнинг 2-даври	8 – 12 ёш	8 – 11 ёш
Ўсмирлик даври	13 – 16 ёш	12 – 15 ёш
Ўспирийлик даври	17–21 ёш	16 – 20 ёш
Ўрта етуклик даври:		
Биринчи боскич	22 – 35 ёш	21 – 35 ёш
Иккинчи боскич	36 – 60 ёш	36 – 55 ёш
Кексалик даври	61 – 75 ёш	56 – 75 ёш
Қарилик даври	76 – 90 ёш	76 – 90 ёш
Узок умр кўрувчилар	90 ёшдан ортик	90 ёшдан ортик

Бу даврда бола нафақат бевосита кўриб турган нарсани, балки мавхум тушунчалар ва сўзлар воситасида ҳам фикр юрита олади. Д.Б.Элькониннинг ёш даврлари боскичлари ҳам шу гурӯхга киради ва у ҳам болаликнинг уч даврини фарқлайди: илк болалик, болалик ва ўсмирлик. Ҳар бир боскичнинг ўзига хос етакчи фаолияти, ўзгаришлари ва ривожланиш шарт-шароитлари мавжуд бўлади ҳамда уларни билиш тарбиячилар учун катта амалий аҳамиятга эга. Ҳар бир боскичда фаолият мотивлари ҳам ўзгаради, уларнинг ўзгариши шахс эҳтиёjlари ва та-

лаблари даражасининг ўзгаришига мос тарзда рўй беради.

Инсон ҳәётининг барча даврини яхлит тарзда қамраб олган таснифлардан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Фанлар академиясининг маҳсус симпозиумида қабул қилинган схема хисобланади. У қуидаги 8-жадвалда келтирилган. У Б.Г.Ананьев, чет эллик олим Бирренлар таклиф этган таснифга яқин бўлиб, умумлаштирилган тоифалаш.

Тарақкӣётни ёш даврларга бўлишда ўзига хос таснифлар ҳам бор. Масалан, Э. Эриксон шахс "мен"нинг ривожланиши боскичларини ажратган ва ҳар бирида ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларни ажратган.

1-боскич (ищонч-ишончсизлик) – бу ҳаётининг биринчи йили.

2-боскич (мустакиллик ва қатъиятсизлик) – 2 – 3 ёшлар.

3-боскич (тадбиркорлик ва гуноҳ хисси) – 4 – 5 ёшлар.

4-боскич (чакқонлик ва етишмовчилик) – 6 – 11 ёшлар.

5-боскич (шахс идентификацияси ва ролларнинг чалкашлиги) – 12 – 18 ёшлар.

6-боскич (яқинлик ва ёлғизлик) – етуклиknинг бошланиши.

7-боскич (умуминсонийлик ва ўзига берилиш) – етуклик даври.

8-боскич (яхлитлик ва ишончсизлик) – кексалик.

Э.Эриксон таснифининг ўзига хос қиммати шундаки, унда шахснинг ўзи тўғрисидаги тасаввурлари жамият таъсирида ўзгариши назарда тутилади. Шунга ўхшашибоскичларга бўлишлар охирги пайтда яна кўплаб муаллифлар томонидан таклиф этилмоқда (Г. Гrimm, D. Bromley ва бошк.). Уларнинг барчасидаги умумий мезон шуки, ҳар бир тарақкӣёт даври шахс ривожи учун нимани таклиф этади-ю, шахс унда қандай ривожланиш кўрсатгичларига эга бўлади? Уларни табиий ўзгаришларда билиш ва ўрганиш керак? Чунки бусиз шахс тарбиясини тўғри йўлга кўйиб бўлмайди. Масалан, мактаб ёшидаги болаларга кўйилган талаблар катта одамлар жамоасига тўғри келмайди ёки боғча ёшидаги бола билан тил топиш билан, талаба билан тил топиш ўзига хос педагогик тактни ва ўша ёш соҳасида билимдонликни талаб килади.

Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги. Ўсмирлик, ўспиринлик даврлари мактаб

ва бошқа таълим масканларида ўқиши даврларига тўғри келади. Бу даврдаги етакчи фаолият ўкув фаолияти бўлиб, унда бола билим олиш билан боғлик кўнишка ва малакаларни орттиришдан ташқари, шахс сифатида ҳам муҳим ўзгаришларга юз тулади.

Ўсмирлик даври энг мураккаб ва шу билан бирга муҳим тараккиёт боскичи. Илк ўсмирлик 11–13 ёшни, катта ўсмирлик 14 – 15 ёшларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг муҳим хислати шундан иборатки, у болаликдан ўспиринлилкка, катталилкка, ёшликтан етуклилкка ўтиш даври.

Ўсмирлик – организм тараккиётидаги шиддат ва нотекислик билан характерланиб, бу даврда тананинг интенсив тарзда ривожланиши ва суюкларнинг котиши рўй беради. Юрак ва кон томирлар фаолиятида ҳам нотекислик бўлиб, бу ҳам бола феълининг ўзгарувчан, динамик, баъзан номаъкуллар ва нокулайликларни келтириб чиқаради. Булар, албатта, асаб тизимиға ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бола тезда аччиқланадиган ёки тормозланиш юз берганда, анчагача депрессия ҳолатидан чиқолмайдиган тушкунликда қолиши ҳам мумкин.

Ўсмирнинг жисмоний тараккиётини белгиловчи асосий омил жинсий балогат бўлиб, у нафакат психик, балки ички органлар фаолиятини ҳам белгилайди. Шу билан боғлик ҳолда онгли (кўпинча онгсиз) жинсий майллар, шу билан боғлик ноҳуш хисекчинмалар, фикрлар пайдо бўладики, бола уларнинг асл сабабини ҳам тушуниб етолмайди. Психик тараккиётнинг ўзига хослиги шундаки, у муттасил ривожланиб боради. Лекин бу ривожланиш кўплаб қарама-каршиликларни ўз ичига олади.

Бу тараккиёт ўкув жараёнида кечгани учун ҳам тўғри ташкил этилган ўкув фаолияти бола психикасининг мувозанати ва унинг турли фикр-ўйлардан чалғишига замин яратади. Айнича, дикқат, хотира, тафаккур жараёнлари ривожланади. Айни шу даврда ўсмир мустакил равишда фикрлашга интила боради. Чунки бу даврда у кўпроқ ўз фикр-ўйлари дунёсида мушоҳада қилиш, олам ва унинг сирларини билишга, назарий билимларни кўпайтиришга интилади. Бунинг сабаби – яна ўша катталилкка ўтиш бўлиб, ўсмирда ўзига хос "катталик" хисси пайдо

бўлади, бу нарса унинг гапириши ва фикрлашларида хам ифодаланади. Шунинг учун хам мактабда берилган мустакиллик ва тўғри ташкил этилган ўқиш шароитлари, самимийлик муҳити унда мустакил фикрлашга катта имкониятлар очиши ва ундаги ижодий тафаккурни ривожлантириши мумкин.

Шунга боғлиқ тарзда ўсмирнинг ўз фалсафаси, ўз сиёсати, баҳт ва муҳаббат формуласи яратилади. Мантиқан фикрлашга ўрганиши эса унга ўзича аклий операцияларни амалга ошириш, тушунчалар ва формуласар дунёсида ҳаракат қилишга мажбур қиласди. Бу ўзига хос ўсмирлик эгоцентризмининг шакланишига бутун олам ва унинг қонуниятлари унга бўйсуниши керакдай фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун хам айнан ўсмирлик пайтида ўғил-кизлар ўз ота-оналари билан ҳадеб тортишаверадилар. Аниқ бир тўхтамга келолмаса хам тортишиш бирор фикрни изҳор килиш эктиёжининг ўзи унга жуда ёқади.

Шундай бўлишига қарамай, ўсмирлик юкорида таъкидланганидек, қарама-қаршиликларга бой давр. Уни баъзи олимлар "кризислар, инкиrozлар, таназзуллар" даври деб хам атайдилар. Сабаби ўсмир рухиятида шундай инкиrozий ҳолатлар кўп бўладики, у бу инкиrozни, *бир томондан*, ўзи ҳал қилгиси келади, *иккинчи томондан*, уни ҳал қилишга имконияти, кучи ва акли етишмайди. Масалан, "катталик хиссига" тўқсинглик киладиган омиллардан бири – бу уларнинг ўз ота-оналарига моддий жиҳатдан қарамлиги.

Рұхан қанчалик ўзларини катта деб ҳис килмасин, ўсмир мактабга кетаётib, онасидан ёки отадан пул сўрайди, улар эса ўсмирга болаларча муносабатда бўлиб, озгинагина пул берадилар. Иккинчидан, катталардай бўлишни хоҳлайди, лекин қиз бола онасининг, ўғил бола отасининг кийимини тошойна олдида кийиб кўрса, барибир ярашмайди. Яъни ташки кўринишдаги катталиклар ҳали қадду комаднинг келишмаганлиги, унинг устига юзлари ва танасида пайдо бўладиган ноҳуш тошмалар унинг рұхан салбий ҳисларни бошдан кечиришига олиб келади. Яъни бу ёшни "аросат" ёши хам деб аташ мумкин. Чунки катта бўлиб катта эмас, бола ҳам эмас. Шуларнинг барчаси ўсмир-

лик давридаги руҳий түгёнларга сабаб бўлади. Лекин шуларга қарамай, ўсмир ўзи билиб-бilmай ўз ақлий салоҳиятини ўстиришга ҳаракат қилади, теран фикрлашга ташна бўлади ва бу – унинг психик таракқиётидаги энг муҳим ўзгариши ҳисобланади.

Ўсмир шахснинг такомиллашуви ва шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири – ўкув фаолияти мотивларидағи сифат ўзгариши. Кичик мактаб ёшидаги боладан фарқли, ўсмир энди фақат билимлар тизимиға эга бўлиш, ўқитувчининг мактавини эшлиши ва "5" баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгкурлари орасида маълум ижобий мавқени эгаллаш, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқиш мотивлари устувор бўлиб боради. Лекин И.В.Дубровинанинг берган маълумотларига кўра, ўкув фаолияти мотивлари орасида умуман, билиш, янги билимларга эга бўлиш мотиви кучсиз бўлгани сабабли, улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий эмоциялар ва хавотирлик ҳисларини бошдан кечирадилар (ўртacha 20 foiz ўкувчи). Бу катталарнинг ўсмир билан ишлшини кийинлаштиради.

Ўсмирнинг шахс сифатидаги таракқиётида икки хил ҳолат кузатилади, *бир томондан*, бошқалар, тенгкурлар билан якинроқ алоқада бўлишга интилиш, гурух меъёрларига бўйсуниш, *иккинчи томондан*, мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликлар кузатилади. Ўзгларни англаш билан ўз-ўзини англаш ўргасида ҳам қарама-каршиликлар пайдо бўлади. Кўпинча ўсмир ўз имкониятларини юкори баҳолайди, бошқалар эса унинг кучи, иродаси ва салоҳиятига ишончсизлик билан қарайди. Лекин шундай бўлса-да, ўзини нима килиб бўлса ҳам хеч бўлмаганда, тенгкурлар томонидан тан олинишига эришишга интилади ва улар билан мулоқот ҳаётининг маъносига айланниб қолади. Агар, мабодо, ўсмир шу даврда бирор сабаб билан тенгкурлари томонидан инкор қилинса, у бунга жуда катта мудхиш воқеадай қарайди. Мактабга бормай кўйиши, ҳаттоқи, суицидал ҳаракатлар (ўз жонига қасд қилиш)ни ҳам содир этиши мумкин.

Ўсмирлик давридаги қийинчиликларнинг олдини олишнинг энг ишончли ва фойдали йўли – бу унинг бирор нарсага турғун

қизиқишига эришиш, фаолият мотивларини мазмунлироқ килиш. Масалан, шу даврда техникага қизиқиб қолган бола қизиқишини қоникитириш шарт-шароитининг яратилиши, бекор колмаслигига эришиш, ҳар бир ҳаракатини рағбатлантириш, унга бир иш қўлидан келадиган одамдай муносабатда бўлиш катта педагогик ахамиятга эга. Унинг қизиқишлиарини била туриб, олдига янгидан янги мақсадлар қўйиш – бола шахсининг ривожига асос. Шундагина унинг ўз "мен"и тўғрисидаги тасаввурлари ижобий, ўз-ўзига баҳоси объектив ва адолатли бўлади. Ўзининг нималарга кодирлиги ва ким эканлиги хақида яхши фикрлар пайдо бўлади.

Ўспириинлик даври. Юқори синфга ўтган ўспириин психологиясининг ўзига хослиги шундаки, у хозирги пайтини, бугуни ва эртасини келажак нуктаи назаридан, истиқболга назар билан қабул килади. Айнан шу даврга келиб, ўспириин турли касбларга қизиқа бошлайди. Ўзининг келажакда ким бўлишини тасаввур кила бошлайди. Демак, ўз-ўзини профессионал нуктаи назардан ажратиш, тасаввур килиш ўспириинликнинг энг муҳим янгилиги. Профессионал тараққиётнинг асосий босқичларини ажратар экан, Е.А. Климов (1996) алоҳида "оптация" (лотинча *optatio* – хоши, танлов) босқичини ажратади ва унинг ҳарактерли томони одам томонидан профессионал тараққиётнинг босқичи танланиши, деб эътироф этади. Оптация босқичи 11 – 12 ёшдан 14 – 18 ёшгacha бўлган тараққиёт даврини ўз ичига олади.

Бирор аник қасб-хунарни танлаш ва ўз фаолиятини шунга йўналтириш ўспириин шахси учун катта ахамиятга эга. Ана шундай танловнинг адекват ва тўғри бўлиши ўспириндаги билиш билан боғлиқ қизиқишилар ҳамда профессионал йўналишнинг шаклланганлигига боғлиқ бўлади. Профессионал қизиқишилар шаклланишининг ўзи олимлар томонидан тўрт босқичли жараён сифатида қаралади. Унинг *биринчи босқичи* 12 – 13 ёшларга тўғри келади ва ўта ўзгарувчанлиги, шахсдаги билиш жараёнлари ва асл иктидор билан боғланмаганлиги билан ҳаракерланади. 14 – 15 ёшларга тўғри келадиган *иккинчи босқичда* қизиқишилар пайдо бўлади. Улар кўп бўлиб, бевосита боланинг билиш имкониятлари ва шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Учинчи *босқичда*, 16 – 17 ёшларда қизиқишиларнинг шундай

интеграцияси рўй берадики, улар, энг аввало, жинсий хусусиятлар ва шахсдаги индивидуал хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Масалан, кизлар ва ўғил болалар ўзларига мос ва ярашадиган қасб-хунарни танлай бошлайдилар. Л. Головей (1996) фикрича, *тўртингчи босқичда* қизиқишилар доираси сезиларли даражада торайиб, профессионал йўналиш шаклланиб бўлади ва у қасб танлаш билан якунланади.

Ўзининг юкори поғонасига кўтарилиган қизиқишилар ўспирининг профессионал йўналиши ва тўғри қасб-хунарни танлашига замин яратади. Улар боладаги индивидуал-психологик хусусиятлар ва жинсий фарқлар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам ўғил болалар кўпроқ техник ҳамда иқтисодий йўналишларни, кизлар эса ижтимоий-гуманитар ва бадиий соҳалар билан боғлиқ қасбларни танлайдилар.

Умуман, инсон ҳаётида профессионал ўз-ўзини англаш катта ўрин тутади ва у жуда ёшлиқ пайтиданоқ шакллана бошлайди. Бу жараённи куйидаги босқичларда тасаввур қилиш мумкин.

Биринчи босқич – болалар ўйини, бунда бола илк ёшлиқданоқ у ёки бу қасбга боғлиқ профессионал ролларни қабул қилади ва унинг муҳим элементларини ўзича "ўйнайди" ("ўқитувчи", "доктор", "тракторчи", "футболист", "артист" ва шунга ўхшаш).

Иккинчи босқич – ўсмирилик фантазияси, бунда ўсмир ўзига жуда ёққан профессионал ролни ҳаёлан эгаллайди.

Учинчи босқич – қасб-хунарни дастлабки танлаш. Ўсмирилик ва илк ўспиринлик даврига тўғри келади. Турли-туман фаолият турлари дастлаб ўсмирининг қизиқишилари нуктаи назаридан ("прокурорликка қизикаман, демак, юрист бўлишим керак"), кейин унинг кобилиятлари нуктаи назаридан ("математикани осон ечаман, математик ёки муҳандис бўлсанмикан?") ва ниҳоят, ўсмирга қадриятлар тизимидағи ахамиятига қараб ("ночор қасалларга ёрдам бергим келади, шифокор бўламан") тоифаларга бўлинади ҳамда ажратилади.

Тўртингчи босқич – амалий қарор қабул қилиш қасбини танлаш. Бунда иккита муҳим жиҳат бор: аник ихтисосликни хусусиятлари, ишнинг ҳажми, оғирлиги, масъулиятилиги ва унга етарли тайёргарликнинг борлиги. Лекин охирги социологик

маълумотларга кўра, олий таълим муассасасини танлаш, аниқ қасб-хунарни танлашдан олдинрок юз бермоқда. Масалан, ўспирин киз "Мен барибир Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига кираман", – дейди ва сўнгра аниқ факультет танланади. Шунинг учун ҳам кўпинча, ихтисосликдан, кейинчалик профессиядан "совиб қолиш"лар ана шундай курилмалар билан тушунирилади.

Бундан ташқари, қасб танлашга таъсир қилувчи яна бошка омиллар ҳам борки, уларнинг ҳисобга олиниши ҳам баъзан ёшларнинг тўғри, ўз имкониятлари ва қобилиятларига мос қасб-хунарнинг танланмаслигига сабаб бўлади. Масалан, бундай омилларга оиласнинг моддий шарт-шароити, ўқиш жойининг узоклиги, ўкув тайёргарлигининг савияси, эмоционал етуклик, соғлиқлик ҳолати ва бошқалар.

1997 йилда Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши Президент И.А. Каримов таъбирлари билан айтганда, мустақил фикрлайдиган, юксак малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Жойларда ташкил қилинаётган қасб-хунар коллажлари, академик лицейлар, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ташхис марказлари 9-синфни тамомлаган ёшларнинг иктидори ва лаёкати, кизикишларини ўз вактида аниклаш, уни психологик услублар ёрдамида диагностика қилишни амалга оширади. Бу тадбирлар ёшлардаги қасб-хунарга бўлган йўналишни адекват қилиш, ўз яшаш жойидан узок бўлмаган шароитда зарур, ўз лаёкатига мос хунар эгаси бўлиб етишишига ёрдам беради.

Ёшлардаги аттракция ва юксак ҳис-туйғулар. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврлари нафақат профессионал танлов ва қасб эгаллаш учун мақбул давр бўлибгина қолмай, балки бу давр ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз қадр-кимматини билиш ва бошқаларга нисбатан муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллаш даври ҳам.

Ўсмир ҳам ўспирин ҳам қанча ички руҳий изтироб, қарама-қаршилик, масъулият онларини бошидан кечирмасин, унинг эмоционал олами, атроф-мухитда рўй берадиган ҳодисаларни онгигда акс эттириши катта ўрин тутади. Айнан ўсмирлик даври

бала қалбидаги ким билан сирлашиш, кимни ўзига энг яқин киши сифатида тан олиш, унинг руҳиятида кечәётган барча ўзгаришлардан воғик этиш истаги ва эхтиёжини ўйғотади. Биринчи марта "дўстлик", "муҳаббат", "севги" тушунчалари ҳам айнан шу даврда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам етуклик ва кексалик давридаги кишилар ўсмирилик ва ўспирийлик йилларини энг бебубор, жозибали ва ёқимли хотирлайдилар.

Бу тараккиёт даври аттракция деб аталмиш хиссиётнинг пайдо бўлиши учун энг мақбул давр. Аттракция (лотинча *attrahere* – ёқтириш, ўзига жалб этиш) – бу бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабати асосида ёкиши ва ёқтириши, ўзаро мойилликни тушунтирувчи эмоционал ҳис. Бу бир одамдан бошқа бир одамга нисбатан шаклланадиган ижтимоий курилманинг бир кўриниши бўлиб, симпатия – ёқтиришдан тортиб, то севги муҳаббат каби чуқур эмоционал боғликлек ҳам шу ҳис асосида пайдо бўлади.

Ижтимоий психологияда ушбу хиссиётнинг асл сабаблари ижтимоий мотивлар – шерикларнинг бевосита битта макон ва замонда эканликлари, уларнинг тез-тез учрашиб туришлари, учрашувлар тезлиги, сұхбатдошлар ўртасидага масофа, хиссиётларнинг тарбияланғанлиги каби омиллар таъсирида пайдо бўлиши ва унинг кечиш механизмлари ўрганилади. Тадқикотлар бу каби эмоционал муносабатлар айнан балоғат ёши арафасида ривожланишини исбот киласди. Шуниси аҳамиятлики, аттракциянинг намоён бўлиши, унинг кучи ва мазмуни ўсмир – ёшнинг шахс сифатида ўзини идрок килиши, ўз-ўзини ҳурмат килиши ҳамда ўзгаларга нисбатан муносабатларда токатлироқ бўлишига бевосита таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам ана шу даврда ўсмир ва ўспирин атрофида ў ёқтирган, уни ёқтирадиган одамларнинг бўлиши жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, унинг акси бола руҳий азобланишининг сабабларидан хисобланади.

Дўстлик. Ўсмирилик ва ўспирийлик ёшида пайдо бўладиган барча муаммоларни ечиш ва у билан ўртоқлашиш учун болага дўст керак. Психолог тили билан айтганда, дўст – бу "алтерэго", яъни иккинч "мен" бўлиб, у ўша пайтдаги "мен"нинг бир кисми сифатида идрок килинади. Бу шундай одамки, шахс у билан барча дарду ҳасратларини муҳокама киласди, муаммола-

рини унинг олдига тўкиб солади. Дўстликнинг бошқа интим, эмоционал хиссиётлардан фарки шуки, у одатда, бир жинс вакиллари ўртасида бўлади. Дўстлар одатда икки киши, айрим холларда 3 – 4 киши бўлиши мумкин.

Дўстликнинг ҳам кўзлаган мақсадлари бўлади: у амалий, иш фаолият билан боғлик, соф эмоционал (ъяни мулокот эктиёжларини қондириш), рационал (интеллектуал муаммоларни ҳал килишга асосланган), ахлокий (ўзаро инсоний сифатларни та-комиллаштиришга хизмат килувчи) бўлиши мумкин. Дўстликнинг асосий шарти – ўзаро бир-бирини тушуниш. Шу шарт бўлмаса, дўстлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар ана шундай тушуниш бўлса, дўстлар гап-сўзсиз ҳам киликлар, юз ифодаси, юриш-туришга қараб ҳам бир-бирларини тушуниб ола-верадилар.

Икки жинс вакиллари ўртасида ҳам дўстлик бўлиши мумкин, фақат у кўпинча танишув билан севги-муҳаббат ўртасида-ги оралиқни тўлдиришга хизмат килади. Дўстларга хос бўлган сифатларга бир-бирини аяш, ғамхўрлик килиш, ишонч, шахсий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, кўллаб-кувватлаш, меҳр ка-билар киради. Уларнинг ардокланиши дўстликнинг узок давом этиши ва иккала томон манфаатига мос ишларни амалга оширишга унрайди.

Дўсти йўқ ўсмир ёки ўспирин ўзини жуда баҳтсиз, ночор хисоблайди. Айниқса, агар дўсти хоинлик қилса, унинг кутишларига зид иш қилса, бу холат жуда қаттиқ руҳий изтиробларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ёш ўз дўстини хафа қилиб қўймаслик, унинг кўнглига қараб иш килишга хара-кат килади. Агар илк ўспиринликда дўстлик мазмунан анча юзаки, бевосита мулокот мақсадлари асосида ташкил этилган бўлса, ёш ўтган сари у ҳаёт мазмуни ва юксак қадриятга айла-ниб боради.

Севги. Агар дўстлик аттракция намоён бўлишининг бирин-чи кўриниши бўлса, севги қалблар якинлашувининг муҳим ало-мати. Севги – бу нафакат хиссиёт, балки бошқаларни сева олиш кобилияти ҳамда севимли бўла олиш. Шунинг учун ҳам ўсмирлар ва ўспиринлар учун бу хиссиётнинг борлиги жуда катта аҳамиятга эга. Айнан ўсмирлик ва илк ўспиринлиқдаги севги

безубор, тиник, самимий бўлиб, ёш ўтган сари унинг мазмани бойиб, бошқа қадриятлар ҳам урин эгалдай бошлайди.

Тўғри, ўсмир билан ўспирин севгисида ҳам сифат жиҳатдан фарқлари бор. Масалан, ўсмирлар бир-бирларига меҳр кўйишганда кўпроқ шерикларининг ташки киёфалари, интеллектуал имкониятлари ва ижтимоий мавқеларига эътибор берадилар. Ҳакикий севги ўспиринлик йилларининг охирларида пайдо бўлиб, унинг асосий мезони энди ташки белги ва афзаликлар эмас, балки инсоний фазилатлар бўлиб хизмат қиласди.

Севги – бу шундай туйғуки, у бир шахснинг иккинчи шахс устидан мутлак устунлиги ёки афзалигини инкор этади. Бундай хиссиёт эса севги бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўспиринлик ёшидаги йигит ва кизлар гурухда мулокотда бўлишни ва бунда тенг хукукий муносабатлар бўлишини хоҳлайдилар. Бу талаб севишганлар учун ҳам қонун хисобланади. Дўстликдан фарқли, бу ерда турли кўринишлар ёки турларни ажратиш мумкин эмас. Бу хиссиёт шундайки, у томонларни факат ахлоқан ва маънавий жиҳатдан якин бўлишини тақозо этади.

Севган юрак маънавий жиҳатдан яхши, улуғ ва ижтимоий жиҳатдан манфаатли ишларни килишга қодир бўлади. Тўғри, кўпчилик ота-оналар ўқувчилик йилларида пайдо бўлган севги хиссидан бир оз чўчийдилар, уни чеклашга, ҳаттоқи, кизларга таъқидашни ҳам афзал кўрадилар. Лекин айнан шу хиснинг борлиги ёшларни улуғворроқ, самимийроқ, ҳар нарсага қодир, кучлирок киласди. Севгидаги "иши юришмаганларнинг" эса бошқа соҳаларда ҳам иши юришмайди. Улар ўзларини тушкун, баҳтсиз, омадсиз хисоблайдилар.

Олимлар севгининг ёшларда намоён бўлиши ва унинг психологияк таҳлилини ўрганишган. Маълум бўлишича, севгининг дастлабки боскичи, ўзаро ёқтириб қолиш – хурмат (симпатия) бўлиб, бунда асосан, севги объектигининг ташки жозибаси роль ўйнайди. Масалан, ўзбек хон атласини чиройли килиб тикириб олган кизчанинг даврада пайдо бўлиши, табиийки, кўпгина йигитларнинг эътиборини беихтиёр ўзига тортади. Улардан кўпчилиги бирданига, бир вактда шу кизчани "ёқтириб" қолишади. Лекин даврадаги қайси йигит унга ҳам маълум жиҳатлари билан ёқиб колса, ўзаро симпатия шу икки шахс ўргасида рўй беради.

Вақтлар ўтиб, бу икки ёш бир неча марта учрашиб туришса, оддий ёқтириш севгига, жиддийрөк нарсага айланиши мүмкін. Шу нарса маълумки, айнан шу қонуниятни билгани учун ҳам кўпчилик ўспириналар, биринчидан, давраларда бўлишни, колаверса, бирорларга ёкиш учун ташки кўринишларига алоҳида эътибор беришга харакат киладилар. Ёкимтой бўлишга харакат қиласа-ю, бирортанинг эътиборини ўзига торта олмаган ўспирин эса бу ҳолатни жуда чукур қайфу билан бошидан кечиради. Агар худди шундай нарса бир неча марта сурункали такрорланса, ўша ёш давраларга ҳам бормай кўядиган, ўзи ҳакида ёмон фикрларга борадиган, фақат айрим ҳоллардагина ҳаммани ўзига "душман" билиб, хафа бўладиган бўлиб қолади.

Экспериментал изланишларнинг кўрсатишича, севишганлик ўспирин ёшларнинг шахс сифатларига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг хатти-харакатларида намоён бўлади. Масалан, севишганлар бошқалардан фарқли, икки марта зиёд ўзаро гаплашишар, гаплари сира адо бўлмас экан. Бундан ташқари, бундайлар саккиз мартадан ортиқ бир-бирларининг кўзларига караб вакт ўтказишаркан.

Яна шу нарса аниқланганки, севги билан боғлик хиссиётлар ҳар бир жинс вакилида ўзига хос ҳусусиятларга эга. Масалан, ўспирин ёшлар кизларга нисбатан романтизмга берилувчан, тез яхши кўриб қоладиган бўлишади. Уларнинг тасаввуридаги севги анча романтик, идеал кўринишга эга бўлади. Қизлар эса йигитларга нисбатан секинроқ севиб қолишади, лекин севгини унтиш, ундан воз кечиши уларда осонроқ кечаркан. Агар йигитлар бир кўришда ёқтириб қолган кизини севиб қолиш эҳтимоли юқори бўлса (экспериментларда севги билан симпатиянинг корреляцион боғликлиги кучли), қизларда бундай боғликлик анча паст экан, яъни ҳамма ёқтирганларни ҳам севмас экан, умумий симпатиянинг пайдо бўлиши ҳам бир оз қийин экан.

Бундан ташқари, ўспиринлик йилларидаги севги ва муҳаббат ҳисси нафакат қарама-карши жинс вакилига қаратилган бўлади, балки айнан шу даврда ота-онанинг қадрланиши ва уларга нисбатан севги-муҳаббат, яқинлар – ака-ука, опа-сингили, хаётда ибрат бўладиган кишиларни яхши кўриш, Ватанини

севиши каби олий ҳислар ҳам тарбияланади. Шунинг учун ҳам ҳакикий юксак мұхабbat сохиблари бўлмиш ёшларни тарбиялаш – жамиятда инсоний муносабатларни барқарорлаштириш, одамлар ўртасида самимий муносабатлар ўрнатиш ва маънавиятни юксалтиришга хизмат килади.

Таълимнинг барча босқичида маънавий тарбиянинг ажралмас бўлғаги сифатида ана шундай самимий муносабатларни тарбиялаш, тарғиб этиш, керак бўлса, ёшларга ана шундай севги ва садоқат ҳакидаги қадриятларимизни онгига сингдиришимиз керак. Севги ва мұхабbat ҳислари кенг маънода Ватанга, юрга, ҳалққа, борликка, қасбга ва яқин кишиларга қаратилган бўлиши керак. Юксак хис-туйғуларниң энг олийси Ватан туйғуси бўлиб, у туйғу инсон боласининг илк ёшлиқ давриданоқ онгига ва қалбига сингиб боради.

Зоро, Ватан ҳисси шу Ватанинг эгаси бўлмиш ҳалқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф етишдан бошланади. Ватан ва ҳалқ эгизак тушунча бўлиб, бирини ҳис қилиш учун иккинчишини билиш керак. Шунинг учун Ўзбекистон деганда, ўзбек ҳалқини тушунамиз, ўзбексиз Ўзбекистонни хаёлга келтира олмаймиз. Ватан ҳисси – бу ҳалқни севмок, ҳурмат килмок, қадрига етмок ва эътироф этмоқ. Ўзбекистонликлар учун шу Ўрт, шу тупроқни севиши, унинг қадрига етиш буюк неъмат ва шу билан бирга юксак масъулият.

Таянч сўз иборалари

Жузъий ва умумий даврлар, ўсмирлик даври, эгоцентризм, ўспиринлик даври, аттракция, симпатия.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ёш даврлари психологиясининг предмети ва вазифалари нималардан иборат?
2. Шахс психик тараққиётини харакатта келтирувчи омиллар нималардан иборат?
3. Психик тараққиётнинг генетик ва ижтимоий омиларини қандай тушунасиз?

4. Психик тараққиёт жараёнида шахс ва интеллектуал ривожланиш масаласини қандай тушунасиз?
5. Шахс психик ривожланиш қандай даврларга бўлинади?
6. Ўсмирлик даврида шахсий сифатларнинг шакланиш омиллари нималардан иборат?
7. Ўспиринлик даври ва профессионал йўналиш муаммоси хамда шахс ва касб-хунар муаммоси нимадан иборат?
8. Аттракция, унинг можияти ва кўринишларини қандай тушунасиз?
9. Севги ва дўстлик хисларининг психологик табиати нимадан иборат?
10. Ёшларда юксак маънавий-аҳлоқий сифатларни тарбиялаш деганда нимани тушунасиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.
2. Амосов Н.М. Преодоление старости. – М., 1996.
3. Асеев В. Г. Возрастная психология. – Иркутск, 1989.
4. Аргайл М. Психология счастья. – М., 1990.
5. Валеология человека: здоровье – любовь-красота. Физическое и психическое здоровье. – СПб., 1996.
6. Гозман Л. Я. Психология эмоциональных отношений. – М., 1987.
7. Иброҳимов А. ва б. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Климов Е.А. Психология профессионала. – М., 1996.
9. Немов Р.С. Психология. В 2-х кн. Кн. 2. Психология образования. – М., 1994.
10. Осорина М. В. Секретный мир детей в пространстве мира взрослых. – СПб., 1998.
11. Психология. Учебник. Под ред. А.Крилова. – М., 1998.
12. Степанова Е. И. Психология взрослых – основа акмеологии. –СПб., 1995.

13. Фромм Э. Психология человеческой деструктивности. – М., 1994.
14. Шадриков В.Д. Духовное способности. 2-е изд. – М., 1996.
15. Эриксон Э. Детство и общество. – СПб., 1996.

**8-мавзу. Шахс инсоний муносабатлар тизимида.
Муомала психологияси**

1. Инсоний муносабатлар психологияси.
2. Шахслараро муомаланинг шахс тараккиётидаги ўрни.
3. Инсоний муомала ва мулокотнинг психологик воситалари.
4. Мулокот ва уни ўрганиш муаммолари.
5. Самарали таъсир психологияси.

Инсоний муносабатлар психологияси. Шахс – ижтимоий муносабатлар маҳсули дейилишининг энг асосий сабаби – унинг доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлишини англатади. Бу шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулокот эканлигига ишора қиласди.

Мулокотнинг тури ва шакллари турлича. Масалан, бу фаолият бевосита "юзма-юз" бўлиши ёки у ёки бу техник воситалар (телефон, телеграф ва шунга ўхшаш) орқали амалга ошириладиган; бирор профессионал фаолият жараённига амалий ёки дўстона бўлиши; субъект-субъект турли (диалогик, шериклик) ёки субъект-объектли (монологик) бўлиши мумкин.

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнларики, унда шахслараро муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб одамлар ўртасида рўй берадиган фикрлар, хис-кечинмалар, ташвишу кувончлар алмашинувини назарда тутади. Одамлар мулокотда бўлишгани сари, улар ўртасидаги муносабатлар тажрибаси ортган сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир-бирларини бир қараща тушунадиган ёки "яrimta жумладан" хам фикр аён бўладиган бўлиб қолади. Айрим холларда эса ана шундай мулокотнинг тифизлиги тескари реакция-

ларни – бир-биридан чарчаш, гапирадиган гапидан қолмаслик каби вазиятни келтириб чикаради. Масалан, оила мухити ва ундаги муносабатлар ана шундай тифиз муносабатларга киради. Фақат бундай тифизлик оиланинг барча аъзолари ўртасида эмас, унинг айрим аъзолари ўртасида бўлиши мумкин (она-бала, кайнона-келин ва х.к.).

Ўзаро муносабатларга киришаётган томонларнинг муносабатдан кўзлайдиган асосий мақсадлари – ўзаро тил топишиш, бир-бирини тушуниш. Бу жараённинг мураккаблиги, керак бўлса, жозибаси, бетакрорлиги шундаки, ўзаро бир хил тил топишиш ёки томонларнинг айнан бир хил ўлашлари ва гапиришлари мумкин эмас. Агар ана шундай вазиятни тасаввур киладиган бўлсак, бундай мулокот энг самарасиз, энг бетаъсир бўлган бўлар эди. Масалан, тасаввур килинг, узоқ вақт кўришмай қолган дўстингизни кўриб қолдингиз. Сиз ундан ҳол-аҳвол сўрадингиз, лекин у ташаббусни сизга бериб, нимаики деманг, сизни маъкуллаб, гапингизни қайтариб турибди. Бундай мулокот бемаза бўлган ва сиз иккинчи марта ўша одам билан иложи борича расман салом-аликни бажо келтириб, ўтиб кетаверган бўлардингиз. Яъни мулокот фаолияти шундай шарт-шароитки, унда ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, бетакрорлиги, билимлар ва тасаввурлар хилма-хиллиги намоён бўлади ва шуниси билан у инсониятни асрлар давомида ўзига жалб этади.

Ҳар қандай фаолиятдан зерикиш, чарчаш мумкин, фақат одам мулокотдан, айниқса, унинг норасмий, самимий, бевосита шаклидан чарчамайди, яхши сухбатдошлар доимо маънавий жиҳатдан рағбатлантириладилар.

XXI аср бўсағасида одамнинг энг табиий бўлган мулокотга эҳтиёжи, унинг сирларидан хабардор бўлиш ва ўзгаларга самарали таъсир эта олишга бўлган интилиши янада ошади.

Биринчидан, индустрialiал жамиятдан ахборотлар жамиятига ўтиб бормоқдамиз. Ахборотларнинг қўплиги айнан инсон манфаатига алоқадор маълумотларни саралаш, у билан тўғри муносабатда бўлишни тақозо этди. Ахборот XXI асрда энг нодир капиталга айланади ва бу ўз навбатида инсонларга зарур ахборотлар узатилиши тезлигини ўзгартиради.

Иккинчидан, турли қасб-фаолият соҳасида ишлаётган одам-

лар гурухининг кўпайиши, улар ўртасида муносабатлар ва алоқанинг долзарблиги ахборотлар тифиз шароитда оддийгина мулоқотни эмас, балки профессионал, билимдонлик асосидаги мулоқотни талаб қиласди. Умуман, XXI асрнинг корпорациялар асри бўлади, деб башорат қилаётган иқтисодчилар ҳам бу корпорация инсонларнинг ўзаро тил топишларига қаратилган малакаларнинг ривожланган, мукаммал бўлиши ҳакида гапирмокдалар. Ундан ташқари, бу каби корпоратив алоқа кўп ҳолларда бевосита юзма-юз эмас, балки замонавий техник воситалар – уяли алоқа, факслар, электрон почта, Интернет кабилар ёрдамида аник ва лўнда фикрларни узатишини назарда тутади. Бу ҳам ўзига хос мулоқот малакаларнинг атайлаб шакллантирилишини тақозо этади.

Учинчидан, охирги пайтларда шундай касб-хунарлар сони ортдики, улар социономик гурух касблари деб аталиб, уларда "одам-одам" диалоги фаолиятнинг самараси белгиланди. Масалан, педагогик фаолият, бошқарув тизими, турли хил хизматлар (сервис), маркетинг ва бошқалар шулар жумласидан. Бундай шароитларда одамларнинг атайлаб мулоқот билимдонлигининг оширилиши меҳнат маҳсулини белгилайди.

Шунинг учун ҳам мулоқот, унинг табиати, техникаси ва стратегияси, мулоқотга ўргатиш (ижтимоий психологик тренинг) масалалари билан шугулланувчи фанларнинг ҳам жамиятдаги ўрни ва салоҳияти кескин ошди.

Шахслараро мумаланинг шахс тараққиётидаги ўрни. Аслида ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, инсоний қиёфаси, фазилатлари, хаттоқи, нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсули. Жамиятдан ажралган, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини саклаб қолиши мумкин, лекин у шахс бўлолмайди. Шунинг учун мулоқотнинг шахс тараққиётидаги аҳамиятини тасаввур килиш учун унинг вазифаларини таҳлил қиласиз.

Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар вазифаси – сухбатдошларнинг ўзаро бир-бирини тушунушларини тъминлаш. Бу ўзбекларда самимий салом-алик, очик юз билан кутиб олишдан бошланади. Ўзбек халқининг энг нодир ва буюк хислатларидан бири ҳам шуки, уйига бирор кириб келса, албатта, очик юз би-

лан кутиб олади, кўришади, сўрашади, хол-аҳвол сўрайди. Шуниси характерлики, таъзияга борган чоғда ҳам ана шундай са-мимиятни хис қилади. Бу каби бирламчи алоқа услублари бошқа миллат ва ҳалқларда ҳам бор, яъни бу жихат миллий ўзига хосликка эга.

Унинг иккинчи муҳим вазифаси ижтимоий тажрибага асос солиш. Одам боласи факат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йиртқич ҳайвонлар томонидан ўғирланиб кетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шуни кўрсатганки, "мауглилар" биологик мавжудот сифатида ривожланаверади, лекин ижтимоийлашувда ортда қолиб кетади. Бундан ташқари, бундай ҳолат боладаги билиш қобилиятларини ҳам чеклаши, кўплаб психологик экспериментларда ўз исботини топди.

Мулокотнинг яна бир муҳим вазифаси одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, рухлантиради. Одамлар гурухидан узоклашган, улар назаридан қолган одамнинг қўли ишга ҳам бормайди, борса ҳам жамиятга эмас, балки факат ўзигагина манфаат келтирадиган ишларни килиши мумкин. Жумладан, кўплаб тадкикотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлатиб қўйишнинг унинг рухиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узоқ вақт термокамерада бўлган одамда идрок, тафаккур, хотира, хиссий ҳолатларнинг бузилиши кайд этилган. Лекин атайлаб эмас, тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг максадли фаолиятлар билан ўзларини банд этишлари у кадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаслигини ҳам олимлар ўрганишган. Лекин барибир ҳар қандай ёлғизлик ва мулокотнинг этишмаслиги одамда мувозанатсизлик, хиссиётга берилувчанлик, ҳадиксираш, ҳавотирланиш, ўзига ишончсизлик, қайфу, ташвиш хисларини келтириб чиқаради.

Шуниси қизикки, ёлғизликка маҳкум бўлганлар маълум вақт ўтгач, овоз чиқариб, гапира бошларкан. Бу, энг аввало, бирор кўрган ёки хис қилаётган нарсаси хусусидаги гаплар бўлса, кейинчалик нимага қараб гапиравериш эҳтиёжи пайдо бўлади. Масалан, бир М. Сифр деган олим илмий максадларини амалга ошириш учун 63 кун фор ичida яшаган. Унинг кейинчалик

ёзишича, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўргимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. "Биз, –деб ёзди у, – шу гор ичидағи танҳо тирик мавжудотлар эдик. Мен ўргимчак билан гаплаша бошладим, унинг тақдиди учун қайфура бошладим".

Шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар, уларнинг борлиги, шу мухитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча, одамнинг ишлаш қобилиятини ҳам оши ракан. Айниқса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма-ён туриб бажариладиган операцияларда одамлар ўз олдида турган ҳамкасбига караб кўпроқ, тезрок ишлашга куч ва қўшимча ирода топади. Тўғри, бу ҳамкорликда ўша ёнидаги одам унга ёқса, улар ўртасида ўзаро симпатия дисси бўлса, унда одам ишга "байрамга келгандай" келадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ҳамда психолог Ж.Морено асримиз бошида ёк ашни ўзаро симпатия дисси бўлса, унда одам ишга "байрамга келгандай" келадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ҳамда психолог Ж.Морено асримиз бошида ёк ашни ўзаро симпатия дисси бўлса, унда одам ишга "байрамга келгандай" келадиган бўлиб қолади.

Шундай қилиб, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, хозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини якка тартибда эмас, балки коллегиал, яъни биргаликда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлигини хисобга олсак, одамларнинг муомала маданияти ва мулоқот техникаси меҳнат унумдорлиги ҳамда самараדורликнинг мухим омилларидан.

Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари. Одамлар бир-бирлари билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган максадларидан бири – ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр - ғояларига кўниш, харакатга чорлаш, курилмаларни ўзгартириш ва яхши таассурот колиш. Психологик таъсир – бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, хиссиётлари ва хатти-харакатларига таъсир кўрсата олиш.

Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

1. Вербал таъсир – бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиз. Бундаги асосий воситалар сўзлар. Маълумки, нутқ – бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси сўзлар хисобланади. Монологик нутқда ҳам диалогик нутқда ҳам одам ўзидаги барча сўзлар захирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шеригига таъсир кўрсатишни хоклайди.

2. Паралингвистик таъсир – бу нуткнинг атрофидаги нуткни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нуткнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, масалан, дўстимиз бизга бирор нарсанни ваъда берётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб-пишиб, очиқ юз ва дадил овоз билан, "албатта, баҳараман", деса ишонамиз.

3. Новербал таъсирнинг маъноси "нутқсиз". Бунга сухбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, холатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташки қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовкин, хидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб, сухбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, агар учрашувнинг дастлабки дақиқаларида ўртоғингиз сизга қарамай атрофга аланглаб "Кўрганимдан бирам хурсандман", деса, ишонасизми?

Мулоқот жараёнидаги характерли нарса шундаки, сухбатдошлар бир-бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлишганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишини ўйлар экан. Масалан, машҳур америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган сухбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7 фоиз, паралингвистик омиллар 38 фоиз ва новербал ҳаракат-

лар 58 фоизгача таъсир қиларкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин, лекин халқ ичида бир мақол бор: "Уст-бошига қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади".

Мулокотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ. Таъсирнинг ташаббускори шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдаланади. Агар бошлиқ иши тушиб, бирор ходимини хонасига таклиф этса, у ўрнидан туриб кутиб олади, илтифот кўрсатади, ҳол-аҳволни ҳам қуюкроқ сўрайди ва сўнгра гапнинг асосий қисмига ўтади.

Таъсирнинг манзили – таъсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнииг сужбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса ёки адресат тажрибалирок шерик бўлса, у ташаббусни ўз кўлига олиши ва таъсир кучини қайта эгасига қайташади мумкин бўлади.

Мулокот ва уни ўрганиш муаммолари. Охирги йилларда "профессионализм" тушунчаси тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Чунки жамиятда туб ислоҳотларни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини "инсон омили"ни такомиллаштириш хисобига ошириш давр талаби бўлиб қолди. Айникса, одамларни бошқариш соҳасидаги профессионализмга катта эътибор қартилмоқда. Жуда кўпчилик мутахассислар барча бажарадиган вазифалари орасида одамлар билан тил топишиш, уларга таъсир кўрсатиш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва бошқариш энг мураккабларидан эканлигини эътироф этмоқдалар.

Одамлар билан нормал муносабатларни ўрната олмаслик, айникса, бизнес соҳасида амалий шерикларнинг ҳолатлари, кутишларини аниқлай олмаслик, ўз нуқтаи назарига ўзгаларни профессионал тарзда кўра олмаслик, "биров"ни, унинг ички кечинмалари ва ўзига бўлган муносабатини аниқ тасаввур қила олмаслик амалий психологияда коммуникатив укувсизлик ёки дискоммуникация ҳолатини келтириб чиқаради. Бунда одамлар оддий тил билан айтганда, бир-бирларини тушунолмай қолади. Окибатда, пишиб турган лойиха ёки яхши режа амалга ошмаслиги, бир неча ойларга чўзилиб кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ижтимоий психологиясининг татбиқий йўналишида, бошқарув психологиясида катта ёшли

одамларни коммуникатив билимдонлика ўргатиш, уларда зарур коммуникатив малакаларни хосил килишга катта ахамият берилмоқда. Ҳар бир корхона, хусусий фирма ёки давлат мұссасасини бошқарувчи менеджер, раҳбар тайёрлаш муаммоси ана шу раҳбарларни, бошқарувчиларни психологияк жиҳатдан одамлар билан ишлашга ўргатиш муаммосини четлаб ўтолмайди. Умуман, ҳозирги даврда ҳар қандай мутахассис – шифокор врач, мухандис, ўқитувчи, иқтисодчи, агроном, курувчи, журналист, маданиятшунос ёки бошқалар ҳам коммуникатив малакаларға эга бўлмагунча, бозор муносабатлари шароитида тезда жамоага киришиб, кўпчилик билан тил топишиб, ўз профессионал маҳоратини кўрсата олмайди. Ҳар бир зиёли инсон бошқалар билан ҳамкорлик килиш маҳорати ва санъатига эга бўлиши керак.

Бу вазифа одамларни муюмала ва муроқот этикасини ўргатишни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб кўймоқда. Тўғри муроқотга киришиш – ижтимоийлашув жараёнида барча сифатлардан олдинроқ шаклланадиган қобилиятлардан. У табиий ва хаётий нарса.

Бола тили тўлиқ чикмай туриб, атрофидагилар билан фаол муроқотга кириша бошланади. Лекин масаланинг парадоксал томони ҳам шундаки, йиллар ўтган сари онгли, ақлли одам ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган, ҳар бир қадамини ўйлаб босадиган бўлиб колади. Бу унинг жамиятдаги мавқенини белгиловчи восита. Бу муроқотга киришишга рұҳан тайёрланишининг ахамиятини англашини тақозо этади. Шундай қилиб, ана шу энг табиий ва бир қарашда оддий инсон фаолияти шу қадар мураккаб ва серқирраки, унинг механизмларини ўрганиш, гурухларда тўғри муносабатларни ташкил этиш ва одамларни самарали муроқотга ўргатиш муаммоси бугунги ижтимоий психологиянинг мухим масалаларидан биридир.

Маълумки, гаплашаётган одамлар бири гапиради, иккинчиси тинглайди, эштади. Муроқот самарадорлиги ана шу икки кирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир-бирини тушунишига боғлик экан. Нотўғри тасаввурлардан бири шуки, одамни муюмала ёки муроқотга ўргатганда, уни фақат гапиришга, мантикан асосланган сўзлардан фойдаланиб, таъсирчан гапиришга ўргатишади. Унинг иккинчи томони тинглаш қобилиятига деярли эътибор берилмайди. Ма-

шхур америкалик нотик, психолог Дейл Карнеги "Яхши сухбатдош яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган сухбатдош" деганда, айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожлаиган бўлишини назарда тутган эди.

Мутахассисларнинг аниклашларича, ишлаётган одамлар вақтинг 45 фоизи тинглаш жараёнига кетар экан. Одамлар билан доимий мулокотда бўладиганлар 35 – 40 фоиз ойлик маошлиарини одамларни "tinglaganlari" учун оларканлар. Бундан шундай холоса келиб чиқадики, коммуникациянинг энг қийин соҳаларидан хисобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда келтиаркан.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А. Шоленгаузер "Одамларни ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳлассангиз, уларни тингланг" деб ёзган экан. Дарҳакиат, агар сиз куюниб гапирсангиз-у, аммо сухбатдошингиз сизни тингламаса, бошқа нарса билан овора бўлаверса, ундан ранжийсиз, нафакат ранжийсиз, балки у билан алоқани ҳам узасиз. Ўқитувчи гапираётган пайтда уни тингламаслик одобсизликнинг энг юқори қўринниши деб баҳоланишини биласизми?

Нима учун биз кўпинча, яхши гапиравчи, сўзловчи бўла оламиз-у, яхши тингловчи бўла олмаймиз? Психологларнинг фикрича, асосий халақит берувчи нарса – бу бизнинг ўз фикр - ўйларимиз ва хоҳишларимиз оғушида бўлиб қолишимиз. Шунинг учун ҳам бъязан расман шеригимизни тинглаётгандай бўламиз, лекин аслида хаёлимиз бошқа ерда бўлади.

Тинглашнинг ҳам худди гапиришга ўхшаш техникаси, услублари мавжуд. Уларнинг тури кўп, лекин биз кундалик ҳаётда унинг икки услубини кўллаймиз: сўзма-сўз қайтариш ва бошқача талкин этиш. *Биринчиси*, сухбатдош сўзларининг бир кисмини ёки яхлитлигича қайтариш орқали, шерикни кўллаб-қувватлашни билади. *Иккинчи* услуб эса шеригимиз сўзларини тинглаб, ундаги асосий foяни мухтасар, ўзимизнинг талкинимизда ифода этиш. Иккала услуб ҳам шерик учун мухим, чунки у сизнинг тинглаётганингизни, ҳаттоқи, ундаги foяларга карши эмаслигингизни билади. Бундан ташкари, биз яхши тинглаётган бўлиб, "Йўғ-э?", "Наҳотки?", "Қара-я?", "Яша!" луқмалари билан ҳам сухбатдошимизни гапиришга, янада ўз фикрларини оидинлаштиришга чакириб турамиз.

Демак, гапираётган шахс етакчи, у сухбатнинг мулотақ хокими, деган тасаввур уччалик тўғри эмас. Яхши тинглашда ҳам шундай куч борки, у сухбатдошни сизга жуда якинлаштиради. Чунки мулокот жараёнидаги энг қимматли нарса ахборотнинг ўзи. Тинглаётган одам яхши диалогдан фақат яхши, фойдали маълумот олади. Гапирган эса аксинча, ўзидаги борини бериб, гапирмайдиган сухбатдошдан "тескари алоқани" олиб ултурмай, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун мулокот ўрнатишнинг муҳим йўналишларидан бири – одамларни фаол тинглашга, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатиши.

Профессионал тинглаш техникасига куйидагилар киради:

– *фаол ҳолат*. Бу кресло ёки диван каби мебель бўлса, унга бемалол ётиб олмаслик, сухбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайкаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигинги зинни билишни назарда тутади;

– *сухбатдошга самимий қизиқини билдириши*. Бу нафақат сухбатдошни ўзига жалб килиб, балки навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўнишининг самарали йўли;

– *ўйчан жисмлик*. Бу сухбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолиш орқали ўзингизнинг сухбатдан манфаатдорлигинги зинни билиш йўли.

Агар биз сухбатдошимизни яхши, дикқат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига хурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби уччалик нофаол жараён эмас экан. Унинг мулокотнинг самарали бўлишидаги аҳамияти нихоятда катта. Чунки тинглаш қобияти гапиравчини илхомлантиради, уни рухлантиради, янги фикрлар, гояларнинг шаклланишига шароит яратади. Шунинг учун маърузачи профессорнинг ҳар бир чикиши талабалар томонидан диккат билан тингланса, бу педагогик мулокотдан иккала томон ҳам тенг ютади.

Агар мулокот жараёнида иштирок этувчи икки жараён – гапириш ва тинглашнинг фаол ўзаро таъсири учун тенг аҳамиятини зарда тутсак, бу жараён қатнашчиларининг психологик саводхонлиги ва мулокот техникасини эгаллашининг аҳамиятини англаш кийин бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда одамларни самарали мулокотга атайлаб ўргатишга жуда катта эътибор берилади. Бу борада фаннинг ўз услуби бўлиб, унинг номи ижти-

моий психологик тренинг (ИПТ) деб аталади. ИПТ – мулокот жа-раёнига одамларни психологик жиҳатдан хозирлаш, уларда зарур коммуникатив малакаларни маҳсус дастурлар доирасида киска фур-сатда шакллантириш. Энг муҳими, ИПТ мобайнида одамларнинг мулокот борасидаги билимдонлиги ортади.

Амалий мулокот тренинги – ИПТнинг бир кўриниши бўлиб, у ёки бу профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган коммуникатив билим, кўнкима ва малакаларни ҳосил килишга қаратилган тадбир. Гурух жамоаларда мулокот тренинги воситасида музокаралар олиб бориш, иш юзасидан ҳамкорлик килиш, йўл-йўриклигини биргаликда толищ, катта аудитория олдида сўзлашга ўргатиш, мажлислар ўтказиш, жанжалли, конфликтли ҳолатларда ўзини тўғри тутиш малакалари ҳосил қилинади. Бундаги асосий нарса тренинг қатнашчилари онгига бирорларни тушиуниш, ўзини ўзгалар ўрнига кўя олиш, бошқалар манфаатлари билан ўзиникини уйғунлаштира олиш ғоясини сингдириш. Тренинглар мобайнида гурухий мунозаралар, ролли ўйинларнинг энг оптималь вариантлари синааб кўрилади, машқ қилинади.

Таянч сўз изборалари

Психологик таъсир, вербал таъсир, паралингвистик таъсир, но-вербал таъсир.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мулокотнинг инсон ҳаётida тутган ўрни ва функциялари нимадан иборат?
2. Мулокотнинг психологик тизими нима?
3. Мулокотнинг шахс ривожланишидаги аҳамияти нимадан ибо-рат? Ёлғизлик нима?
4. Мулокотнинг техника муаммоси. нималардан иборат? Тўғри гапириш санъати нима?
5. Тинглаш, унинг психологик моҳияти ва техникаси нимадан иборат?
6. Мулокотнинг ёш ва индивидуал ҳусусиятлари нима?
7. Самарали мулокот сирлари нимада?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон келажаги-нинг пойдевоги. –Т., 1997.
2. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. –Т., 1990.
3. Головин Б.Н. Основы культуры речи. –М., 1988.
4. Иброҳимов ва бошқ. Ватан туйғуси. –Т., 1997.
5. Карнеги Д. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей. – М., 1990.
6. Климов Е.А. Психология профессионала. – М., 1997.
7. Комилов Н. Тасаввур ва комил инсон ахлоқи. –Т., 1996.
8. Крижанская Ю.С., Третьяков В.П. Грамматика общения. – Л., 1990.
9. Майерс Д. Социальная психология. – М., 1997.
10. Мексон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. – М., 1992.
11. Петровская Л.А. Компетентность в общении. Социально-психологический тренинг. – М., 1990.
12. Психология. Учебник. Под ред. А. Крылова – М., 1998.
13. Психология менеджмента. Под ред. Г.С. Никифорова. – СПб., 1997.

9-мавзу. Гурухларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиши. Гурухларнинг турлари

1. Шахс ва гурух. Референт гурух.
2. Гурухларнинг турлари.
3. Гурух ўлчамлари ва унинг тизими.
4. Жамоаларда психологик ўзаро мослик.
5. Гурухдаги психологик мухит ва уни ўрганиш.

Шахс ва гурух. Референт гурух. Шахсларро муносабатлар, асосан, гурух шароитида, шахс маълум инсонлар даврасида, гурухида, жамоада бўлган тақдирда рўй беради. Шунинг учун ҳам мутахассислар жамоаларда рўй берадиган шахслараро таъсир конуниятлари ва механизмила-рини билишлари ҳамда гурухларда одамлар меҳнатини ташкил этишда инобатга олишлари керак.

Ҳар бир шахснинг феъл-авторида, хатти-харакатларида у мансуб бўлган миллат, ҳалк, худуд, профессионал тоифа, меҳнат қила-диган жамоаси, яқин атрофдаги мухити гурухи оиласининг таъси-ридан пайдо бўлган сифатлари ва хусусиятлари бўлади. Тарихни шарт-шароит, давр, давлат тузими ва ўша жамиятдаги сиёсий, икти-садий ва мафкуравий таъсирлар ҳакида юкорида гапирган эдик. Бу

таъсир макро босқичдаги таъсирлар деб аталиб, яқин мухитнинг таъсири микро босқичдаги таъсирлар деб юритилади. Иккала босқичдаги таъсирлар ҳам ижтимоий психологик нұктай назардан ахамиятли ва тарбиявий мөхиятга эга. Чунки ҳар бир шароитда шахс үзиге хос ижтимоий ролларни бажаради ва үзининг "киёфаси-ни" намоён этади. Мехнат жамоасига профессионал ролларни бажариш жараёнидаги хулқ-атвори шахснинг маънавий психологик кўринишидаги асосий омил бўлиб, катта ёшдаги одам психологиясини тубдан ўзгартириш учун унинг профессионал фаолиятини ҳам ўзгартириш керак, дейилади.

Шундай қилиб, шахсга бир вақтнинг ўзида турли ижтимоий гурухларнинг таъсири бўлиб туради. Тўғри, маълум даврда бир ижтимоий гурухнинг шахсга таъсири сезиларлироқ ва ахамиятлироқ, иккинчисиники эса сал камроқ бўлади. Масалан, ўқувчилик йилларида мактабдаги ўқувчилар гурухининг маҳаллалари ўртоклар даврасиникидан кучлироқ бўлиши, янги хонадонга келин бўлиб тушган киз учун янги оила мухитининг таъсири талабалик гурухиникидан кучлироқ бўлиши табиий. Лекин ҳар бир алоҳида дақиқада биз доимо маълум гурухлар таъсирида бўламиз. Хўш, гурухнинг ўзи нима? Гурух – маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўплланган. Мулокот эҳтиёжлари кондириладиган инсонлар уюшмаси. Демак, гурух учун иккита асосий мезон мавжуд: бирор фаолиятнинг бўлишлиги (мехнат, ўқиш, ўйин, мулокот, майший манфаатлар) ҳамда у ерда одамларнинг ўзаро мулокоти учун имкониятнинг мавжудлиги.

Ҳар бир шахс учун тараккиётнинг ҳар бир алоҳида босқичида шундай одамлар гурухи бўладики, у уларнинг ниятлари, қизикишлари, харакат меъёрлари, ғоя ва фикрларига эргашишга тайёр бўлади, харакатларидан андоза олади, уларга тақлид киласи. Бундай гурух психологияда референт гуруҳ деб аталади. Америкалик социологлар референт гурухларнинг бир нечта турини фарқлайдилар.

Норматив (меъёрий) гурухлар – бу шахс учун шундай инсонлар гурухини, уларнинг нормаларини маъқуллайди, уларга амал қилишга хамиша тайёр бўлади. Бундай гурухларга биринчи навбатда, оила-

ни, диний ёки миллий уюшмаларни, профессионал гурухларни киригиш мумкин. Масалан, ўзбек халки учун дастурхон атрофида ўтирган аҳоли ўша фотиха тортиш, мезбонларнинг меҳмонларни "Хуш келибсизлар!" дейишлари мөъёр хисобланади. Ҳар бир оиласда шундай харакатларга нисбатан ижобий қурилма шаклланади. Бунда бола учун референт ролини ота-онаси, катталар, маҳалладаги хурматли инсонлар ўйнайди.

Киёслаш гурухлари – бу шундай гурухки, шахс ўша гурухга киришига, унинг маъқуллашига муҳтож бўлмайди, лекин харакатларини йўлга солишда унга асосланади ва коррекция килади. Масалан, талабалар гурухида шундай ёшлар бўлиши мумкинки, шахс улар билан умуман мулокотда бўлмайди. Уларнинг фикрлари ёки қарашларини ёкламайди, лекин бу гурух айнан ўшаларга ўхшамаслик ва ўз устида кўпроқ ишлашга ўзини сафарбар килиши учун керак. Ёки талаба-ёшлар сессия якунларига кўра, дифференциаллашган стипендия оладилар, ўртacha ўзлаштирувчи талаба учун "хамма талабалар" оладиган стипендия микдорини назарда тутиб, ўзини тинчлантиради, аълочи эса, ўзиникини нафакат оддий, ўртачалар билан балки, Давлат стипендиялари оладиганлар билан ҳам солиширади. Кўрсатгичлар қанчалик юқори бўлса, шунга мос даъвогарлик даражаси ҳам юқори бўлади, шахснинг киёслаш гурухлари ҳам ортиқроқ бўлади.

Негатив гурухлар шундайки, шахс уларнинг хатти-харакатларидан атайлаб воз кечади, чунки улар шахсий қарашлардан мутлақ фарқ килади. Масалан, икки кўшни бир-бири билан муросалари келишмаса, ҳаттоки, деворларини оклашда ҳам бири танлаган рангни иккинчиси танламайди. Бири "ок" деса, иккинчиси "кора" деб турaverади.

Гурухларнинг турлари. Кундалик ҳаётда шахс мулокотда бўладиган, вактини биргаликда ўтказадиган кишилар гурухи ҳам турли хил бўлади. Масалан, агар одамлар кўчада тасодифий ҳодисанинг томошабини бўлиб туришган бўлса, уларни психология тилида гурух эмас, агрегация (оломон) деб аташади. Ҳакикий гурух учун ўша одамларнинг барчасига алокадор умумий фаолият ва ҳамкорлик килиш, бир-бирларига таъсир кўрсатиш имконияти бўлиши керак. Америкалик психолог Ч.Кули ҳамкорликнинг даражаси мезонига қўра, гурухларни бирламчи ва иккиламчи турларга бўлиб

9-жадвал

Кичик грухлларнииг турла Шартли (номинал)	
Реал (характеристика)	
Табиий	Лаборатория турли
Формал (расмий)	Ноформал (норасмий)
Кучсиз ривожланган	Кучли ривожланган
Корпорация	Жамоалар
Референт	Нореферент

ўрганишни таклиф этган эди. Бирламчи гурухда шахслараро ўзаро таъсир "юзма-юз, бевосита" рўй беради. Масалан, оила даврасидаги, синфдаги, хисобчилар хонасида ўтирганлар бирламчи гурухга мисол.

Иккиламчи гурухларда ҳар доим ҳам одамларнинг бевосита мuloқотда бўлиш имкониятлари бўлмайди. Улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро таъсир билвосита бўлади. Масалан, йирик бир ташкилотдаги тизимлар орқали мuloқот, касаба уюшмасига бирлашган одамлар иккиламчи гурухга мисол. Уларда ҳам умумийлик бўлади. Масалан, ўша партияни оладиган бўлсақ, улар Қашқадарёда бўладими, Фарғонадами, барибир умумий юя агрофида бирлашади. Аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришади. Сайлов олди компанияларида бир-бирларини кўллаб-куватлаб турадилар.

Кўпинча, гурухларни расмий ва норасмий турларга ҳам бўлиб ўрганишади. Расмий гурухдаги муносабатлар расмий нормалар ва хукуқ бурчлар тизими билан белгиланган бўлади. Масалан, гурухда боштиқ билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни таъминловчи гурух расмий бўлса, норасмий ички, бевосита психологик муносабатларни таъминловчи гурух ҳисобланади. Масалан, дўстлар гурухи ёки талабалар гурухидаги барча кизларнинг танаффус пайтидаги мuloқот гурухи.

Турли гурухлар инсон хаётида бир неча вазифаларни бажарадилар: а) ижтимоийлаштирувчи вазифа; б) инструментал, яни аниқ меҳнат вазифаларини амалга оширишга имкон берувчи мухит; в) экспрессив – одамларнинг ўзгаларнинг тан олишлари,

хурматга сазовор бўлиш, ишонч қозонишини таъминлаш; г) кўллаб-куватлаш, яни кийин пайтларда, муаммолар пайдо бўлганда одамларни бирлаштириш вазифаси.

П. С. Немов кичик ижтимоий гурухларнинг қуидаги таснифини таклиф этган (9-жадвал).

Гурух ўлчамлари ва унинг тизими. Гурухлар улардаги одамлар сонига қўра, катта ва кичик гурухларга бўлинади. Психологияда кўпроқ кичик гурухлар ўрганилади. Уни неча киши ташкил этиши, неча киши хамкорликлиги кўпроқ самара бериши масаласи амалий аҳамиятга эга. Кўпчилик олимлар гурухнинг бошланғич нуктаси сифатида микдор жихатдан икки кишини – диадани тан олишади. Поляк олими Ян Шенњский бунга қўшилмаса-да (унинг фикрича, камида уч киши – триададан бошланади), ҳар қалай диада ўзига хос уюзма сифатида тан олинган. Масалан, янги оила қуриб, бирга яшаётган кишилар, севишганлар, икки дўст ўзига хос кичик гурух. Ҳар қандай кичик гурухга хос сифат шуки, унинг аъзолари бир-бирлари билан бевосита мулокотга киришиш, "юзма-юз" бўлиш имкониятига эга бўлади. Ҳар бир киши учун шу гурух жуда аҳамиятли бўлиб, унинг меъёrlарига ўзи хоҳлаб-хоҳламай бўйсuna бошлайди. Кичик гурухнинг чегараси масаласи ҳам кўп мухокама килинади.

Г.М. Андреева бу чегарани 12 – 15 нафар киши деб ҳисобласа, американлик Морено ўз вактида бу чегарани 30–40 нафарга-ча сурган эди. Лекин бизнингча, улиш юкори чегараси неча киши бўлишидан қатъи назар, ўзаро бевосита мулокот имкониятини бериши ва ҳар бир аъзо бир-бирига таъсир кўрсата олиши керак.

Ҳар бири ўзига хос психологик тизимга ҳам эга. Уни ташкил этувчи элементлар нисбатан барқарор бўлиб, улар гурух аъзолари хулқ-атворини мувофиқлаштириб туради. Энг аввало, гурухнинг максадини ажратиш керак. Максад одамларни жамоа меҳнати атрофида уюштириб, бирлаштирувчи психологик элемент. Масалан, барча талабаларнинг мақсади бу ўқиш, профессионал малака орттириб, мутахассис бўлиб этишиш.

Гурухнинг автономлиги даражаси ҳам маълум аҳамиятга эга омил, чунки ҳар бир аъзо умумий мақсад асосида бирлашган бўлса ҳам уларнинг ҳар бирининг ўз вазифалари бор ҳамда шу нуктаи назардан ҳар одам ўз имкониятларини ўзича ишга солиб, ўзаро муносабатларга сабаб бўлади.

Гурухнинг психологияк тизимга таъсир этувчи омилларига яна уларнинг жинси, ёши, маълумоти ва малакаси нуктаи назаридан фарқ қилувчи ва уйғунликни ташкил этувчи омиллар ҳам киради.

Гурухнинг ўшганлиги динамик кўрсаткичлардан бўлиб, шу нуктаи назардан ҳар бир гурух бир-биридан фарқ қилади. Масалан, одамлар ҳамкорликда бажараётган ишнинг қизикарли ва хамма учун манфаатли эканлиги, гурух меъёрларининг аъзолар томонидан умуман олганда қабул қилиниши, қадриятлар тизимини тасаввур қилишдаги фикрлар мослиги ўюнқоқликнинг мезонлари.

Гурухнинг тизими яна унинг катта-кичиклигига ҳам боғлик. Масалан, 5–10 нафар кишидан иборат гурухдаги муносабатлар яхшироқ, уйғунроқ ва фаолият самаралироқ хисобланади. Чунки бундай гурухларда норасмий мулокот учун маъкул шароит мавжуд бўлади. Бундай гурухларда "гурухбозлик" деган ишлат ҳам бўлмайди. Гурухнинг ҳажми ортиб борган сари уларда расмиятчилик, расмий юзаки муносабатлар кўпаяди ва бу одамлар ўртасидаги инсоний муносабатларда ўз аксини топади.

Жамоаларда психологик ўзаро мослиқ. Гурух ҳайти ва ундағи аъзоларнинг ўзларини яхши ҳис қилишлари кўп жихатдан уларнинг ҳамкорликда ишлай олишлари ва бир-бирларида ижобий муносабатда бўла олишларига боғлик. Бу ҳодисани тушунтириш учун психологияяда психологик мослиқ тушунчаси мавжуд. Психологияк мослиқ деганда гурух аъзолари сифатлари ва қарашларининг айнанлиги эмас, балки улар айрим сифатларининг мос келиши, тафовут қилиши назарда тутилади. Мосликтининг мезони сифатида Н.Обозов қуйидагиларни ажратди: а) фаолият на-

тижалари; б) аъзоларнинг сарфлаган энергиялари; в) фаолиятдан қониқиши.

Икки хил ўзаро мослик фарқланади: психофизиологик ва ижтимоий психологик. *Биринчи* ҳолатда фаолият жараёнида одамларнинг бир хил ва мос тарзда харакат кила олишлари, реакциялар мослиги, иш ритми ва темпидағи үйғунликлар назарда тутилса, *иккинчисида* ижтимоий қулқындағи мослик – қурилмалар бирлиги, эхтиёж ва қизиқишилар, қарашлардаги монандлик, йўналишилар бирлиги назарда тутилади. Биринчи хил мослик кўпроқ конвейер услубида ишланадиган саноат корхоналари ходимларида самарали бўлса, бу олий таълим муассасалари профнсор-ўқитувчилари, ижодий касб эгаларида иложи йўқ ва бўлиши мумкин эмас, уларда ижтимоий психологик мосликнинг аҳамияти катта.

Ўтказилган тадқиқотлар психологик мосликнинг кўплаб киралари бўлиши мумкинлигини исбот қилди. Унутмаслик керакки, қайси фаолият ва унинг мақсади одамларни бирлаштирган бўлса, ўша мақсадни идрок килиш ва биргаликда англаш истагида үйғунликнинг бўлиши катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Гурухий қарорлар қабул килишида ўзаро таъсир масаласи. Гурухда одамларнинг бир-бирларини ёқтиришилари ёки аксинча, инкор килишилари кўпинча, турли хил қарорлар қабул килиш жараёнида рўй беради. Гурухий қарорлар қабул қилиш индивидуал қарорлар қабул килиш жараёнидан фарқ қилмайди. Иккаласида ҳам аввал муаммо аникланади, маълумотлар тўпланади, бир нечта таклифлар илгари сурилади ва ниҳоят, энг маъқули қабул килинади. Лекин гурухда бу жараён бир оз бошқачароқ кечади ва низолар кўпинча, айнан шу жараён билан боғлиқ бўлади.

Америкалик психолог Т. Митчеллнинг фикрича, ўзаро таъсир гурух шароитида куйидаги омиллар воситасида рўй беради: 1) айрим аъзолар бошқаларига нисбатан кўпроқ гапиришга мойил бўладилар; 2) юқорироқ мавқега эга бўлган шахслар

каорлар чиқариш жараёнида ҳам бошқаларга тазик ўтказишади; 3) гурухда кўп вакт ўзаро фикрлардаги келишмовчиликларнинг олдини олишга кетиб қолади; 4) гурухда айрим одамлар таъсирида асосий мақсаддан четлаш ва мақсадга номуво-фик каорлар қабул қилиш ҳоллари кузатилади; 5) барча аъзолар ўзлари сезмаган ҳолда конформлийкка берилишлари ва гурух таъсирига тушиб қоладилар. Шунинг учун ҳам баъзан мажлисни олиб борувчи раис кун тартибини эълон қилган бўлсада, ундан чалғиб кетиши ва ўринсиз каорлар қабул қилиши мумкин.

Лекин гурухий каорлар қабул қилиш жараёнининг энг катта ижобий томони шундаки, унда кўплаб фикрлар туғилади ва ўргага ташланади. Бу фикрлар шундай шароит яратадики, охир оқибатда, алоҳида индивидуал фикрлардан бир оз бўлса-да, фарж қиладиган янги фикр пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам раҳбарлик санъати кўлчилик фикрига таянган ҳолда охирида энг маъкул қарорга кела олиш. Лекин салбий томони шундаки, гурухий музокара ва каорлар қабул қилиш жараёни баъзи аъзоларда локайдлик ("Менга нима, улар гапиришмаяпти-ку"), ташаббус-сизлик ("Барибир менини қабул қилинмайди, гапириб нима қилдим?") илиятларни ҳам пайдо қилиши мумкин. Бу ўша мухитда айрим одамлар фикри доимо кўллаб-қувватланган, айрим одамларга зътибор, имтиёз берилган шароитларда раҳбарнинг айби билан рўй беради.

Хоффман ўз экспериментларида гурухий каорлар қабул қилишга гурухнинг таркиби таъсир қилиш мумкинligини исбот қилган. Унинг фикрича, яхши, сифатли, ижобий фикрлар ва каорлар гурух таркиби ҳар хил (гетероген таркиб) бўлган шароитларда унинг таркиби бир хил (гомоген) бўлгандан анча кўп ва сифатли бўлади. Гомоген гурухларда (масалан, тахминан бир хил ўзлаштирадиган талабалар гурухи) каорлар қабул қилиш мобайнида келишмовчиликларнинг кам бўлиши ва каорлар тезда қабул қилиниши аниқланган.

Ҳар қандай қарорлар қабул қилиш жараёни психологик жиҳатдан таваккалчиликка асосланиши ҳам исботланган. Лекин таваккалчилик даражаси гурух шароитида индивидуал ҳолатдагидан анча паст бўлар экан. Ўртача гурух аъзосининг бу ўриндаги фикри: "Таваккал шу гапни айтайчи, номаъкул бўлса, гурух бор-ку, улар мазъуллашган-ку?". Демак, гурух шароитида қабул қилинган ҳар қандай қарор моҳияттан ижтимоий характерли бўлиб, унинг тўғри ва фойдали, натижали бўлишида раҳбарнинг роли катта бўлади.

Гуруҳдаги психологик мухит ва уни ўрганиш. Гурух ва жомаалар тўғрисида гап кетгандга, кўпинча унинг "маънавий мухити", "психологик мухити" деган иборалар ишлатилади. Чунки бу нарса ўша ердаги ишнинг яхшилиги, фаолиятнинг самараси билан боғланади. Ижтимоий психологик мухит деганда, биз ўша гурухнинг аъзолари фикрлари, хиссиётлари, дунёкараши, курилмалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллектуал ҳолатни тушунамиз. Бу ўриндаги асосий омил – бу аъзоларнинг ўзаро муносабатлари. Маълумки, ўзаро муносабатлар иш юзасидан, фаолият максадлари ва мазмуни билан ҳамда бевосита бир-бирларини ёқтириш-ёқтирасликка асосланган инсоний эмоционал хиссиётлар кўринишида бўлиши мумкин. Профессионал фаолиятни бажариш жараёнида, биринчидан навбатда, муносабатлар устувор бўлиб, иккинчиларининг характери биринчисидан келиб чикади. Дўстлар тўпланган даврадаги мухит эса аксинча, бевосита симпатияларга таянади.

Ижтимоий психологияда ана шундай психологик мухитни ўрганишга катта эътибор берилади. Энг кенг тарқалган услублардан бири социометрия бўлиб, унинг асосчиси америкалик олим Жон Морено хисобланади. Социометрия лотинча "societas" – жамият, ва "metreo" – ўлчайман сўзларидан олинган бўлиб, гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўлчашга картилган техника. Назарий социометрия Жон Моренонинг фикрича, жамиятдаги барча низолар, муаммоларни ечишнинг услубларидан бири – инсонлар ўртасидаги муносабатларни ўрга-

тиш ва шунга кўра жамиятда ўзгаришларни амалга ошириш керак, деган foяга асосланади. Амалда эса ҳар бир жамоаларда маҳсус социометрик сўровлар ўтказилади ва унинг натижалари таъкилий жараёнларда инобатга олинади.

Лекин охирги пайтларда социометрияга назар ўзгарган, унинг юзлаб турлари ишлаб чикилди. Ахамиятлиси шуки, уни, ҳакиқатан ҳам, гуруҳдаги маънавий-психологик мухитта таъсир этувчи эмоционал муносабатларни аниqlашда мутахассис томонидан ишлатиш мумкин. Бунда ҳар бир гурух аъзоси танлов шароитида солинади, яъни у ёки бу вазиятда ёки фаолиятни бажаришда ўзига ёқсан (ёкмаган ҳам) шеригини гурухдошлири орасидан танлаши керак. Масалан, мактаб ўқувчиларига "Ким билан бирга дарс тайёрлашни хоҳлардинг?", "Ким билан мактаб ер участкасидаги ҳашарда ёнма-ён туриб ишлашни истардинг?", меҳнат жамоаларида эса "Бошлиқ томонидан берилган мухим топширикни икки киши бажариши керак бўлса, шерикликка кимни олган бўлардинг?", талабаларга "Хорижга ўқишга юборишига, гурухдошлардан кимлар сенга шерик бўлишини истайсан?" каби саволлар билан мурожаат қилинади. Сўров аноним бўлиб, ҳар бир иштирокчи 3 – 5 тагача танлаш ҳукукига эга бўлади. Натижалар жадвалга солиниб, кайта ишланади, ҳаттоқи, график тарзида чизилади. Куйида меҳнат жамоасида кўлланилиши мумкин бўлган социометрик тестдан бири ҳавола этилган.

Тест учун куйидаги саволларни таклиф этиш мумкин:

I. Гурухингиздаги одамлар орасидан бевосита у билан ишлашни хоҳлаган уч кишининг номини ёзинг:

- 1.
- 2.
- 3.

II. Сиз билан бирга ишлайдиган ҳамкасларингиздан кимлар билан бирга бўш вақtingизни ўтказишни хоҳлардингиз (уч киши)?

- 1.
- 2.
- 3.

III. Ҳамкасбларинің издан ўз ишини зўр маҳорат билан бажарадиган уч кишининг номини ёзинг:

- 1.
- 2.
- 3.

Тажриба гурухдаги одамлар бир-бирларини яхши билган тақдирдагина ўтказилади. Маълумотларни қайта ишлаш хар бир ходимнинг тўплаган танловларини синаш ва таҳлил қилишга асосланади. Улар асосида гурухдаги (етакчи) ва (етакчи)лик стилини аниклаш мумкин.

Социометрия корхона таркибида кадрлар захирасини шакллантириш, хар бир ходим рейтингини аниклаш орқали уларда лидерлик сифатларининг борлигини ўрганишга имкон беради. Бу услубни психолог ўтказгани маъкул.

Психология кичик гурухлардан ташқари катта ижтимоий гурухларни ҳам ўрганади. Катта грухлар бошқа тоифадагилардан миқдор кўрсаткичи бўйича фарқ килади. Катта гурухлар уюшган (синфлар, миллатлар, халқлар, катта жамоалар ва бошк.) ёки уюшмаган (оломон, намойишчилар гурухи каби) бўлиши мумкин. Катта гурухлар психологияда нисбатан кам ўрганилган бўлиб, бу нарса методологик муаммолар билан бўғлиқ. Лекин уларнинг орасида миллатлар психологияси ёки бошқача килиб айтганда, этнопсихология кўпроқ ўрганилган.

Этнопсихологиянинг асосий мақсади, халқлар ва миллатлар психологиясидаги ўзига хосликни ўрганиш орқали хар бир шахсда, бир томондан, ўз миллатига нисбатан хурмат, унинг маданиятини эъзозлаш ҳиссини тарбиялаш бўлса, иккинчи томондан, ўзга миллатлар психологиясини ўрганиши орқали улар этномаданиятини ҳам билиш ва хурмат қилишга ўргатиш. Бу нарса шахсдаги этноцентризмнинг олдини олади ва миллатпарварлик психологиясининг тўғри шакланишига имкон беради.

Этноцентризм – бу ўз миллатига хос хусусиятларни факат ижобий деб эътироф этиш орқали ўзгалар миллий хусусиятларни менсимаслик. Мустакил Ўзбекистонда амалга оширилаётган мухим мафкуравий ишлардан бири ўзга миллатларга нисбатан толерантлилик, яъни инсоний бағрикенглик психологиясини шакллантириш бўлиб, бу миллатлараро дўстликни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Демак, этноцентризм ва миллатпарварлик бир қараашда бир-бирига яқин тушунчага ўхшайди. Лекин аслида миллатпарварлик ижобий сифат бўлиб, юрт ва миллат равнакига хизмат қиласа, иккинчлиси салбий бўлиб, миллий адоватларга асос бўлиши мумкин. Шундай қилиб, мафкуравий тарбиянинг мухим йўналишларидан бири ёшларда байналминалчилик ва миллатпарварлик хислатларини тарбиялаш ва этноцентризмнинг олдини олиш бўлмоғи лозим.

Таянч сўз иборалари

Референт гурух, агрегация, расмий, норасмий гурух, уюшганлик, психологик мослик, социометрия, катта гурухлар, этноцентризм.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛ ЛАР

1. Шахс ва гурух муаммоси нима? Гурухлар таснифи мазмуни нима?
2. Гурух ва жамоаларнинг психологик хусусиятлари нимадан иборат?
3. Гурухларда хулк меъёрлари ва қадриятларнинг шаклланишини қандай тушунасиз?
4. Гурухлардаги динамик жараёнлар нимадан иборат?
5. Ижтимоий психологик ўзаро мослик ва унинг мезонларини қандай тушунасиз?

6. Социометрик техника ва уни амалиётда қўллашнинг мөхияти нима?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Андреена Г.М. Социальная психология. Учебник. – М., 1998.
2. Аникеева Н.П. Жамоалардаги психологик мухит. – Т., 1992.
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Т., 1994.
4. Климов Е.А. Психология профессионала. – М., 1996.
5. Маэрс Д. Социальная психология. – СПб., 1997.
6. Моргунов П.В. Личность и организация. Конспекты по психологии. – М., 1996.
7. Немов Р.С. Психология. Кн.1. – М., 1994.
8. Прикладная социальная психология. – М., 1999.
9. Прикладная психодиагностика. – М., 1999.
10. Психология. Учебник. Под ред. Л.Крилова. – М., 1998.
11. Ядов В.А. Социальная идентичность личности. – М., 1994.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. – Т., 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
4. Каримов И.А. "Туркистон" газетаси мухбириининг саволларига жавоблари. 1999 йил, 3 февраль.
5. Каримов И.А. "Миллий мафкурамиз, миллатни миллат, халқни халқ қилишга хизмат қилсин". – Т.: Тафаккур. 1998. 2-сон.
6. Каримов И. А. Буюк келажак сари. – Т., 1998.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., 1998.
8. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т., 1994.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни

- чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995.
10. Каримов И.А. "Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иро-
дасига ишонаман". – Т., 2000.
11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истикрол ва тараққиёт
йўли. – Т., 1999.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги
Қонуни. – Т., 1997.
13. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш Мил-
лий дастури". – Т., 1997.
14. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактаблари Концепци-
яси. – Т., 1992.
15. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 1992.
16. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1996.
17. Беруний. Рухият ва таълим-тарбия хақида. – Т., 1992.
18. Иброҳимов А. (хаммуаллиф). Ватан туйғуси. – Т., 1997.
19. Кайковус. Қобуснома. – Т., 1994.
20. Мунавваров А. К. Педагогика. – Т., 1996.
21. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини
шакллантириш. – Т., 1993.
22. Мусурмонова О. Оила фаровонлиги – жамият тараққиё-
ти мезони. //Халқ таълими. 1998. 6-сон.
23. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.; Фан, 1994.
24. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. Т., 1983.
25. Турсунов И., Нишоналиев У. Педагогика курси. – Т., 1996.
26. Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар
тайёрлаш муаммолари. //Таълим -тарбия. 1997. 6-сон.
27. Одоб бўстони – ахлоқ гулистони. – Т., 1994.
28. Педагогика. (Т. А. Ильина таҳрири остида). Ўкув қўллан-
ма. – М., 1984.
29. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. – Т., 1979.
30. Педагогика. Ўкув қўлланма. – Т., 1996.
31. Педагогика. Курс лекции. – М., 1984.
32. Тошмуродова Қ. Таълим-тарбияни режалаштириш хусу-

сиятлари. –Т., 1993.

33. Ёдгоров Р. Оила тарбиясида отанинг ўрни. ТошДУ тўплами. 1996.

34. Узоков X., Фозиев Э., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. –Т., 1992.

35. Ўзбек педагогикаси тарихи (қўлланма). Проф. А Зуннунов таҳрири остида. –Т., 1997.

36. Ўзбегим. Ватан сериясидан. – Т., 1992.

37. Файбуллаев Н. Р. ва бошк. Педагогика. Университетлар учун дастур. –Т., 1996.

38. Файбуллаев Н. Р. Таълим-тарбиянинг амалий йўналиши. –Т., 1986.

39. Файбуллаев Н. Р. Баркамоллик, маҳсулдорлик-тараққиёт калити. –Т., 1995.

40. Файбуллаев Н. Р. Аджи-Асманов Р., Шарапов Ш. Педагогика – реформические пути совершенствование подготовки будущих специалистов в ВУЗе. – Т., 1991.

41. Фозиев Э. Психология. Ўқув қўлланма. –Т., 1994.

42. Фозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т., 1990.

43. Фозиев Э. Педагогик психология асослари. – Т., 1997.

44. Файбуллаев Н. Р., Ёдгоров Р., Ждаркин Л. П., Тошмуродова К., Маматкулова Р., Ахророва З., Рўзиматов Э. Ижтимоий ислоҳотлар ва таълим-тарбия. – Т., 1995.

45. Воспитание и развитие детей в процессе обучения. – М., 1981.

46. Юсупов Э. Маънвият асослари – Т., 1998.

47. Браймон С. Общество и образование. – М., 1989.

48. Франк В. Человек в поисках смысла. – М., 1990.

49. Соколова Я. и др. Методология и методы педагогического исследования. – М., 1989.

50. Қаюмов А. Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино. – Т., 1987.

**Ю.Ф. МАҲМУДОВ, Х.Ж.ХУДОЙҚУЛОВ,
Э.Ж.ХОЛМИРЗАЕВ, З.Ж.ХОЛМИРЗАЕВ**

**ПЕДАГОГИКА
ВА
ПСИХОЛОГИЯ**

Муҳаррир: С. Бадалбоева
Техник муҳаррир: Ш. Ҳошимов
Дизайнер: И. Болтаев
Оператор: Н. Муҳиддинова
Мусаҳҳих: С. Солиева

Теришга берилди 10. 03. 2011. Босишга рухсат этилди
18. 05. 2011. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Vintec Times UZ
гарнитурасида чоп этилди. Шартли босма табоги 14,75.
Нашр босма табоги 14,5. Адади 1000 нусха. Буюртма №13.

Нашриёт лицензияси: АI №183. 08.12.10.

*«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида
оффсет усулида чоп этилди.
100100 Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22-йй.*

44.000 73

17240

6600-00

ISBN 978-9943-20-013-5



9 789943 20 01 3 5

«DIZAIN - PRESS»